

Азамат ҚОРЖОВОВ

**МАРҲУМ  
КЕЛИНИНИГ  
ХИЁНАТИ**

*Мистик ҳикоялар*

«Sano-standart» нашриёти  
Тошкент – 2016

**УЎК: 821.512.133-312.2**

**КБК: 84(5Ў)6**

**Қ 59**

**Азамат ҚОРЖОВОВ**

**Марҳум келиннинг хиёнати/мистик ҳикоялар: –**

**Т.: «Sano-standart» нашриёти, 2016-йил. – 288 бет.**

*Инсон умри давомида гоҳ реал ҳаётда, гоҳ китобларда кўлаб жиноят жумбоқларига, сирли воқеаларга дуч келади, оғиздан оғизга кўчиб юрган гаройиб ҳодисаларни эшитади. Дунё халқлари адабиётида мавжуд бўлгани каби ўзбек адабиётида ҳам мистика жанридаги ҳикоялар яратилаётгани бежиз эмас. Зеро, ҳаётнинг ўзи сирларга тўла ва у ҳамини ёзувчини ёзишга ундайди. Гарчи мистика жанрида қисқа ҳикоя ёзиш осон бўлмаса-да, шунингдек, ислом дини қадриятлари устувор элларда мистика йўналишида қалам тебратишининг ўзига хос меъёрларига риоя қилиш зарур эса-да, талаб доирасида янги-янги асарлар ёзилмоқда.*

*Азамат Қоржововнинг қўлингиздаги мистика жанридаги ҳикоялар тўплами Сиз – азиз китобхонда катта қизиқиш уйғотади деган умиддамиз.*

**Тақризчи:**

**Абдумурод Тилавов,**

*филология фанлари номзоди, доцент*

**УЎК: 821.512.133-312.2**

**КБК: 84(5Ў)6**

**ISBN 978-9943-4740-3-1**

© «Sano-standart» нашриёти, 2016

© «Азамат ҚОРЖОВОВ», 2016

## МАРҲУМ КЕЛИННИНГ ХИЁНАТИ

Келини ўладиган бўлди. Тонг-сахарда булок бошига тушиб, икки челақ сув ташиб, катта қозонга қуйибди. Қозон кечқурун сувга тўлиб турганини Рифат бобо ўз кўзи билан кўрганди, нима дейишни билмай гарангсиди.

– Тайёргарликни кўраверинглар, – деди оқ «Дамас»да келган шифокор, – барибир одам бўлмайди, бова.

Кейин қўшни хотинларга бир-бир караб чикди. Оёғига кияётиб, инқиллаш аралаш гап котди:

– Бола-чакасининг ҳузурини кўрмади, кампири қазо қилгани етмагандай якка-ю ёлғиз фарзанди бевақт кетди. Ёлғиз шу келинига суяниб қолганди, бояқиш бовам.

Келин ўлди. Одамлар хона ўртасида оқ сурпга ўралиб ётган Зийнатга эмас, Рифат бобога ачина бошлашди. Гўё келиннинг ўлими оддий ҳодисадек унда-бунда тилга олиб қўйишарди, холос.

Бобога яшаш огир ботди. Уйда ёлғиз нима қилади? Келини Зийнатнинг остонага қадам босганига бугун ўн йил тўлган экан. Ҳисоблайверса, қора кунлар лоп этиб чиқаверди: раҳматли кампирининг ўлганига тўққиз, ўғлининг ҳалокатига икки йил...

Тобут енгил кўтарилмади. Бирварақайига олти чоғли одам билакларини ишга солганида, бир ёнга

хиёл оғиб, шошириб кўйди. Оломоннинг охирги чопони кўздан йўқолгач, уй орқасида мунғайиб ўтирган чоллардан бири келиннинг ўлими хақида сўради.

– Азонда булоқдан сув олиб қайтаётса, кимдир чақиргандек бўлибди, – хассасига тикилиб сўзлади бобо. – Бунча жон куйдирма, тонг ёришганда ташийсан сувни, деб тайинлагандим. Қулоқ солмади. Баҳромжон ўлгандан бери юраги чатоқ бўлиб қолувди бояқишнинг. Сувни қозонга ағдарди-ю хонасига кирган кўйи чиқмади. Ҳеч бундай ётмас эди, томоқ кирдим, йўталдим, охири отини айтиб чақирдим.

– Ярим кеча туман тушиб эди, тонг қоронғисида булоқ бошига боришга эркакнинг юраги бетламайди-ёв, бекор қилибди-да, – деди кўса чол. – Қўрққанидан мияга қон қуйилган, ўзи айтибди-ку, биров чақиргандай бўлди, деб.

– Биров чақиргандай туюлса туюлгандир, Маматбой, – эътироз билдирди дўппили, зиёлинамо ўртоғи. – Гап бунда эмас. Зийнат келин жуда садоқатли чиқди. Ёш, бунинг устига ўртада бола йўқ эди, шунда ҳам Баҳромжоннинг уйидан кетмади. Кампири билан ўғли бевақт ўтган бўлса ҳам дўстимиз Рифатжон яхши яшаётганди, аттанг...

Чекка улус оқсоқоллари ҳам келиннинг вафодорлигини эшитиб, куйиндилар. Нима ҳам қилсин бечора Рифат бобо, чидайди-да.

Чоллар каторида ўтирган бир одамгина нимадандир мамнун эканини Рифат бобо сал кечроқ, яъники кетишни ҳам, кетмасликни ҳам билмай безовталанганда пайқади. Бу – қўшниси Алижон эди. Эркалар мазоротга жўнашди, нега у бормади экан? Кўзлари кулиб тургани камдек ҳар замонда оёқ учини кўтариб-туширади, нима бало, ичида патефон айланаяптими?

Алижоннинг хотини тез-тез аразлаб қолар эди. Ўртада икки боласи сарсон. Зийнат эса на боласи, на эри бўлса ҳам энамнинг уйи, демади. Бир марта нолимади-я гўринг нурга тўлгур. Туриб-туриб Рифат бобо шу одамдан келинини рашк қилди. Эрка одам Зийнатнинг ҳусн-малоҳати қаршисида кесак бўлмагани аниқ. Ҳа, келини кун-кун ора чиқиб турарди қўшнисиникига. Бирда Алижоннинг хотини бўлган, бирда бўлмаган.

Рифат бобонинг кўкси куйиб, «воҳ» деб юбораёзди. Аммо дарров аҳмоқона рашкни қарғаб, ўзини тентакка олди. Эртасига азонлаб булоқ бошига тушди. Келинини чакирган жиннинг овозини эшитмоқчи, «Кучингни менга кўрсатсанг бўлмасмиди?» деб гаплашиб қўймоқчи эди. У ёққа-бу ёққа тентираб, ҳоли колмагач, бир дўнгликка ўтирди. Туман ҳам туманга ўхшамас, тутун эди, иси бор. Худди бир нима куяётгандек.

Тонг ҳеч отавермагач, бобо тиззаларига таяниб ўрнидан турмоққа чоғланди. Шу пайт аллақадан кулги эшитилди. Юраги гупиллаб ура бошлаган бобо дам ўнгга, дам чапга аланглади. Кимса йўқ. Яхшилаб кулоқ солса, кулги шундоққина дўнглик орқасидан келаяпти. Ортга бурилаётиб йиқилиб тушди, аммо бўш келмади: кулги соҳибасини кўргунча судралиб бўлса-да, бораверди. Туман пардаси сирилиб, оқиш рўмолга кўзи тушди. Не тонгки, бу келини Зийнат эди. Бароқ кошларини чимириб, вужудини кўзга айлантирди ва... даҳшатдан, йўқ-йўқ, ундан ҳам баттари номусу ордан тош қотди. Не тонгки, келини қўшни эркакнинг – жанозада рашкини қўзғатган Алижоннинг ёнида эркаланиб ётарди. Бобо инграб юборди.

– Ҳеч бўлмаса, маърака ўтсин, – деди Зийнат.

– Мингинчи марта қўйвордим, қайтиб келмасидан сенга уйланаман. Икки йилдан бери меникисан-ку, яна нима керак сенга?

– Одамлардан уяламан.

– Қўйсанг-чи, Зийнат, муҳаббатнинг уяти йўқ. Ажрашган эркак эрсиз жувонни хотинликка олса, бунинг на уяти, на гуноҳи бор. Фақат яширинча учрашиб юрганимиз, мен учун эрингнинг уйдан кетмаганинг, қўшни эканлигимиз қишлоқнинг бир оз ғайирлигини келтиради, холос. Сал ўтмай унутиб юборишади, ҳаммаси из-изига тушиб кетади.

Рифат бобо қалт-қалт титраб, бир муддат ерга бовур босиб ётди, сўнг бир амаллаб изига қайтди.

Келинининг хиёнаткорлиги етти ухлаб тушига кирмаганди. Ҳеч бўлмаса, қайнотам нима дейди, демади-я!

Тўсатдан бобо таққа тўхтади. Ахир, бу нимаси? Келини кеча ўлди-ку! Ўзи ҳам айтди, маърака ўтсин, деб. Мияси суйилган чол туш кўраётганми-кан?

– Лекин, – деди чол ўзига-ўзи, – иккови ўғлим ўлганидан бери ошиқ-маъшук экан... Йўк, бунга индамай кетолмайман!..

Ғазабнок қиёфага кириб, ҳассасини зарбли-зарбли уриб, дўнгликка чиқди. Яна икки қадам ташлади-ю ҳозиргина келини ва Алижон ётган жой бўмбўш эканини кўрди. Кимдир кеча олов ёққан бўлса керак, кўрдан охиста тутун кўтариларди.

– Зийнат! Али!.. Ҳў-ўв... – Бобо бор овози билан чақирди. Унга жавоб берадиган ҳеч ким йўк эди, ҳеч ким қалб жароҳатига малҳам бўлолмасди.

\* \* \*

Алижонни ўддириб қўядиган шашти бор эди. Қўшнисини ҳеч қаердан тополмай, уйига қайтди-да, тўшагига чўзилди. Бу не кўргилик, деб шифтга термулиб ётди. Икки йил ичида келинининг хиёнатини сезмабди.

Оқсоқолга воқеани айтишга жазм этган эди, тили бормаслигига амин бўлиб, фикридан қайтди.

Йўлдан оздирувчи инс-жинслар Зийнат ва Али қиёфасига кириб, ўйнашган бўлишлари ҳам эҳтимол эди. Ўйлаб олишга вақт бор, ўтган йилларни, ойларни, кунларни, ҳаттоки баъзи сонияларни ҳам эсламоққа уринди. Эҳ, хом сут эмган банда! Қозондаги сув ўтган тунда қаёққа ғойиб бўлди? Шу касофат қозонни тўлатаман, деб ўлиб кетмадими Зийнат?

Рифат бобо ўчоқ бошига борди. Ўтинларни, кулни, тоғорани кузатди. Ногоҳон яна Зийнатнинг овози эшитилди:

– Бугун ҳам одамлар келишади, кеча жанозани эшитмаганлар бор. Кечқурун қари кампирлардан бошқа ҳеч ким қолмайди.

– Соддалигини айтмаса, – деди Алижон, – зўр одам эди. Қабристонга бормай, уй орқасида чоллар қаторида ўтирдим. Ишонасанми, Зийнат, худди унинг арвоҳи қараб тургандек туюлди, рости, сескандим.

– Балки тириклигида тушунтирсак, рози бўлармиди?

– Хотиним билан ажрашиб, келинига уйланишимгами? Нималар деяпсан, асалим.

Шармисорлик Рифат бобони уйигача қувиб келган эди. Қаёққа қочишни билмай, ортига чекиндию бехосдан мушукни босиб олди. Биғиллаб юборди мушуги курғур.

– Ошхонада кимдир борми? – сўради Алижон хавотир билан.

Иккиси дупур-дупур юриб, эшикда пайдо бўлишди. Алижон дўппида, Зийнат аза кийимида эди, елкасига оқ рўмолни чиройли қилиб ташлаб олган. Негадир улар Рифат бобога қарамадилар.

\* \* \*

Ўғли ҳовлида гурс-гурс ўтин ёрарди. Кампири урчук йигириб ўтирибди, атрофида оппоқ капталар чарх урмоқда.

– Келинг, бобой, – деди аллақачон вафот этган кампири. – Сизни кутиб зерикканимдан урчук йигираяпман. Баҳромжон ҳам ўтин ёришни соғинган экан, бир эрмак қилай, деб...

– Ота... – Ўғли кучоқ очиб кўришди. – Нега бунча ғамгинсиз? – Кейин Баҳром ерга каради. – Ҳамма нарсанинг жавоби, ҳамма нарсанинг вақт-соати бор, ота...

\* \* \*

Биров у деди, биров бу – Зийнат ва Алижон оила қуришди. Бироқ турмушининг олтинчи ойида (ўшанда киш эди) булоқ бошига тушган Зийнат ҳеч қайтавермагач, эри ахтариб борди. Атроф қипқизил қон, бўри излари.

– Бўрилар ҳам яшаши керак, – деди кўп ўтмай бир муаллим. – Уларнинг ҳам нафси бор.

## БОТҚОҚЛИК ШАРПАСИ

Ўша йили уйланишим керак эди. Тўйга атаб тийрамоҳда иккита тана олдик. Қиш бўйи боқсак, кўкламгача семириб қолади. Бироқ қишнинг охирларида мол сўёлмаслигимизни, оёқлай сотолмаслигимизни хаёлимга ҳам келтирмай Сунбул билан тўй олди учрашувларига чиқиб юрардим. Яқин кунларда даҳшатли ҳодисалар иштирокчисига айланишимни қаёқдан билай.

Қишлоғимиз чекка бир маконда эмас. Бир чакирим наридан катта йўл ўтган, туман маркази машинада ўн дақиқалик масофа. Электр қачон келганини билмайману, аммо газлаштирилганига ҳам қирқ йиллар бўлган. Қишлоқ клубида тез-тез концерт кечалари уюштилади, симёғочлардаги чироклар асфальт кўчаларни беармон ёритади.

Шундай кечаларнинг бирида Сунбул иккимиз яқинлашиб келаётган қишними ёки қишдан кейинги тўйними – қайси бирини интиқ кутаётганимизни сир тутиб, вақтнинг секин ўтиши ҳақида гаплашиб борардик. Кутилмаганда энг чеккадаги симёғоч чироғи лип эти ўчиб, муюлиш зулмат билан қопланди. Қоронғиликка эндигина кирганимизда, Сунбул таққа тўхтади.

– Уйга нариги кўчадан кетайлик, – деди у. – Концертдан сўнг маза қилиб ухламоқчиман. Бу ерда ҳозир нимадандир чўчисам, эрталабгача алоқчалоқ тушлар кўриб чиқаман.

Аниқ биламанки, мен ҳам, Сунбул ҳам жа қоронғилиқдан қўрқадиганлардан эмасмиз. Аммо айнан шу йўл омборхонани айланиб ўтарди. Омборхонанинг нариги томонида эса пастлик бошланган. Ой чиққан тунлари ахлатхонага айланган қиялик, қабристон дўнглиги, илонизи бўлиб оқаётган сой, олисроқда Жунай ботқоқлиги бемалол кўринади. Қиш кунлари бўриларга дуч келиш ҳам мумкин.

Сунбулнинг таклифига кўнмадим. Нариги кўча деганлари кишлоқ ўртасидаги чароғон йўл эди. Вақт алламаҳал бўлиб қолган эса-да, ҳозир клубдан чиққан ёшлар тўда-тўда бўлиб алланималарни баҳслашиб ўтиришгани аниқ. Иккимизни бирга кўрганлар дарров ҳазил қилади, хиринглайди. Оқибатда жанжаллашиб қоламиз.

Симёғоч тагига етганимизда беихтиёр бошимни кўтардим. Чироқ нега ўчганлигини билмоқчи эдимми, эсимда йўқ. Кўзим қандайдир шарпана илғаб, ичим шув этди. Қоп-қора бир махлуқ электр симини ғажимоқда эди. Тобора қоронғилик кўйнига кириб борарканмиз, қизнинг қўлидан маҳкамроқ ушладим. Ниҳоятда кўрқиб кетганимни у билмаслиги керак эди.

– Одам сесканади-я, – деди Сунбул омборхона ортига етганимизда.

– Нимадан сесканасан? – ўзимни хайрон қилиб кўрсатдим. – Ўша кундузги жойлар бўлса! Ер шар шаклида, қуёш нурлари тушмаяпти, холос.

– Хаёлимда симёғоч чироғи устида биров ўтиргандек туюлди, – дея Сунбул орқага қаради.

– Бўлиши мумкин эмас, юрсанг-чи тезроқ, – дедим ва иложи борича симёғочга қарамасликка тиришиб, кизни етаклаб кетдим.

Чарағон жойгача эллик қадамлар бор эди. Ҳали ўн одим ҳам ташламасимиздан олисдан аянчли нола эшитилгандек туюлди. Шу пайт қияликдан бир кимса чиқиб келди. Сунбул «вой» деди-ю пинжимға тикилди. Бу сафар кўрқиб кетганимни яширолмадим. Овозим титраб:

– Ким?.. Кимсиз? – деб сўрадим.

Шарпа бизга яқин келди. Шундагина танидим. Бу ҳамқишлоғимиз Нишон овчи эди. У милтиғини елкасига осиб: «Артистлар кетдимми?» деган кўйи жавобимни ҳам кутмай йўлида давом этди.

– Сойдан ниманинг овози эшитилди? – дедим қизиқсинаб.

Овчи тўхтади.

– Сойдан эмас, ботқоқликдан келди, – деди дағал овозда. – У ёққа тушманглар.

– Худо сақласин, шу паллада-я... – минғирладим мен. Кейин симёғоч тепасидаги маҳлуқни эслаб: – Ўв, Нишон ака, «столпа»га қаранг-чи, бир нарса борга ўхшайди, – дедим.

Сунбул кўлимдан тортса ҳам кутиб турдим. Ҳаял ўтмай овчининг:

– Келинни эхтиёт кил, ука, клёнкадан кўркқан юрагингга ишонавермасин, – дегани кулоғимга чалинди.

– Тентак, – дедим ўзимга-ўзим, – ярим кечаси мозорат оралаб, жарликларни кезади. Бир кун келиб боткокка ботиб ўлади.

Сездим, Сунбул ичида кулиб кўйди.

Эрталаб атайин шу кўчадан юрдим. Қоровул ўчиришни унутган, шекилли, симёғоч чироғи сарғайиб ёниб турарди; на симда, на яқин-атрофда клёнка кўринарди. Ўйлаб кўрсам, кеча умуман шамол ҳам бўлмаган эди.

\* \* \*

Нишон овчи овоз ботқоқликдан эшитилганини айтганида ҳозиргидек таъсирланмаган эдим. Уйга бориб, Жунай ботқоқлиги ҳақидаги эски мишмишни эсладим. Урушдан кейинги йилларда ҳукумат ерларни ўзлаштиришга бел боғлаган дамлар чорвадор аҳолининг кўпчилигини унумдор ерларга кўчиртириб келишади. Қишлоғимиз ҳам ўша йиллари барпо этилган. Одамлар кичик-кичик пахса уйлар, оғилхоналар қуришади. Пахтазорда ишлаш билан бирга кишилар тўртта-бешта мол ҳам асрашарди, албатта. Бу ерда даштдагидек бепоён яйловлар бўлмаса-да, ҳар ҳолда текислашнинг иложи топилмаган дўнгликлар, кўрик ва бўзалоқдан иборат сой бўйи, Жунай ботқоқлиги

атрофидаги кичик ўтлоқлар бор эди. Қишлоқ болалари кун бўйи пастликдаги мазкур маконда мол-қўй боқиб юришарди.

Ботқоқлик катта бир майдон эди. Айтишларича, қадимда унинг ўрнида қўл бўлган эмиш. Кўп йиллар тақво қилган, ҳажга пиёда бориб келган шайхлар зотидан бўлмиш Жунай деган киши кечкурун қўл ёнидан ўтаётиб, гўзал бир қизни кўриб қолади. Атрофда қишлоқ кўринмасди. Жунайнинг фикри бир зум ўзгаради. Қиз билан жуда-жуда гаплашгиси, уйига кузатиб қўйгиси, манзили узоқ бўлса, бир кеча меҳмон қилгиси келади.

Қиз кўзасига сув тўлдираверади, Жунай секин-аста якинлашаверади. «Ҳой қиз» деса ҳам қиз қарамайди. Шунда Жунай қўл чўзади. Еру кўк бирдан ларзага келиб, қиз ғойиб бўлади ва қўлдан одамсимон баҳайбат махлуқ чиқиб, Жунайни тортиб кетади. Тақводордан аянчли ҳайкирикқина қолади. Сув юзаси яна аввалгидек сокин жимирлаб, кип-қизил тусга киради.

Жунай иблис тузоғига тушган эди, аммо унинг ибодатлари ҳам зое кетмайди. Фаришталар қўлни қарғайдилар. Қўл лойқаланиб, барча жонзотлари кирилиб битади. Сўнгра балчикка айланади. Охир-оқибат ўт-ўланлар униб чиқади. Аммо ўтлар ва қўлмақлар ёлғончи эди, билқ-билқ этиб пуфакчалар чиқишидан билсангиз бўлардики, қадам қўйишингиз билан очафотдек ютиб юборади.

Қишлоқ бунёд бўлгач, аҳоли кечқурунлари ботқоқ атрофида кўпам ўралашавермасликни одат қилганди. Кимдир афсонага ишонади, кимдир йўқ. Ҳар ким ўз ҳолини билиб юраверади. Дўнгликлардан бири қабристонга айланди, ўтлоқлардан бирида қўй кўраси қурилди. Йилда бир-икки марта кечаси ботқоқликдан баҳайбат махлуқ чиқармиш, ҳамла қилиш тугул унинг турқини кўрган одам тил тортмай ўлармиш, дерди қариялар.

Ва ниҳоят, кунларнинг бирида (бундан эллик йиллар муқаддам) бир бола мол боқиб юриб, ухлаб қолади. Қандайдир шовқиндан чўчиб уйғонса, қош қорайиб қолган экан. Атрофда ҳеч зоғ кўринмайди. Ўтақаси ёрилаёзган бола қочишга тушади. Шу пайт ботқоқликдан ўкирик эшитилади. Бола янтоққа қоқилиб йиқилади-ю яқинлашиб келаётган баҳайбат яшил махлуққа кўзи тушади. Одам деса одамга, дев деса девга ўхшамас экан. Даҳшатли кўркувдан ҳушини йўқотган бола умр-бод телба бўлиб қолади. Ботқоқликдан чиққан махлуқ ҳақида гапириб-гапириб, ўтган асрнинг саксонинчи йилларида ўзини осиб ўлдиради.

Бугунги қариялар ўша боланинг фожиасига сабаб бўлган ҳодисага ҳам чиппа-чин ишонардилар. Аммо ҳар қандай мишмишнинг ҳовури босилади. Жунай ботқоқлиги ҳақидаги гапларга сафсата деб қарайдиганлар сал кам бутун қишлоқ аҳлини ташкил этарди. Жумладан, мен ҳам ишонмас эдим.

Кузнинг сўнги изғиринли кунларида қўшни қишлоқлик мол дўхтириникидан туз олиб келмоқда эдим. Адашмасам, қайсидир қишлоқда тўй бўлганди.

Сой устига қурилган кўприкда чайқалиб турган Нишон акани кўриб, ёнига шошилдим.

– Эсингиздами, – дедим унга, – қишлоққа концерт келган куни келинингиз билан уйга қайтаётиб, омборхона орқасида сизни учратгандик. Ўзиям зим-зиё эди. Пастликда аллаамбалонинг овози эшитилганда, сиз овоз ботқоқликдан келди, дегандингиз. Наҳотки, ботқоқ махлуқи борлигига ишонсангиз?

– «Ишонсангиз?» деганинг нимаси? – овчи норозилик оҳангида пўнғиллади. – Ахир, чинқирикни эшитдинг-ку. Мен бир кунмас-бир кун уни пақпуқ отаман. Қара, хув ана, ботқоқликнинг бир чети кўриниб турибди. Ундан ҳам нарига диққат қил. Нимани кўраяпсан?

Мен дўнгликнинг қоқ белидан ўтган четан деворни илғадим.

– Яхшимас, – деди Нишон ака, – одамлар ерга тўймай ўтлоғу дўнгликларни ҳам тўсиклар билан ўраб олишяпти. Нега улар тушунмайди-я? Сен бирон мозорни ўз ҳовлингга қўшиб олишни хоҳлармидинг?

– Йўқ.

– Мен овчиман, отам ҳам овчи эди. Биз табиат ва унинг махлуқотларини бошқалардан яхшироқ биламиз. Ука, битта нарсани тушун. Табиат томорқа эмас! Кўрасан, бир фалокат бўлади.

Овчини маст деб ўйладим. Унинг гапи башорат бўлиб чиқди.

\* \* \*

Сойдан илонбалиқ, тангабалиқ ва катта сазанларни овлаш мумкин эди. Ондатралар ҳам кўп бўлиб, ғоза деб аталмиш саватсимон тузоқларда мўйна учун овланарди. Бироқ энг қизиқарли ов тулки ва ўрдакларни отиш эди. Қор қалин ёққан кунларнинг бирида Қосим деган қассоб милтиғини кўтариб ботқоқлик томон кетади...

Ўша куни мен кунжара олиб келиш мақсадида бир фермерникига чана судраб борардим. Ҳали одамлар кўчага чиқишмагани боис қорда яккамдуккам излар кўзга ташланарди. Бир вақт чопиб келаётган уч кишига рўпара бўлдим. Худойназар деган бўлажак қўшним (биз қишлоқ четидан томорқа олганмиз) деди:

– Эшитдингми, Қосим қассоб ботқоқлик ёнида ўлиб ётганмиш.

Уларга қўшилдим. Тизза бўйи қор кечиб, сой бўйига тушдик. Йўл-йўлакай «юраги касал эди», «балки қон босими ошгандир» деб турли тахминлар қилдик.

Ботқоқликка етмасдан, оппоқ қор устида Қосим қассоб узала тушиб ётарди. Милтиғи ва этик изларига қараганда, сўнгги сонияларда у қуролини ташлаб, қочишга уринганди.

– Милтиқ икки марта отилди, аниқ эшитдим, – деди ўликни биринчи бўлиб кўрган йигит. – Лекин бошқа ҳеч кимга кўзим тушмади.

Мурдадан йигирма қадамлар наридан қайтган излардан ҳайратга тушдим: шунчалик бесўнақай эдики, одамники эмаслиги аниқ, ахир, менинг изимдан нақд иккита келади-ку.

Бу излардан ботқоқликка боришга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмади. Ўликни олиб кетаётганимизда шамол турди; қор гоҳ пастдан, гоҳ дўнгликлардан юзга урилиб, кўз очиргани кўймасди.

Ғалати излар ҳақида яна мишмиш тарқалди. Қилдек жойи ҳам лат емаган қассобнинг мурдасини оқсоқоллар экспертизага бердирмади. «Юраги хуруж қилган, ҳар бало деб сандирайверманглар», дейишди улар.

\* \* \*

Қассобнинг ўлимидан кейин гап кўпайди. Мархум ботқоқ махлуқини кўрган, деб ишонч билан гапира бошлашди. «Излар қанақа эди?» дея тўй-маъракаларда мендан ҳам сўраб қолишарди.

Амаким ўн йилдан буён милтиғидан фойдаланмас эди. Илтимос қилгандим, бериб турди. Бир

неча марта овга чикдим, аммо курук қайтдим. Гоҳида Жунай ботқоқлигига ғазаб билан тикилардим, махлуқ чиқиб келса, қоқ миясидан отаман, деб хаёлимдан ўтказардим.

Бироқ бошқа бировни отиб қўйишимга сал қолди... Сунбул билан учрашиб, тўй март ойига режалаштирилганини айтдим. Уйга келиб, негадир уйқум қочди. Кўзим илиндими-йўқми, аллақандай шовқиндан сапчиб турдим. Қасам ичишим мумкинки, одамнинг овози эмасди. Шкафдан милтиқни олиб, ҳовлига чиқдим ва оғилхонанинг очик эшигини кўриб, чолиб бордим. Неча ойлардан бери тўйга атаб семиртираётган бўрдоқилар ҳам, соғин сигир ҳам йўқ эди. Излар сой томонга кетганди. Қабристонга етганимда ой бир лаҳза булутлар ортидан мўралади ва мен олисда моллар қорасини кўриб қолдим. Ўпкам бўғзимга тикилиб югурар эканман, бизни қақшатиб кетаётган ўғриларни қандай отишни ўйлардим.

Моллар Жунай ботқоқлиги томон бурилди. Икки кимсанинг қораси кўринди. Қўлидаги таёкни силкиган четдагисини мўлжаллаб ўқ уздим. Сой бўйи гумбурлаб кетди: бир зум ўзимни йўқотдим. Қарасам, икковиям сойга тушиб нариги қирғоққа сузаяпти.

Яна бир ўқ уздим.

Молларни ўйламабман. Ҳуркиб кетган бўрдоқилар ботқоққа қараб чопди ва бирин-ке-

тин ботиб колишди. Тобора ғарқ бўлаётган моллар бўкирар эди. Нариги кирғокка чикиб олишган ўғриларга карата:

– Ёрдам беринглар!.. Молларим ботиб қолди!.. – деб бакирдим, ёлвордим қанийди кўмаклашса.

Сигирнинг шохидан тортиб, ёнига ётқиздим. Икки бўрдоки эса ғарқ бўлди. Тунги аёзда шаллаббо бўлганимга қарамасдан негадир совуқни сезмасдим.

Шу пайт алахсирадими, ростданми, ботқоқлик ўртасида қаққайиб турган шарпани пайқаб қолдим. У афсонадагидек яшил эмасди, оқиш эди. Милтиғимни қайта ўқлаб, кетма-кет ўқ уздим. Шарпа ботқоқликдан кўтарилаётган туман ичра ғойиб бўлди.

\* \* \*

Тўй келгуси йилга қолдирилди. Сунбулнинг ёнига бормай қўйдим. Кўзларига қандай қарайман? Хўрлигим келиб йиглаб юбормайманми?

Кўкламда Худойназар томорқасига қўшиб сой бўйидан анча ерни симтўсиқ билан айлантириб олди. Ундан қаерим кам деб сайхонлик атрофига устунлар кўмаётган эдим, Нишон овчи келиб қолди.

– Бу ер сенга нега керак? – куйинди у. – Сув чикмаса дарахат унмаса! Табиатни ўз ҳолига қўй, бошқалар ҳам яшасин.

– Эшагимни, сигиримни қўйиб юбораман, юради хеч қаёққа кетмай, – дедим мен.

Овчи бош чайқаб, боткоклик томон жўнади. Худойназарнинг картошкалари етилиб қолгач, дастлаб у кўчиб борди. Кейин чайла куриб, сигир ва эшагимни мен ҳам келтирдим.

Фожа учинчи кеча юз берди. Чайламда милтиғимни тозалаётгандим, Худойназарнинг телбаларча бақир-чақирлиги эшитилди. У картошка жўяклари оралаб қоқиниб-суриниб жон талвасасида қочиб келарди. Милтиғимга «чўчка» ўқ жойлаб, унга пешвоз чиқдим. Қўшним қонга бўялган панжаларини ёйиб:

– Ботқоқ шарпаси!.. Махлук!.. – деб тутила-тутила гапира бошлади. – Ҳожатхонага бордим... Гугурт чақай дедим... Бир вақт бурчакда бир нима пишнайди! Устимга ташланиб қолса бўладими! Яхшиям, ҳали ичкарироқ кирмагандим, ташқарига қочиб чиқишга улгурдим... Уст-боши қон эди!..

Худойназарнинг ерига чопдим, аммо сайхонликдаги қорани кўриб тўхтадим. Эшагим десам, у бунақа ётмасди. Яқинлашиб, қул чирокни тутдим. Ё алҳазар! Эшакнинг калласи узиб олинган, қорни ёрилган, оёқлари синиб, шалвираб қолганди.

Эҳтиёт бўлишим даркорлигини тушуниб, атрофга алангладим. Шу пайт шарпани кўрдим: у сой томон эниб борарди. Отишга қулай вазият ахтариб,

дўнгликни айланиб ўтдим. Шарпа ботқоқликка эмас, сойга қараб юрди. Махлуқнинг гов калласи, баҳайбат гавдаси энди аниқ-тиниқ кўринди. У мен ғоза қўйган жойга борди. Ондатра учун эмас, балиқ тутилар деган умидда куздан бери тузоқни олиб кетмагандим.

Махлуқнинг елкасини мўлжалладим. У ғозага кўлидаги қовундек нарсани тикиштираётган маҳал тепкини босдим. Махлуқ додлаган кўйи сувга кулади. Қирғоққа яқинлашиб, ондатра тузоғига қарадим. Не кўз билан кўрайки, ёнида эшагимнинг қонга бўялган калласи ётарди.

Сал наридан:

– Отма... Бу мен... Нишонман... – деган овоз эшитилди.

Нишон ака қирғоқдаги ўтларни чангаллаб ҳансираб ётарди. Махлуқона либоснинг бир енги ечилиб кетган.

– Агар ростдан ҳам ботқоқ махлуқи бўлганида, – деди у, – сенинг кунинг битарди, ука, чунки жуда ёмон отар экансан. Қара, елка суягимни тирнаб ўтди, холос.

Мен овчини ўтлоққа тортиб чиқардим.

– Ҳаммасини тушунтириб бераман, – дея у лаънати либосни еча бошлади. – Эшагингни ҳам одамларни кўрқитиш учун ўлдирдим. Тўлайман, ука, лекин сендан илтимос, мен эканлигимни ҳеч кимга айтма. Балки сенга тентак бўлиб кўри-

наётгандирман, аммо табиатни томорқага айлан-тираётганларни кўргани кўзим йўқ. Ўтган йили эски уйни бузаётиб, отам раҳматлининг дафтарни топиб олдим. У киши ҳам табиат учун курашган эканлар. Жунай ботқоги ҳақидаги афсонани билганлари учун эгнига яшил кийим кийиб, одамларни кўрқитганлар. Токи улар ҳамма жойни ўзлаштириб ташламасин... Бироқ бир бола ногирон бўлиб қолгач, умрбод виждон азобида яшаган...

– Нишон ака, Қосим қассоб ўлганида, баҳайбат изларни кўргандим.

– Унинг ўлимида менинг алоқам йўқ. Қассоб аввалдан касал эди. Соғлом бўлиш учун эртатонгдан дала-дашт кезарди. Излар шунчаки кўзларингга кўринган. Бўрдоқиларинг ботқоққа ботган куни ҳам оқ шарпани кўрган экансан. Аслида ботқоқлик шарпаси менман. Қосим ўлганидаям, сеникига ўғри келганидаям мен уйда эдим. Хулоса чиқадики, сен кўрган нарсалар тушга ўхшаш ҳодиса.

Нишон акани омборхонагача кузатиб қўйдим. Афсоналар таъсирида одам ўлдириб қўйишимга сал қолди-я!

Эртасига милтиқни эгасига қайтариб бердим. Сайхонликдаги чегарани бузиб ташладим. Одамлар гапларимни эшитиб, сой қирғоқлари ва тепаликларни эгаллашга чўчиб қолишди.

Нишон овчининг сирини узоқ йиллар сақлашга

ахд қилгандим. Афсуски, у бизнинг тўйдан сал аввал фожиали равишда ҳалок бўлди. Қўйхона деворини бузаётган йигитнинг айтишича, ботқоқликдан чиққан қора шарпа овчига ҳамла қилганмиш. Бир кун олдин кимдир ўша ерда катта қора клёнкани кўрганини айтиб, йигитни жинниликда айблади.

Йигит ростдан ҳам руҳий касаллар шифохонасида даволаниб келди. Ботқоқлик шарпасини кўрган охирги гувоҳ ўша бўлиб қолди.

## ОҚ СОЯ

Ишдан қайтишимда ижара уйга калит ясатишим кераклигини эсладим. Дарвоқе, кампир ўз калитини бир кунга бериб турган эди. Шодага қарайман: кабинетимники, сейфники, стол тортмасиники, йўлак эшигиники. Улар орасида кампирники бегонадек ажралиб турибди.

Уста беш дақиқада нусха ясади. Кетаётгандим, чақириб қолди.

– Мабодо манавинақа керак эмасми?

Устанинг қўлида эллик сўмлик тангадек келадиган ялтироқ нақшли металлни кўрдим. Қўлимга олгандим, арабча ёзувдаги калималарни пайқадим.

– Бу нима учун?

– Шунинг учунки, – деди уста, – бало-қазолардан асрайдиган дуо ёзилган. Ўртадаги бўш жойга исм-фамилиянгни, уй манзилингни ёзиб бераман. Қара,

менда майда ҳарфли ускунаям бор. Кўпчилик калит шодасига шундан тақаяпти. Бошқа туморлардан зўр. Жуда арзон.

– Майли, – дедим ноилож.

Уйга келиб, кампирнинг кўзойнагидан карадим: «Равшан Алмаматов. Ғозий, 13.»

Шундан сўнг калитлар шодаси кўзимга чиройли кўрина бошлади. Дуога тез-тез кўз ташлар эканман, назаримда, у менга куч-қувват бағишлаётгандек туюларди. Қизиғи, шу вақтгача мўъжизага ишонмасдим.

Кейинги кун ишхонамга борсам, таклифнома тутқазишди.

– Бир йигит ташлаб кетди, – деди ҳамкасбим. – Жа хирапашша, маданиятсиз экан. Қанака одамлар билан ўқигансиз-а?

Таклифномага кўз югуртирдим: «Қосим ва Таъзиманинг никоҳ тўйига...» Беихтиёр баданимда чумоли ўрмалади. Наҳотки, Таъзимага уйланаётган бўлса? У ўлган-ку!

Математика факультетида ўқирдик. Ҳар йили кузда пахтага ҳайдашарди. Фақат ногирон курсдошларгина ҳашарга чиқишмасди. Таъзимани университет остонасида кўрганимдаёқ юрагим жиз этганди. Тимқора шахло кўзлари, тимқора сунбул сочлари...

Бирок идеал гўзалликни киши севиб қолавермайди. Баъзан юракда орзу яшайверади,

ҳавас ўлмайди, армонга ҳам айланмайди. Унинг йигити эмаслигимдан куймасдим. Қишлоқдан келган бир ўртаҳолман, кўримсизман. Таъзималар назарига илармиди.

Пахтага кетишдан бурун эшитдим: «Олти шайх» қабристонига олти авлиё мазори худди шу Таъзиманинг боболариники экан. Дадаси ҳам катта мулла. Ичадиган, чекадиганлардан куёв қилмаган, киз бермаган экан уларнинг оиласи.

Бир куни Қосим нос отиб, мени туртди.

– Биринчи курсдаги Таъзима зўр-а? Пахтага келиши хаёлимда ҳам йўғийди. Боя гапга олдим.

– Таъзимани-я?

– Ҳа, йигити йўқ экан. – Узала тушиб, кўшиб кўйди: – Йигити бўлганда-чи! Нима, кўрқаманми?!

– Дўстим, Таъзима улуғ шайхларнинг чевараси. Сен кимсан? Ғирт маишатпарастсан. Қўй, бошқага суйкал.

– Э, улар ҳам бизга ўхшаган одам-да! Муллашайхларнинг кизларидан кўрқинглар деб қайси китобда ёзилган?

Нос тўла оғзи билан вадир-вудур қилишими, Таъзимани ҳам ўлжасига айлантираётганими, ёқмади, биринчи бор дўстим кўзимга бало кўринди.

Қосимнинг феъл-атвори бошиданоқ менга малол келган. Ўтган-кетганга димоғдорлик қилади, юмшоқ гапирганларни кўрқоқ ҳисоблаб, ҳукмини

ўтказишга уринади. Айниқса, тарафкашлиги ёмон. Иккимизнинг дўстлашишимизга тоғлик эканлигимиз сабаб бўлган. Қишлоқларимизни уч юз чақиримлик масофа ажратиб туради, ўртада қанча-қанча туманлар. Аммо иккимиз ҳам тоғлик, ватандош ҳисобланамиз.

Аслида тоғлик ҳам эмасман. Қишлоғимиз тоғолди қирларида жойлашган. Қосимни ҳақиқий тоғлик дейиш мумкин. Қўярда-қўймай эргаштириб борганида, қишлоғи қоялар билан ўралганини, бир томони ҳайбатли жарликдан иборат эканини кўрганман. Эрталаб деразадан мўраласам, оппок туман қишлоқдан пастда ёйилиб ётарди.

Ўшанда Таъзима пахта мавсуми охиригача юрди. Бир куни кечқурун Қосим юз-кўзи тирналган ҳолда кириб келди. Йигитлар аллақаяерга чиқиб кетган, мен шийпон печкасига ўтин қалаб ўтирардим.

– Ёввойи мушук!.. – дея кўзгуга қараб, жароҳатларига дастрўмолини босди. – Бунисида қутулиб қолди!.. Орқамдан эргашиб юради ҳали!..

– Ким? – бўғзимга нимадир тикилди.

Қосим алам билан қаради.

– Кейин биласан, жўра.

Эртасига Таъзима пахта даласида кўринмади. Кечга яқин биринчи курсларнинг биридан секин суриштиргандим, «Таъзима кўч-кўронини йиғиштириб, тонгда уйига кетди», деди.

Шундан сўнг ноябрь охирида, факультет йўлагида учратдим. Рўмол ўраган, кўлида оппок кўлқоп, кўзлари ерда. Тирик маъбуданинг қаршисида яна бир марта титраб кетдим.

Янги йилга яқин даҳшатли хабар эшитдим: Қосим биринчи курсдаги Таъзимани олиб қочганмиш. Бояқиш қиз дарсга келмай кўйибди.

Бирпасда курсдошлар мени ўраб олишди. «Ётоқхонада Қосим билан бирга турасан, энг яқин сирдошисан», деб гап сўрай бошладилар. Нохуш хабарни улардан эшитган бўлсам, бир ҳафтадан буён Қосим ётоқхонага келмаяпти, мен қаёқдан билай?

Дарсдан чиқиб, ётоқхонага борсам, Қосим ухлаб ётибди. Хонани бадбўй ҳид тутган.

– Факультетда нима гаплар юрибди, биласанми?! – дедим жаҳл билан. – Агар рост бўлса, сени кечирмайман.

– Тўхта-тўхта! Мени ҳайдалди дейишдимми?

– Таъзима... сен Таъзимага нима қилдинг? У кечирса ҳам... боболарининг арвохларидан кўркмайсанми? Калла йўқ сенда, Қосим!

Шу-шу Таъзимани кайтиб кўрмадим. Қосим эса ҳайдалмади. Йўлини топиб, ўқишда қолди. Кўп ўтмай яна китмирликларини килиб юраверди. Ундан хафа бўлсам-да, барибир воз кечолмадим. «Бизни ҳеч нима ажратолмайди, шевамиз ҳам, урф-одат-

ларимиз ҳам, меҳмондўстлигимиз ҳам бир хил», дерди у.

Ўқишни тугатаётган кезларимиз совук хабар эшитдик: Таъзима оловда ёниб кетибди...

Диплом олдим. Қосим билан хайрлашаётиб, оғир ух тортдим. Шу йигитни йўлга солишим, кўплаб ёмонликлардан қайтаришим мумкин эди-ку. У фақат менинг гапимга кирарди, ҳа, сал қаттиқроқ туришим керак эди. Ўша лаҳзада ҳам Таъзимани эслаб, ўзимни қотил ҳис этдим. Қосим бир шайтон, унга қарши курашмадим. Дўстман деса, дўст тутиндим. Таъзима ҳам курашмади...

Қосимнинг тўйи якшанба куни эди. Таклифномага тикилиб узоқ ётдим. Боришга қарор қилдим. Келинчакнинг исми Таъзима бўлиб чиқиши мени жуда-жуда қизиқтириб қўйганди.

Шанба куни йўлга тушдим. Тоғлар орасидаги қишлоқчада, бир вақтлар талабалик даврида борганим ўша туманли гўшада бир кеча ухлашни кўнглим тусарди. Қосим мактабда ишлаб босилиб қолгандир, ўқитувчи деган номи бор, ахир.

Йўл хийла узоқ эмасми, тоғ йўлларида чайқалаётган автобусда кўзим илинди. Ярим уйғоқ ҳолда ғалати туш кўрдим: автобусимиз қияликдан шитоб-ла пастга учиб тушаётганмиш, мен ҳам ичида эканману, айна пайтда ҳалокатни четдан кузатиб турганмишман. Автобус қизил тусга кириб, кейин ёниб кетибди.

Сесканиб кўз очдим. Мотор ванғилламоқда, манзил яқин. Бехосият туш асоратидан кутулолмай, Қосимнинг қаршисида ҳам маҳзун турардим. У ўзгармабди, афсус, ўша-ўша.

Пиёлани тўлдириб ароқ қуйди. Ароқ ҳам эмас, сув аралаштирилган илиқ спирт. Бир пиёладан сўнг бўларим-бўлди. Ўзимни қизиқтирган саволни бердим:

– Келин қаердан?

– Э, уни нима қиласан?.. – сўкинди Қосим. – Қўшни қишлоқлик қариндошнинг қизи. Сен менинг аҳволимни сўра! Мактабни ташладик, иш йўқ, юрибмиз тўйма-тўй.

Келганимга пушаймон едим. Қосим уй ёнидаги пастликда кўлмак лабига жой қилдирганди. Кеч тушиб, совуқ кучайса-да, уйга таклиф этмасди. Маст-аласт ўртоқларининг баданини шароб қиздириб юборганди.

Бир пайт кўлмакнинг нариги четидаги қамишларга тикилдим қотиб қолдим. Қоп-қора шарпа бизни қимир этмай кузатарди. Унинг оёғи остида нимадир оқариб кўринарди. Ёнбошлаган жойимдан хиёл кўтарилдим, шарпа бир оз чекинди. Ё тавба, оқ нарса унинг сояси эди, оппоқ соя.

Кимгадир суяниб, тепага Қосимнинг уйига чиқаяпман. Мени бир пиёлага маст бўлиб қолди, деб гапиришмоқда. Кўзимни юмдим дегунимча

аллақаёқдан сас эшитилади: «Қосим эртага ўлади... Қосим ўлади... ўлади...»

Тонгга яқин уйғондим, ортиқ чидаёлмасдим. Тўй-пўйи керакмас, шаҳарга кетгим келди. Кийиндим, бироқ чўнтақларимдан калитларни тополмадим. У ёқ-бу ёқни қарадим, йўқ. Кўлмак бўйида ёнбошлаб ётганимни эсладим.

Тўй бўлаётган хонадонда гимир-гимир бошланганди. Уй орқасига ўтиб, кўлмак бўйига тушдим. Қамишларга қарамасликка аҳд қилгандим, аммо калитларни тополмаганимдан сўнг кўзларим беихтиёр шарпани ахтарди. Қамишлар безовта шитирлаб қўйди, холос.

Келинни олиб келиш учун ўн чоғли машина тизилди. Қосим безатилган қизил «Нексия»нинг орқа ўриндиғига ўтирди. Ҳайдовчини танидим: кеча биз билан бўкиб ичган қассоб йигит. Қосим мени бирга ўтиришга ундади, лекин йўқолган калитларимни суриштираётганим учун ёнига боролмадим.

Тўй аҳли ичидан ҳам калитим топилмади. Бу вақтда куёв ўтирган машина йўлга чиққан эди. Мен орқадаги машиналардан биридаман. Тўй карвони тор йўлда шиддат-ла олға интилаяпти. Нега булар ҳовлиқишади, тушунмайди одам.

Муюлишга яқинлашдик, жарликлар кўринди. Шунда чанг-тўзон кўтарилди-ю «Нексия» кўздан йўқолди. Қиялик лабига югуриб борганимизда,

куёв ўтирган машина сакраб-сакраб пастга эниб борарди. Ҳадемай катгароқ тошга урилади-ю абжағи чиқади. Нариди терак бўйи жарлик. Ва шундай бўлди ҳам. Машинанинг қандай ёниб кетганини кўриб, тушимни эсладим...

Шаҳарга амаллаб кириб келганимда ўз кўзим билан кўрган воқеалардан буткул қарахт эдим. Қалтироғим ҳадеганда босилмасди. Таъзима учун гўё рухлар ўч олганди.

Ижара уй остонасидан хатладиму серрайиб қолдим. Кампир билан бир қиз гаплашиб ўтирарди. Юзи сон-саноксиз чандиқлардан буришиб кетган бўлса-да, танидим: у факультетимизда ўқиган ўша Таъзима эди.

Кампир калитларни узатди.

– Ма, буларни манави қиз «Олти шайх» қабристонидан топиб олибди. Яхшиям, манзилни ёздирган экансан. Тўйга кетдим дегандинг, мозорда нима қилиб юрибсан?

Оқариб кетганимни кўриб Таъзима деди:

– Факультетдагилар мени ўлди деб ўйлашганди. Ўқишда ўқимай қўйганим учун бўлса керак, университетдан ҳеч ким сўраб келмади. Сиз ҳам миш-мишларга ишонгансиз, шекилли. Ўшанда газ портлаб, куйиб қолгандим. Одамлар ёлғонга осон ишонишади, ҳақиқатга эса... ишониш кийин.

Таъзима чиқиб кетди. Кампир минғирлади:

– Ўзи яхши қизга ўхшайди-ю, лекин эрга тегмасдан бола тукқанига ҳайронман. Ким экан-а йўлдан урган палид?! Илоё, жаҳаннам ўтида ёниб кул бўлсин!

## **ТҮЙГА БИР КУН ҚОЛГАНДА...**

### **1. Художўй киши**

Тўйимга бир кун қолганда Фарбий вокзал ёнида машина кутиб турардим. Кун кеч бўлган, ғуруб жамики гўзалликларни доғда қолдириб қизғиш тусга кирган, одамлар уйларига шошилган, вокзал бозоридан охирги аравачалар майишиб чиккан сабрсиз палла эди. Машина мени шаҳарнинг шарқий шохбекатига элтиб қўйиши керак. Фарбий вокзалга поездга чиқиш учун эмас, шу атрофга йўлим тушгани учун келгандим. Аммо на автобусдан, на таксидан дарак бор. Вақт ҳар кунги чўпи билан шаҳарни кучи борича қовлаштириб, сўнғ вокзал минорасидаги соат милларида қотиб қолган эди.

Бундай олиб қараганда, тўй эртага – қаёққа ҳам шошаман. Бироқ тўйнинг камчиликларини битирган, эртага савлат тўкиб турадиган шу вужудимни бугун қишлоғимга олиб боришим шарт. Кечкурун сабзи тўғралади, куёвнавкарлар билан баъзи икир-чикирлар келишиб олинади. Яшириб нима қилдим: ҳали ҳаммомга ҳам тушганим йўқ. Қолаверса, ҳаммасига тупурадиган жаҳлдор отам

кечикканим учун туккан онам у ёкда турсин, мени туғиш пешонасига ёзилмаганларни ҳам кўшиб сўкади.

Яна бир марта атрофга дилгир нигоҳ ташладим. Велосипедли кишига шарқий шоҳбекатгача олиб бориб кўйиш ҳақида илтимос қилишдан зўрға ўзимни тийдим. Велосипед тезлиги XXI асрдаги бу йирик шаҳар ҳажмига таққосланганда тошбақани эслатади, холос.

Шаҳарда қолиб кетсам нима бўлишини ўйлай бошладим. Харита бўйича уйимдан олтмиш чакирим ғарбда эдим. Талабалик даврим ўтган қадимий шаҳарда қоққан қозикдай турибман. Атрофимда минг-минг яхши одам, лекин ҳозир яхшилик қилишга асло вақтлари йўқ. Масалан, мен ҳам биронтасининг сумкасини кўтариб боролмайман.

–Эҳ,– дедим.

Шу пайт худди ер остидан чиққандек бир қадам нарида мулласифат эркак ва отиннусха аёл пайдо бўлди. Эркак қирқ ёшларни қоралаб кўйган, калта қора соқолли, қизил юз, чакноқ кўз одам эди. Хотин эса узун оқ либосга ўралган, юзининг қизиллиги эридан қолишмасди. Иккаласининг ҳам кўлида сумка, сафарга чиқишган шекилли.

–Ука, биз бу ерлик эмасмиз, – деди эркак, – вокзал шуми?

– Ҳа, ана.

– Раҳмат. – Улар шу билан мени унутиб юбориши, қайтиб умрбод кўришмаслигимиз мумкин эди, аммо... – Кечирасиз, ука, – дея эркак, уч-тўрт кадам нарида ортига қайирилди, – минорадаги соатга қараганда, поезд беш дақиқадан кейин жўнайди. Соат тўғрими?

– Тўғри бўлса керак, – жавоб бердим энсам қотиб.

– Сиз ҳам қишлоққа кетмоқчимисиз? Поездга кечикасиз-ку. – Негадир у кулимсиради.

Нажот сўраганларга Худо оддий одамлар орқали йўл кўрсатишига ишонардим. Бу одамнинг айнан менга мурожаат этишини тасодифга йўймадим. Ахир, поезд қишлоғим яқинидан ўтади. Вагонга чиқиб олсам, йўлда сакраб тушиб қоламан. Темир-йўл ёқасида чим билан қопланган текис майдончалар бор. Бунинг устига сойдаги кўприкдан ўтгач, йўл бир оз юқорилайди, поезд секинлашади.

Беихтиёр уларга эргашдим. Сумкаларини кўтаришмоқчи эдим, беришмади.

– Биз ҳали ёшмиз, – деди эркак, – қирқ йиллардан кейин шу ерда кутиб турсангиз кўтаришасиз. Ё пирим!

У вокзал биносига чакқонлик билан отилиб кирди. Ойна ортида йўловчи вагонлари бизга мунтазир эди. Ходимлардан бири кассани кўрсатиб қўйди.

– Чипта олинглар! Чиптасиз чиқиш мумкин эмас!

Касса олдида ҳеч ким йўқ эди. Йўловчилар вагонларга аллақачон чиқиб бўлишган.

– Қаерга дедингиз, ука? – сўради мулла ака вагон сари чопаётганимизда.

– Бештолга.

– Бу поезд Бештолда тўхтамайди-ю.

– Сакрайман. Темирйўл сойликдан ўтган жой бор, қир оралиғида секинлашади.

Чиптада ҳеч қандай жой рақами кўрсатилмаган эди. Бахтимизга, купелардан бири бўм-бўш экан.

– Оллоҳга шукр, Оллоҳга шукр, – деди ҳалиги одам ўринга таппа ўтираркан. – Етиб келдик, хотин! Кўрдингми? Улгурамизмикан?

Аёли менга қараб жилмайди. Эркакнинг сумкасидаги «Раҳмон» деган йирик ёзувга кўзим тушиб, «Чаккимас» деб кўйдим.

– Исмин Раҳмон, – қўл чўзди эркак, – танишиб кўяйлик. Насиб этса, бир соатдан зиёд юзма-юз ўтирамиз.

Мен отимни айтдим. Аёлининг исми Мадинахон экан.

– Ибодат қиласизми, ука? – синчков бокди Раҳмон ака.

– Йўқ, – дедим.

– Ие, ёмон одам экансиз-ку, – кулди у. – Майли, ўзингиз биласиз... Айтгандай, нега ортимиздан чопдингиз? Бошқа иш билан турувдингиз чоғи?

Эр-хотин бир-бирига завқ билан қараб қўйишди. Кучукчадек эргаштириб келганларини тан олишга мажбур эдим. Мен ҳам тилимни тишлаб қоладиганлардан эмасман.

– Мулла десам ўхшамайсиз, савдогар десам ҳам адашаман. Сумкангизга «Раҳмон» деган елим-битик ёпиштириб олганингизга қараганда жудаям олифта бўлганга ўхшайсиз, ёшлигингизда. Бу ўшанинг самарасими?

У ҳақиқатан шўх одам экан. Қаҳ-қаҳ уриб кулганича хотини билан қўл ташлашди, янада кизариб кетди. Кейин кўзлари ёшланганча:

– Вой, ука-ей, – деб менга қаради, ўттиз икки тиши ҳам ярақларди, – буни яқинда биттаси совга қилди, никоҳ ўқиб қўйганим учун. Ёзуви фабриканики, менинг айбим йўқ. Сумка билан адаш чиқиб қолдик-да, нима қилай.

– Ибодатни қазо қилмайлик, – деди хотини қимтинибгина.

Поезд жойидан жилди. Эр-хотин ўтирган ҳолда кўзларини юмиб, ҳар замонда хиёл эгилиб қўйганча ибодат қила бошладилар. Шом тезда адоғига етди.

– Билиб қўйинг, ука, – деди Раҳмон ака, – эътиқод ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди. Ибодатга нима ҳам вақт кетади. Қизиг-а?

Елка қисдим. Раҳмон ака кифтимга қоқиб қўйди-да, нима учундир:

– Раҳмат сизга, ука, – деди хурсандлигидан терисига сиғмай.

– Исмингиз нотўғри қўйилган, – деган эдим, хотинига қаради. – Ана, бу ҳам бошлади, – деди.

Сўнг мендан сўради: – Қаерда ўқийсиз?

– Ўзбек филологиясини битирганман.

– Э, ўзимиздан экансиз-ку, ука, мен мединститутда ўқиганман.

Раҳмон ака антиқа гапидан завқланиб яна қаҳқаҳ урди. Бу кетишда қишлоғимга етгунимча гаранг бўлиб қолишим турган гап эди.

Эшик сурилиб хўппасемиз тепакал кимса бош сукди.

– Бўш жой борми? – сўради у кўзлари йилтираб.

– Йўк, эгалари ҳозир келади, – деди Раҳмон ака.

Эшик ёпилгач, ҳавони елпиди.

– Ифлос, ароқ ичиб олган, ёнимдан жой сўрайди-я!

– Раҳмон Худонинг номи, – дедим кўлимни чалиштириб. – Аслида сизни Раҳмонқул ака дейиш керак.

– Абдураҳмон десангиз ҳам майли, ука. Лекин сизни бенамоз десам ҳаққим бор. Бетаҳорат бўлсангиз ҳам ажабмас. Берўза ҳам чиқарсиз.

– Бехотин ҳамман, – дедим.

Раҳмон ака бу гал кулмади, жиддий тортгани сезилди. Мот қилиш учун никоҳдан гап очдим:

– Биттасининг никоҳини ўқиб қўйдим, дедингиз, ака, ҳойнаҳой, қишлоқ мулласи эмассиз, вақтихушлик қилмоқчи бўлганларни ўқигансиз,

топдимми? Берган сумкасига караганда, у Ҳориж-га бориб турадиган пулдор тужжорлардан.

– Тўғри, «ЗАГС» қоғозисиз никоҳ ўқиш жиноят, – деди у, – аммо мен ўқимасам барибир бошқаси ўқийди. Унданам баттари – никоҳсиз яшашлари мумкин. Айрим кимсалар висол олдида гуноҳни кўрмай қолади.

– Фикрингизга кўшилмайман.

– Сизга юз доллар берсам, менга эътиқод жиҳатидан ҳам эргашасизми?

– Йўқ.

– Қишлогингиз аҳолисига ўхшаб пенсияга чиққанингиздами?

– Униси ҳам, буниси ҳам эмас, – дедим.

– Менинг йўлимдан юрганнинг бу дунёси ҳам, у дунёси ҳам обод бўлади. «Бу дунёси ҳам» деган жумлага эътибор беринг, ука. Шу дунёнинг ўзида ҳам мукофот оласиз. Мисол учун, менинг ташлаган кадамим пул. Ҳеч кимдан ҳақ сўрамайман, лекин пулнинг ўзи келаверади. Пулдан бошқа ҳузур-ҳаловатлар ҳам сон-мингта. Астаффурулло, ҳозир ичган бўлганимдами, бояги тепакални жон-жон деб купега таклиф этардим. Биронтамизда ароқ топиларди. Киссадан пул сарфлаб яна ичардик. Ҳозир эса бошоғриқ йўқ, алжирамаяпмиз, жой мўл, бемалол гаплашиб ўтирибмиз, яна нима керак?

Назаримда, у ибодатни шахсий иқтисоди билан чамбарчас боғлаб олганди. Бу – одамнинг нафратини келтирмаса-да, нимасидир ёқмасди.

У давом этди:

– Мени таниганлар «мулла» деб йўлкирамни тўлаб юришади, тўйларда олдимга кўйлак кўйишади, тугунча килиб беришади. Маъракаларда тиловат қилдиришади-да, ўтирган кўрпачамга пул кистиришади. Олавераман кулиб-кулиб. Арқ ичиб юриш – энг ёмон касофат. Ҳамма нарсадан курук қолганингиз етмагандек чўнтагингиз шилинади. Мастликда алжираганларингиз, пулни совурганларингиз, қаерларга борганларингизни эртасига эслаб, виждон азобини тортишлар-чи? Бош оғрикни-ку айтмаса ҳам бўлади. Ундан ҳам ёмони мастликни юрак кўтаролмай ўлиб-пўлиб қолсангиз, куйди дунё!

– Қўйинг, – деди хотини, – нима қиласиз укамнинг бошини қотириб. Кунбўйи чарчаб юрганга ўхшайди.

– Ҳа, тўй олди мадорим кетди, – дедим аёлга. – Югур-югурлар еб ташлар экан.

– Тўй олди? – Раҳмон ака савол оҳангида сўзлаганди, овози чийиллаб чиқди. – Яқиндами дейман?

– Эртага.

– Ана холос! – қичқириб юбораёзди мулла ака.  
– Ана хол-ло-ос!..

У мени кучоқлаб олди. Ноилож, мен ҳам кучдим. Баданидан атир ҳиди анқирди. Елка суякларини қоплаб турган ёғли эт қўлларим остида билқиллиаб кетгандек бўлди.

– Кулоқларимга ишонмаяпман! Эртага дедингизми, ука?

– Ҳа, эртага. Янгам билан ўтинг.

Раҳмон ака қотиб-қотиб куларкан, бирдан хотинига суяниб олди. Аёл хижолат чекиб, мендан кўзини олиб қочди. Эрининг силкинаётган елкасини нари итариб, деди:

– Ҳайрон бўлманг, укажон, бу киши бир воқеани эслади, мен билан боғлиқ бир воқеа.

– Ундай бўлса, майли... – дедим.

Ахийри, Раҳмон ака қаддини тутиб олди. Яна кулмоқчи эди, бўлмади.

– Шундай қилиб, тўйимга бир кун қолди денг?

– Соат билан ҳисобласак бир кун ҳам қолмаган.

– Ҳақиқатан тўйингизга борсак бўларкан, сиз жуда ноёб йигитсиз. Эртага тўйи бўладиган одам адашган итдай (тағин итга ўхшатапти деманг) тентираб юрса-я! Мабодо кўнглингиз бошқа қизда эмасми?

– Йўқ, беш йиллик севгилимга уйланаяпман.

– Шунақа денг... шунақа... Барибир бизни қисматнинг ўзи учраштирди. Келинг, қарта ўйнаймиз, шу баҳона сизга янгангиз билан қандай танишганимни ҳикоя қилиб бераман.

– Сиз қарта ўйнайсизми?

– Фақат эрмак учун.

– Сиздан кўп нарса ўргансам бўларкан, – дедим.

У ним кулиб сумкасини титкилади ва яп-янги қарта чиқарди.

– Агар ютсам, – деди менга, – бир шартимни бажарасиз, осонгина. Ютқазсам, мен бажараман. Келишдикми?

Раҳмон ака менбоп таклиф айтган эди. Ахир, уч йилдирки қишлоқда бирон кишига ютқазмагандим. Мулла ака жа устасифаранг бўлмаса керак.

– Шарт, шарт, дедингиз, – Мадинахон опа эрини турткилади, – менда ҳам бир шарт бор.

– Сен ҳам ўйнайсанми?

– Э, одамнинг сирини очмасангиз-чи! Шарт бор деяпман, ҳеч қанақа ўйинсиз.

– Ҳа, гапир, – деди Раҳмон ака. – Нима дейсан?

– Аввал мединститутни ташлаб кетганингиздан бошлайсиз. Бўлмаса, бу укам биз ҳақимизда ҳар хил хаёлларга боради.

– Бўпти, хотинжон, бўпти.

Поезд шаҳардан чиқиб, дарё ёқасида шиддат ила чопиб борарди. Сабзи тўғрашга кечикмаслигим аниқ, бунинг учун вагондан сакрашим керак эди.

## 2. Тирилган мурда

– Худди сиз каби ибодатдан узоқ юрардим, – деди Раҳмон ака. – Шўро даврида таълим-тар-

бия бошқача эди. Худо ибтидоий одамларнинг кўркув маҳсули, десалар, чиндан ишонардим, астаффурулло. Отим Раҳмон, ўзим ҳайвон эдим, ука, нимасини сўрайсиз. Бир файласуф «Худо ўлди» деб ёзган. Рост! У менинг қалбимда ўлган эди. Ичардим, чекардим, (янгангизнинг олдида тан олишим керак) бузукчилик ҳам қилардим. Қипқизил жинни, масхарабоз, олифта йигит эдим. Отамда пул катта. Ниманинг ғамини ейман, нимадан кўркаман? Бу дунёда мени чўчитадиған ҳеч нарса йўқ, ҳатто ўлимдан ҳам сесканмасдим. Бўйнимга қилич келмаган-да. Ўлимдан сесканмасдим деб бошқаларнинг ўлимини назарда тутаяпман. «Ҳе, фалончи ўлибди, бечора қилпанглаб юрсаям яхши одамийди» деб кулардим. Ёки онасини бўрлатиб сўкардим-да, ўлгани жуда соз бўлганини баралла айтардим. Кўз олдингизга махлук келаяптими? У махлук эмас, менинг ёшлигим эди.

Отамнинг кучи билан тиббиёт институтига ўқишга кирдим. Балки тузуккина врач бўлиб кетармидим. Ўзимдан-да эркатой, такасалтангларни кўрганман. Уларнинг олдида ип эшолмаганман...

Йўқ-йўқ! Мен барчасидан ёмон, барчасидан қабих эдим. Гумроҳлик кўчаси мени зим-зиё тубан водийга элтиб ташлаганди. Ишонасизми, мен одам ўлдирганман. Ҳеч бир қотил буни овоз чиқариб айтмайди, лекин мен... ўшанда уни ўлади деб ўйламасам-да... барибир қотилман. Ўқишнинг

биринчи йили эди. Талабаликнинг илк даври, тиббиёт дунёсига, одамларнинг ҳаётини сақлаб қолувчилар оламига очилган эшик...

Курсимизда Моҳира деган киз ҳам ўқирди. Ўша кизнинг ўлимига сабабчи бўлдим. Қишлоқнинг содда, мулойим, жуда-жуда юмшоқфёъл маликаси эди бечора. Умрида бир марта сўкиш эшитмаган, шаҳарга биринчи марта келганида русча сўкишётганларни эшитиб, «шу сўзни шаҳарда кўп ишлатишаркан, таржима қилиб беринглар» деб кулгига қолган муниса киз эди. Ўлиб қолиши тушимга ҳам кирмаганди, ишонинг, ука!..

Хуллас, ўша кунги дарсда бир эркакнинг мурдаси атрофига тўпландик.

– Илм-фан учун танасини фидо этган бу одам бугун сизларга дарс ўтади, – деди профессор.

Ҳаммамиз гур-р кулиб юбордик. Фақатгина Моҳира кулмади. Ўлиққа ғалати тикилиб қолганди. Ёнидаги қизга «Уни танийман» деганини эшитдим.

Профессор одамнинг ичак-чавоқлари, ўпкаси, жигари ҳақида равон сўзлай бошлади. Нуқул кулгим қистайди денг. Олд томони ёриб ташланган мурданинг нимасидир кўрсатилганда эса ёқимсиз ҳислардан афтимни бужмайтираман, шунда ҳаёлим ўз-ўзидан Моҳирага учади. Шу маъсума киз мурдани ҳаётлигида ростдан таниганмикан? Қариндошсиз, қаровчисиз; Худо урган бандалар

ноиложликдан танасини тиббиёт институтига сотади, эвазига то жони узилгунча еб-ичишдан қийналмайди. Ҳарҳолда шундай деб эшитганман. Ўртада ётган мурда ҳам ҳаётлигида анча-мунча отиб турганлиги, турмушида тайин бўлмаганлиги сезиляпти-ку. Унга тикилган сайин Моҳиранинг кўзлари жавдираб кетаяпти, йиғлавормасайди...

Чидолмадим. Қитмирлигим тутди.

– Танидингизми? – дедим қулогига. – У сиз учун танасини институтимизга берганмиш.

Қиз менга ажабланиб қаради ва:

– Ҳечам илм-фан учун танасини фидо этмаган, – деди пичирлаб. – У Художўй инсон эди.

– Қариндошингизми?

– Раҳмон, устимдан кулаяпсизми?

– Йўқ, ёнингизда кулаяпман.

Моҳира қовоқ уюб, дам профессорнинг оғзига, дам ўликка кўз ташлади. Гапимизни эшитиб қолган курсдошларимга кўз қисиб қўйдим-да, Моҳирадан кечирим сўрадим.

– Бу катта англашилмовчилик, – деди бечора қиз. – Ўқишга тайёрланаётганимда уйида ижарада яшаганман. У ўлигини сотадиганлардан эмас, укаси шунақа эди, пиёниста, бетайин. Менимча, бу укасининг иши.

Курсдошлар ўртасида дув-дув гап бўлди. Ҳамма Моҳиранинг устидан куларди. Қиз мурданинг масаласи бўйича, ҳатто, ректоратга бормоқчи эди. Учинчи куни яна ўша ўликка дуч келдик.

– Ие, Моҳиранинг амакиси-ку, – дедим.

Менга кўшилиб бошқалар ҳам кулгидан ўзларини тиёлмадилар.

– Нима гап? – деди профессор.

– Тириклигида бу одамни орамиздан бир қиз таниган экан, – деб тушунтира бошладим. – Манави Моҳира. Унинг айтишича, мурда институтга жиний йўл билан келтирилган. Ўз ўлигини институт ихтиёрига қолдирмайдиган Художўй бўлган экан...

– Бас қилинг! Хужжатлари билан шахсан танишман! – жеркиб берди профессор.

Овозимни ўчирдим. Моҳирага эса сўз навбати ҳам тегмади. Дарс сўнгида миямга бир хаёл келди.

– Моҳи, – дедим кулоғига, – мўъжизаларга ишонмайман, лекин боядан бери ўлик сизга тикилаётгандай туюлаяпти, ўлай агар. Ишонмасангиз бошқалар домлага чалғиган вақтда мурданинг юзига секингина қаранг. Назаримда, у сиздан нажот сўраб, ўлигини кафанлаб, расм-русум билан дафн эттиришингиздан умидвор.

– Қасам ичманг, Раҳмон, – деди қиз куюниб, – бояқишнинг ўлганига неча ой бўлганини биласизми ўзи? Бунинг устига, талабалар ўртасида кўкраги, боши, қорни ёрилган ҳолда ётибди. Тирик дейишингиз тентакликдан бошқа нарса эмас. Дафн этишга келсак, мен ректорга ариза ёздим. Тез орада ҳал бўлади. Маслаҳатим, тирикларни ҳам, марҳумларни ҳам мазах қилишни тўхтатинг.

– Ие, ишонмасангиз афт-ангоридан беш дақиқа кўз узманг.

Моҳира астойдил хафа бўлиб, нарироқ сурилди. Авзойига қараб кулгидан ўзимни зўрға тийдим. Нега унга мазахўрак бўлиб қолганман, ўйлаб ҳам ўтирмасдим.

Шу пайт профессор Моҳирани чақирди.

– Сендан ҳам сўрайман, Сафоев, – деди у кутилмаганда менга. – Ҳадеб тишингнинг оқини кўрсатгунча бирпас мушоҳада юрит. Анатомия касалларнинг эмас, сенинг тақдирингни белгилайди, билиб қўй!

– Хўп, домлажон, – дедим.

Моҳира қийналиб, аммо билимдонлик-ла фикрларини тўкиб сола бошлади. Профессорнинг юзи ёришди. Мен тушунмаган қандайдир атамалар тилга олингач, талаба қизнинг жавобига ўзи ҳам гап қўшди. Кейин шундай қизишиб кетдики, Моҳира жимгина кулоқ солишга мажбур бўлди. Зерикдим. Қизнинг узун сочларига тикилиб, қитмирлигим тутди. Ўликнинг қўли худди сочини силамоқчидек бўлиб туюлди. Йўқ, бу менинг қитмирона режам эди. Шундай қиламанки, ўлик унинг сочини бир бора силаб қўяди. Шу тобда мурданинг оёқ томонида, Моҳиранинг ёнгинасида эдим. Профессор мияга нуқиб нимадир деган пайт чаққонлик билан Моҳиранинг сочини совуқ бармоқларга ўраб қўйдим. Ажиб томоша бўлиши керак эди.

– Сафоев, – деди профессор, – шу ҳақда сен нима дейсан?

– Нима ҳақда, домла? – сўрадим довдираб.

Курсдошларим пиқ-пиқ кулишди.

– Марҳамат қилиб, миянинг ташқи кўринишига кара-да, патологик ўзгаришлардан фол оч... Ҳеч ким кулмасин! Бас қилинглар деяпман!

– Фол? Фолбин эмасман, домлажон.

– Бу одам ҳаётлигида тутқанок бўлганми, йўқми? – деди профессор.

– Фол очолмайман дедим-ку, домла.

Профессорнинг юзига ғазаб кўпчиб чиқди. Унинг қаттиққўллиги тутса ўлса ҳам баҳо кўймаслигини эшитгандим. Ёнимдаги йигитни туртдим. У «Юмшоқ ва қаттиқ пардада чандик бор, вақти-вақти билан тутқаноғи...» деган эди, профессор:

– Ўргатилмасин! – деб бақриб берди. Кейин ух тортганча, бошини эгди. – Сафоев, шу кетишинг бўлса, паттангни қўлингга олиб қишлоғингга жўнайсан.

Миқ этолмадим. Ҳар бир лаҳзада келажагимнинг ўнлаб ғишлари кулаб тушаётган эди. Бахтимга дарс вақти тугади. Яна шайтонлигим тутиб, Моҳирага дедим:

– Илтимос, охирги гапни бир оз тушунтириб юборинг. Пардаларга қараб қандай касалликлари бўлганлигини, тўғриси, фолбинлик билан ҳам, илмийлик билан ҳам айтиб беролмайман.

Моҳира менга ачиниб қаради. Профессорнинг жойини эгаллаб, унга сохта мутелик билан боқардим. Куредошларим эса бирин-сирин хонани тарк этиб бўлишди. Эҳ Моҳира, ўшанда феълим хусусида мен билан жиддийроқ гаплашиб қўймоқчи бўлгандир.

– Сиз аввало масхарабозликни йиғиштиришингиз керак, – деди у.

– Ўзимни масхарабоз ҳисобламайман.

– Шунинг учун ҳам...

– Тўхтаг-тўхтаг! Бу одамни тириклигида танигансиз, тутқаноғи борлигини билгансиз. Айёрсиз-а, Моҳира?

– Раҳмон!

– Нима, Раҳмон?! Ўлик сизга кўз қирини ташлаганини кўрганимни айтиб қўйиш масхарабозлик бўлдимми?

– Сизни қарангу...

Моҳира бир қадам ташлаганди, ўликка қараб «Тирилди!» дедим ва бирдан ортимга тисландим. Моҳира гапимга ишонмади, аммо сочини кимдир тортгани учун ялт этиб ўгирилди. Ўгирилди-ю чинқирганча эшикка отилди. Уч қадам ҳам ташламади шўрлик. Оёқлари ортда қолиб, гавдаси олдинга талпинганини, юзтубан йиқилганини, кўзлари даҳшатдан олайиб, бир нуқтага маъносиз кадалганини кўрдим. Лабимда кулги музлади.

Ўшанда кўтариб олмоқчи бўлганман, кўлимда жон берган бечора қиз. Ёлғиз қолганимда ҳалигача овозини эшитгандек бўламан, ўлим олдидан янграган аянчли чинқириғи... Эслаш осонмас, эслаш осонмас...

Курсдошлар ва профессор ичкарига қайтиб киришди. Моҳирага ким ҳам ёрдам бероларди. Ўзимни четга тортдим. Деворга суяниб, нима қилиб қўйганим ҳақида ўйлай бошладим. «Сочини ўликнинг кўлига боғлаганимни тан олмайман... тан олмайман...» дердим ичимда. Биров менга даъво қилмади, биров ёқамдан тутмади.

– Нима бўлди? – деб ўн... юз... минг марта сўрашди.

– Ўлик қимирлади, – деб жавоб бердим ҳар сафар.

Юриш-туришдан маза кетди. Ҳазил-мутойибага энди тилим бормас, дунё кўзимга қоронғи кўришиб, мунгли инсонга айландим. Орқамда бировнинг нафасини сезиб, ўгирилиб қараганимда ҳеч кимни кўрмасдим. Кечалари бошимда кимдир тургандек туюлиб чўчиб уйғонардим, йиғлардим. Моҳирани соғиниб йиғлаётганимни, уни кўргим келаётганимни англаб, даҳшатга тушардим. Ўша кунлари арвоҳлар борлигига ишондим...

Хосиятсиз тунларнинг бирида ухлаганимни ҳам, уйғоқлигимни ҳам билмай алаҳсиб ётганимда, эшик тақиллади. Институт ётоқхонасининг

узундан-узок йўлагининг охирида эди хонамиз. Бемаҳалда ким бўлди, деб уйқусираб эшикни очдим. Йўлак нимқоронғи эди, ҳеч ким йўқ, жимжит.

– Э, гаранг, – дедим минғиллаб. Ва туйқус баданим музлаб кетди. Ахир, эшик тақиллаганини аниқ-тиниқ эшитдим, бу ерда эса тирик зоғ йўқ.

«Арвоҳ!» – миямга урилди бирдан.

Шоша-пиша эшикни ёпмоқчи эдим, қизнинг бегубор кулгиси қулоғимга чалинди. Йўлакка бош чиқариб зина томон чошиб кетаётган Моҳирани кўрдим. Онт ичиб айтишим мумкинки, шубҳасиз, ўша эди. Фақат кулгиси таърифга тил ожиз даражада нафис, жарангдор, оҳанграболи. Югуриб кетаяпти-ю, оёқлари ерга тегмайди. Шамол бўлма-са-да, кийими ҳилпирайди. Ўлимига сабаб бўлган узун, қора сочи ёйилиб кетган.

Эшик тагига гурс этиб қуладим. Фалаж бўлишдан Ўзи асради, лекин оғзим қийшайиб қолди. Даволангунимча эсим кетган, ука.

Бутунлай тушкунликка тушдим. Мени таниган-билганлар аввалги Раҳмондан асар тополмасдилар. Неча кундирки дарсларга қатнашолмай ўқишдан ҳайдаладиган бўлганимда отам раҳматли зир қатнаб ўқишимни тиклади. Бироқ ҳақиқий даҳшатлар олдинда экан. Профессор қаттиқ нори-зо бўлганлиги важдан отамнинг илтимосларига

кўнмабди. «Анатомиядан бир имтиҳон қилишим шарт», – дебди.

Тайёрланган киши бўлдим. Қани миямга бир ҳарф кирса.

Айтилган вақтда шаҳар чеккасидаги шифохонанинг кимсасиз йўлагиди профессорни кутардим. Асабларим чарчаб қолган шекилли, юрагим увишиб, кўнглимга ваҳм оралади. Ҳадемай кун болади. Ҳув анави бурчакда чироқ ҳам ёнмайдиган кўринади.

Ўтган-кетганлардан профессорни сўрадим.

– Сиз Сафоевмисиз? – сўради папка кучоқлаган бир ҳамшира.

– Ҳа.

У қошларини чимирди, сўнг иддао билан папкани узатаркан, кабинетда кутишимни айтди.

– Иккинчи қаватдагими?

– Сизга иккинчи нима керак, ана, бурчакдаги эшик.

Чироқсиз бурчакка кўрқа-писа яқинлашдим. Бу аҳволда анатомиядан имтиҳон топшириш ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди. Институтдан кетишни бўйнимга олиб қўйдим. Ўлимни ҳам бўйнимга олсам бўларкан. Бир пайт профессорнинг қораси кўринди. У мен томон аждаҳодай вазоҳатли яқинлашди. Салом бергандим, алик қайтармади.

– Нега кабинетда эмассан? – хонасига имлади у.

– Киришга кўрқдим, домла, – дея очигини айтдим.

– Қиз боламисан?

– Нима?

– Қизлар ўликдан кўрқиб юраги ёрилиб ўлади, – деди тагдор қилиб.

Индамадим. У барчасини сезган эди. Мақсади ҳам аслида имтиҳон эмас.

– Унинг ўзи ўлган, – дедим.

– Тушунмадим. Кимнинг?

– Мени қотил демокчимисиз? – титраб кетдим. Бунчалик тез қалтирай бошлашимни кутмаганим учунми, асабларим баттар таранг тортилди. – Қамарованинг ўлимига мен сабабчиманми, сизнингча? Буни... буни исботлаш керак.

– Исботлаб нима қиласан? – столи ортига ўтган профессор, жойига секин чўкди. – Қотил эмассан. Қолаверса, бу кошонанинг суд биносидан, милиция бўлиmidан фарқи бор, шундайми?

– Албатта. Мен айтмоқчиманки...

– Ҳеч нарса демокчимассан. Ҳеч нарса демадинг ҳам. Келишдикми?

Профессорнинг ичидагиларни уқиш имкондан йироқ эди. Беҳуда чиранишни хоҳламадим ва:

– Баҳомни қўйиб берасизми? – дедим.

– Қўйиб бераман, – хотиржам ҳолда сўзлади у. – Қани, сумкани оч-чи.

Сумкадаги қоғозларга маъносиз қарадим. Қаердан нимани олишни билмаётганимни сезган профессор:

– Ўртасидаги папканинг ёзувини ўқи, – деди.

Дарвоқе, папкаларнинг биридаги «Қамарова Моҳира» деган ёзувга кўзим тушди.

– Бу нима, д... домла? – дедим тутилиб.

– Ичини оч.

Очдимۇ кўлимга ток урилгандек ихтиёрсиз ҳаракат билан ташлаб юбордим. Унда А-4 ҳажмдаги бир неча сурат бор эди, ҳаммасида Моҳира узала тушиб ётибди, кўксини беркитар даражада чойшаб ёпилган. Ва суратларда қизнинг калла қопқоғи кесилиб, мияси очилгани турли ҳолатда акс эттирилган эди.

– Ўқишдан ҳайдалишни истамасанг суратларга қараб, дарсларни такрорлашинг керак, – деди профессор қаламини ўйнаб.

– Уни мен ўлдирганим йўқ, – бўғзимга йиғи тикилди. – Юраги чатоқ экан. Битта ҳазилга чидаёлмади.

– Ўша куни мурданинг кўлида бир неча тола соч кўргандим, сен ҳазил деб ўйлаяпсанми шуни?

– Сочини ўликнинг кўлига боғлаб қўйгандим. Бу ҳазил эди, д... домла... Ўлиб қолишини билмагандим...

– Хўш, қандай боғлаб қўйгандинг?

— Бармоқларига ўрадим. Моҳира юриши билан мурда сочини бир оз тортиб, сўнг силагандай қўйиб юбориши керак эди... Мени қаматасизми?

— Тентак, қаматсам ўша пайтда қаматардим. Ҳозир камоқдан-да муҳим нарса устида гап кетаяпти. Мурданинг қўлидаги сочни яшириб сен — аблаҳга яхшилик қилдим.

Бошимни эгиб, ҳиқ-ҳиқ йиғладим. Қанчалик азоб чекаётганимни, уйқумда ҳаловат йўқолганини, ётоқхонада Моҳиранинг арвоҳини кўрганимни — барчасини пала-партиш айтиб ташладим.

— Мени ҳам шу нарса қизиқтираяпти-да, — профессор қаламни тақэтиб столга урди. — Қамаровани олиб чиқиб кетишганидан кейин кўрдим ўликнинг қўлидаги сочни. Лекин соч бармоғига ўралмаган ҳам эди, боғланмаган ҳам. Мурда сочни чангаллаб ётарди. — Профессор овозини пасайтириб, давом этди: — Қўли мушт бўлганини кўриб даставвал кўзларимга ишонмадим, сўнгра ниманидир чангаллаганини пайқаб, кафтини зўрға очдим. Мен илм кишисиман, Худога ишонмаган атеист! Аммо мурда гўзал қизнинг сочини қўйиб юборишни ис-тамаётгани шу вақтгача ишониб келганим материалистик тушунчаларимни ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Сен сочни ўрагансан, у эса маҳкамрок ушлаган.

Ич-ичимдан тутқанокқа ўхшаш нимадир кела бошлади. Профессорга оғзим қийшайиб, кўзим

олайиб қараётганимни билардим. Бирок унинг менга раҳм қилиши хаёлида ҳам йўқ эди.

– Тўғриси айт, – деди ўқрайиб, – Қамаровага «Ўлик қараётгандай туюлаяпти» деганинда ҳам ҳазиллашганмидинг?

– Ҳа, домла, ҳа... ^

– Ўлик қарамагани ростми?

– Рост... рост... Ахир, у аллақачон ўлган бўлса.. Қорни ёрилган, кўкраги ёрилган, мияси очилган...

– Лекин нега у сочни қўйиб юборишни истамади? Мускуллар илм-фан ҳали аниқламаган сирли тарзда тортилиб, сочни қисимлаб олган десам... бошқа жойларида, чап қўлида ҳеч қандай ўзгариш сезилмади.

– Уйга кетаман, – дея оёққа қалқдим. – Ўқимайман... Керагамас...

– Ўша мурдани ҳозир бориб кўрасан, – амр қилди профессор. – Курсдошингнинг сурати кўнглингни айнитса, ошиқ мурданики...

– Ҳеч қачон... Мен кетдим...

– Кетсанг яқинда ўласан! Улар ҳар куни тушимга кираяпти! Сени қувиб юрган бўлишадими-ей...

– Профессорнинг жазаваси тутиб қолди: – Одамни касал қилади сенга ўхшаганлар! Нега қаршимда безрайиб турибсан? Йўқол! Менга деса бугунок ўлмайсанми!..

Профессорнинг кабинети мени туфлаб ташлагандай жикқа терга ботиб йўлакка отилдим. Асо-

сий эшик сари чошиб борардим. «Энди нима бўлади? – дейман. – Мурдалар, арвоҳлар, теграмда болалаб ётган миш-мишлар, ваҳималар...»

Ҳаётдан файз кетса, одам чорасиз қоларкан. Йўл четида судралиб бораяпман. Машиналар ғиз-ғиз ўтади. Ер шарида истикомат қилаётган миллиардлаб одамлар ичида ўзимни ягона бахтсиз санайман. Биламан, қаердадир ҳозир биров жон бераяпти, биров катл этилиш арафасида, яна кимлардир ёр оғушида, кимлардир ҳозир тўй-тантананинг тўрида. Неча миллион одам айни пайтда бирваракайига касир-қусир, чалп-чулп овқатланаяпти, баланд кўтарилган идишлардан тонналаб ичимлик ошқозонларга қуйилмоқда. Ҳеч бирининг тақдири меникига ўхшамаган. Дунёнинг қайсидир шаҳрида мурдалар таъқибидан қочиб, ўқишдан ҳайдалиб, саргардон кезаётган мен каби собик масхарабоз бормикан?

Машина тагига ўзимни ташлаб ғавғолардан бирйўла халос бўлсаммикан, дедим. Ваҳоланки, баайни шундан – аянчли ўлим топишдан қўрқиб қочаётган эдим.

– Талабалар ётоқхонасига, – дедим такси тўхта-тиб.

– Университетникигами?

– Мединститут.

– Ие, икки юз қадамга-я? Хўп, ҳақини берсангиз бир жойда гир айланаверамиз ҳам.

Гаплашгим йўқ эди, лаънатининг эса жағи тинмайди. Ётоқхонага кўз очиб юмгунча етган бўлсак-да, қийналиб кетдим. Тушаётганимда:

– Нима сасияпсиз? – деб сўради. – Қонми?

У машинасини ванғиллатиб, кўздан йўқолди. Шу кундан бошлаб баданимдан одам конининг ҳиди келадиган бўлди. Қонни ҳидлаб кўрмаганман, милким қонаганда таъмини сезганман. Бошқалар ҳам қон ҳидини олисдан пайқаш қобилиятига эга бўлмасалар керак. Бироқ қон ҳиди келаётганини айтишдан эринмасдилар. Ҳамманинг бурни бўриникидан фарқ қилмай қолганди.

Ётоқхонадаги сўнгги куним эди. Ҳамхонамлар ҳам қовоқ уюб олишган. Мендан айрилаётганлари учунми, тезроқ даф бўлмаётганим вазиданми, фарқлаёлмайман. Ҳаққига кўчганда, уларга дардисар эдим.

Ярим кечада ниманингдир тикиллашидан уйғониб кетдим. «Сичқон... Йўқ-йўқ, одамга ўхшаяпти... Ўғри... Тўртта талаба йигит ётган хонада ўғрига нима бор?.. Арвоҳ бўлса-чи!..»

Бошимни кўтардим. Эшик тагидан, сичқон сиққулик жойдан, кимдир (ха, айнан кимдир!) суқилиб кирмоқчи. Бор қуввати билан эшик тагига ёпишяпти, даҳшатли тарзда ёпишяпти.

Тилим қўрғошинга айланиб суюлиб қолди; на гапираман, на бақираман. Ўрнимдан туриб хонадошларимни силтадим, биронтаси уйғонмади.

Йўлакдаги кимса бошини эшикка ура бошлади: ҳар дўкиллаганда ичимда нимадир узиларди.

Ниҳоят, шарпа секин узоқлашди. Номаълум куч мени эшик сари суриб борди. Очдим. Йўлак манзараси Мохиранинг арвоҳини кўрганимдагидек эди. Бу гал арвоҳ ўрнида жулдурвоқи кимса деворга суянганча зина томон судралмоқда.

– Ҳей! – дедим. Овозим чиқдим, чиқмадим, у қайирилиб қарамади. Гўё кимдир жулдурвоқини қонга белаб урган, ичини эзган, қўл-оёғини синдирган. Мана, сўнгги кучини тўплаб кетиб бормоқда.

– Кимсиз? – дедим йиқлоғи товушда. – Нималар бўлаяпти бу ерда?

Шунда жулдурвоқи тўхтаб, бошини деворга суяди. Кейин хиёл бурилган эди, оғзидан қаҳратонда чиқадиган буғ уфурилди. Уч-тўрт қадам ташладиму уни танидим. Парвардигори олам кечирсин, бу – тиббиёт институтида биз учун ёриб кўрилган мурда эди.

Қийинчилик билан бошини бурди, шубҳасиз ўша! Фақат бунинг кўзи очик, нафас олаяпти, эгнида алламбало кийимлар. Мия қопқоғининг ўрнидан ҳам буғ кўтарилмоқда.

Бор овозимда қичқириб юбордим...

Ўзимга келганимда мени қаёққадир олиб кетишмоқда эди. Атрофимда талабалар ғиж-ғиж. Ҳаммасининг юзида ачиниш, безовталиқ, заҳиллик. Кейинчалик айтиб беришди, ўша тунда-

ги кичкиригимни маҳалла четидаги одамлар – ўн уй наридагилар ҳам эшитишган экан.

Рухий касаллар шифохонасида даволанишим мумкин эди. Отам кўярда-кўймай олиб кетди, эскича килдираман, деди. Кўрганларим ҳақиқат эканлигига ҳеч кимни ишонтиролмасдим. Гапимни эшитганлар мени восвосга, тентакка чиқарарди.

Адойи тамом бўлдим. Мулла бошимга келиб, суралардан ўкиганда, бир оз ором топардим. Менда умид уйғонди. Буларнинг барини даф этадиган куч бор. Мен Уни топдим, Унга топиндим. Илк марта жойнамоз устида ўтирганимда балои қазолар чекинганини ҳис этганман, олам нурафшонлигидан кўзим қамашган.

Бир куни институт архивидан ҳужжатларимни олишга бордим. Қайтишда автобусда, ён томонимдаги ўриндиққа бир аёл ва ўн тўрт ёшлардаги киз ўтирди. Уларнинг баъзи гаплари истасам-истамасам қулоғимга чалинарди. Автобус баланд тоғ этагидан ўтаётганда, киз:

– Ҳув ўша қоялар тагида Маржон деган кишлоқ бор, – деди. – Дугонам яшайди.

– Қанақа дугонанг? – сўради аёл.

– Исми Моҳира. У билан касалхонада танишганмиз.

Мен туфайли жувонмарг бўлган курсдошимни ўйлаб кетдим. У ҳам шундай кишлоқда яшарди, исми Моҳира эди, қаерлардадир дугоналари

бўлган. Дарсхонадаги мурда ва Моҳиранинг ўлимини ўйламаслик учун ҳам уйга етгунча ўзимни чалғитиш билан овора бўлдим.

Ҳамроҳ аёл ва қиз унутилди.

### 3. Йўқолган қиз

Бир вақтлар Раҳмон ака бир қизнинг бошига қандай етгани, тиббиёт институтидан ҳайдалиши, художўй бўлиб қолгани хусусидаги тарих эди бу. Хотини айтганидек, ҳикоядан сўнг улар ҳақидаги фикрим ўзгариши керак эди.

Гарчи қайғу ва кўрқинчга тўла воқеани ҳикоя қилиб берган бўлса-да, юзи тезда ёришди.

– Менга осон бўлмаган! – деб хитоб қилди ва Мадинахон опани елкаси билан туртди. – Шукрки, ўша кезлари ўлиб кетмадим. Мана, гуноҳларга тавба қилиб, шоду хуррам яшаб юрибмиз.

Поезд ойнасига тикилдим. Борлиқ зулматга чўкиб бораяпти. Эртага тўйим. Раҳмон аканинг ҳикоясини тинглаб, қарта ўйнаб, охирида поезддан сакраб тушиб қолишим керак.

– Қани, ташланг қартангизни, – деди Раҳмон ака. Биринчи қўл мен ютаман, кейингисида у.

Шу пайт тўйига бир кун қолганда юз берган ходисага навбат келганини билдириб, Мадинахон опа эрини турткилади.

– Ҳе, ютаяпти-ю бу бола, – деди Раҳмон ака. – А, нима дейсан? Бегона йигит олдида ҳам эрини туртадимми хотин киши?

– Йигит манзилга яқинлашаяпти, ҳикоянгизни эртароқ бошланг, – деди Мадинахон опа. – Туга-толмай қолсангиз, мен айбдор бўламан.

– Ўзи ҳаммасига сен айбдорсан, – деб иккинчи ҳикоясини бошлаб юборди Раҳмон ака (У бошидан ўтганларни сўйлаб қарта ўйнашнинг ҳадисини олган экан). – Шундай қилиб, мединститутдан кетдим, кечаю кундуз ибодат қилиб, ҳаш-паш дегунча йигит умрини ўтказиб юбордим. Ёш ўттиздан ошган, таркидунёдан бошқасини ўйламайман. Кунларнинг бирида мени авлиё санаб ҳузуримга бир одам йиғлаб келди.

– Ака, дардингиз нима? Гапиринг, – дедим.

– Қизим йўқолиб қолди, – дея кўз ёшларини артди у. – Ит ҳам, бит ҳам тополмади. Тўйига бир кун қолган эди. Куёв томон ноиложликдан шошилинч бошқа келин топиб, ими-жимида тўйни ўтказиворишди. Ҳамма жойга бордим, натижа йўқ. Илтимос, қизимни топиб беринг. Сизни арвоҳлар билан гаплашган деб эшитганман.

– Арвоҳлар билан гаплашганман? – таъбим тирриқ бўлди. – Мен-а? Қўйинг шунақа гапларни. Сизга ўхшаган оддий одамман. Фарқим – кечаю кундуз ибодат қиламан.

У ҳилвираб қолган вужудимни бошдан-оёқ кузатди. Биламан, қизини тополмай, ахийри мўъжиза умидида келган. Ўтмишда қилган гуноҳларим авф этилиш илинжидаги саъй-ҳаракатларимни

одамлар нималарга йўйганлар-а. Уларнинг назарида, авлиёман, кароматгўйман, ҳатто фолбинман.

– Сиздан бошқа умидим йўқ, – оёғимга бош урди падар.

– Қизингизга нима бўлган?

– Қизим соппа-соғ, эс-хуши жойида эди. Ҳамма хавас қиларди. Пазанда ҳам эди. Чеварлигини айтмайсизми. Мактабни битиргунча байрам-сайрамга, ўтириш-пўтиришга бормаган. Кўчамиздаги узокрок қариндош бўлмиш ўзига тўқ оиладан совчи келди. Бўлажак куёвни танийман, кўз остимда улғайган яхши йигит, бу йил ўқишни тамомлади. Хуллас, ҳаммаси тузуккина кетаётган эди. На қизимнинг норозилигини, на кимнингдир душманлигини эшитганман. Унаштиришдан сўнг куда томон никоҳ тўйни тезлаштириб қолишди. Тўйга бир кун қолганда, қизим ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан уйдан чиқиб кетди, шундан қайтиб келмади.

Фикр-хаёлим илоҳият сарҳадларида учиб юрган дамлар эди. Қизнинг ҳе йўқ-бе йўқ изсиз йўқолиб қолиши мени сирларга тўлиб-тошган кир-чир турмуш кўчаларига чақирди.

– Наҳотки, уни бирон киши кўрмаган бўлса?

– Ҳеч ким кўрмаган, – деди жабрдийда ота. – Қизим ақл бовар қилмас тарзда бирдан ғойиб бўлди. Шунга сиздан ёрдам сўраяпман, фолбинлар ҳам бир иш чиқаролмади.

– Милиция-чи?

– Милиция тўхтовсиз ахтараяпти. Бир-икки ойда топишолмаса, чет элдан изкувар чакираман десам, хўппасемиз бир полковник сўкиб берди. Шундан бери милициясининг бетига карамайман. Ёлғиз умидимсиз.

– Сизнингча, қандай ёрдам беришим мумкин?

– Рухлар билан гаплаша оласизми?

– Ҳали ҳеч ким рухлар билан гаплашмаган, ака, – дедим куюниб. – Нима, китоб ўқимайсизми? Рухлар ҳақидаги тасаввурингиз жоҳилларни эслатаяпти.

– Демак, сиз ҳам фақат юпанч берасиз, кўнглимни кўтарасиз! Бошқа ҳеч нима...

– Нега уни уйдан чиқиб кетди, деяпсиз, ака?

Қизнинг отаси мени энди кўраётгандек анграйиб қаради.

– Балки у уйдан чиқиб кетмагандир, – дедим.

– Қ... қанақасига уйдан чиқиб кетмайди? Бир ойдан бери қайси бурчакда ўтирарди? Чордоқлару ертўлалар ҳам қолмади, мабодо биров ўлдириб қўйган бўлса, кўрққанидан кир ўрага ташлаб юборганми деб атрофдаги пана-пастқам, ўйдимчукур – ҳаммасини қараб чиққанмиз.

Унга раҳмим келди. Ҳар замонда кўзидан бир томчи ёш думалаб, олачада из қолдирарди.

– Ака, – дедим, – очигини айтсам, бир вақтлар тиббиёт институтида ўқиганман, кечириб бўл-

мас иш қилиб, ўқишдан кетдим. Ўша кунлари мени шарпалар тақиб қилар, бари аллақандай алахсирашлар эди. Оғир касал бўлиб, неча ойлар ўзимга келмай юрдим. Сиз эса соппа-соғсиз, бу ишда мендан ёрдам сўраманг. Товламачи бўлганимда тўрт-беш сўмингизни шилиш учун ўзимча алланималарни башорат қилардим.

– Худо мени сизга дуч қилди, бунда ҳам бир ҳикмат бордир.

– Албатта, – дедим.

– Тирик ё ўликлигини ҳам айтиб беролмайсизми?

– Афсуски, айтолмайман. Лекин кизиқиб қолдим. Рухсат берсангиз баъзи маълумотларни сўрасам.

Ота жон-жон деб кизининг исми шарифини, таржимаи ҳолини, ўша кунги вазиятни сўзлаб берди. Ибодатдан бўшадим дегунимча ғойиб бўлган киз хақида ўйладим. Шунча одам тополмаган кизни мен қандай топаман? Умримда бир ишни ёлчитмаган бўлсам. Бироқ заррача тушкунлик ҳис қилмасдим. Савоб истаги қанотларини силкитиб учишга ҳозирланарди.

«Барибир бу ишнинг тагига етаман», дедим. Ростдан бир мўъжиза юз бериб йўқолган кизни айнан мен топадигандек эдим. Онам:

– Чиллахонангга кирган киши ким? – деб сўради.

– Эртага тўйи бўладиган қизи йўқолибди, – дедим, – қаердалигини руҳлардан сўраб беришимни илтимос қилди.

– Вой ўлмасам, руҳлардан сўра, дегани нимаси?

– Кимдир мени арвоҳлар билан гаплашган, деганга ўхшайди. Бечора ота ишониб умид билан келибди.

– Топиб бераман дедингми?

– Шунга яқинроқ гап қилдим. Раҳмим келди-да, она.

Миямда мингта файласуф бош қотирар, талашиб-тортишар, гоҳо овозлари эшитилгандек туюларди: «Қизни ҳеч ким тополмаган. Ер тагига кирмаган, осмонга учмаган. Уйини бориб кўр. Охирги марта учратганлар билан гаплаш. Бу ерда фитна бор. Бу ерда фитнадан бошқа нарсалар ҳам бисёр...»

Юзлаб саволлар қайнаб чиқарди. Биринчи марта тунги ибодатларни қазо қилдим. Жойнамозни тахлаётганимда кўнглимдан ўтган ўйдан бир лаҳза котдим. Аслида қизнинг сирли равишда йўқолиши мутаассир этмаган эди, ҳамма гап ҳузуримга келган кишида. У мендан кўмак сўраган биринчи одам! Демак, мен ҳам кимларгадир ёрдам берадиган шахсга айландим, инсонлар сафига қайтдим, ҳаётга қайтдим.

– Қизингизни топиб бераман, эй нотаниш киши, – дедим тўлқинланиб.

Қишлоғининг номини онамга айтгандим, «Эҳ-хе, шундан шу ёққа сени ахтариб келибдими, болам?» – деди ҳайратланиб.

Ибодатларимнинг охирида мушкулни енгиллаштирадиган дуолар ҳам ўқирдим. Тўртинчи кеча чоршанба эди, бир туш кўрдим. Бир қиз қирк от кўшилган қирқ кишилик аравада кетиб бораётганмиш. Ёнида бир аёл дардини тинглаб, ҳадеб менга қарармиш. Бир пайт у менга «Эсла, эсла», дебди. Мен кимнидир ўлдирган эмишман...

Уйғониб кетдим. Тонг отгунча тушимнинг мағзини чақишга уриндим. Қирқ от нима? Қирқ кишилик арава-чи? Ёнидаги аёл ким эди? Нимани эслатишга уринди? Нега ўзимни қотил ҳис қилдим? Моҳирадан бошқа кимнинг қотилиман?

Орадан йиллар ўтиб, бошқа бир жойдаги қизнинг дом-дараксиз йўқолиши курсдошимнинг ўлимига не чоғлик алоқадор эканини ўйлаб ўйимнинг тағига етолмадим. Кўнглим сезарди: буларнинг бари бежиз эмас.

Мулла устозим бўларди. Уни йўқлаб бордим.

– Ўша қизни топиб бермоқчиман, – дедим. – Кечалари билан мижжа қоқмай ўйласам ҳам ҳеч бир аломат кўрмаяпман. Ота ва йўқолган қизини унутай десам, сира иложи бўлмаяпти.

– Сенга баъзи дуоларни ўргатаман, – деди устозим, – зора қор қилса. Биз изтопар эмасмиз, муножоот қила оламиз, холос.

Уйга қайтсам, қизнинг отаси кутиб ўтирган экан, бир-биримизни кўриб севиниб кетдик.

– Мана қизим, – деди ота фотосуратини кўрса-тиб. – Республикадан одам келган экан, ур-сур бўлиб кетди. Саккизта йигитдан гумон қилиб қамаб қўйишди. Ота-оналари менга хирапашшадай ёпишган, «Сиз гумонингизни айтгансиз, шунинг учун ўғилларимизни қамади, тухмат қилманг», деб юришимга ҳам, туришимга ҳам қўймапти. Кеча тушимга кирдингиз. Қоп-қора водийдан нурафшон водийга қайтаётган экансиз. Суратини бир кўринг, деб яна умид билан келдим. Бир натижа чиқадими, мулла?

– Яратгандан умидворман, – дедим.

Уйига тез орада боришимни айтдим. Устозим ўргатган дуоларни юз марталаб ўқиб, ҳолдан тойиб йиқилдим, лекин ғойибдан бир садо келмади. Наҳотки, қизни тополмасам? Эрталаб онам келтирган чойни ичаётиб қизнинг суратига тикилиб колдим. Миям тиниклашиб, ичимда ялт этган учкун пайдо бўлди. Ё Раб, қизнинг қаеридир менга таниш эди. Шубҳасиз, ҳаётимнинг қайсидир сўқмоғида уни учратганман.

– Бугуноқ ўша қишлоққа жўнайман, – дедим онамга. – Қизнинг қаердалигини топганга ўхшайман.

Онам оқ фотиҳа берди. Қизнинг қишлоғи юрт бўйлаб етмишинчи йилларда бедраб кетган ши-

ферли, терраскали уйлардан ва ҳовлининг бир че-тида лойсувоқ томли молхоналардан иборат имо-ратзор эди. Кўчаларда бетонли электр устунлар аралаш эски симёғочлар ҳам кўзга ташланарди.

Сўроқлаб, уйини топдим. Милиция ходимла-ри кўринмагани-дан мамнун эдим. Дастлаб кў-зим тушган манзара – қизнинг ҳовлиси пастлик-ка туташиб кетган кўча муюлишида жойлашгани эди. Икки четда пастак молхона, сомонхона ва кўйхоналар тизилган.

– Бу кўча қаерга олиб боради? – сўрадим отадан.

– Сойга. У ерни итлар билан текширишди, изи-ни ҳам топишолмади.

– Аввало ақл итлари билан текшириш керак, – дегандим, уй аҳли бир-бири билан кўз уриштириб олдилар.

Куёвнинг уйини сўрадим. «Хув ана» деб қизғиш тарновли, томи конверт қилиб ёпилган баланд иморатни кўрсатдилар.

– Эртасига чиндан тўйи бўлдимми? – сўрадим отадан.

Ўрнига хотини жавоб берди:

– Ҳаммани айтиб қўйган, мол сўйилган, қараб ўтирармиди. Бир кун ичида бошқа келин топди. Ростини айтганда, севганига уйланди.

– Севганига? – ҳайронлигимни яширмадим.

– Отаси гапириб бермадимми? Йигит синфдоши-ни неча йиллардан бери севиб юрган. Уйдагилари

ўша қизни менсимамай, бизникига уйлантираётган-ди, бўлмади. Эртасига келинлик либоси барибир севган қизига насиб этди.

Хотинга синчиклаб қарадим.

– Кечирасиз, опа, – дедим, – сиз туккан онаси эмассиз, тўғрими?

– Ўз онаси неча йиллардан бери касалхонада ётибди, – жавоб берди бека совуққонлик билан. – Рухий касал. Мен бу кишининг кейинги аёлиман.

– Меҳмон, ичкари кирайлик, бафуржа гаплашамиз, – деди ота мулзам тортиб.

Оркамда ўгай онанинг минғиллагани қулоғимга чалинди:

– Тегмайман деса, мажбурлаб берармидик?! Ҳаммани шарманда килиб кетди қиз тушмагур. Ишқилиб, эси жойида бўлсин-да. Боши айланиб, дуч келган машинага ўтириб кетган тақдирда ҳам, бирор жойдан топилиши керак эди-ку. Ҳайронман, хайронман...

Ота билан юзма-юз ўтирардим, бошқаларни киргизмади.

– Касаллик оқибати эмасмикан? – дедим мезбонга.

У қатъиян бош чайқади.

– Хотинга қулоқ солманг, қизим соппа-соғ, – деди у. – Аслида онаси ҳам тугма касал эмас, мотоциклда авария қилганман, мияси лат еган бояқишнинг. Ҳаммасига ўзим айбдорман. Хотин-

ни шифохонага жойлаб, шу хотинга уйландим.  
Пешона экан, ука, қўлимдан ҳеч нима келмади.

– Милиция куёвдан ҳам шубҳалангандир?

– У ҳам анча кийналди. Ҳалигача терговга олиб кетишади.

Қизнинг суратини қайтариб бермоқчи эдим, асқотиб қоладигандек туюлди, чўнтагимга қайтариб солдим. Нима дейишга ҳайрон эдим. Ёрдам беролмайман десам, қўнглимда умид уйғонганди. Ёрдам берай десам, қандай қилиб, қай йўсинда? Қанча чиранмай, жумбоқни ечишга ақлим етмасди.

– Умид борми? – сўради ота.

– Қизингизнинг буюмларини кўришим керак, ака.

– Ўқиб ташлайсизми? Менга айтишдики, агар кийимларини нафаси ўткир мулла ўқиса, дуоларнинг кучи билан қизим қайтиб келармиш.

– Биринчидан, мен мулла эмасман. Иккинчидан, азайимхонлар биладиган амаллардан ҳам йироқроқман.

Қизнинг хонасига олиб кирди. Ҳувиллаб қолган кимсасиз уй салқин, сирли ва мунгли эди. Чилла сақлаган кунларимни ёдга солиб, юрагим эриб, бўғзимга алланима тикилди. Ўтганларнинг ҳақиқага Қуръон тиловат қилиб, хонадондан бало-қазоларни даф этишни сўраб, дуолар ўқидим. Борган сайин руҳим енгил тортар, тафаккур доирам кенгайган-

дан кенгаярди. Жонсиз иморат ҳам, жонли уй аҳли ҳам муқаддас каломларга неча кунлардан бери зор эди гўё. Ва мен – бир вақтлар жаҳолатга ботган бадкирдор жинойтчи – уларнинг дардига малҳам кўйишга чиранардим. Кўзимдан ёш томчилади.

– Келинг, ака, – дедим отага, – сиз ҳам дуога кўл очинг. Зора падарнинг чин дилдан йиғлаб сўраганидан кейин Яратган қизингизнинг топилишини ижобат қилса.

Отанинг сигаретдан сарғайган бармоқлари қалтирар эди. Сездим, у ҳеч қачон жон-дилдан илтижо қилмаган. Юрагида нимаики ғам-алами бўлса, қадоқ кўлларини сарғайтирган сигарет билан босади, ичади, кимлар биландир ёқалашиб, хумор ёзади.

Унга жилмайиб боқдим.

– Ака, милиция ҳаммани тергов қилган, уларнинг изидан боришим шартмас. – дея ўрнимдан турдим, – қарши бўлмасангиз, мени кизнинг онаси ётган шифохонага олиб борсангиз. Хосиятли кизлар, агар онаси тирик бўла туриб тўйига қатнашолмаслигини билса, тўйидан бир кун олдин албатта зиёрат қилади.

Иккимиз уйдан чиққанимизда, ҳаммаси ортимиздан ҳайрон қараб қолди. Ота йиғлар, менинг ҳам кўзларимда ёш ғилтиларди.

Бир соатдан зиёд йўл юриб вилоят марказига келдик. Баланд девор билан ўралган руҳий ка-

саллар шифохонасига етганимизда кўп нарсани тушунгандек бўлдим. Ахир, бу ердан қишлоққа қайтиб кетиш учун йўловчи машиналарга ишонган одам кеч қолиши тайин эди. Нега энди қиз ўз тўйига кеч қолмасин?

Беморни биз билан учраштиришга ҳозирлаш керак экан, бир оз кутишимизга тўғри келди. Дарвозадаги йигитга дедим:

– Дўстим, йўқолган қизни милиция сўраб келдими? Бир ойлар аввал. Илтимос, бу жуда муҳим.

– Тушунмадим, кимсиз? Қанақа милиция?

– Тўйидан бир кун аввал йўқолган қизнинг онаси шу шифохонада ётибди. У онасининг олдига келган бўлиши мумкин, деб...

– Тўғри, милиция суриштириб келганди, – деди йигит. – Касалдан гап олмоқчи бўлишдимиз-ей. Биласизми, сизлар сўраган бўлимда оғирлар ётибди. Улар билан энди гаплашишнинг иложи йўқ.

Бироқ шу пайт врачнинг ўзи ҳузуримизга келиб хушxabар айтди:

– Бир соат аввал беморнинг ақл-ҳуши тиклана бошлади. Менимча, хавф ортда қолди. Бир неча ойда соғайиб, уйига қайтса ҳам ажабмас.

Бошқалар ҳам ҳайратда эдилар. Бу қандай мўъжиза?

Ниҳоят, бизни палатага киритишди. Қизнинг отаси аёли билан ҳол-аҳвол сўрашгач, гапиролмай ерга қаради. Мен йўқолган қизнинг суратини кўр-

сатдим. Аёл бир неча йилдан бери ҳеч кимни танимайдиган аҳволда умр кечирган экан.

– Қизим... – деди бемор ҳазин оҳангда.

– У сизни кўришга келганмиди?

– Ҳа.

Ота бош кўтариб, ёшли кўзларини негадир менга қадади.

– Қаерга кетганини айтоласизми? – шошиб сўрадим бемордан.

Аёл елка қисди. Хийла вақтдан кейин синиқ кулимсираб, паст овозда:

– Тўйига кетди, – деди ва кўрсаткич бармоғи-ла таъкидлаб қўшиб қўйди: – Бир кун қолганди... бир кун... Менинг ўлишимга эса ҳали кўп бор... кўп...

– Тўйига бир кун қолганда келган, шундайми?

– Ҳа-а... – деди бемор чўзгандан чўзиб.

-- У йиғладими?

– Йиғлади.

– Балки тўйга эмас, бошқа жойга боришини айтгандир?

– Тўйига кетди, дедим-ку. Сенга неча марта айтиш керак. Бор йўқол! Нега кетмаяпсан? Кетсангчи.

Биз ундан бошқа гап ололмадик. Шифохонадан чиққанимизда, ота ҳасратини давом эттирди:

– «Психбалниса»га келганини аниқладингиз, раҳмат. Лекин тўйдан олдин онасини кўриш ниятида келганга ўхшамаяпти, нияти бошқа бўлган-

ов. Илтимос, ишнинг охиригача боринг. Кўраяп-сиз-ку, бўларим бўлди. На йўл қарашни биламан, на аза тутишни.

– Ношукурлик қилманг.

– Ношукур эмасман, укажон.

– Ноумид ҳам бўлманг.

– Айтишга осон. – Машинага ўтирганимиздан сўнг деди: – Сиздан изкуварликни эмас, бошқа нарсани кутгандим.

– Қизингизнинг қаердалигини руҳлардан сўраб беришим керакмиди?

– Вахдати вужудми, вахдати шуҳудми, бир нима йўналишдаги энг кучлиси деб таърифлашганди сизни. Чиллахонадан чиқмай, ибодатни қанда қилмаган сиздек одам милициянинг изидан кетаяпсиз.

– Иккиси ҳам йўналиш эмас, – дедим. – Улар таълимот, ака. Лекигин сизга айтсам, ким нимага эришишни олдиндан ҳеч ким билмайди. Ўтган гал айтган танбеҳларим бекор кетибди. Иккимизга ҳам ақл-фаросат берилиб, «Бундан йўқолган нарсаларингни топишда ҳам фойдаланишларинг мумкин», дейилган. Шундай экан, «Менга йўқолган кизни дарров кўрсатасиз» дейишингиз нотўғри. Излашда давом этамиз.

– Фолбинлар айтиб ётади-ку.

– Кўриб турибман, улар сизга ёрдам беролмабди.

Машина шаҳардан чиқди. Ўйладим, ўйладим ва калаванинг учини топгандек бўлдим.

-- Қизингиз, – дедим отага, – ростдан ҳам ҳеч кимга айтмасдан онасини кўришга шаҳарга келган. Қайтишда адашган, қаердадир тунаган. Эрталаб эса тўйига кечиккан.

– Тўйига кечиккан? Тавба, бир ойдан бери кечикиб юрадими бир соатлик йўлда? Айтмайдими қаердалигини?

– Бўлажак куёвингиз қизингиз йўқолганини эшитгач, зудлик билан синфдош қизни келинликка танлаган. Қизингиз худди шу фурсатни бой берган. Бошқа келин танлаб қўйилганини эшитиб, аллақаякка кетиб қолган. У бўлажак умр йўлдошининг кўнглида бошқа ёр борлигини билгач, ўзи қанчалар бегона эканини тушунган.

– Буларни қаёқдан билаяпсиз?

– Ҳозирча бундан бошқа яхшироқ оқибатни кўрмаймман, ака. Нима бўлганда ҳам, қизингиз севишганларнинг ўртасига ғов бўлмагани менда яхши таассурот қолдирди.

– Қанақа яхши таассурот? – асаби кўзиди отанинг.

– Қизингиз мард экан, ҳавасим келаяпти, – дедим.

Ота бир қимирлаб олди.

– Қаёкка кетган бўлиши мумкин? Қаерга ахир?!  
– бакириб юбораёзди у.

Мен эса ҳамон суратга тикилиб ўтирардим. У менга таниш эди, қаердадир кўргандим. Бор қувватимни тўплаб эслашга уриндим. Тушимдаги аёл ҳам «Эсла, эсла» деб бекорга таъкидламади. Қирк отли арава... қирк кишилик арава...

– Фан-техника йилдан йилга ривожланиб бора-япти, – деди ота. – Ўғриларнинг бармоқ изларини аниқлаш ихтиро қилинди, камералар чиқди, радио-телевидения ривожланди, интернет кириб келди, аммо натижаси бўлмаса ҳам қийин экан... Қизим йўқ... ҳеч қаерда йўқ...

Шу он ҳайдовчи рўпарадан келаётган автобусни кўрсатиб:

– Ҳа, ҳозирги замонда техника деганлари анча илгарилаб кетди, шаҳардан қишлоғимизгача бир соатлик йўл, – деди. – Бир вақтлар боболаримиз от-аравада икки кун юришган. Қаранг, шунча одамни ғизиллатиб опкетяпти.

Худди шу дамда қувончдан қичқириб юборишдан зўрға ўзимни тийдим. Автобус! Шаҳардан қайтаётган автобус! Мана, қиз қаерда! Уни аввал ҳам учратганман, баайни қирк отли, қирк кишили аравада.

#### **4. «Яна учрашамиз!»**

Раҳмон аканинг ҳикояси шу жойга етганда, назоратчи чипта текширишга кирди.

– Купеда фақат уч кишими? – ажабланди у. – Менга бу ер одамга лиқ тўла туюлди.

Раҳмон ака биқинимга секин туртиб қўйди. Назоратчидан сўради:

– Акам, Бештол станциясига етай деб қолдикми?

– Бештол деган станция йўқ. – Назоратчи Раҳмон акага ҳайрон бўлиб қаради. – Қаерга тушмоқчисиз?

– Мен-ку қайнотамникига кетаяпман, бу йигитнинг эртага тўйи, Бештолга тушиши шарт. Агар тўйга кечикса, тақдири бутунлай ўзгариб кетиши мумкин. Одам ўзининг тўйига ўзи кечикса, ҳаёт дарёси бошқа ўзанга бурилгани тарихда исботланган. Ҳамроҳим яхши инсонлар тоифасидан. Бахтини топсин, илойим.

– Станция қурилгунча тўйни тўхтатиб турсин, – беўхшов ҳазил қилди назоратчи.

У купе эшигини ёпиб, бизни холи қолдирди.

– Кейин нима бўлди? – сўрадим Раҳмон акадан. – Қизнинг ўлигиними, тиригиними топдингизми?

– Шошилмасангиз-чи, – елкамга қоқди Раҳмон ака. – Ўйин охирлаб қолди-ю! Қани, ташланг карталарингизни!

Икки туз билан бопладим. Раҳмон ака қаҳ-қаҳ уриб кулганча, Мадинахон опани қучиб олди. Бу одамнинг Художўйлигига аллақачон шубҳа қила бошлагандим. Одам деган сал жиддийроқ ва масъулиятлироқ бўлса-да.

– Шартингизни айтинг, бажараман, укажоним,  
– деди у менга завқ билан. – Бекор қарта таклиф  
этибман, уччига чиққанлардан экансиз-ку. Аммо  
қимор маъносида ўйнамадик. Қимор – ҳаром, буни  
унутманг, ука!

– Бештолда поездни тўхтатиб берасиз, – дедим  
жўнгина қилиб.

– А?

– Шартим шуки, Бештолда мана шу поездни тўх-  
татасиз. Юриб кетаётган поезддан сакраб, оёғимни  
синдирсам, эртанги тўйим хавф остида қолади.

– Шугинами?

– Мен жиддий сўраяпман, ака.

– Бештолга етганимизда айтинг, гап йўқ, укажо-  
ним, – деди Раҳмон ака. – Камина ваъдасида тура-  
диганлардан.

Қарасам, поезд кўприкдан ўтаяпти. Яна бир  
оз ҳаялласам, қишлоғимдан ўтиб кетардим. Ўр-  
нимдан туриб Раҳмон акага қўл чўздим.

– Танишганимдан хурсандман. Мадинахон опа,  
сизга ҳам раҳмат, қандай етиб келганимни билмай  
қолдим.

Улар ҳам жойидан туришди.

– Йўқолган қизни қандай топганингизни айтма-  
дингиз-ку, – дея эшик олдида тўхтадим.

– Қизнинг исми Мадинахон эди, – деди  
Раҳмон ака. – Институтдан ҳужжатларни олиб  
кайтаётганимда бир аёл ва ўн тўрт ёшлардаги

қизни автобусда кўрганимни айтгандим. Суратга тикилиб-тикилиб ахийри уни танидим. Ўшанда қиз тоққа қараб ёнидаги аёлга Маржон қишлоғи, Моҳира исмли дугонаси ҳақида гапирганди. Мадинахонни қоялар тагидаги Маржон қишлоғидан топдим. Унинг Моҳираникидан бошқа ҳеч кимни-кига бекинмаганини тахмин қила олдим.

Раҳмон ака кўзларимга дўстона тикилди.

– Биламан, мен ҳақимда ҳар хил хаёлларга бораяпсиз. Тўйингиз арафасида шунчалик таваккал билан кечикиб юрган экансиз, сизга фақат ёрдимимиз тегди, деб ўйлайман. Яхши кунларга кечикманг, дўстим.

– Мадинахон опанинг кечиккани сизга фойда қилган экан-да, а? – деган эдим, Раҳмон ака:

– Йўқ,– дея жавоб берди, – ҳамма воқеа курсдошимнинг жонига жабр қилганимда бошланган. Мен эзгуликка кечиккан бандаман.

Тамбурга чиққанимизда:

– Агар қартадан ютганингизда қандай шартингизни бажартирардингиз? – деб сўрадим.

– Ақлингизни рух, руҳингизни ақл деб ўйланг, – деди у. – Ишонаманки, шундан кейин менинг сафимга кўшилардингиз. Балки енгилтак кўринарман, қарта ўйнаб турарман, лекин ҳужжатим борлигидан кўнглим тўқ. Қартадан ютганимда, сизга ҳам ҳужжат берардим.

– Қанақа ҳужжат?

– Хуфтон, – деди у.

– Хуфтон?

– Тўй арафангизнинг охирги хуфтони яқин, – елкамга қўл ташлади Раҳмон ака. – Уни бой берманг.

Биз кучоқлашиб хайрлашдик. Эр-хотин менга бахт тилади.

– Тўйга бир кун қолганда уйдан чиқиш ҳамиша ҳам бахт келтирмайди, – деди Раҳмон ака. – Ука, ҳали яна учрашамиз.

– Балки қартадан ютқазмиш учун ҳам учрашарман, – дедим мен.

Поезддан оҳиста тушдим. Қизил чироқларини милтиллатиб вагонлар олисларда кўздан йўқолгач, қандай тушганим ҳақида ўйлай бошладим. Поезд тўхтаганини эслаёлмадим.

## ОТХОНАДАГИ АРВОҲ

Олтинчи кундан еттинчига ўтар кечаси ёмғир ёғди. Кимдир ҳазиллашиб: «Бундай об-ҳаводан сўнг арвоҳлар роса изғийди-да», деганди, ҳаммамизга бачкана, зўрма-зўраки туюлди бу ҳазил.

Декан остона ҳатлаб, булутли осмонга тикилган эрталабки саккизда эса бир томчи ҳам ёғмаётган эди. Пахта теришга чиққим келаётган бўлса-да, ёмғир тўхтагани негадир алам қилди. Қишлоқ йўлларига она табиат лой ва ҳалқоблардан манзара

чизиб, «Марҳамат» дея манзират қилаётган маҳал янги буйруқни эшитдик:

– Бугун Саримсоқ бова даласига жўнаймиз! Хув анави тепалик ортида!

Баъзилар чекка-чеккада ҳиринглаб кулган бўлишди:

– Сассиқ бова даласига борармишмиз. Жа кўзимиз учиб турибди-да.

Мирвали ўша кезларда, курсдошларим ичида яқин ўртоғим эди. Ранги оқариб, юрагини ушлаб пкелаяпти.

– Юрмайсанми? – дедим уни тут тагида кутиб. – Ҳаммадан орқада қолиб... Ие, нима бўлди?

– Пахтага келганимиздан бери ўша тепалик томон қараёлмайман, – дардини ёрди у, – билмадим, нега.

– От касалига учрагандирсан? – ўсмоқчилаб сўрадим ундан. – Баъзан тепаликларга отларни боғлаб қўйишади, атроф пахтазор бўлса, яна каерга ҳам боғласин.

«От касали»ни ўзим ўйлаб топгандим. Бир замонлар отамдан эшитганман. Денгизга илк марта чиққан тоглик йигитлар кўнгли айниб, қусиб, денгиз касаллигидан азият чекишган экан. Қурукликка ўрганган вужуд бетиним чайқалишидан дардланиб қолиши Мирвалининг хасталигига ўхшарди. Эсини танигандан буён от миниб юрган бола ўқишга ўтади-ю отсиз яшай бошлайди. Гапларини эшит-

ган одам дунёда от касаллиги ҳам бор экан-да, деб ўйлаши табиий эди.

– Бас қил ҳазилингни! – деди Мирвали ва сувсиз ариқдан ўтиб кенг далага тикилганча ҳолсиз ўтириб қолди.

– Битта-битта чекамиз, – дедим сигарет қутисини чиқариб.

Аммо чеккимиз келмаётган эди. Шунда менинг ҳам юрагимда оғриқ турди, бошим айланди. Тепаликка қарадиму юрагим увишиб кетди. Қачонлардир (эллик-олтмиш йиллар муқаддам) шу ерларга келгандек бўлдим. Қишлоқ бор эди, мени кутган чамандагул дўппили киз... Ва тўйимиз... Кейин у ўлди, мен ҳам...

Хаёлларимни Мирвалининг ҳайкириғи тарқатиб юборди. Қарасам, у дала ўртасига қараб чопаяпти. От кишнайди. Яхшилаб тикилиб, отни кўрдим. У оқ от эди, негадир одамга, айнан Мирвалига ўхшарди.

Яна бир қарасам, Мирвали ўша отга миниб олган, эгатдан чоптириб кетаяпти.

– Тўхта, Мирвали! Мени ҳам миндир! Тўхта дейман! – Ортидан югураман, қани ета олсам.

Курсдошлар тугул бутун олам унутилиб, номаълум томонга чошиб кетавердик. Оёқларим отникига айланиб қолгандек, дупурлагандек бўлади. Умримда бу қадар шитоб-ла учмаганман. Ғўзалар шарт-шурт урилиб, барглар сочилиб кетади,

ёнғоқдай кўсаклар бандидан узилиб, тўп ўқлари каби отилаётганини кўраман.

Бир маҳал Мирвали ва оқ от ер ютгандек ғойиб бўлди. Рўпарамда экскаватор қазиган зовурнинг кум аралаш дўнглиги, қамишлар кўринди. Узокка сакрашим керак эди, акс ҳолда зовурга шалоплаб тушишим тайин. Оёғимга шундай куч бердимки, нақ том бўйи ҳаволаб, ўн кадам нарига учиб тушишимни ҳис этдим. Афсуски, зовур ичига йиқилиб, оғзи-бурним кумга тўлди.

Бошимни кўтарганимда Мирвали зовурнинг нариги лабида чўнқайиб ўтирарди. Ёнига тирмашиб чиқдим, таассуб солиб мен ҳам ўтириб олдим. Нигоҳимиз битта нуқтада эди: олислаб бораётган оқ отда. Кейин сирли от уфқдаги тутлар бағрига сингиб кетди.

– Худо сени бир саклади, жўра, – деди Мирвали юзимга қарамай.

Шу куни домладан уриш эшитдик. У бизни ишёқмасликда айблади, баҳона кутди, лекин Мирвали ҳам, мен ҳам от ҳақида лом-мим демедик.

Тушликда тепаликдан сезилар-сезилмас тутун кўтарилганда, ковоғидан қор ёғиб ўтирган Мирвалининг чехраси ёришиб, бригадирдан сўради:

– У ерда биров яшайдими, ака?

– Саримсоқ бованинг уйи шу-да. Тут ёқалаб келганларингиз учун кунчиқар томондаги уйи,

отхонаси сизларга кўринмаган. Ўн йилдан бери қишлоқда яшамайди. Ўзи асли бизнинг уруғдан, яхши одам.

– Отхонаси бор дедингизми?

– Ҳа, лекин биронта ҳам оти йўқ. Бир кунда сўйиб, сотилган. Тўғриси, сотилмаган ҳам. Йўлда чириб-битган.

Бригадир фожиали бир воқеани сўзлаб берди. Ўн йил бурун атрофда от ўғриси пайдо бўлибди. Бир, икки, учтагача от йўқолибди. Саримсоқ бова от ишқибози бўлиб, отларнинг рангига ҳам қизиқар экан. Қора, қизил ва араби оқ оти тепаликда кишнаб тургани ҳалигича бригадирнинг кўз олдидан кетмасмиш. Бова ўғрилардан кўрқиб, тепалик биқинидаги отхонасида отлар билан яшай бошлабди. Бояқиш кампири ҳар куни овқат ташир экан. От ўғриларини милиция ушламагунча чол қишлоққа қайтмасликка аҳд қилибди. Бироқ кунларнинг бирида кампири келмабди. Хавотир билан кечгача кутибди. Қоронғи тушгач, икки ҳамқишлоқ йигит кўриниб: «Момомизнинг мазаси йўқ, бораркансиз, отларга биз қараб турамыз», дейишибди. Чол минг хил қора хаёллар билан уйига етиб борибди-ю хайрон қолибди: кампири овқат солинган тугунни кўтариб, кимнидир кутиб ўтирганмиш. «Тинчликми?» – сўрабди бова. «Э, йилки деб уйингизниям унутдингиз, – зор қақшабди кампири. – Пешиндан бери одам келади. Дам газчи, дам электрчи. Бир-

бири билан тортишиб, қувурларни симларни роса текширишди. Икки соатдан вақтимни олди...»

Саримсоқ бованинг кўнгли бир шумликни сезиб, сўрабди: «Отхонага борган йигитлар сени касал дейишувди, нега алдади экан?» Кампир дастурхон ёзишга уннаб, дебди: «Келганларнинг бари бегоналар. Мазам йўқлиги етмагандай чолимнинг олдига ҳам боришим керак, дегандим, кўшни йигитларга хабар беришганми, атрофида парвона бўлиб қолишди. Кўярда-қўймай сизни чақириб келишга жўнатишди. Нима бало, отхонага икки соатда етишибдими? Бунча кеч келдингиз? Кута-кута йўлга чикмоқчи бўлиб турувдим...»

От ишқибози учун қорин ғамидан муҳим нарса бор эди. Дарҳол изига қайтибди, аммо ҳадеганда манзилга етавермабди. Ниҳоят, етиб караса, ҳамқишлоқ йигитлар бир-бири билан тортишаётган эмиш: «Сен айтасан! Сен биринчи қочдинг!»

Шунда Саримсоқ бова отларидан бир умрга айрилганини тушуниб, инграб юборибди. Йигитларнинг айтишича, бова кетганидан сўнг уч барзанги пайдо бўлибди, бирининг кўлида милтик бор эмиш. Қоровулларга жон ширинлик қилибди, ўғрилар отларни миниб, бир нафасда кўздан йўқолибди.

Орадан бир кун ўтар-ўтмас Тошкент йўлида юк машинаси ҳалокатга учрабди. Унга сўйилган учта от ортилган бўлиб, қизил, қора, оқ отлар

экан. Суриштирув натижалари даҳшатли эди: отлар Саримсоқ бованинг отхонасидан ўғирланган. Ўғрилар ҳамқишлоқлар – ўша йигитлар.

Аммо нимадир бўлдию йигитлар камалмади, ота-оналари уялмай-нетмай каззоб фарзандларини қамоқдан сақлаб қолишди. Бовани эса от учун одамни қаматишгача борган худбин кимсага чиқаришади.

«Отларим сенларнинг фарзандларингдан яхшироқ эди», – дейди бова ва шу кўйи қишлоққа қайтмайди.

– Лекин, – деди бригадир, – ўшандан кейин ҳам кечаси Саримсоқ бованинг от миниб юрганини кўрганлар бор. Қизиги, у киши от сотиб олган эмас, ҳаммамиз биламиз буни...

Мирвалига қарайман, унинг нигоҳи қотиб қолган. Тўсатдан эрталабки оқ отни ўйладим. Туманданми, тутунданми иборат шарпа эмасмиди у? Ўйлаган сайин танимни ихтиёрсиз кўрқув эгаллади, ичимда калима қайтардим.

Эртасига Мирвалини касалхонага жўнатдик. Тушгача Саримсоқ бованинг уйи ёнида пахта тердик. Тушлик овқат келишини кутиб, зериккан йигитлар қаровсиз ётган отхонани томоша қилмоқчи бўлишганда, мен ҳам эргашдим. Алоҳида-алоҳида учта хона бор эди. Бундан ташқари емхона, пичанхона, эгар-жабдуқлар хонаси – барчасига ичкари-ма-ичкари кириларди. Энг охирги хонанинг эши-

гини очмоқчи бўлганимизда, ортимиздан кимдир келаётганини пайқадик.

– Ҳой йигитлар, – дейиши билан ялт этиб қараганимизда, нуруний бир онахон жилмайиб турарди.

Ҳаммамиз салом бериб, узр сўрай бошладик. У эса бошқа гапирмади, ғалати жилмайганча эгар-жабдуқлар хонасига бурилди.

– Қочдик! – тапир-тупур югуриб кетди Усмон деган йигит. – Думи бор... момонинг думи бор... отникига ўхшаш... У от момо!.. От момо!..

Ўпирилган деразадан чиқиб, қарғиш урган отхонани ортда қолдирдик. Момонинг думи борлигини пайқаганлигини пахтазорга етганимизда яна бир курсдошимиз айтди. Биров ишониб, биров ишонмай тортишиб турганимизда, қишлоқдан келаётган машинага – деканнинг уловига кўзим тушди. У дала бошига бунчалик шошиб келмас эди, хавотирланиб караб қолдик.

Декан аввал домламиз билан гаплашди, кейин бизга титроқ овозда мурожаат этди:

– Гап бундай, ҳаммангни битта-битта чақириб тергов қилишади, ортиқча гап валақламанглар, тушунарли-я?.. Ҳозир... ярим соат аввал Мирвалидан айирилиб қолдик... Жигари титилиб кетган экан бояқишнинг...

Қизлар ув-ув йиғлагани ҳамон эсимда. Отхонадаги кампирга келсак, уни Саримсоқ бованинг хо-

тини деб ўйлагандим. Бригадир отхона воқеасини эшитиб, калима қайтарди ва бованинг кампири ва-фот этганига беш йилдан ошганини айтди.

Отхонадаги охирги эшикда нима борлигини эса ҳалигача билмайман.

## ГЕРТРУДА

Биринчи қор ёққан куни ҳам молларни дарё бўйига ҳайдадим. Кеч куз кирибоқ кишлоғимиздаги ариқларда сув қурийди. Моллар чириган ҳазон лойга аралашиб қотиб қолган ариқ тубини искаб, дарё томонга шошилишди. Ўнта мол – битта рўзгор учун катта бойлик. Уларни челақлаб суғориб бўладими?

Қуриган хашак, сомон ва макка поясини еган битта хўра тўрт челақ сувни кўрдим демайди...

Дарё бўйига тушаётиб, сирғалиб кетдимۇ кимнингдир йўталидан сўнг сакраб турдим.

– Сирпанчик, – деди чўзиб қабристон қоровули. У катта қора чопонга ўралиб, телпагини кўзигача бостириб чинор ғўласи орқасида ўтирарди.

Салом бердим. Уйи кўчамиз охирида бўлгани боис молларни ҳайдаб томорқаси четидан кўп ўтардим. Аммо бу ерда қунишиб ўтиришини илк бор кўришим.

– Ҳув анави қабрни кўраяпсанми? – деди қоровул қабристоннинг ярмини эгаллаган темир хочлару панжаралар томон ишора қилиб.

– Қайси? У ерда...

– Четдагисини. Ўтган ҳафта ўлган ўрис момоникини.

Дарвоқе, ўттиз йиллар муқаддам қишлоғимиздан кўчиб кетган малаханлардан қолган гўрлар четида Галина момонинг ҳам мозори дўппайиб қолган эди. Момо бояқиш биродарлари билан кетмаганини, ўтган ҳафтагача ўз уйида ёлғиз истиқомат қилганини, албатта, яхши билардим. Баъзилар момонинг ёлғиз ҳизи – Гертруданинг қишлоғимиз қабристонига дафн этилишини ваз сифатида кўрсатишарди. Ким билади дейсиз, балки шундайдир?

Четдаги тупроқ уюми қоровулни нега кизиқтираётганини тушунолмадим.

– Ҳа, кўраяпман, – дедим уст-бошимни қоқиб. – Нега буни мендан сўраяпсиз?

Қоровул телпагини қошидан юқори кўтариб, худди илжаяётган қаби тикилди-да, деди:

– Ҳайронман, нега фақат шу гўрнинг устида қор йўқ. Астагфурулло, тупроқнинг тафти бордек, тушган қор эриб битаяпти-я!

Мусулмонлар ва насронийлар дафн этилган қабристонга бошдан-оёқ кўз югуртирдим. Дарҳақиқат, Галина момонинг мозоридан бошқа барча қабрлар қор остида қолган эди.

Қоровулнинг сўровига елка қисиб кўя қолдим, аммо унинг бу ерда телбавор ўтириши ва ғалати саволи алланечук мутаассир этди.

– Ҳой, – деди қоровул, – Янги йил кечаси яна сен қорбова бўласанми?

– Билмасам, ҳали келишганимиз йўқ.

– Қорқиз ким бўлишига боғлиқ-да, а? – шангиллади қоровул. – Келаётган йил уйланар эмишсан. Ростми?

Тўхтадим. Бу одам ҳеч қачон тўй-маъракага қизикмаган, сўраб-суриштирамаган, ўзи билан ўзи андармон юргувчи эди.

– Худо хоҳласа... – деб гап бошладиму туйқус сўзламокни истамадим. Хосиятсиз кўринган афт-ангорига, сўнгра ҳовури кўтарилаётган Галина момо мазорига нигоҳ ташладим. Гўё янги қабрнинг қори эриб бораётгани қоровулнинг каромати эди ва шу тобда «кўриб қўй ишимни» дегандек менга намойиш этарди.

– Уйланиш молларингнинг семиришига боғлиқ, тушунаман, – деди у. – Ҳа, майли, ўзи бошқа нарсани сўрамоқчийдим. Худо раҳматли, ўрис момонинг Гертруда деган ажинасини жуда яхши... яхши танирдинг-а?

– Ўз қизини кўрмаганман, бизлар туғилмасдан бурун вафот этиб кетган у. Асранди ўғлининг қизини (унинг исмини момо қизининг хотираси учун Гертруда деб қўйдирган) танийман, лекин кўрмаганимга беш-олти йил бўлди.

– Ажина деб ўша қизчани айтаяпман. Сени кўриб, бир гап эсимга тушди. Ўтган йили дарё бў-

йига мол боқиб юрган тенгқурларинг Гертрудани ёқтиришингни гапираётганини эшитгандим. Кимгадир уйланмоқчисан, хўш, Гертруда қишлоқда яшаганида уйланармидинг?

Бу саволи энди жудаям ортиқча эди. Тепса-тебранмас, одамови қоровул чинор ғўласига суяниб, кутилмаганда ғалати равишда гапга тутиши, ҳатто, сескантириб юборди, «Эси жойида бўлмаса-чи?» деб ўйладим.

Индамай кетаётганимни кўриб, янада бегона овозда:

– Агар қорбова бўлсанг, бизникига кел. Қизил белбоғ бераман, чопонингнинг устидан боғлаб олсанг, жуда ярашади-да, – деди.

Хаёлларим Гертруда томон кетди. Галина момо анча йиллар аввал кеч кузда дарё бўйида бир бола-ни учратган ва уйига етаклаб келган. Дайди бола момоникида бир йилча яшаганидан сўнг ота-онаси топилган. Маълум бўлишича, боланинг ақли заиф экан. Бир неча марта боши оққан томонга кетиб, ойлаб дараги чиқмабди. Биз мол боқадиган бўлиб қолганимизда, у уйланган, ҳар замонда қизи билан қишлоғимизга келиб турарди. Кейинчалик қизи ҳам бир неча ойлаб қолиб кетадиган бўлди. Отаси каби у ҳам бошқача эди, лекин телба дейишга тил бормасди.

Бир куни ўрис момонинг уйи орқасидан ўтиб бораётсам, Гертруда гилос тагида хаёл суриб ўтир-

ган экан. Ўспирин эмасманми, шаҳарчадан келган чиройли кизни кўриб, беихтиёр кўз узолмадим.

– Ҳой бола, отинг нима? – сўради у.

Айтдим.

– Бери кел, нега кўркасан?! – деди қиз худди савдогар хотинлардек.

– Нима?.. – Қизнинг қаршисида тўхтадим.

– Бу уй кимники эканини биласанми? – Гертруда ўрис момоникига ишора қилди.

– Биладан. Шу кишлоқда яшаб, билмаслигим керакми?

– Галина Антоновна. Сенлар ўрис момо дейсанлар. Дадам уни шунчалик яхши кўрадиларки, қариндошларимиз дод солсалар ҳам менинг исмимни Гертруда кўйдирдилар. Момо хурсанд бўлди... Умуман, гап бу ҳақда эмас. Бу уй кимники эканлигини биласанми, деб сендан бошқа маънода сўраяпман. Билиб қўй, бу уй марҳумларни ҳам ёлғиз ташлаб кетмайдиган даражадаги улуг инсоннинг уйи. Одам ўлиги дарахт қолдиғи эмас. Одам ўлиги ҳам одам! Қабрларни ташлаб олисларга кетиб қолиш ҳам худди тирик боласини ёки отонасини ташлаб кетиш билан баробар.

Қизнинг кўзларидаги совуқ нурни кўриб, паричеҳрага бўлган қизиқишим аросатда қолди. Четдан караган киши мени меҳмон қиз билан ўтган-кетган ишқ можароларини гаплашяпти, деб ўйлаши мумкин. Аслида эса қиздан даҳшатли гапларни эшитиб, тиззамгача қалтирок кирди.

– Момо кизини ташлаб кетишни истамади, – деди Гертруда. – Ёлғизгина фарзанди гўрда ётибди. Ўйлаб кўр, уни ташлаб кетиб, момо нима топади? Ҳаловатми, эрми, бойликми? Ҳатто, киндик кони тўкилган маконни ҳам тополмайди. Кўрдингми, ҳаёт мол боқишдан иборат эмас.

– Мен умр бўйи мол бокмайман, – дея бироз аччиқландим. – Мол боқиш бизда уй юмушларига ёрдамлашиш ҳисобланади. Тушундинг?

– Сендан вазир чиқади, – Гертруда кутилмаганда келажагимни олдиндан кўраётгандек жиддий ва салобат билан сўзлади.

– Вазир? Қанақа вазир?

– Давлатнинг бир кисмини бошқарадиган вазир.

– Мен шофёр бўлмоқчиман-ку?

– Ҳамма ўғил болалар бошида шунақа ёлғончи бўлишади.

Ўртағизга жимлик чўкди. Одатда, эндигина суҳбат қурган ёш йигит-қиз бундай сукутга бардош беролмайди. Ё бир-бирига ўтли ишқ туғёни-ла тикилиб қолади, ё икковидан бири кетишга уринади.

– Хўп... – дедим мен.

Аммо қиз ҳақиқатан дангалчи чиқиб қолди.

– Нима «хўп?» – деди у. – Кетмоқчимисан? Шошма, сенга айтадиган гапим бор. Анча вақтдан бери кузатаман, қишлоқларингда фақат сен бир сўзли йигитга ўхшайсан. Бир сўзлимисан? Сенга ишонсам бўладими?

У менга сирли нигоҳ ташлаган эди, юрагим ду-  
киллаб ура кетди. Бунақа қиздан ҳар нима кутиш  
мумкин. Ким билади, сен ёқиб қолдинг, кечкурун  
кел, дейдими? (Шаҳарча қизлари йигитларни ўз-  
лари чакирармиш, деб эшитгандим).

– Ишонавер, Гертруда.

– Гера деявер. Мен оддийликни ёқтираман. Ма,  
– деди у пичоқ узатиб, – беркитиб қўй.

– Нима қиламан бунди?

– Бу пичоқни милиция ҳам ахтариб тополмаган.

– Нега ахтарган?

– Дадам аямни ўлдирган, эшитганмисан?

– Аянгнинг ўлганини эшитганман, лекин уни  
даданг...

– Ҳа, дадам. Мен ёлғиз гувоҳман. Ҳозирча сен-  
дан бошқа ҳеч кимга чурқ этганим йўқ. Эшитган-  
мисан деб сўраганимни қара-я!.. Дадамни таний-  
сан, шундоқ ҳам ярим жон. Яна икки-уч йил яша-  
син, дейман...

– Кейин-чи? – Пичоққа чўчинкираб қарадим.

– У ёғига Худо пошшо, – деди қиз билағонлик  
билан. – Галина момо айтганидек, Худо насибага  
яраша беради.

Шундан сўнг биз дўстлик битимини имзола-  
дик. Бу – дўстликка унчалик ўхшамасди ҳам. Мен  
Гертрудадек гўзал ва ўт-олов қизнинг қишлоғу  
шаҳарчадаги ягона йигити эканлигимдан хурсанд  
эдим. У эса, сезишимча, пичоғини асраб юрган  
садоқатли йигити борлигидан мамнун.

Орадан бир неча йил ўтди. Ҳис-туйғуларим муҳаббат либосини киёлмади. Қиз қанчалик гўзал бўлмасин, муҳаббат либосига астар ҳам керак эди чоғи. Бу вақт мобайнида кўлидан-да ушламадим. Назаримда, киз бошидан ҳиссиз эди, кейин ҳам ҳиссизлигича қолди.

Қачон Гертрудани ўйласам, сабр-тоқат ва совуққонлик билан қотилликка тайёрланаётган киз кўз олдимга келарди.

Охирги учрашувимизда у пичоғини сўради.

– Нима қиласан? – дея кўзларига қаттиқ тикилдим. – Ёмонликни сезсам, ҳеч қачон қайтариб бермайман. Гера.

– Сен билан бу тўғрида ҳисоблашмайман, – деди киз. – Пичогимни бер. Мени ўзингга тенглаштирма. Биласанми, кимсан? Ҳаётнинг ҳамма неъматлари тухфа этилган бахтли инсонсан. Соғлигинг бор, оиланг бор, киладиган юмушинг бор, она кишлоғинг бор. Менда, ҳаттоки... ишонасанми, қалб ҳам йўқ. Соғлик, ота-она, орзу-мақсад, ватан у ёқда турсин, кўксимда уриб турган юрак ҳам йўқ. Пичогимни бер. Мен учун биттагина завқли иш қолди. Кейин тамом...

– Ўзинг биласан. – Гертрудага омонатини қайтараётиб, кўзларимга ёш қуйилди. – Агар бирон йил кўринмай кетсанг, қишлоқдан мени ахтариб юрма... Гера, шу пичоқни десанг, мен сен учун йўқман!

– Ахтараётган одамим сен эмассан, – деди қиз...

Мана, яқинда уйланмоқчиман. Бу ёқда эса қор ёғиб берди. Қабристон қоровули Гертрудани гапириб қолмаганида, балки уни эсламасдим ҳам. Ҳаёт шу: соғинчларни-да эзиб-янчиб олға кетаверади.

Янги йилга ҳафта қолганида ота-онам икки қишлоқ наридаги бир қариндошимизнинг кизига совчиликка боришди. Қиз одобли, меҳнаткаш, ақлигина эмиш. Кимдан сўрасам, «Ажойиб қиз, бахтинг бор экан», дейди. Халқни алдаб бўлмайди, халқ ҳам алдамайди: яхшини яхши, ёмонни ёмон деб, ростини айтади.

Ота-онамга қолса, тўйни ўтказворишарди. Бироқ қишлоқ катталари рухсат бермадилар.

– Ўрис момо ўлганига ҳали қирк кун бўлгани йўқ, – дейишди улар. – Шунча йил нон-тузимизни еди, биз ҳам маъракаларида нон-туз едик. Қирк чикмасдан тўй қилсак арвоҳи нима дейди? Қўшни қишлоқ одамлари-чи?! Шошмасак, ҳафта-ўн кун ўтади-кетади.

Адашмасам, Янги йил кечаси биринчи бўлиб мен маст бўлдим. Шу куни, туш чоғи илк марта келинжонни кўрдим: юзи япалоқ, қошсиз, сепкилли қиз. Гаплариям антиқа-антиқа. «Сиз нос ҳам чекасизми?» деб ерга қарайди. Ҳадеб ўзини олиб қочади.

«Мендан ўзини олиб қочса, қандай хотин бўлади? – ўйлаб келдим йўлда. – Нос чекишим билан

нима иши бор? Ҳаммасидан баттари, кўриниши нега унақа-я?! Бир умр энди шу билан яшайманми?...»

Ичдим. Қорбобо кийимини кийдим. Кимникига кирсам, аввало, бир пиёла ароқ узатади. Фақат қабристон қоровулигина қадаҳ тутмади. Белимга кизил белбоғ боғлаб, шивирлади:

– Момонинг қабрига қор ёғмаяпти, якин-ўртада кўзинг тушгандир?

– Молларни тўй харажатлари учун сотиб юбордик, нима, дарёга ўзимни ўзим суғориб келаманми?! – деб қаҳ-қаҳ уриб кулдим.

Ҳаммаси сархушлик оламига қоришиб кетди. Бир вақт қарасам, кўчада ёлғиз кетаяпман. Қопимда нимадир бор, шекилли. Галина момонинг уйига қарайман. Зим-зиё, сукунат. Ҳар йили арча безарди, деразадан мўралаб, кўчани кузатиб ўтирарди. Энди у йўқ, ҳеч қачон қайтиб келмайди...

Унинг қизи Янги йил байрамидан сўнг, эртасига вафот этган, дейишади. Тавба, қишлоқ пайдо бўлгандан бери қанчадан-қанча одам ўлган, аммо марҳумлар ҳақида гап кетса, дарров ўрис момонинг қизига бориб тақалади. Қиз тўсатдан ўлган-қолган. Бундай ажал топишнинг ғаройиб жиҳатини ҳеч англаб етмайман...

Бирдан ўзимнинг Гертрудамни эсладим. У ўшандан сўнг қаёқларга бош олиб кетган экан?

Отасини ўлдирдимикан? Қиз бола ўз отасини-я?!  
Йўк, Гертруда ҳеч ким тушуниб етмайдиган яхши киз эди. Ҳусн унга бекорга берилмаган. У бахтли бўла олади. Фақат пичоқ, қонли пичоқ, қонсираган пичоқ ақлининг қолган-қутганини ўғирлаб олмаган бўлса!

Кўзларимдан дув-дув ёш тўкила бошлади. «Ахмоқ, нега йиғлаяпсан? – дегим келди ўзимга. – Ахир, сен бахтлисан-ку. Ҳамма нарсанг бор... Яқинда хотининг ҳам бўлади, кейин болаларинг... Тўйлар устига тўйлар. Ҳар замонда бир жаноза, уям бўлса саксонга кирган қаризода. Байрам, ха, хаёт-байрам...»

Оёғимни судраб, Галина момо уйидан узоклашмоқчи эдим, чироқ ёнди. Мастнинг кўзига кўринаяпти, деб, ишонмасдан қараб турдим. Рост, чироқ ёруғида бир соя лип этиб ўтди. Эски эшикни силтаб юборгандим, гийқиллаб очилди. Ҳовлидаман. Чироқ эса янада равшан кўринди. Ҳатто, қулоғимга мусиқа ҳам эшитилди.

Мастликда узук-юлуқ эслайман. Бир қарасам, уйда, безатилган дастурхон қаршисида ўтирибман. Ён томонимда Гертруда, тўрда эса Галина момо.

– У умрининг ярмини мана шу кунни кутиб яшадди, – деди Гертруда. – Момо бечора қандай чўкиб қолган! Нақ мурданинг ўзгинаси!.. Лекин у тирик. У қизини кутаяпти. Қизининг исми Гертруда эди, меники ҳам. Мен Гертрудаман, десам, ишонмас-

дилар... Галина момо, Гертруда эканлигимга энди ишондингизми? Қизингизман, ҳа, ҳа, ҳақиқий қизингиз. Биз ўлмаганмиз...

Диққат-эътиборимни жамлашга, кампирнинг юз-кўзини аниқроқ кўришга тиришаман. У ухлаётган каби бир томонга оғиб, кўзларини ярим юмиб ўтирибди. Худди чўғ устига ўтириб колгандек, азоб ва аламга чидаяпти.

– Орзуйим охирги Янги йилни Галина момо билан кутиш эди, – Гертруда мен томон сурилди. – Эртага отдошим ўлган кун. Умрим унинг ёшида, айнан у ўлган кун ниҳоясига етишидан бахт ҳиссини туяман. Бахтсиз қилиб яратилганларнинг орзуга эришиши қанчалар қийинлигини билсанг эди!..

Сўнгра телбаларча қичқира бошлади:

– Бир марта бўлсаям бахтлиман!.. Бир марта бўлсаям!.. Ҳаммаси тугайди эртага-а-а!..

Қолганини эслолмайман. Мени кўчадан топиб олишибди. Эҳтимол, севишганлар ўчиб қолган Қорбобони кўрмай ўтиб кетишганида музлаб ўлармидим?!

Ҳарҳолда яшаб кетдим. Ҳушимга келганимда орадан икки кун ўтганди. Тепамдаги одамларни кўриб ҳайрон қолдим. Улар орасида ота-онам ҳам бор, милиция ходимлари ҳам.

Кейин бир киши кизил белбоғимни олиб келди.

– Сеникими?

Бош кимирлатдим.

– Хўш, нима воқеалар бўлди? Эшитамиз...

Онам йиғлади.

Мендан эмас, мен улардан эшитдим. Даҳшатга тушдим. Гертруда байрам кечаси қабристонга борибди. Белкурак, кетмон ва чанадан фойдаланиб, мурдани уйига олиб келибди. Ҳатто, чўмилтириб, кийимларини кийгизибди. Кейин мен келганман. Ичганмиз...

Эртасига Галина момо қайтадан дафн этилибди. Гертруда эса мен сўроқ қилинган куни – эрталаб ўлган экан. Тиғи ўткир, аммо эскироқ пичоқ умрига зомин бўлганини эшитиб, ҳаммасига тушундим.

Қисматни қаранг, кичик Гертруда, барибир, катта Гертруда ўлган кун вафот этолмади. Унинг отасини эса ҳеч ким қайтиб кўрмади.

## **ЭБЖИН АЛВАСТИСИ**

Эбжинга анча вақтдан бери қадам босмаган эдим. Болалигимда кўп кезардим бу атрофларни. Энг чеккасига – жарликлару чангалзорларга туташ беҳосият маконга ўша кезлари ҳам яқин йўламасдим. Бульдозерлар коллеж стадиони учун жарлик яқинигача ер текислаганини кўриб, очиғи, хурсанд бўлмадим. Ёш-ялангни жин чалади демоқчимасман. Бу ерлар нимаси биландир барибир кора ерлигача қолгади, назаримда.

Бульдозерлар кучанди, мўрконларидан қора тунлар ҳавога отилиб-отилиб чиқа бошлади. Каттакон тошлар, бетонлар, жипслашган ғиштлар тупроқ юзига чиқди. Қудратли машиналар уларни чангалзор сари суриб бораверди.

– Бугун ер текислаш ишини тугатамиз, – деди ишбоши. – Негадир кўнглим хижил, бирон ишқал чиқмасдан битириб олсак яхши бўларди.

– Тўпни қаттиқроқ тепса жарликка учиб кетмайдими? – сўрадим мен.

– Югуриш майдончаси, томошабинлар ўриндиғи, иннанкейин баланд симтўсик қурилади. Жарликка ошириш учун камида Марадона бўлиши керак.

Ўзимга ўзим гапиргандек:

– Ҳа, жарлик ҳам кичрайиб қолибди, – дедим.

– Нима?

– Жарликни айтаман-да.

Ишбоши бульдозерларга хавотирланиб қараб қўйди. Афтидан, у ҳам одамлар оғзидан юрган ваҳимали гапларни эшитганга ўхшайди.

\* \* \*

Қишлоғим Эбжин адоғидаги қутуриб оқаётган сой ортида эди. Мактабда ўқимасимдан аввал ҳам амакиваччаларим билан мол-қўй боқардим. Сой бўйида ёзнинг ўрталаригача ўт мўл бўларди.

Эбжин алвастиси ҳақида илк марта ўша чоғлар эшитганман. Молини сой бўйига ҳайдаб чиққанлар ўйинлардан чарчаган вақтда давра куриб олишарди-да, ғаройиб воқеаларни сўзлашарди. Жон қулоғим билан тингларканман, кўз ўнгимда ғалати манзаралар, мен оддий одам деб ўйлаган ёвуз кимсалар, умримда эшитмаган нарсалар намоён бўларди.

Эбжин юз йилдан бери бехосият жой эди. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида эски бир сарой бузилиб, яроксиз ғиштлари, пойдеворлари, кукунга айланган сувоклари шу ерга келтирилади. Турли гап-сўзлар яна болалаб қолади. Эмишки, саройда бир замонлар одамлар сўйилган, ўттизинчи йилларда маҳбуслар ўлган, уруш вақтида бир қочоқ аскарни бўғизлаб кетишган, урушдан кейин асирларга вақтинчалик қазарма қилинган. Эбжинда ажина бор деб четлаб ўтишарди, саройнинг қонсираган қолдиқлари ташиб келтирилгач эса ҳадик янада кучаяди.

– Менинг акам, – деди бир бола, – кечқурун Эбжинда оқ эчки кўрган, уч кун ўтиб, бирдан ўлиб қолди. Энамнинг айтишича, акам ўладиган тунда уйимиз орқасидан нимадир дупурлаб ўтган, маъраган, кўнғироқча чалинган.

– Намоз мулла ифтордан қайтаётиб одам қалласини учратган, – гапни бошқа бола давом эттирди.  
– Қалланинг оғзи қапа-қапа очилаётганмиш, юз-

кўзи қонга беланганмиш. Мулла тинимсиз калима қайтариб уйига зўрға етиб борибди. Агар бошқа одам бўлганида кўрканидан ўлиб қоларди.

– Ҳаммаси Эбжин алвастисининг иши.

Бир оз жимликдан сўнг четда ўтирган камгап бола луқма ташлайди:

Жума куёнчик алвасти-палвастингдан кўркмайди, ишонмасанг, ана сойнинг остининг болаларидан сўра.

Сойнинг ости – ҳозирги коллеж қурилишига яқин қишлоқ. Жума куёнчикнинг у ёқда улфатлари кўп эди.

Болалардан кейинчалик ҳам эшитдим: Жума узок йўлни яқин қилиб, кўпинча ярим кечаси Эбжин сўкмоғидан қайтаркан. Одамлар «Жумавой, у ёқдан юрма, ёмон жой», дейишса, «Алвастингдан кўркмайман, олдимдан чикса, сочидан судраб уйга опкеламан-да, Америкага сотаман», деб мазах қиларкан. Бир гал дўкон олдида оёқда зўрға туриб бакираётганини ўзим ҳам эшитганман: «Ким айтди алвасти бор деб? Ким айтди? Қандай исботлайсан? Агар бор бўлса, нега биология китобига киритилмаган? Ҳе, ҳаммангни... ўша алвастиларингни ҳам...»

Жума куёнчикнинг кайфияти бузилса, кўринган одамни сўкарди. Ҳатто ўз кизи ҳақида гапирганда ҳам оғзидан ҳеч қурмаса яримта сўкиниш чиқарди. Бир гал мени ҳам шалоқ сўзлар билан сўкканида,

«Эй Худо, нега бунақа одамлар тирик, минг бир азоб билан ҳаммамизнинг кўз олдимизда жонини олмайсанми? Хор қилмайсанми?» деб ичимда йиғлаганман.

Ёшим улғайган сайин Эбжин алвастиси афсона деган фикрга бора бошладим. Сойликка оқаётган зовур сувлари бир неча чақирим жойни йиллар давомида ўпириб, турли ўнгирлар, ғорлар ҳосил қилиб, одам юролмайдиган аҳволга солганди. Жар тагида (баъзи жарликлар терак бўйи) жийдалар, буталар, турли алафлар ўсиб ётарди. Чангалзорларида илон-чаёнларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Сарой ғишлари ва ўттизинчи йиллардан қолган бетон бўлаклари гўё зиналар, айвонлар, уйчалар шаклида қалашган. Уларнинг орасида нималар яшашини ким билади дейсиз! Лекин алвасти... Унинг борлигига ишонгим келмайди. Одам кўрқинчли макондан сесканади-да, ахир. Бироқ сесканиш кифоя эмас, ким алвастини аниқ кўрган? Ҳеч ким. Қизиқиш амри ила Эбжин сўқмоғидан кундуз куни ўтганман. Биров чақиргандек туюлган. Айниқса, жарлик тагидаги жилға бўйида мунғайиб ўтирган оқ кийимли кишини кўргандек бўлганман. Овоз қушники, киши эса оқ харсанг эканлиги алвасти йўқлигига ишончимни орттирган.

Узоқдан келин бўлиб тушган Худиста чеча деган аёл қўшнимиз эди. Турли дуоларни билгани

учун кўпинча ажина, алвасти, сарик қиз ҳақида сўрардик. Чеча ишонч билан:

– Ҳаммаси бу дунёда бор махлуқлар, – дерди. – Овлоқда ёлғиз юрманглар, ухлаб қолманглар. Ажиналар ярим кечаси ёки қоқ тушда жуда ҳаддидан ошади, ўзини-ўзи китиклаб, чидаёлмайди-да, ким йўлида учраса, шартта ёпишади. Улар шунақа шўх, шунақа тентак. Оддий гапга қулоқ солмайди, шунинг учун манави дуоларни ўқиш керак, ёдлаб олинглар...

Кунларнинг бирида чечаникида Абди деган одам пайдо бўлди. Биринчи кунданок томорқада ишлади, арик тозалади, ўтин майдалади. У ҳеч кимга гапирмасдан фақат ишлар, гавдаси меҳнатданми, ғамданми букчайиб қолганди. «Ғамданми» деганининг боиси Абди ниҳоятда ғамгин эди. Дуч келганида салом берардим, у эса бош қимирлатиб қўяркан, мунгли кўзларини қадарди. Бу кўзларда ўнлаб маънолар кўринарди: «Нега бу кўйга тушдим?», «Қайси гуноҳим учун бошимга фожиалар ёғилди?», «Нега қарайсан?», «Мени ким ҳам тушунарди?...» ва ҳоказо.

Тез орада эшитдим: Абди ўз акасини ўлдирган экан. Қамоқдан тўғри Худиста чечаникига келибди, узок қариндоши эмиш.

«Энди она қишлоғига умрбод қайтмаса керак, – ўйладим мен. – Уни қайси қариндоши ёқтирарди?! Ота-онаси-чи? Улар ҳам сиғдиришмаса керак...»

Кўп ўтмай Абди ҳақида Худиста чечанинг ўзидан эшитдим. Онамга шундай сўзламоқда эди:

– Қайта уйланмайман деяпти. Ҳадемай қирққа киради. Жудаям акс бола-да! Қамокда ҳам ўзгармабди бу! Хотини ёшгина келинчак эди, бояқиш Абдижон қаттиқ севарди. Саккиз йил кутмайман деб магазинчига тегиб кетди келинчак тушмагур... Нега қамалган дейсизми? Ҳа, рост, туғишган аксининг ўлдириб қўйган. Орияти кучли, салга ловуллаб ёнадиган, мағрур йигит эмасми, акаси маст бўлиб «онангни сенинг...» деб сўкавергач, чидолмаган. Ўзи ёмон бола эмасди, қалтис жойига уриворган, фалокати курсин!

Шундан сўнг Абдига баландроқ овозда салом берадиган бўлдим. У борган сайин очикрок чехралик билан алик оларди. Бир неча ой ўтиб балки дўстлашиб ҳам кетардим. Кутилмаган фожиа бутун кишлокни ларзага келтирди...

Онам дўконга юборди. Етган ҳам эдимки, Жума куёнчик кўзлари олайиб, халлослаб рўпарамдан чиқди. Бунақа ҳовлиққан ҳолда биринчи марта кўришим эди.

– Келгинди шу ёқдан қочдимми? – сўради мендан. – Худистанинг хизматкори! Оти Абдимиди харомининг? Кўрмадингми деяпман сендан, гаранг?

– Йўқ, – дедим ва атрофга алангладим.

Наҳотки, Абди калтак еб, сўкиш эшитиб, боз устига ура қочган бўлса? Мана, Жума куёнчик кишлокқа эшитиладиган килиб Абдининг онасини сўкмоқда. Шишадослари келиб дўконга судраб олиб киргунча сўкинавурди...

Кечки овқатни еб бўлган ҳам эдикки, Худиста чечанинг ховлисида кий-чув кўтарилди. Ташқарига отилиб чиққанимда, Жума куёнчикнинг сўкинишини шовкин-сурон ичидан таниб олдим. Бир пайт фақат Худиста чечанинг бир маромда чуввос солишигина қолди, бошқа овозлар ўчди. Ариқдан ҳатлаб ўтганимни биламан, кўз олдимда даҳшатли манзара намоён бўлди: Худиста чеча бошини чангаллаб қотиб қолганди, кўча эшикдан аллакимлар қочиб чиқмоқда, айвонча бурчагига қисиниб олган Жума куёнчикнинг оғзи катта очилган, қўллари ҳавода қалтирар, Абди аямасдан пичоқ санчарди... Ахийри, Жуманинг оғзидан қони келди.

Қўрққанимдан хушимдан кетдим. Анча вақт касал ётдим.

Бошқаларни билмадим, аммо мен Жума куёнчикнинг ўлганига, Абди ўзини баланд жарликдан ташлаб, сой тубида ғойиб бўлганига ҳеч кўниқолмасдим. Ўтирсам ҳам, юрсам ҳам иккови ҳақида ўйлайман.

Шу-шу Абди дом-дараксиз кетди. Милиция унинг ўлигини ҳам тополмади. Қиш кунларининг бирида Эркин кассобникига ўғри тушди. Пўстин,

мол териси, «Э.А.» ёзуви туширилган пичоқ ва егуликлар ўғирланди. «Қассобнинг ўғли тунги меҳмонни танибди, у Жумани ўлдирган келгинди эмиш», деган миш-мишлар тарқалди. Миш-мишларга караганда, Абди сойдан эсон-омон нарига кирғоққа чиққан ва Эбжин жарликларига яширинган. Балки унга Худиста чеча ош-нон етказиб турар? Балки Абди овчилик ва ўғрилиқ билан кун кечирар?

Бироқ Эбжинда шунча вақтдан бери яшаб келаётганига кўпчилик ишонмади.

\* \* \*

Чуқур тин олиб, ортимга бурилдим. Коллеж стадиони учун текисланган ерда кетиб бораяпман. Хаёлимда Эбжин алвастиси. Энди бу алвастининг қаеринидир Абдига ҳам ўхшатишади. Тунов куни қулоғимга чалинди: подачи шу яқинатрофдан бузоқ ахтариб юрса, бир одам лип этиб қоронғилиқдан чиқибди-да, «Жума қуёнчиқ эмасмисан?» деб сўрабди. Капалаги учган подачи «Йўқ», деган экан, шарпа кўздан йўқолибди. Унинг юз-кўзлари марҳум Жуманикига жуда ўхшармиш. Лекин сочлари узун эмиш. Қоронғилиқдан «Мен Абдиман!» деган сас келибди.

«Нақадар чалкашлиқ», – дедим ичимда.

Шу пайт бульдозерларнинг уни ўчди. Ишбоши ҳуштак чалиб мени чақирди. «Скелет! Одам скелети!..» – бақирдишарди тракторчилар.

Одам суякларини қабристонга олиб кетадиган бўлишди. Жунли тери қолдиқларини кўрган ишбоши: «Бу алвасти! – дея менга анграярди. – Пичоққа қаранг, «Э.А.» ёзувлари. Ё тавба, у пичоғига «Эбжин алвастиси» деб ёздирибди! Қизиқ... жуда қизиқ...»

Бульдозерлар пайшанба кунигача ишламади. Қўй сўйдириб, арвоҳларга атаб тиловат қилинди. Ўша кеча бир туш кўрдим. Эбжиндан юзлаб одамлар чиқиб, қабристон томон кетишаётганмиш. Уларнинг орасида Абди ҳам бор эмиш. Негадир Жума акани – кўз ўнгимда вахшийларча ўлдирилган бояқиш ҳамқишлоғимни ахтарибман. У ҳам, алвасти ҳам ҳеч қаерда кўринмабди.

## ҚОРА КЕЛИН

Поезд бир маромда тебранади. Шитоб-ла кетаётгани менга алланечук завқ беради. Бу йўллардан юрмаганимга ўн йилдан ошган. Ўшанда мамлакат пойтахтига саккиз соатда зўрга етган эдик. Энди салкам самолёт тезлигида елиб бораяпмиз. Тун қўйнидаги қишлоқлар хаёл каби дераза ортида жимирлайди, разъезд чироқлари купе деворларини бир лаҳза тилиб ўтади.

Бугун ёмғир ёғиши керак эди. Йўловчилардан бири – озгин, қирра бурун, тор пешонали киши – шунини эслаб:

– Уйга етгунча ёғмай турсин-да, – деди ойнага пешона босиб.

– Қаерга етган бўлсак? – сўради ёнидаги бўш жойга шляпасини қўйиб, тепакал бошини силаётган семиз киши.

– Уй-пуй кўринмайди, милт этган чироқ ҳам йўқ... хм, жийдазорга ўхшайди. Бир томон даштлик.

Шу пайт чакмоқ чакиб, олисдан гулдираш эшитилди. Кўп ўтмай шаррос ёмғир қуйиб берди. Кимдир купе деразасига томдан челаклаб сув қуйиб тургандай эди.

– Даҳшат! – деди озгин киши.

Поезд устма-уст сигнал чала бошлади. Бир пайт ҳеч қутилмаганда вагонлар силтаниб кетди ва ғийқиллаган овоз эшитилди. Тезлик ақл бовар қилмас даражада пасайиб борарди. Ҳаял ўтмай тўхтадик. Семиз киши мувозанатини йўқотиб, озгин ҳамроҳини босиб қолган эди, инқиллаб-синқиллаб ўзини ўнглаб олди. Мен полга учиб тушган шляпасини олиб бердим. Шунда нақ купе устида осмон ёрилди, беихтиёр елкамни қисдим. Ёмғир кучайгандан кучайиб борарди.

– Фалокат бўлмадимикан? – деди озгин киши, сўнг купе эшигини очди. Йўлакда безовта кишилар кўринди.

– Поезд тўхтади, холос, – тўнғиллади семиз.

Бирок ҳаял ўтмай озғин ҳамроҳимиз ҳўл сочларини артганча ҳаяжон билан қайтиб келди.

– Ташқарига чикдим, – деди у. – Проводник пастга тушаётиб, оёғини қайириб олди. Қиялик, шағал тош, тушиш қийин. Мен ёрдамлашмасам ҳеч ким қарамайди-ей.

– Проводник нега тушади? – ҳўмрайди семиз.

– Машинист туяларга қараб юборишни айтибди.

– Туяларга? – семиз кишининг афти буришиб кетди. – Томи кетганми буларнинг? Қанақа туя?

– Ака, мен қаёқдан билай? Машинистнинг айтишича, йўлнинг устидан оппоқ туя чиқиб қолибди. Сигнал берса ҳам қочмабди. Худди машинистни кўраётгандай кабинага тикилиб турганмиш.

– Аҳмоқлар, – юзини четга бурди семиз.

– Битта туяга тўхтармиди, ака, – қизишди озғин.

– Навбатма-навбат бир неча туя чиқибди, кейин бир тўдаси... Поезд ҳаммасини янчиб кетибди.

– Э, бас! Наша-паша чекиб олган ўша машинистингиз!

Иккови тортиша бошлади, мен эса секин ўрнимдан турдим-да, йўлак охирига жўнадим. Фавқулодда ҳодисалар ҳар кимнинг пешонасида бор. Купега қамалиб ўтирсам кейинчалик бу воқеа тафсилотларини бошқалардан эшитишим, ичим қизиши аниқ эди.

Тамбурда ҳеч ким йўқ экан. Ташқарига алангладим: фонар тутган кишилар поезд тагини текши-

риб юришарди. Шағал устига осилиб тушдим. Яна чакмоқ чакди. Туя ўликлари ҳеч қаерда кўринмасди. Поезд бефайз, бехосият маконда тўхтаб қолганини йўл четидаги ёввойи жийдазор, дўнгликлар, жарликлар айтиб турарди.

Бир зумда ивиб кетдим. Эндигина вагонга қайтиб чиқмоқчи эдим, поезд тагида нимадир қимирлагандай туюлди, ялт этиб қарадим. Бу – одам эди.

– Салом, дўстим, – хириллади у. – Ёрдамлаши-воринг. Белдаям қувват қолмаган.

Уни вагонга тортиб чиқардим. Бечора эт ва суюқдан иборат, адои тамом бўлган абгор кимса эди. Ботиқ лунжига, итларникига ўхшаш кўзларига тикилиб, очиғи, сесканиб тушдим. Вагонга чиқаётганда бунақа нусхани учратмагандим.

– Тўхтаганларинг яхши бўлди, тамбурда кетсам ҳам майли, – деди у.

– Сиз... – дедиму ортимга тисландим. – Нима... поездда эмасмидингиз?

– Йўқ. – У менинг қўлларимга ёпишди. – Илтимос, проводникка айтманг, яхшилигингизни бир умр унутмайман.

– Лекин...

– Лекин мен ўғри эмасман, милициядан қочиб юрибди десангиз ҳам нотўғри... Купенгизда жой борми?

Биз купега кириб келганимизда ҳамроҳларим анг-танг бўлиб қолди. Аммо шу онда поезд жойидан жилди. Нотаниш киши эғнидаги кир-чир ёмғирпўшни ечиб, семизнинг ёнига чўқди.

– Биринчи бекатдаёқ тушиб қоламан, – деди у, – қариндошларим кутиб турибди.

– Куёнман денг, – семизнинг қовоғи янада солинди.

– Ҳа, куёндан батгармиз, бутун авлодимиз билан бирга қочиб юрибмиз. Лекин мени ҳайдаб солманглар, шу ерда ўтирмасам бўлмайди.

Йўлакдаги ғала-ғовурлар тинди. Ёмғир ҳам шаштидан туша бошлади. Биз индамай ўтирардик. Кимсасиз даштда тайинсиз бир одамни поездга чиқариб, купега киргизганим учун ўзимни койирдим. Сезаяпман, у соғ эмас.

Поезд ўн дақиқа аввалги тезлигида манзил сари кетиб борарди. Гўл эканлигимдан баттар ўкина бошладим. Ҳамроҳларим менга ижириғаниб қараётгандай туюларди. Ахийри жимликни бузишга аҳд қилдим.

– Ака, сизга бошқа жой топиб берсам майлими?

– Жим! – деди у ва тўсатдан пардага ўзини отдида, шириллатиб ёпди.

Ҳаммамиз ҳайрону лол қолдик.

– Кечирасизлар, шундай қилмасам бўлмайди, – деди бизга аланг-жаламг боқиб. – Мени... оиламни... ҳаммамизни арвоҳ таъқиб қилаяпти. Айтсам

ишонмайсизлар, ёшгина келинчак арвоҳи. Лекин ўзи ҳечам ёш эмас, қирқ йилдан бери қурбонини излайди. Сизларга тегинмайди, ватанини ташлаб келганларга ёпишади.

– Ажалингизга бизни шерик қилманг, чиқиб кетинг, – деди семиз.

– Сизларга тегинмайди, – такрорлади у. – Ўз уйларингизга кетаяпсизларми?

Гапидан тентакликнинг ҳиди келиб турарди. Дарвоқе, арвоҳ қувган бўлса, у итмидики, поездга етолмаса. Ёпиқ эшикдан ҳам учиб кираверади-да.

Озгин мизғий бошлади. Бироздан сўнг семиз туришга чоғланди.

– Нима қилаяпсиз? – қўлларига ёпишди нотаниш йўловчи. – Ўтирсангиз-чи.

Семиз аламини менга сочди:

– Нега лаллаясиз? Проводникни чакиринг!

– Майли, поезддан сакрайман, – деди нотаниш киши. – Фақат менга нима бўлганини кейинчалик кимларгадир сўзлаб берасизлар. Бу – керак. Яхшилаб кулоқ солинг. Бизнинг қишлоқни туз аралаш қум боса бошлагач, юқорига арз қилиб, шу ерларга кўчиртиришни илтимос қилдик. Йигирма чакирим нарида Келинмозор деган жой бор. Кўчиб келганимизда етмишинчи йиллардан қолган бетон пойдеворларни кўрдик. Ўттиз йилдирки одам яшамас экан. Атрофда ихота дарахтзорлар, сувликор ва лалмикор ерлар, мол-қўй боқадиган

адирлар гўё бизни кутиб ётарди. Бировлар бехосият жой дейишди. Аслида киндик конимиз тўкилган хароб ерлар бехосият, деб кулдик. Шоша-пиша лаш-лушларимиз билан келган эмасмизми, палаткалар қуриб, иморат кўтардик. Қиш тинчгина ўтди. Тинчгина ҳам эмас, ҳар кунимиз байрам бўлди. Ичмаган кунимиз йўқ эди. Ахир, на чорвадорлик, на деҳқончилик қилиб бўладиган худо қарғаган ердан бу ерларга келган одам ўзини жаннатда ҳис қилади-да. Бирок атрофдаги кишлоқларнинг одамлари иложи борица Келинмозор яқинига келмасликка уринишарди. Бир куни дарахтзорда эшак минган чолни учратдим. Танишдик, қаерданлигимни сўради. Кейин: «Оббо, – деди чўзиб, – минглаб қақирим йўлдан бало излаб келибсизлар-да, меҳмон». Ана шунда келинмозор тарихини сўраб олдим. Иккинчи жаҳон урушидан аввал подачилар мол боқиб келмаса, ҳеч ким йўламас экан. Уруш вақтида казарма ташкил этилиб, аскарларга отиш-чопиш ўргатила бошлабди. Ажал қисиб ўлиб қолганлари казарма четига дафн этиларкан. Шу тариқа кичик қабристон пайдо бўлибди. Командирлардан бири уйланганига уч кун тўлмайд бу ёқларга жўнатилган экан. Ёшгина келинчак эри фронтга эмас, Ўрта Осиёга кетганидан хабар топгач, бир амаллаб ахтариб келибди. Эрхотин казарма четигади кулбада яшабдилар. Баҳор кечаларининг бирида – айнан бугунгидай зим-зиё,

серёмғир экан – келин-куёв кулбасидан чинкирик эшитилгандай туюлибди. Соқчи йигит кулоғига ишонмабди. Эрталаб қарасалар зобит ўлдирилган, келин эса зўрланган ва... томоғи кесилган экан. Кимдир буни казармадаги хотинсираб юрган ас-карлар иши дебди, кимдир маҳаллий аҳолидан кўрибди. Қотиллар топилмабди. Урушдан сўнг катта йўл қурилишида польшалик асирларни ишлатишибди. Ўлганлари келинмозорга дафн этилар экан. Қора либосли келинчак ҳақидаги мишмишларни дастлаб ўша асирлар тарқатишган. Етмишинчи йилларда давлат посёлка қурган, деҳқонлар учун. Аммо икки йилнинг ичида ҳеч ким қолмаган. Мана, бизлар ҳам тўрт томонга тарқаб кетдик.

– Қора либосли келинчак кетишга мажбур қилдимиз? – сўрадим анигини билиш учун. – Масалан, қандай қилиб?

– Қиши билан байрам қилиб чиққанимизни айтдим. Қийинчилик кўрган одамлар ҳосилдор ерда тезда бойиб кетиши аён эди-да. Келинлар, келинчак арвоҳини ҳам хурсанд қиламиз, дедик. Ҳазилкаш эр-хотинлар бор эди. Икковиям қирқдан ошган, бефарзанд. Уйларига бориб ҳамма кийимларини деворга илиб чиқишибди. Чимилдик ясаб ўтириб олишибди. Эрталаб борганлар эри ўзини тишлаб-тирнаб ўлдирганига гувоҳ бўлишган. Хотин эса паранжи ёпиниб хонанинг ўртасида ўтирганмиш. Бошини кўтарганларида тўп этиб

ёнига ағдарилибди. Тарадайд котиб қолган экан бояқиш.

– Шундан кейин ҳамманг қочдингми? – Семиз шундай деб нотаниш кишига кўз қирини ташлади.

– Йўқ. Милиция келди, врачлар текширишди. Касаллик дейишди. Лекин мен ишонмадим. Бу – кора либосли келинчакнинг иши. Битта далил айтилми?

– Айтинг, – дедим мен.

– Кеча ярим тунда кимдир ҳовли супураётганини пайқаб қолдим. Туриб қарасам бошига кора рўмол ёпинган хотиним... – Нотаниш йўловчи юзини тўсиб ўқириб йиғлаб юборди. Кейин кичқира бошлади: – Болаларим! Болаларим қолиб кетди у ёқда... Йўқ, мен уларни ташлаб кетмайман!..

Тўсатдан сакраб туриб, ёмғирпўшини олди-да, йўлакка отилиб чиқди. Ҳаммамиз уни тентак дедик.

– Қалла борми! – қойиди семиз мени. – Дуч келган одамниям купега киргизасизми? Ҳеч ким ҳали чув туширмаган кўринади-да! Ҳе, содда ўзбек!

Кимга ишонишни билмасдим. Эртасига поезддан кеч қолиб, автобусда қайтдим. Катта йўл темирйўл билан кесишган жойда бир киши автобусга чиқди. Буни қарангки, ёнимда жой бор эди. Суҳбатлашиб кетдик. Гап орасида поездни тўхтатган оқ туялар ҳақида гапирдим.

– Оқ туяларни билмадим, – деди у, – лекин кеча қора кийимдаги келинчакни кўришибди. Келинчаклар қора кийинмайди, шундай кўринган-да.

– Ёмғирпўш ёпинган бир одам поездга чиқиб олганди, бечора жиннироқ эканми-ей. Келинмозор деган жой ҳақида қўрқинчли гаплар айтди.

– Э, кеча поезд босиб кетган одамни айтаяпсизми? Лекин у қандай қилиб купега чиқади? «Скорий» уриб юборган экан, жойида ўлган.

Балки биз алахсирагандирмиз, балки бу одам адашаётгандир. Қизиғи, Келинмозор деган қишлоқ ҳеч қаерда мавжуд эмас экан. Тушунганим шуки, поезд тагида қолган одам оқ либосли дунёнинг қора кийиниши ҳам мумкинлигидан хабар қолдириб кетган эди.

## ТИЛА ТИШЛИ ЭЧКИ

Дунё ва инсон моҳияти ҳақида дўстим билан тез-тез суҳбат қуриб турардик. Кунларнинг бирида у ғалати бир воқеани ҳикоя қилиб берди.

– Кундошидан безор бўлиб, эрининг бебурдлигидан куйиб ижара уйни тарк этган Таслима, – деб ҳикоясини бошлади дўстим, – ота-онасиникига ҳам, қариндошлариникига ҳам сиғмай икки бола билан шаҳарга кетиб қолади. Ҳабибани кўтариб, Зиёджонни етаклаб Тиктерак бозоридаги гоҳ ошхона, гоҳ бирон савдогар хотин ёнида вақт ўт-

казиб, кунни кеч қилади. Қараса, бир кечага жой топилиши ҳам даргумон. Отаси оқ қилган, оилали эркақдан иккиқат бўлиб қолгани учун бошқалар ҳам воз кечишган, борадиган яқини йўқ эди.

«Болаларингиз билан нима қиласиз энди? – деди кўкат сотувчи аёл. – Яхшиси, келган жойингизга қайтиб кетинг. Ёки буларни болалар уйига топшириб...»

«Йўқ, – деди Таслима, – болаларимни бировга бериб қўйгунча ўлганим яхши».

Раста ёнига қирқ ёшлардаги эркақ келиб, ногаҳон буларнинг суҳбатини эшитиб қолди.

«Тинчликми? Синглимизга бирон нима бўптими?»

Сотувчи хотин воқеани сўзлаб берди.

«Шунақа денг. – Эркақ ачинганидан болаларнинг бошини силашдан ўзини тиёлмади. – Ширинтойлардан кўзи қийганлар қанақа одамлар-а?! Бунча ширин бўлмаса...»

У ҳам бир қанчана сихат қилган, оқибатсизликдан куюнган бўлди. Боякиш болаларнинг уйқуси келиб ғингшир, қош эса қорайиб борарди.

«Энди, опа, бу синглимизга тушунтирсангиз. Хоҳласа, бир жойни айтаман, яшаб туради».

Шундай килиб, Эзирма фермасига етиб келганларида қоронғи тушиб бўлган, ярим соатлик йўлни «унча узоқ эмас», деб таърифлаган эркақдан Таслима шубҳалана бошлаганди. Бир вақтлар шад-

дод, таптортмас, уришқоқ бўлган қиз турмуш те-  
гирмонида эзилавериб, ювош тортиб қолган, юрак  
олдириб қўйган эди.

Фермер кўрпа-тўшак, мебел, қозон-товок  
бор, телевизор ҳам ўрнатилган, егуликлар бисёр  
қоровулхонани кўрсатгач, деди:

«Уйим беш чақирим наридаги кишлоқда.  
Тўғрисини айтганда, фермам ёпилган. Шу бино, ўн  
бешта қўй-эчки, итим қолган, холос. Қоровул ка-  
салхонада, энди келмаса керак... Қўркмайсизми?»

«Йўк», – деди Таслима хурсандлигини билдир-  
май. Чунки у чекка жойда, меҳрибон одамлар қўл  
остида яшаб, танишларининг назаридан умрбод  
ғойиб бўлмоқчи эди.

Фермернинг исми Саидбадр бўлиб, юз-кў-  
зи негадир қўйни эслатарди. Таслимани ҳайрон  
қолдирган яна бир белгиси – Саидбадрнинг пас-  
тки тишларидан бир донаси тилла эди. Ва бундай  
ярқирок тишни Таслима умрида кўрмаганди.

Эшикни тамбалаб олди. Тонг отганида, бе-  
файз, хароб иморатлар, атрофни ўраб турган дўн-  
гликлар, сал нарида эса имиллаб оқаётган лойқа  
сой, балчикзор намоён бўлди. Ит Таслимага пар-  
во ҳам қилмади. Аммо қўйхонага мўралаганда,  
қўй-эчкилар баравар бош кўтариб, унга одамдай  
тикилиб қолди. Таслима буни оч қолганга йўй-  
ди ва дарҳол беда ташлаб, кутилмаганда туши-  
дами, ўнгидами, уларнинг дупурлаганини, жон

аччигида маъраганларини эслади. Қўйхона эшиги кулфлоглик, қон изи йўк, демак, на ўғри келган, на бўри.

Болалар ҳам беҳад шод эдилар. Бир ёшдан ошган Ҳабиба маза қилаётганини катталардек юзқўзида ифодалар, Зиёджонга-ку худо берган, дам қўй-эчкиларни боқиб келмоқчи бўлса, дам «а-ҳа-ҳей-й!..» дея олисларга етгулик қичқирарди.

Ем-хашак охирлаб қолган эди. Фермер дўнглик орқасидаги бедазордан бемалол ўриб келаверишни тайинлаб кетганди. Ёлғиз бориб, беда ўраётганида эшак минган аёл ўтиб қолди ва унга ҳайрон бўлиб тикилганча, қаерда яшаётганини сўради.

«Вой ўлмасам, ёш жонингга жабр қилиб нима қиласан? Тезроқ кет бу ердан, – деди у куюниб. – Фермага сариқ эчки қиёфасида инс-жинслар келармиш, қўй-эчкилар билан ўйнашармиш, агар одам-подамга дуч келса, эсини оғдириб қўярмиш. Қоровул «психболница»да ётганидан хабаринг борми? Ундан олдин ишлаган одамларнинг иккитаси ўлди. Саидбадрнинг хотини восвосга чалиниб, ўзини осганини ҳам билмайсан-а?..»

Таслиманинг кўнглига ғулғула тушди, аммо битта гап билан фермадан кетишни истамас эди. Кечга яқин сўнгги боғламларни олиб келишга жўнаркан, ўғлига қатъий тайинлади:

«Синглингга қара, уйдан бир қадам ҳам чиқма, ўн минутда келаман».

Бирок Таслима чарчаган эди, беда боғлами ҳам оғир; бир амаллаб дўнгликни айланиб ўтганида қулоғига бола йиғиси эшитилди. Не кўз билан кўрсинки, Зиёдjon чинқириб йиғламоқда эди. Она юкни ташлаб, ҳаллослаб етиб келганида, Ҳабиба судралиб кетиб борар, оёққа туришга уринар, аммо эплотмасди. Кўзлари пешонасига битиб, факат оқи кўринар, қорайган тили итларники каби осилиб турарди. Таслима дахшатдан ўзини йўқотиб қўйди. Қизини багрига босган қўйи яқин орадаги кишлокқа чопди. Зиёдjon ҳам йиғлар, онасидан ортда қолмаслик учун йиқилиб-суринса-да, югуришдан тўхтамасди. Кўп ўтмай совук оқшом чўқди. Улар йўлни йўқотиб, балчик ва камишлар билан ўралган камардан чиқиб қолдилар. Қаердадир бойкуш сайради.

«Аяжон, кўрқаяпман... Фермага кетайлик...» – ялинди ҳолдан тойган Зиёдjon.

«Нима қилди синглингга? Йиқилдими? Бирон нимани еб қўйдими? Гапир!.. Гапирсанг-чи!..» – шундан кейингина тергов қила бошлади она.

«Сарик эчкини кўрдим... Ҳабиба унинг олдида турганиди... «Эчки қамовдан чиқиб кетибди-ку!» деб бақирдим. Бирдан эчки йўқ бўп қолди, синглим эса ўзини ташлаворди...»

Таслима ҳаммасини тушунди. Бор кучини тўплаб яна йўл юрди. Бир дўнгликни айланиб ўтишгач, чироқ кўринди, кишлокқа етдим, деб

ўйладию қотиб қолди: бу ўша – бехосият Эзирма фермаси эди. Ана, қоровулхона чироғи, эшик эса очик қолган...

Таслиманинг ҳаётидаги энг мудҳиш, энг узок тун ҳам ўтди. Тонг отар-отмас, Зиёдзонни уйғотди-да, қоровулхонадан чиқди. Ҳабиба овқат еёлмас, бошини тутолмас, оғзидан сўлак оқиб, гўлдирарди. Шу пайт кўйхона томонда лип этиб шарпа кўриндию, йўқолди. Тикилиб қараган эди, сойликка эниб бораётган эчкини кўришга улгурди. Чалғини олиб, изидан тушди: арвоҳ урса ҳам майли, аммо лаънати махлукни ўлдириб, кизчасининг қасосини олса бас!..

Эчки жуда чаққон эди, қолаверса, туманли тонгда унга жинлар ҳам бас келолмасди. Қасос шижоати кучига-куч кўшган аёл пастликка энган сўқмоқда етишига уч қадам қолди ва... чалғини силтади. Эчки қайирилиб қараганда, кўзлари мушукникидай ёниб, одамдай ҳайратланиб, ит каби тишларини кўрсатиб турарди.

Чалғини иккинчи бор кўтарди: эчки пишқирдими, томоқ кирдими, билолмади, назарида унинг нигоҳида Ҳабибанинг мўлтираши ҳам мужассам эди. Таслима шол каби сўқмоққа йиқилди. У бир нарсадан ҳайратда эди – эчкининг пастки жағида тилла тиш ярақлаганини кўрди, нак Саидбадрникидай!..

Ҳушига келганида сойликнинг яримига куёш нури тушган, туман кўтарилган, қаердадир бола

йигларди. «Боламнинг руҳини қайтариб бермагунча, фермадан кетмайман», деди Таслима. У фарзанд руҳи учун онадан бошқа нажоткорни кўрмаётган эди.

Кун бўйи деразадан пойлаб ўтирди. Бехосият кун эканини увиллаётган шамол ҳам эътироф этарди гўё. Қоронғи тушгач, чалғини олдида, қўйхонага кирди. Уни ўша ерда кутмоқчи эди. Шунчалик ғазабга мингандики, бу сафар тигни охиригача ботириб юборишга жазм этганди.

Бироқ эчки келмади. Алланима ферма орқасидан дукурлаб ўтгандай бўлдию қайтиб бирон сас кулоқка чалинмади. Қоровулхонада эса қизча инграр, Зиёдjon йиғларди.

Тун яримидан оққанда болакай қўйхонага онасини ахтариб келди-да, кўчқор каби бошини эшикка гурс-гурс ура бошлади. Таслима ўғли ҳам эс-хушидан айирилганини, сариқ эчки догда қолдириб кетганини тушундию ўкириб йиғлаб юборди...

Дўстим жимиб қолгач, ҳикоянинг давомини сўрадим.

– Хуллас, – деди у, – уч кун ўтиб, фермага ўт кетади, қўйхона ёниб-битади. Таслима болаларини олиб, шаҳарга келади. Уни ҳозиргача ҳеч ким учратмаган, ҳатто ахтариб юрган ота-онаси ҳам.

– Фермага каердан ўт кетган?

– Қоронғи кечада эчки қўйхонага одамдай осилиб кириб олганини кўргач, Таслима ўт қўйворади.

Сарик эчки ҳам куйиб ўлади. Эртасига Саидбадрни кишлоқдаги уйдан чалажон ҳолда топишган. Қоп-қорайиб кетганмиш. Бир неча кундан сўнг жони узилади. Битта-иккитанинг айтишича, Саидбадр фожиадан аввал фермага келганида, Таслима ундан болаларининг руҳини қайтариб беришни сўраган. «Менга хотин бўласанми?» – деб сўраган фермер. «Аввал ўғлимнинг руҳини қайтаринг, сизга ишонай, хотинингиз бўлганимдан сўнг кизимни ҳам қайтариб берасиз», дейди. Шартлашадилар. Таслима Худо қарғаган жодугар кимсани йўқ қилишни кўнглига тугиб қўйганди. Ўғли соғайганини кўриб, уч кун мухлат сўрайди. Бу вақт ичида суикасд режаси амалга оширилиши керак эди. Оширилди ҳам.

– Қизчага нима бўлди? – сўрадим ачиниб.

– Таслима ота-онаси оқ қилган жувон эди, аммо лекин кизчасини қурбон қилиб бўлса ҳам, одамларни ёвуз кимсадан қутқарди. Кўрдингми, баъзи адашган аёллар минг бир ибодат қилганлардан кучли бўлиб чиқиши мумкин.

– Саидбадрнинг руҳи сарик эчкига кириб, эътиқоди сустларни, болаларни ақлдан оздириб юришини бошқача тушунаман, – дедим дўстимга. – У қарғишга учрамаган, балки руҳ кўчишдай имкониятга тасодифан эга бўлиб қолган ва кимгадир фойдаси тегиши мумкин бўлган имкониятни қарғишга айлантирган. Одамга имконият тегса,

нималар қилмайди дейсан. Яхшиям, бандаси Худо эмас.

– Сенингча, Таслима унга турмушга чиқиб, қизи соғайгач, эрини ўлдириб юборса бўлмасмиди? Бунга нима дейсан? Жумбоқми?

– Йўқ, у иккинчи марта иблисга хотин бўлишни истамаган, холос, мана гап қаёқда. Лекин буларнинг барини Таслиманинг ўзи ҳикоя қилса яхши бўларди.

Дўстим билан хайрлашдим. Ўшандан бери афсона ичида ҳақиқат мавжуд, десалар ишонмайман, аксинча, ҳақиқатлар ичида афсоналар бор.

## АФСУНГАРНИНГ ЎЛИМИ

Ярим кечаси тўйдан ширакайф қайтаётган Салмон йўлдан адашиб, бир жийдазорга кириб, донг қотиб ухлаб қолди. Уни уч кун қидиришди. Тўртинчи куни эрталаб чала ўлик ҳолда бир подачи топиб, қишлоғига хабар берди. Шу-шу Салмон ярим йил тўшакда ётди, гапирмади, кулмади. Хотини азайимхонга, фолбинга чопди, ирим-сирим қилди. Кунларнинг бирида у оёққа турди ва инс-жинсларни ҳайдовчи, иссиқ-совуқ қилувчи афсунгарга айланди. Ҳеч қандай мулла ҳисобланмаса-да, авом халқ орасида Салмонхон мулла номи билан ном чиқарди. Айтишларича, жийдазорда оқ шарпа эмас, қора шарпага дуч келганмиш.

Ҳа, Салмонхон етти йил мобайнида манаман деган ракибларини доғда қолдирди, ҳар қандай тугунларни ечиб, ким кўп пул тўласа, ишини ўнглаб, бегуноҳларни чаппа ағдариб юборадиган нафаси ўткир дуохон сифатида донг таратди. Уни мақтагувчилар ҳам кўп эди. Кимнинг иши юришса, ким касалдан соғайса, албатта, Салмонхонни кўкларга кўтарарди, тўй-маъракаларда уйининг тўрини берарди. Собик майхўр тез бойиди, ҳовлисини кенгайтирди. Энди унга ёш ва гўзал хотин керак эди. Бу нима деган гап? Бир тола соч кифоя. Тун бўйи дуо ўқиса, соч соҳибаси эрталаб эшикни тақиллатади.

– Салмонхонга Худо бас келмаса, бандаси ожиз,  
– дейишарди одамлар.

Ҳар нарсанинг чек-чегараси бор. Шундай қилиб, қисмат енгилмас афсунгарга душман юборди. Бу душман ғайб илмидан умуман беҳабар оддийгина гўзал қиз эди.

\* \* \*

Осмон кўнгил каби тиник кунларнинг бирида шамоллаб қолган Дилнозанинг дардида Салмонхонни келган она гўё ғайб кўчасига ҳам даъво истаб келганди. Аёл бу дуохоннинг дами ўткирлигини анча вақтдан бери эшитиб юрарди.

Дилноза ўшанда ўн етти ёшда бўлиб, бўйи бўйига, эни энига тортган, парилардек соҳибжамол,

гунча лаблари ҳаё ила қимтилган, оҳу кўз қиз эди. Унга бир назар солган киши қоп-қора кўзларининг оҳанраболи порлашидангина эмас, рангининг нақадар тиниқлигидан ҳам, минг сирасрорга йўғрилган қоматидан ҳам беихтиёр телба бўлиб қоларди. Хола ва аммалари бегоналардан қизғаниб, «Биз келин қиламиз» деб қайта-қайта айтишар, лекин Дилнозанинг кўнгли қишлоғидаги Голиб деган йигитда эди.

Улар Салмонхоннинг эшигига қадам босганида, афсунгарнинг қаримсиқ хотини Дилнозага тенгкур синглисини кўчага кузатиб кўйишга чиқаётган эди. Дилнозага беихтиёр суқланиб қараб кўйди. Қиз хасталиги боис бошини кўтаришни-да хоҳламади, шунинг учун хотиннинг маъноли қарашини сезмади.

Тутун иси анқиган кичик деразали, пастак шифтли уйда ўн етти ёш баҳор билан қирқ йиллик қаҳратон учрашди. Қиз эти жунжикиб, ичидан қалтиради. Онаси бўлмаганида «дод» деб юборарди. Салмонхон ўзи билган энг ўткир дуоларни ишга солди. Қиз ҳузурига кириб келганданок бутун фикри-ёди санамнинг васлига етиш истаги билан чулғанди-қолди. Авваллари бунчалик васваса ила хуруж қилмаган эди. Балки шу кунлари дуолари сувни тесқари оқишга мажбур этаётгани ўзига беқиёс ишонч уйғотгандир?

Дарвоқе, бу йил уйланганига ўн беш йил тўлди. Янги очилган гул билан чимилдикка киргиси келатганини хотинига аллақачон сездирган, шу ваддан боя хотини Дилнозага рашк аралаш наззора айлаган эди.

– Қизим... – дея она энди дийдиёсини бошлаётган эди, азайимхон тўхтатди. У қизга тикилди, икки нигоҳ тўқнашди. Икковининг ҳам қалбида туғён шиддат урди. Афсунгар Дилнозанинг узун сочларини силаш учун қўл юборишдан ўзини зўрға тўхтатди. Дилноза унинг оқ яқтак кўриниб турган кўксига бош қўйиб ором олгиси келди: шунчалик истадики, ҳаё илдизлари зўрға бардош берди.

Дуолар тинди. Аёл қизини ташқарига олиб чиқди. Салмонхон улар ўтирган жойда бир дона соч толаси ётганини кўрди. Бармоғига ўраб, узок тикилди. Агар қизнинг ихтиёрини бугун ололмаган бўлса, эртага шу тола билан албатта олади. Афсуннинг кучи нишон бўлмоқликда. Мана, нишон! Аммо бу қизникими ё онасиники? Шу қил орқали жаннат эмас, дўзах мунтазир бўлса-чи?

Салмонхон кутишга аҳд қилди. Дилноза уйига қайтгач, хомуш бўлиб қолди. Уни дармонсизлик эмас, бошқа нарса қийнамоқда эди. Кечагина севгилиси Ғолибни биров билан кўриб, рашк ўтида аразлашиб қолган асов қиз энди сал кам отаси тенги, хотин, бола-чақали одамга жоловини бериб қўймоқчи.

«Қанийди ўша уйда бўлиб қолсам, – дерди ичида. – Нима бўлсам бўлайин... Лекин қандай бораман?.. Қайси юз билан?..»

Эрталаб яна шу ўй билан уйғонди. Ёқасини ғижимлаб ўтирган эди, деразадан кўшнининг қизчаси мўралади.

– Бу сизга, опача! – дея у чиройли, хушбўй атиргул узатди. – Ғолиб акамдан.

– Қачон келди? – сўради Дилноза.

– Кеча, – деди қизча чопиб кетаркан.

Қиз атиргулни кўксига босди. «Атиргул, жон Атиргул, – хаёлан гулга ялина бошлади. – Дардимни ол, мени кутқар...» Тиканлари кириб ачишса-да, қўймади қиз. «Наҳотки, рост бўлса... Девдай одамни-я!.. Девдай одамни севиб қолдимми?.. Ўлганим яхши...»

Шунда Дилнозанинг тилига ҳам афсун етиб, алжирай бошлади:

– Мулла, жон мулла!.. Дардингни олай...

Яна бир кун ўтди. У Ғолибни узоқдан кўрди. Шаҳар ҳавоси анча ўзгартириб юборибди. Хаёлига бир ўй келди: «Ғолиб доришунослик бўйича ўқийди-ку! Балки дардига даво бўладиган дорини топиб берар...»

Сирли ва маҳзун оқшом чўкди. «Ҳақиқий даво ни мулладан оламан», деб ўйлади қиз. У Саломонхон мулла хонадони сари йўл олди. «Бирров бо-

риб, дарров қайтаман. Онамни эргаштириб нима килдим. Ўзимни ўқитаман, ўзимни топшираман...»

Ногаҳон йўлида Голиб пайдо бўлди. Ҳол-аҳвол сўради, ваъдаларини эслатди.

– Гапни чўзманг, – деди Дилноза, – Қачон уйланасиз?

Йигитнинг оғзи очилиб қолди. «Менми?» дедию, саволидан ўзи ҳам уялди.

Қиз шартта ортига бурилди-ю уйига кета бошлади.

– Ие, тўхта, Дилноза!

– Уйланасизми? Совчи юборинг унда! Нега анграясиз?

– Дилноза, сени севаман, – деди Голиб қувончдан иргишлар экан.

Совчи келди. Онасининг «Қизим ҳали ёш, олдин ўқисин» деган гапига Дилноза шундай жавоб берди: «Голиб ака шаҳарга кўчади, ўзи ўқитади».

Тезда унаштирув маросими бўлди. Катта тўйни кузга мўлжалладилар.

Дилноза иш билан овуниш учун юмушлардан бош кўтармади. Шунда ҳам юрагига ўрнашган ғалати дарддан халос бўлолмади. Кечалари оёғига шиша синиқларини ўраб ётар ёки каравотга чилвир билан чандиб ташларди. Ёстикни тишлаб, жойидан турмасликка, Салмонхоннинг ўтқир кўзларини эсламасликка ҳаракат қилар, аммо ўша хона, ўшанга одам тинимсиз ёнига чорлайверар эди.

Салмонхон мулла ҳам Дилнозага совчи келганини, киз рози бўлганини эшитди. Ичидан зил кетди. Бирок асраб қўйган сочга дуо ўқишга барибир юраги дов бермади. Қандай қилиб Дилнозаининг соч толасини қўлга киритишни ўйлай бошлади. Агар сочга афсун ўқиса, тилаги ижобат бўлмасдан қолмайди. Бунги имони комил эди. Шунингдек, у Дилноза онаси билан келган кундаги афсуннинг таъсирида эканига, минг чиранмасин, Ғолибга ёр бўлмаслигига ҳам ишонарди.

– Мен ютиб чиқаман, мен, мен... – дерди Салмонхон кечалари шам ёруғида дуолар ўқиб.

Эртасига эшикдан кирган одамга «Менинг маҳвашим эмасмикан?» деб илтижоли қарарди. Қиз кундан-кунга ўзини олдириб, озиб-тўзиб, ранги сарғайиб борарди. Икки марта оёғини шиша кесди, бир марта кўприкдан йиқилиб (ўша кўприкдан кечаси ўтиш қийин), шифохонада ётиб чиқди. Номалум куч Салмонхонникига чорларди, чорлайверарди.

Ниҳоят, тўй куни белгиланди. Салмонхон муллага бу тушда аён бўлди. У чироқни ёқиб, сандикдан соч толасини олди-да, дунёдаги энг кучли афсунни ўқишга киришди. Деворларга жон кириб, токиларгача қасир-кусур қилди. Дуохон афсунни ўқиб тугатгач, пешонасидаги совуқ терни артди-ю тўшагига қулади. Шу зайлда тошдек қотиб ухлаб қолди. Кимнингдир йиғисидан уйғонганида, тонг

оқара бошлаган эди. Унинг қошида ички кўйлақда бир қиз ўтирарди. Даставвал Дилноза деб ўйлаб, «Келдингми, жоним? Ўзим сени бахтли қиламан» демоқчи эди, бирдан бу оппоқ вужуд, бу билаклар бошқаники эканини билиб сесканиб тушди. Гургурт чақиб қараса, хотинининг синглиси.

– Сен? – ортга тисланди Салмонхон.

– Мен, – сеҳрли шивирлаб, унга суйкалди кўзлари бежо қиз.

Салмонхон Дилнозага ишқини бир зум унутди. Иккиси шу ернинг ўзида келин-куёв бўлди.

\* \* \*

Ажойиб куз кунларининг бирида Дилноза ва Голибнинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди. Салмонхон эса опа-сингилни кундошларга айлантириб, ўзи орзу қилган чимилдикқа кирди. Бироқ, у барибир Дилнозани унутолмади. Айниқса, паривашни келинлик либосида учратиб, бир дардига ўн дард қўшилди. Умри ғарибликда ўтаётганидан нолиб, кечалари йиғлаб чиқарди. Нола-ю фиғони дарчадан, уй орқасидаги жарликка оқиб тушар ва бу ерда бир маҳлукқа айланарди. У бир қарашда одамга, яна бир қарашда ҳўкизга, яна бир қарашда тўнғизга ўхшарди. Маҳлукни кўриб қолган хотини эси оғиб ўлди. Одамлар синглиси кундош бўлгани учун куйиб ўлди, деб гап тарқатишди. Дин ҳам опа-сингил кундош бўлишини ман этарди. Аслида

Салмонхон динни-да унутган банда эканини кўпчилик кеч тушунди.

Дилноза ҳомиладор эди. Худога қилган етти юз кунлик илтижолари ижобат бўлиб, Салмоннинг афсунидан қутулди. Вақти-соати етиб, кўчқордек ўғил туғди. Бола тез улгайди. Голиб туман дорихонасидаги ишга ўтгани учун қишлоқдан қатнаб ишлар, шаҳарга кўчиб кетишмаган эди.

Дилноза она бўлгач, аввалги қизлик латофатидан аёллик латофати ўн чандон ортди. Қадди-қомати янада тўлишган: оппоқ тишлари-ю қора қошлари, заррача ҳам сохталик сезилмайдиган қарашлари-ю кулишлари кишини асир айларди. Салмонхон баттар азобга қолди. У энди соҳибжамолнинг эрини йўқ қилиш орқали ўзига йўл очишни ўйлади. Тўйда Голиб билан ёнма-ён ўтиришнинг иложини топди ва костюмидан бир ипни юлиб олишни удадалади. Ўша куни эрталабгача дуо ўқиди.

Голиб ишдан бир алфозда қайтиб, хамир қориётган Дилнозага ўшқирди:

– Уйга келгани, нега ҳар доим иш билан бандсан? Қачон мени очикчехралик билан кутиб оласан? Ё чиройингга ишонасанми? Бир умр таъзим қилиб яшаши керак, дейсанми? Биласанми, ким ялинган? Сенинг ўзинг! Сенинг ўзинг тегаман дегансан!

– Дадаси, сизга нима бўлди? – ёқачилади Дилноза.

– Ёшсан! Гўзалсан! Мен ўлсам, садоқат қилмайсан! Дарров бошқасига тегасан! Ўшанинг уйини гуллатасан! Ҳа, менинг ўлимимни кутиб, хаёлингда ҳар хил эркакларни чамалаяпсанми?

– Нималар деяпсиз? – йиғлаб юборди Дилноза.

– Бугун сенинг туғилган кунингми?

Ғолиб шундай дея ўзи олиб келган совғани бурда-бурда килиб ташлади. Кейин эса хиринглаб кулганча ўзини у хонадан бу хонага уриб, ёш боладек ўйноқлаб чопди.

– Талок! – деб кичқирди у хона ўртасида тўхтаб.

– Талоксан, жўна уйингга! Ўзингга бошқа эр топ! Хохласанг, Салмонхон муллага тег!

Ғолибни рухий касаллар шифохонасига ёткизишда. У бутунлай эсини йўкотган, хатто хожатхонага ҳам боролмас эди. Одамлар дорихона мудирлигига даъвогар бўлмиш кишилар кучли дори бериб, миясини суйилтириб қўйибди, деб миш-миш таркатишди.

Рўзғор ташвиши Дилнозага қолди. Даствлаб бошига тушган ташвишдан довдиради, ғам-аламдан хўнг-хўнг йиғлади, аммо курашмоқдан бошқа йўл йўқлигини англади. Тез-тез эридан хабар олиб турар, бор аламини ўғлига меҳр бериш билан ўлди-рар эди.

Товуқларни кўпайтирди, соғин сигирларни ик-китага етказди, томорқани ҳам яшнатди. Бир куни бева эркакдан совчи келган эди, анграйиб қолди.

– Одамлар мени эри йўқ деб ўйлайдими? – деди жилмайиб. – У киши эшитса, нима бўлади? Талок айтган, лекин қайтадан никоҳ ўқитганмиз... шифохонада...

Ўша куни қайнонасиникига бориб, эрини шифохонадан келтириб, уйда парваришлаш режасини айтди. Дилнозага совчи келишини улар олдиндан эшитган, эрта-индин бирор кишига розилик беради, деб ўйлашарди. Дилнозанинг гапларидан ҳамманинг юзи ёришди, илло Ғолиб бедаво дардга чалинганини билганлари учун келинни юпатишди, режаси амалга ошмаслигини ётиғи билан тушунтиришди.

Дилноза фикридан қайтмади. Елиб-югуришларидан сўнг эрини она қишлоғига, ўз уйига қайтарди. Ҳар куни очик ҳавода, ҳовлида айлантитар, беш маҳал тоза кийим кийгизар, тез-тез табибни чакиртирарди. Ғолиб ҳамон гапиролмас, қарашларида маъно йўқ эди. Баъзан бу меҳрибон аёлга ҳайрон боқарди, холос.

Салмонхон бева эркаклар Дилнозага уйланишни истаётганини яхши биларди. Париваш хотин устига хотин бўлиш у ёқда турсин, бўйдоққа ҳам рози бўлмаслигини-да тушунарди. Дилнозанинг ихтиёрини ўғирлаш нақадар мушкул эканини тан олиб, сўнгги куч-қудратини ишга солиб, яна висол йўлига қадам ташлади. Бунинг учун унга Дилнозанинг бир тола сочи керак эди.

Даставвал чорасиз уринишлардан куйиниб юрди. Кўчада ўйнаётган Дилнозанинг ўғилчасини ўқратиб қолгач, ниҳоят, калит топилганидан суконди. Болага конфет бериб, авради.

– Уйларингда кимнинг сочи энг узун?

– Аямнинг. Лекин дадамнинг сочи йўқ. Аям кириб ташлайдилар.

– Аянгнинг сочи узун бўлса, бир дона олиб келчи, шунда ишонаман. Айтгандай, буни аянг билмасин; хўпми?

Салмонхон болага йўл-йўрик кўрсатиб, уйига жўнатиб юборди. Эртасига болани чақириб, кўлига шokolод тутказди-да, сочни сўради.

– Мана, – деди бола қизариб.

Салмонхон бир қаради-ю, дилига шубҳа соя солди. «Бу Дилнозанинг сочи эмас. Айёр хотинзиб колибди».

У сочни олмасдан, боладан узоқлашди. Уйига келгач, чой дамлатиб, шифтга термулиб ётган эди, бир аёл бўйланди. Қаради-ю энтикиб кетди. Ниҳоят, остонада Дилноза бош эгиб турарди.

– Ишқимда ёнаётганингизни биламан, – деди у. – Лекин нима учун эримни дуоибад қилдингиз? Мақсадингиз менми? Ихтиёримни сизга топширсам, у кишини аслига қайтарасизми? Бечора қийналиб кетди-ку.

– Сенга ишонса бўладими? – сўради Салмонхон.

– Шуни ҳам сўраб ўтирасизми? Мана, сочимдан бир дона бераман, ўзингизга ҳозирок иситиб

олинг. Унутманг, ақлу ҳушим жойида экан, сизга ўлсам ҳам рози бўлмайман. Эримни севаман. Шундай афсун ўқингки, мен нима бўлсам бўлай, эрим соғайиб кетсин. У хор-зорликда яшашига ортиқ чидаёлмайман.

Дилноза бошидан бир тола узиб, афсунгарга узатди.

– Багишладим...

Дилноза жойидан туриб, уйига отланди. У бола-си ва эрини қайнона-сига топширишини, кечқурун жийдазор ёнида кутишини, бу уйга бирга келишини айтди.

Кечқурун Салмонхон кўшни қишлоқ йўлидаги жимжит жийдазорга яқинлашар экан, тўйдан маст бўлиб қайтган кунини эслади. Юрагини ғалати ваҳима қоплади. Дупурлаган туёқ товушлари эшитилганида эса шоша-пиша кўйнидан толани чиқариб, гугурт чакди. Тола одам боласининг сочига ўхшамади. Шу ернинг ўзидаёқ пичирлаб дуо ўкиди. Бироқ у кечиккан эди. Кўзларидан телбавор ўт чакнаган катта қора от қуюндек чопиб келарди. Даҳшатга тушган Салмонхон жийдазорга қараб кочди. Бир вақтлар маст бўлиб ётган жойида от кувиб етди-да, туёқлари остида топтаб ташлади...

Ҳа, Дилноза унга от ёлини берган эди.

Эртасига Салмонхонни дафн этишди. Қонга беланган жасади, пачоқланган мияси абадул-абад кафан ичида қолди. Қабристонни айланиб чопиб

юрган отни эса кутурган деб ўйлаб отиб ташладилар. Ўлигига ўт кўйиб, кулини етти қават ер остига кўмдилар. Уни телба қилган дард ер юзига чикмасин, дейишди.

Кечкурун Дилноза молларга ўт ўраётган эди, Голиб ташқарига чиқиб акса урди ва атрофга, ўз уст-бошига хайрон бўлиб қаради. Дилноза жодудан кутулган эрига хайрат-ла тикилиб қолганди.

– Қачон ишдан келдим, Дилноз? – сўради Голиб.  
Бугун туғилган кунингми?

## ОЙНА ОРТИДА

Орадан олти ой ўтди. Ёмғирли кечада эски «ВАЗ-2106»нинг қаршисидан маёт чиқиб қолгандан бери Собит кўрқинчли тушни кўришда давом этарди. Гўн. Ташқарида милт этган шуъла йўқ. Шарпа деразага яқинлашади. Худди беғубор болалик кезларида раҳматли отаси: «Ўғлим, тура қол», дейдиган чоғларни эслатиб юборади. Бироқ на ота, на кундуз. Шарпа юзини ойнага босганида, Собит танийди: ўша маст. Тушларда у хушёр, ғамгин сиймо. Ҳадеб кўлини бошига нуқийди. «Сизга нима керак?» – қичқиришга уринади Собит. Шарпа: «Мен маст эдим, лекин сенлар-чи?!» деб дағдаға ураётгандек туюлади.

– Бу виждон азоби, бошқа ҳеч нарса эмас... – уйғонади Собит. – Мен соғман... Рухий касалликдан асрасин!..

Нафаси ўткир авлиёсифат кишига ўқитди, мўлтони фолчи бир кўй эвазига оғзидан жоду олди. Яна бири орқадан мазор тупроғи сепилганини бо бот такрорлаб, ўз амалларини таклиф этди. Хет бири кор қилмади. Кўркинчли туш виждон азоби каби Собитдан ажралишни истамасди.

Аслида рулга Собит ўтирмаганди, «ВАЗ-2106» ҳам уники эмасди. Ҳамқишлоғи Пўлатга илтимос билан борди: шаҳардаги автосалонга пул топшириш керак эди, «Нексия» учун. Пўлат чапани йиғит. Жўравозлиги ҳам феълига яраша. Қайтишда постдан ўтишгач, йўл бўйидаги ошхонага кирдилар.

– У ёғига «ГАИ» йўқ, ичасанми? – деди Собит.

– Майли, сен айтганча бўла қолсин, – шанғиллади Пўлат. – машинанг келганда бочкалаб ҳақ берасан!

Ошхонадан чиқдилар. Қишлоққача ўн чақиримча қолганди. Машина чироқлари зулмат кўйинини ёриб борар, йўл четидаги устунчаларнинг липиллаб ўтишига қараганда, юздан кам тезликда юрмаётганди. Собит тўлов қоғозини чўнтагидан олди-да, Пўлатнинг тумшуғига тутди:

– Қара, жўра, одам кўзига ишонмайди-я!

Пўлат бор-йўғи уч ё тўрт сония чалғиди. Кўнгил сизди чоғи, йўлга баб-баравар нигоҳ ташладилар. Кулранг костюмдаги киши чайқалиб турарди, кўзларини-да кўришга улгуришди. Бир эмас, икки машина биқинма-биқин ўтса бўладиган бўш жой бор

эди, аммо машина йўл четига чиқиб қолаёзганди, кечикди. Қарсиллаган товушга тормознинг чийиллаши қоришиб кетди. Машинадан тушиб, югуриб борганларида, боши қонга беланган костюмлик киши қимир этмай ётарди.

– Сен оёғидан кўтар! – бақирди Пўлат. – Дўхтирга олиб борамиз!

Орка ўриндиққа ётқиздилар. Бир оз юргач, Пўлат машинани тўхтатди. Костюмлини текширгач, деди:

– Ўлганга ўхшайди... Уйим қуйишни хоҳламайман, жўра!

– Ташлаб қочамизми? – титроқ овозда сўради Собит.

– Йўк, у биздан ўн баравар маст эди, шунинг учун... Машинанинг олдига югуриб чиқди, деймиз. Қочсак, барибир ушлашади. Милицияни билмайсан-да!

– Ичгансан-ку, Пўлат!

– Экспертизадан таниш топаман! Бу ерда сен асосий роль ўйнайсан! Йўлга югуриб чиқди, дейсан, тушундингми? Ахир, шаҳарга сенинг ишинг бўйича бордик-ку!

– Розиман, розиман, – такрорлади Собит.

\* \* \*

Бугун ҳам шарпа мўралади. «Тинч қўйинг!» – йиғламсиради Собит. Ниҳоят, шарпа тилга кирди:

«Мен эмас, виждонинг безовта қилаяпти». Собит ялинди: «Жон ака, сиздан кутулишим учун нима қилай? Бир ҳақиқатни милицияга айтайми?» Шарпа яна бошига қўл урди. «Албатта, айтишинг керак! Ёлгон гувоҳлик ва жиноятчини яшириш ёмон. Сезаяпсанми, қарғишим уриб, секин-аста эсингдан оғаяпсан. Тўғри, мен ҳам маст эдим, аммо сенлардек қотил эмасман...» Собит ростмана йиғлай бошлади: «Икки ўт орасига ташламанг! Бундан кейин тушларимга кирманг! Ҳақиқатни айтганим билан тирилмайсиз-ку! Энди нима фойда?!» Шарпа деди: «Унда аввал дўстингнинг, кейин менинг ҳолимга тушасан. Балки ақлинг кириб қолар...»

Собит «Нексия» олгач, азайимхонлардан безиб, шаҳардаги рухшуносга борди. Шарпанинг охириги гапи машъум башоратдек тинчлик бермас, бурунги изтироблари ошса ошгандики, камаймагани...

– Асабларингиз ҳаддан ташқари чарчаган, – деди шифокор. – Нимадандир қаттиқ сиқилаяпсиз. Шифохонада даволанишингиз керак.

– Қайси шифохонада?

Манзил ва ном айтилди.

– «Психболница»-ку! – эсхонаси чиқаёзди Собитнинг. – Одамлар нима дейди? «Псих» деган ном оламанми?

– Кечирасиз, ука, у ерда асабларингизни даволашади, ҳеч ким сизни жинни демайди, – тушунтирди шифокор. – Кўпи билан икки ҳафта. Сизга соғлик керакми ё одамларнинг гап-сўзими?..

Собит кўчага қочиб чиқди. «Нексия»сини қишлоқ сари елдириб, ўйлади: «Шарпадан кутулсам бўлди, бошқа муаммом йўқ. Ана, Пўлат ҳеч нарса кўрмагандай юрибди. Пўлатдай бўлолмайманми?»

Костюмли ўлган жойдан юришга кўрқиб, кўшни туман йўлидан ҳайдади. Йўл четларида толлар қад ростлаган Болабезори ҳудудига етди. Болабезори қишлоғининг болаларини кўшни туманнинг ашаддий безорилари дейишарди. Қайсидир йили йўлга сим тортиб қўйишганида, бировнинг яп-янги машинасининг бўёғи кўчиб, анча вақт можаро бўлганди.

– Ҳеч зоғ кўринмайди, ҳатто машиналар ҳам йўқ, – ўз-ўзига сўйлади Собит.

Ва негадир кулди...

Кулди-ю тўсатдан йўл ўртасида пайдо бўлган бадбуруш кимсага кўзи тушди. Жон ҳолатда тор-мозни босди. Кимса олд ойнага тарақлаб урилиб, томдан ошиб, асфальт ўртасига учиб тушди. Ғилдираклар чийиллаб, машина ўттиз-қирқ қадам нарида ёнламасига тўхтади. Собит дағ-дағ титраганча эшикни очди. Бир-бир қадам ташлаб, йўловчига яқинлашди. Эски плаш кийган киши қонга беланганча бир нуқтага тикилиб ётарди.

– Тирикмисиз?

Кишининг бўйнига арқон боғланганди. «Тол шохига ўзини осишга келган, арқон узилгач, ўзини

машина тагига ташлаб ўлдиришга қарор қилган, – деган хаёл ўтди Собитнинг кўнглидан. – Ие, нафас олдими? Ҳозироқ шифохонага олиб борсам, дўхтирлар ҳаётини сақлаб қолишади. Ўз жонига қасд қилишга урингани терговда аниқланиб, айбсизлигим исботланади... Қамалмайман!»

Бадбуруш кишини кўтариб, орқа ўриндикқа ётқизди. «Нексия»ни туман марказидаги шифохонага ўқдек учирди. Шифохона дарвозасига етганида, милиция ходимларини кўрди. Улар бир йигитнинг кўлларини қайириб, машинага ўтирғизаётгандилар.

– Ака, тирикмисиз? – Собит «Нексия»сини четга тўхтатди.

Киши жавоб қайтармади. Ранги сарғайиб, кони қотиб қолганди. Собит унинг ўлганини тушунди. «Даштга ҳайдайман, – деди ичида, – одам оёғи етмас овлоқда ўт қўйиб, кулини кўмиб ташлайман. Ҳеч ким тополмайди... Қамалмасам бас...»

Дашт ўртасига етганида, қоронғи тушганди. Машина ўриндиғининг яп-янги қопчиғини ечиб, мурдани ўради. Чуқурга думалатиб, бензин сепди. Олов лоп этди. Ҳавога қорамтир тутун ўрлаб, бадбўй хид димоққа урилди. Собит ўкчиб юборди-да, анча вақт ҳуш-беҳуш ётди. Кейин эса кул устига тупроқ тортиб, машинасига ўтирди-да, уйига жўнади. Шу кеча умридаги энг даҳшатли тушни кўрди. Шарпа пусиб келмади, балки увиллаганча ўзи-

ни ойнага урди. Унинг қонга беланган башараси чақилган тухум сингари ойнадан оқиб тушар, гоҳ Пўлат уриб юборган костюмли киши, гоҳ бадбуруш кимсанинг юз-кўзи шаклига кирарди.

Бу ҳол тонггача такрорланди. Дод солганча ўзини уй бурчакларига отаётган Собитни «Тез ёрдам» олиб кетди. У руҳий касаллар шифохонасига жойлаштирилди.

\* \* \*

Учинчи ҳафта эс-хушини танигач, шифохона ҳовлисига чиқарилди. Қавму қариндош кўргани келди.

– Уруғ-аймоғимиздан бунақа касал чиқмаганди, нима жин урди экан? – куюнди онаси.

– Нимадандир қаттиқ кўрққан деяпти фолчи, – гап қўшди хотини.

Амакилари-ю амма-холалари ҳам бир нималар дейишди. Собит бошини зўрға кўтариб, киртайган кўзларини йилтиратиб, сўради:

– Болабезорида ким йўқолибди?

– Ҳеч ким, – дейишди қариндошлар.

– Ўлиги ҳам, тириги ҳам топилмаётган бирорта одам ҳақида эшитдиларингизми?

Кўргани келганлар кўз уриштиришди.

– Йўқ, Собитжон, йўқ...

Улар кетар олдиларидан беморга далда бериш-

ди, Яратгандан шифо тилашди. Эртасига Собитнинг божаси кўлтиғига жуфт нон қистириб келди. Ер остида илон қимирласа биладиган бу одамдан ҳам Болабезорида йўқолган бадбуруш киши ҳақида суриштирди.

– Ўлик-тириги топилмаётган одамнинг шовшувини эшитмадим, – деди божаси. – Лекин Болабезоридаги тарбиясиз қитмирлар ёмон ҳазил қилишяпти. Тунов куни қишлоғимиздаги қассоб икки томони толзор бўлган йўлдан машинасида ўтаётса, одамнинг нақ ўзи қилиб ясалган кўғирчокни шохдан ташлаб юборишибди.

– Нима-а?! – кулоқларига ишонмади Собит.

– Бўйнига арқон боғланган бадбашара нусха қонга беланган ҳолда лоп этиб осмондан тушса, юрак ёрилиб кетаркан. Яхшиям, қассобнинг юраги отникидек...

– Шунақа демайсизми, божа! – Собит кийқириб, ўзини ҳар ёнга ота бошлади. – Мен... мен қотил эмасман!.. Ура, ҳеч кимни ўлдирганим йўқ... Гуноҳларимга тавба қиламан... тавба қиламан... Пўлат айбдор! Ҳаммасига Пўлат айбдор! У виждонимни сотишимни буюрди!..

Шифокорлар Собитни ичкарига судрашди ва тинчлантирувчи укол қилишди. Шу кеча туш кўрди, аммо ойна ортидаги зулматда шарпа йўқ эди.

Эртасига шифохонадан қочиб, автобусма-автобус биқиниб, кўшни туманга келди. Бир тракторга

осилиб, даштга ҳам етди. Бадбуруш кимсани кўмган чуқурни топиб, ит каби кавлади. Кавлаётиб ўйлади: «Шифохонадан чикиб, милицияга боришим, Пўлат билан ўзимнинг жиноятларимни сўзлаб беришим керак эди, даштда нима килиб юрибман? Агар тупроқ тагидан мурданинг колдиклари ўрнига пластмасса куюклари чикса, ёпиклик козонни ёпиклигича қолдирмоқчиманми? Ҳарҳолда бежиз келмадим. Болабезорида кўғирчоқни уриб юборганимни ўзимга исботламоқчиманми? Кейин тўрт томоним қиблами?...»

Шу пайт кўлига қаттиқ нарса илакишди. Қараса, ярими куйган пластмасса. Яна кавлади. Қорайган ёғоч бўлаклари.

– Ура-а! Мен ҳеч кимни ўлдирмаганман! – бўкирди Собит. – Асабларим чарчагани учун эсим кирди-чикди эди, кўғирчоқ менга одам бўлиб кўринган! Энди соппа-соғман! Жиноятчи ҳам эмасман! Ҳозироқ милицияга бораман-да, Пўлат олти ой аввал ёлғон гувоҳлик бердирганини айтаман! Биз ўшанда йўл четидаги одамни босиб кетганмиз! Ичган ҳам эдик! Экспертизага пора ҳам тикиштиргандик!

Собит чуқур нафас олди. Ботаётган қуёшдан қонталаш уфқ ҳам, қишлоққа қайтаётган пода ҳам нақадар гўзал эди. Катта йўлга етганда қош қорайди. У шошиларди, жамики гуноҳларини

тўкиб солишга жон-жони ила интиқ эди. Бирок йўл ўртасига икки кадам чиққанини сезмай қолди. «Жигули» шундай зарб билан урдики...

Кўзини очганида, машинанинг орқа ўриндиғида ётарди. Олд ўриндиқда икки ўспириннинг бакир-чакириғи қулоғига кирди:

– Мана, шифохонага яқин қолдик-ку! Ҳаётини сақлаб қолса, қамалмайсан!

– Э, ўчир! Миясини абжағи чиққан! Гувохномасиз машина ҳайдаганим учун ҳаммадан кўпроқ қамашади! Дўхтирлар билмасдан қайта қолайлик!

– Даштга демокчимисан?

– Ҳа! Бирор чуқурликка кўмиб ташласак, ким билиб ўтирибди!

Собит гапирмоқчи эди, тили айланмади. Оёқ-қўли тош мисол қотиб қолганди. Ивиган қон тилини кимирлатишга қўймади. Вужудини исканжага олган оғриқдан ингради, холос. Кейин... яна хушидан кетди.

Юзига майда бўлақлар сачраганида кўзини иккинчи бор очди. Олис осмонни, живирлаётган юлдузларни ва... устига тупроқ отаётган ўспиринларнинг қорасини кўрди.

– Болалар... Нима қилаяпсизлар? – ғудранди у.

– Гапирдими? – тек қотди бири. – Тирикка ўхшайди, жўра!

– Қанақасига?! Қонга беланиб ётибди, барибир ўлади! Энди кеч! – хириллади иккинчиси.

Собитнинг кўзларига тупроқ тўлди. Оғзига тош аралаш шўр тупроқ киргач, типирчилашга уринди. Оёқ-қўллари синган бўлса керак, қимир ҳам этолмади. «Ҳаво!.. Ҳаво... Бўғилиб ўлаяпман...»

\* \* \*

Собит ҳам барча тириклар каби ўлимни эслаб тургувчи эди. Бир ботмон тупроққа кўмилгач, нафас олишдан тўхтади, томирлари ёрилгудек бўртганини, кўзлари қинидан чиқаётганини ҳис этди. Ўлимни кутди... Сукунат. Қоронғилик. Нафас олишни шундай истаяптики...

Бир пайт тушларидаги дераза кўринди. Шарпа ойнага оҳиста яқинлашиб, бошига нуқиди.

– Ниятингга етдинг, – деди Собит. – Мен ўлаяпман.

– Шунча вақтдан бери сенга ўлим тилаганим йўқ, – сўзлади шарпа. – Бошимни кўрсатаётганимнинг сабаби, ҳар бир ишни ақл билан бажар! Тур! Ҳаётга қайт, Собитжон! Бундан кейин ҳалол инсон бўл! Виждонингга қарши чикма!

Собит сўнгги кучини тўплаб, ҳаёт сари талпинди. Назарида, тупроқни сочиб, ҳайкирганча оёкка турадигандек, гумроҳ ўспиринларни лол қолдирадигандек эди. Ва шундай қилди ҳам! Аммо...

Собит устидаги кўрпани отиб, каравотдан гур-силлаб йиқилди. Шовқин-суронни эшитган оқ халатлилар палатага чошиб киришди.

– Мен қаердаман? – қора терга ботган Собит атрофга аланглади.

– Шифохонада, – деб жавоб берди оқ халатли.

– Руҳий касалларникими?

– Шунақароқ.

– Мени қаердан топиб келишди, дўхтир? Илтимос, тентак деб ўйламанг. Қандай келиб қолганимни эслолмаяпман. Даштда эдим... Мени тириклай кўмишаётганди...

– Сизни ҳеч қаердан топиб келмадик, – шифокор уни юпатди. – Янги «Нексия»да қишлоғингиздан руҳшунос ҳузурига келгансиз. У бизни тавсия этган. Асабларингиз чарчаган, биз даволяпмиз...

– Тўхтанг-тўхтанг! Мен ўша куни машинамда уйга қайтиб кетгандим-ку?!

– Йўқ, руҳшуноснинг хонасида ҳушингиздан кетгансиз. У сизга биринчи ёрдам кўрсатиб, ҳаётингизни сақлаб қолди. Машинангизни хотинингизга топширдик.

– Демак, Болабезоридаги кўғирчоқни уриб юбормаганман, даштдан қайтишда мени ҳам машина босиб кетмаган... тириклай кўмилмаганман...

– Албатта, шундай.

– Эртага милицияга бораман, – деди Собит. – Виждоним шуни буюраяпти. Ҳозир эса хотиржам ухлашим керак.

Шифокор жилмайди. Чироқ ўчирилгач, кўшни каравотдаги бемор деди:

– Мен соғайсам милицияга эмас, Наполеон Бонапартнинг саройига бораман. Биз эллик йилдан бери дўстмиз.

## **БАХТСИЗЛИК БИР ҚАДАМ**

Ўн уч вагонли поезд тоғ оралаб темир излардан тун бағрини ёриб шитоб-ла кетиб борарди. Айнан ўн учинчи вагонда, охирги купеда уч аёл ўтирарди. Иккиси, ёшлари ўтинқираб қолганлари, хотиржам кўринар, учинчиси буларнинг тескараси: пошнасини дамба-дам полга уриб, ниҳоятда безовталигини намойиш этарди. Ахийри, сумкасини тиззасига олди-да, шерикларига бир-бир кўз ташлади.

– Айланай, нимадандир безовта кўринасиз? – сўради лўппи юзли аёл.

– Юрагимга қил сиғмайди. Ҳаммаси эримнинг дастидан.

– Ёш кўринасиз, ҳали ҳаёт олдинда.

– Олдинда? – ажабланди ёш хотин. – Шўрим қуриб копти-ку. Оёқ узатиб ўлиб кетаверсам бўларкан. – У шундай деб купе деразасини очди ва сумкасини ташлаб юборгудек баланд кўтарди.

Шу пайт эшик очилиб, назоратчининг «Киринг, бова» деган овози эшитилди. Учала аёл ҳамроҳлари кимлигини билиш учун бирпас кутиб қолишди.

Оппоқ соқолли, бунинг устига оқ саллали барвас-та чол кўринди. У қорачадан келган бўлиб, кўзлари кўм-кўк эди. Нимаси биландир бошқа чолларга ўхшамасди.

Сумка кўтарган жувон чолнинг салобати босган каби кунжақда қўнишиб ўтирар, сумкасини ташлаб юбориш ниятидан қайтган кўринарди.

– Нечага кирдингиз, бобо? – лўппи юзли аёл тиклди чолга.

– Бир кам тўқсонга.

– Вой-бў, бунақа ёшда ёлғиз йўлга чиқиб нима қилардингиз?

– Касбим шунақа.

– Тавба, шу ҳам касбми? – деди лўппи юзли. Сўнг картмончасини олиб нимадир қидира бошлади. – Тавба, тавба, – деб қўярди у ишида давом этиб.

– Минг сўм эвазига одамларнинг келажагини кўрсатаман, – деди чол. – Фақат нимани ушласам, шунга қараб...

Лўппи юзли аёл «Телба эмасмикан?» деб хавотирланди. Чол ҳам эринмаслардан экан, картмонга ишора қилди.

– Шунга ушласам сизга ҳам келажагингиз кўринади.

Аёл беписанд кулиб қўйди.

– Буни ҳеч кимга ушлатмайман, ишонганим шуку, ахир, – деди у.

– Сизнинг ишонганингиз рўмолча эмасдир, – дея чол ўртадаги аёлнинг қўлига назар солди. – Қизим, рўмолчанинг бир учини ушланг, иккинчисидан мен, кўзингизни юмасиз, бунинг нимаси қийин?

Аёл унинг айтганини қилди. Рўмолчанинг бир учини ушлаб ўтирди. Кўзларини очганда дунёга қайтадан келгандек ҳаммага ҳайратланиб боқдида, ёш бола каби йиғлашга тушди.

– Раҳмат... Қамалиб кетган укам оиласи бағрига қайтганмиш... Худди ўнгимдагидай... Тушлигига одамнинг ишонгиси келмайди-я... Авлиёлик хислати бор экан сизда, бобо.

Тасодифан гувоҳ бўлган киши аёл ва чол муғомбирларча томоша қўяпти деб ўйлаши мумкин эди. Бироқ чол бегона, икки аёл эса ўзаро таниш бўлиб, ўла қолса ҳам майнавозчилик қилмасди. Шундай экан, лўппи юзли аёл чолнинг кароматига ишонмасдан иложи қолмади.

– Йиғлашни бас қилинг, – туртди ҳамроҳини. – Беш дақиқа ҳам ўтмади-ю қанақа гипноз бу?

Иккинчи аёл ҳамон йиғи аралаш уҳ тортар, рўмолчаси билан бурнини артар эди. Чол лўппи юзlining картмонига қўл теккизди.

– Сиз ҳам кўринг. На туш, на гипноз. Бўладиган воқеалар.

Аёл надодлик қилмокчи эди-ю, аммо кўзлари юмилиб-юмилиб кетди. Топиришга жуфтланган

лаблари шалвираб, жонсиз қиёфага солиб қўйди уни. Буларнинг бари сумка кўтарган жувонни хийла кизиқтириб қўйганди. Бир пайт лўппи юзли сапчиб тушди-ю ранг-туси оқариб, кўзларини очди.

– Астағфирулло, астағфирулло! – деди кўзлари олайиб. – Илон... арвоҳ... Сув... сув бер-е, нега қараб турибсан?! – У ёнидаги аёлни сенсираклаб, шундай туртдики, биқинини ўйиб юбораёзди.

Навбат сумка кўтарган жувонга келганди. Чол яқинроқ сурилди. Ҳалиги иккиси рўпарасида ўтирган эди, бу эса ёнида, шу важдан сумкага шундоққина қўл узатиб қўя қолди.

– Мен... – деди жувон сумкасига даҳшат билан тикиларкан. – ...Мен буни ташлавормоқчи эдим, чунки...

Шу лаҳзада чақин чакқандай купе эшиги шиддат-ла очилиб, момақалдирокдек гулдираган товуш эшитилди:

– Ҳеч ким қимирламасин! Милиция!

Лўппи юзли аёл чолдан халос бўлганларига шукр қилиб, севиниб кетди, лекин пўрим кийинганлар унинг эмас, бояқиш жувоннинг бошига келишди.

– Сумкани беринг! Биз билан юринг!

Орадан кўп ўтмай, поезд тоғларнинг ортида қолдирди ва чиройли бир шаҳарнинг яқинида таъмирдан чиққан вокзалда тўхтади. Ходимлар жу-

вонни шошилинч равишда ички ишлар бўлимига олиб киришди. Сумкани очишди.

- Исм-фамилиянгиз?
- Дилнура... Бек... Беккулова...
- Сумка сизникими?
- Меники.
- Бу-чи?
- Меники...

Шу тариқа Дилнура бир неча саволга «меники» деб жавоб берди. Албатта, клёнкага усталик билан ўралган ярим кило гиёҳванд моддани ҳам рад этолмади. Бўлар иш бўлган, Эгамкулнинг гапига киргани бир, сумкани отиб юбормагани икки, қўлга олингани уч – бирин-кетин келган бахтсизликлар адои тамом қилди-қўйди. Энг даҳшати, у озодликдан, озодликка қўшиб болаларидан ҳам жудо бўлган эди.

– Бунинг учун неча йилга кетишингизни билармидингиз? – деб сўради бири.

Дилнура йиғлаб юборди. Агар вақт орқага қайтганида эди, лаънати қорадориларни эрининг башарасига улоқтирарди. Атиги бир шаҳардан иккинчисига ўтказиб, икки соат ичида миллион сўм ишлаб олган имкони келганини айтиб оғиз кўпиртирди, ёзлари чакчайиб кош қорайгунча ялинди. Фотима қўлиб қолмаганида яна қанча вақт ялиниб-ёлв... эди.

Эри кечаси ухлагани қўймади.

«Дилнур, – деди арок сасиётган оғзини яқин келтириб, – тушун, бошқа вақт бундай одамларни тополмайман, эрталабки поезд жўнаб кетса, тасомом. куруқ қоламиз, кейин менга икки дунёда ҳам ишонишмайди. Ўн марта чиккансан ўша поездга. Айт-чи, қачон сумкангни биров текширгандики, энди текширса?»

«Вокзалда текшириб қолса-чи?»

«Нима, вокзалда сумкангни текширганми ҳеч? – Эри нафрат билан авради: – Таваккал қилган одам бирдан эришади, қачон яхши яшарканман, деб йиллаб кутмайди. Фотима синглингга қара. Ўқишга ўтганидан бери опа бўлиб бир нима олиб бердингми? Иккитагина қизинг бор, нима қилиб бердик уларга? Жон-жон деб ўша зормандани ўзим элтардим, аммо бир-икки марта милиция билан жанжаллашганман, танийди улар мени. Кўришим ҳам ўғриларникига ўхшайди. Сендан, хокисор аёлдан биров шубҳаланмайди...»

Дилнура ҳибсхонада ўтириб, эрини қарғади. Қарғиш билан вақт орқага қайтармиди? Бир неча ҳафталик кутишдан сўнг суд ҳукми ўқилиб, Дилнура олис-олис йиллардан кейин кўринажак озодлик туйнугига умид боғлаб умрини панжара ортида ўтказадиган бўлди. Қизалоклари хўнг-хўнг йиғлаб хайрлашдилар, Фотима синглиси ҳам кўз ёшларини тўхтатолмас, «Ёш болаларингиз бор-ку,

келгуси йил аминистияга илаштирсалар керак», деб юпатишга уринарди.

Эгамкул тик қараёлмади, хайр дейишга-да ярамади. Эсдан оғсам керак, деб ўйларди Дилнура. Бироқ ўлим ҳам ундан юз ўгирди. Курук танаси қолди бечоранинг. Фарзандларини ювиб-тараб мактабга кузатолмайди, тўйларини кўролмайди, иссиқ-совуғида ёнида бўлолмайди. Худди ўлган каби. Ўлгандан ҳам баттар сезди ўзини.

Воҳ, кунларнинг бирида Дилнурани авф этишди. Орадани йиллар ўтиб кетган, эди. Дилнура уйига қанот боғлаб учди. Эшикни синглиси очди. Ҳомиладор эмасми, қийналиб йўл берди.

– Эрга тегдингми, Фотима? – сўради Дилнура. – Болаларим қани? Поччанг-чи?

Фотима кўз ёшларини тиёлмай ётоққа кирди. Бу ётоқ энди уники эди, поччаси эса почча эмас, эр.

Дилнура суд ҳукми қайта ўқилгандай қалқиб тушди. Бир вақтлар кимгадир элтиб бериши керак бўлган ўша қорадори ҳамон умрини қора рангларга бўяшдан тўхтамасди.

– Қизларимни олиб... кетаман, сен яшайвер, – деди Дилнура ниҳоят.

Пиёниста отадан кун кўрмаган фарзандлар кўчадан паноҳ топишган эди. Дилнура эшикка юрганида, синглиси:

– Опажон, – деди, – мени кечиринг... Уларга хола эмас, она бўлдим, менга ўрганиб қолишган...

Сиз уларни тарбия қилолмайсиз... Отаси инсофга кирар, уларни оилага қайтаришга сўз бераман... Ишонинг, опа...

– Нега ўз болаларимни тарбия қилолмас эканман? – титраб кетди Дилнура. – Қамалгансан, демоқчимисан?

– Опажон, ўрнимда бошқа бўлганида «Болаларинг билан йўкол», дерди. Мен...

– Бир ифлоснинг гапига кириб қамалиб кетдим! Майли, умрим чирисин қамокларда!

Дилнура ошхонага чошиб кирди. Пичоқ неча йиллардан бери бекасини кутиб ётарди. Ажал қисиб Эгамкул ҳам келиб қолди. Ва кўксига пичоқ урди адашган аёл...

Фотима чинқириб юборди, аллақердан қизлари ҳам пайдо бўлди. Ҳаммалари Эгамкулнинг бошига тўпланиб жон беришини кузатишдан бошқа иложлари қолмаганди.

– Нима қилиб қўйдингиз, опа?! – қичқирди Фотима.

Шундагина қизлар қотил ўз оналари эканлигини тушунишди. Нигоҳларида чексиз нафрат муҳрланиб турарди. Дилнура ҳаёт тугаганини ҳис этди, пичоқни ўз юрагига санчиш учун яна кўтарди...

Поезд сигнали эшитилди. Темир йўл яқин бўлмаса, боз устига кўп қаватли уйга поезд қаердан келади, деб Дилнура анг-танг ҳолда атрофга аланг-

жаланг боқди. Уй секин чайқалиб купега айланди, мурда ҳам, Фотима-ю қизлари ҳам ғойиб бўлди.

– Ҳой қизим, кўзингни оч. – Кимдир Дилнурага тикилиб қарамоқда эди, оппоқ соқол, оппоқ салла, кўк кўзлар...

Дилнура сесканиб ўзини орқага олди, поезд хуштак чалди, ғилдираклар тарақа-турук, тарақа-турук ҳамон илдамлар, ўтган неча йиллик умри оқ кийимли девона чолнинг руҳониёна иши бўлиб чиққан эди.

– Ҳаммамиздан ҳам сиз кўрқиб кетдингиз, – кулди лўппи юзли хотин, – қалай, келажагингизни кўргандек бўлдингизми? Бу гипноз, бу туш, кўркманг. Манг, сув ичинг.

Дилнура сумкасини оёқлари остига ташлаб жонжаҳди билан тепкилади, сўнг деразадан улоқтирди. Зулмат бағрида эшилиб оқаётган дарё бир лаҳза ялтираб кўринди. Жинни бўлиб қолди деб ўйлаган ҳамроҳлари Дилнурани кучоқлаб, ўртага олишлари билан ўкириб йиғлаб юборди.

Ғаройиб чол эса купедан чиқиб кетди. Уни қайтиб ҳеч ким кўрмади.

## **ТУЯ ОВИ**

Исҳоқ аканинг бир гектар узумзори бор эди. Ёз бўйи кеча-ю кундуз токзордан чиқмасди. Тўймаъракага борса ҳам, дарров қайтиб келарди.

Узумзор Худойтепа деган қадимги тепаликка туташ эди. Тепалик қадимда қоровул минораси бўлган экан. Чингизхон босқини даврида одамлар қатл этилиб, тепаликка дафн этилган, дейишарди кексалар. Бундан йигирма йил аввал эса археологлар қазишма жараёнида катта хум топиб олишди. Хум ичидан одам суяклари бор экан. Шундан кейин тепаликнинг ёши янада улуғ эканлиги айтила бошланди.

Қўшни қишлоқларга боришга тўғри келса, Исҳоқ ака тепаликни айланиб ўтиб, ёлғизоёқ йўлдан янтоқзор оралаб сойга тушар, сўнг кўприқдан асфальт йўлга чиқарди. Бу ердан кечаси ҳам ўтарди. Баъзи бировларга ўхшаб жин ёки арвоҳдан хайиқмасди. Гоҳ-гоҳидагина (айниқса, ярим кечаси) сойдан ўтаётиб, беихтиёр Худойтепага кўз ташлаб кўярди. Тепалик сой бўйидан янада викорли кўринарди.

Июль ойининг охирида Худойтепада археологлар ўралаша бошлади. Икки кун тепаликни қазидилар. Исҳоқ ака тоқларга сув тараб, этакда юрганди, калта шим кийган серсоқол бошлиқ ейишга узум сўради. Исҳоқ ака уларни шира боғламаган узум билан меҳмон қилди:

– Узумингиз пишишига ҳали бор экан, – деди археолог.

– Бу ер эскилардан қолган, – Исҳоқ ака Худойтепага ачиниб қаради. – Ҳадеб қазийвериб барака топмайсиз.

– Биз ҳам барака топиш учун келганимиз йўқ, – кулди бошлиқ. – Тадқиқот ўтказаяпмиз. Мабодо, хазина топиб олсак, унда бошқа гап.

– Хазинани музейга топширасизларми?

– Ҳа, албатта. Ҳатто, чет элга ҳам жўнатамиз. Лекин... ёмби бўлса, йўқ демасдик.

Улар кетганидан кейин кўп ўтмай ғалати воқеа содир бўлди. Мамат дўкончининг қизи кечкурун подадан қайтмаган сигирини ахтариб юрса, сойдан сув ичаётган туяни кўриб қолибди. Туя оппоқ экан, юнглари нур таратаётганга ўхшармиш. Қиз унга яқинлашмасдан туриб туя сув ичиб бўлибди ва тепалик томон кетибди. Қиз гайришуурий тарзда унга эргашибди. Балки қиз ҳақиқий туяни илк бора кўраётгани учун махлиё бўлгандир, дерсиз? Йўқ, у туя оддий эмас экан. Худойтепага етгач, ер бағрига сингиб кетибди. Худди туман ичра гойиб бўлгандек. Шунда қиз атрофга назар ташлаб, сой бўйида ўзидан бошқа ҳеч ким йўқлигини, кўрқинчли қоронғилик бостириб келаётганини, Худойтепада бойўғли сайраётганини билибди. Шундан бери касал эмиш.

Исҳоқ аканинг ишонгиси келмади. Худойтепада оқ туя яшайдими? У арвоҳ экан, нега сойдан сув ичади? Ёш-яланг эса қош қорайганда, тепалик ёнидан ёлғиз ўтишга юрак олдириб қўйди. Исҳоқ аканинг ўғли ҳам кечаси қоровулликда туришга кўрққан эди, койиди:

– Маматникига бориб сўраб кел-чи, кўрқоқ қизи туя кўрибдими ёки оқ сигириними? – деди жаҳл билан.

Август ойининг охирида тўйлар кўпайди. Этакдаги узумзорда ҳусайнилар ғарқ пишди. Бош томондаги тойфилар ҳам етилди. Исҳоқ ака тез-тез узумзорни ўғилларига ташлаб тўйга кетадиган бўлди. Элчилик. Айтилган жойга бормаса бўлмайди.

Бир куни келиб қараса, чайлада ҳеч ким йўқ. Азбаройи жаҳли чиққанидан эртасига ўғилини роса сўкди.

– Худойтепада оқ туя кўрдим, – деди кенжаси йиғламсираб. – Жин-пин чалиб, касал бўлсам, сизга яхшими?

– Шунақа ҳам кўрқоқ бўласанми?– бақирди Исҳоқ ака. – Миш-мишни эшитиб, туя кўзинга кўринган! Ўтган гал у сойдан сув ичган экан, кеча токзордан узум еб кетдими? А?! Гапир!

Ўша куни Исҳоқ ака узумзорда қорамол тезакларини кўргач, жини кўзиди. «Мана сенга оқ туя! У Маматнинг бебош сигири-ку!»

Кечкурун кўшни қишлоқдаги тўйда тасодифан Мамат дўкончи билан бирга ўтириб қолди.

– Кеча бизнинг сигир яна йўқолди, – деди дўкончи кулиб. – Худойтепа томонни кўрай-чи, деб бораётсам, ўғлинг орқа-олдига қарамай қочиб келаяпти. Оқ туя кўрдим, дейди. Оқ туя кўрса бой бўлармиш, деб эшитганман. Зинғиллаб борсам,

бир нима оқариб кўринаяпти. Нима экан де! Ўзимнинг сигирим! Лаънати кассобга топширмасам, кутулмайман.

– Бобом айтарди. – гапга кўшилди меҳмонлардан бири, – хазиналарни ё оқ илон, ё оқ туя кўриклаб ётармиш. Менимча, Худойтепада бир бало бор.

Исҳоқ ака тўйдан ёлғиз чиқди. Яқин йўлни кўзлаб, сой орқали токзорига ўтмоқчи бўлди. Осмон тоқига ой ўроғи илинган қоронғи кеча эди. Ялтираб оқаетган сой кўринди-ю юрагига илк бор ваҳима тушди. «Исҳоқ ака кечаси Худойтепа ёнидан ўтаётиб ўлибди» деган овоз эшитилгандек туюлди.

Шу пайт сув шилдираб, сой бўйида аллақандай қушнинг қийқириғи эшитилди. Қадамини тезлатди. Пастликдан тезроқ чиқиш учун қадамини илдамлатган ҳам эдики, ён томонда ўзи билан баббаравар одимлаётган оқиш шарпани илғади. Ялт этиб қаради-ю оқ туяга кўзи тушди. Исҳоқ ака қочмоқчи эди, оёқлари бўйсунмади. Туя Худойтепага қараб равонгина кетиб борарди. У ҳеч нарсадан чўчимас, ҳеч нарсага эътибор бермас, мағрур ва хотиржам эди.

– Оқ туя! – қичқирди Исҳоқ ака. – Ҳой, оқ туя! Мендан қўрқма! Яхши одамман! Хоҳласанг, узумзорим билан бирга Худойтепани ҳам қўриқлайман! Сендан илтимос, безовта бўлма!..

Туя тепаликка сингиб кетгач, Исҳоқ ака ўзига

ўзи бакираётганидан чўчиб тушди. Биров кўрди-ми, кўрмадими, деб атрофга каради, сўнгра узум-зорига гандираклаганча жўнади. Эртасига «Исҳоқ ака ҳам Худойтепада оқ туя кўрибди» деган гап тарқалди.

– Гап бундай, – деди Мамат дўкончи чайлага келиб. – Туя Худойтепанинг қайси ковагига кириб кетди, шуни менга айт! Қолгани билан ишинг бўлмасин! Сени куруқ қўймаслигимни яхши биласан!

– Агар тепаликка тиғ урсанг, қаттиқ хафалашамиз, – деди Исҳоқ ака. – Сенга нима етишмайди? Дўконингни яшнат, элнинг хизматини қил, бўлдида, жўра!

– Айта қол энди! Биз қазиб олмасак, археологлар топади.

– Менга қара, Мамат, туя бекорга безовта эмас. Хазина ҳашаматли уй қурилишига, уй эгаларининг биқириб семиришига, данғиллатиб тўйлар қилинишига, яшиклар ароқлар сотиб олинишига хизмат қилиб қўймаслиги учун ҳам туя чидолмаяпти, ичи ёнаяпти, бечоранинг.

Эртасига ҳашарчилар узум тераётган илиқ кун эди. Отининг хуржунига кетмон, белкурак солиб. эгарда қийшайиб ўтирган Мамат «Ҳорманглар» деб ўтди. Орқасига ўғлини ҳам мингаштириб олганди. Исҳоқ ака чопиб бориб, отнинг жиловидан тутди.

– Тепаликка кетмон урсанг, ўз гўрингга кетмон урган бўласан, Мамат!

– Э, қўйвор-е! Сойдаги кўприқдан ўтиб, нариги кишлоққа бормоқчиман, жинни! Сен оқ туя қаерга кирганини айтмадинг-ку! Нима, шундай катта тепаликни қандай қазийман?

Туш вақти бўлгач, ҳашарчилар овқатлангани ўтирдилар.

– Анавини қаранглар, – деди бири. – Боласи қурғур бунча чопмаса!

Исҳоқ ака токзор оралаб кесакларга қоқила-қоқила ҳаллослаб келаётган болани таниди: у Маматнинг ўғли эди.

– Дадам... Дадамни тупроқ босиб қолди...

– Мамат мени алдабмиди?! – Исҳоқ ака тепалик сари югурди. – Ҳайданглар, йигитлар! Отасини кутқарайлик!

Исҳоқ ака оқ туя ғойиб бўлган жойда янги тупроқ уюмини кўрди. Ўпирилган тупроқдан Мамат дўкончининг бўм-бўш қўли чиқиб турарди.

Аср чоғи жанозаси ўқилди. Майитни тобутга олдилару елкама-елка кўтариб қабристонга элтдилар ва минг-минг аждодлари қатори тупроққа топширдилар. Ҳаммаси жуда тез тугади, жуда ҳам тез.

Кечаси у «Туя овига кетдим», деб уйдан чиққанини хотини йиғлаб гапириб берди. Мамат адашмаган эди. У қазийётган жойдан хумча топилди.

Хумча ичида чақалок суяклари ва тилла тангалар бор экан. Исҳоқ ака тангани музейга топширишни ўз бўйнига олди. Автобусда шаҳарга кетар экан, хаёллари ғужғон ўйнади. «Агар бу матоҳларни кўрсатсам, улар Худойтепага канадай ёпишмайдиларми? Мен – Исҳоқ, яхши одамман! Оқ туяга ҳам сўз берганман!..»

У калта шим киядиган серсоқол археологга учрашмади. Худойтепага қайтиб, чақалок суяги солинган хумчага тилла тангаларни ташлади-да, минг йиллик эски жойига дафн этди.

Шундан сўнг ҳеч ким юрак ютиб Худойтепани қазимади. У улкан қабристон эканини, муқаддас ватан учун одамлар шаҳид бўлганини, тепалик тагида минглаб оқ туялар тупроққа бош қўйиб тин олаётганини, юраги ватан деб ураётганларгина уларни хотиржам қилишини одамлар билмас эдилар.

## **ЭСДАЛИК ДАФТАРДАГИ ЖУМБОҚ**

Сирли воқеларга ишонмасдим. Кунларнинг бирида хаёлларим одамларнинг кўзига кўриниши мумкинлигини хаёлимга келтирибмидим? Воқеа эски уйни бузишдан бошланди. Чангбосди деб устма-уст ароқ ичдим. Кейин укам иккимиз деразаларни кўпориб олдик. Эшикларни синдирмасдан кўчириб, ерга тобутдай чўзилтирдик. На-

вбат полга келди. Михларини суғураётганимда  
ғийқиллаб кетди. «Зорланишини», дегандим, укам:

– Қулоғингиз зорланишларни эшитаётгани аниқ,  
– деб кулимсиради. – Эсимда, бурчакда караво-  
тингиз бўларди. Ёмон шумсиз-да, мих овоз берма-  
са, ўша дамларни эслаётганингизни билдирмайсиз  
ҳам.

– Кўп гапирма, ишла, – ёлғондакам қовоқ уйдим.

– Бир сафар ёстиғингиз тагидан шеър дафтар то-  
пиб олганман. Давомини кейин ўқийман, деб кара-  
вот тагига яширдим. Бўлмади. Яхшилаб бекитай  
деб пол ёриғига тикқандим, тушиб кетди. Роса ах-  
таргандингиз-а?

– Мактабни битирганимга чорак аср бўлаяпти,  
дафтар қолибдим.

– Қизлар тутадиган эсдалик дафтар эди, хинд  
актрисаларининг расмлари ёпиштирилган. Адаш-  
масам, Шаҳодат опаники бўлса керак. Нега деган-  
да, синфдошларим «Аканг Шаҳодатни яхши кўра-  
ди, иккови темирўл ёқалаб юради», дейишгани  
эсимда.

Тўсатдан ёдимга тушди: мактаб даврининг  
сўнгги кунларида синфдошим Шаҳодат кўнғил  
сатрларини битишим учун эсдалик дафтар берган-  
ди. Синфдошларга хотира сўзлар, шеърлар ёзди-  
риш, эсдалик суратлар ёпиштириш ўша дамларда  
урф эди. Қўлимга дафтарни тутқазганида, сўнгги  
саҳифадагина менга жой қолган экан. Дафтар эга-

си биринчи ва охирғи саҳифани ўзига яқин киши-сига атарди.

Иккимиз ўша кун мактабдан темирўл ёқалаб қайтдик. Мактабимиз бир бўлгани боис қишлоғимиз ҳам битта туюларди, аслида икки чақиримча нари. Шаҳодат доим рўмол ўраб юрар, қизларнинг айтишича, кўпинча кечалари ибодат қилиб чиқармиш, авлиёлик хислатлари бор эмиш. Албатта, мен ишонмасдим. Бобоси катта мулла ўтган бўлса, авлодларга юқадими? У ҳолда отаси нега ароқ ичади?

– Шаҳодат, сенга бир гапни айтмоқчиман, анча вақтдан бери.

– Айтавер. Лекин мен ҳақимда «фолбин эмиш» деб гап тарқатганларга ишонган бўлсанг, хафа бўламан.

– Фолбин бўлганинда, ҳозир ичимдагини топардинг.

– Мени яхши кўрасан, шундайми? – жилмайди у.

– М... менми? Ким айтди?

– Ҳеч кимга билдирмай сир сақлаб юрсанг, ким ҳам айтарди? Яхшиям, одамларнинг пешонасидаги ёзувни ўқиш қобилиятим бор. Ишонмайсанми? Сен бошқа қизга уйланасан.

Унга бир зум ҳайратланиб қараб турдим.

– Тўғриси, айтишга журъат этолмай юргандим. Хуллас... мактабни битирсак, совчи юбораман. Фотиҳа қилиб қўйсак, кутасан.

Шаҳодатнинг кўзларида мунг пайдо бўлди.

– Менга ишон, сен бошқага уйланасан.  
Ҳазиллашмаяпман. Фолбин ҳам эмасман.

– Одам ўз тақдирини ўзи танлайди...

– Эсдалик дафтаримга нима деб ёзасан? – гапни бурди у.

– Йигирма йилдан сўнг ҳам худди шу ерда уч-  
рашамиз. Ёшлигимизни эслаймиз. Уйда эса бола-  
ларимиз ош пишириб, «Ота-онамиз қаёққа чиқди  
экан?» деб бизни кутаётган бўлади.

– Вой тавба! Ёмонсан! – кулиб юборди Шаҳодат.  
– Қўл ушлашиб шпалларда югуриб юрарканмиз-  
да!

Эртасига у дафтар берди. Бир неча кун муҳлат  
сўрадим. Ахир, бир умрга татиғулик дил сўзларни  
бирдан ёзиб ташлолмас эдим-да.

Кейинги ҳафта дафтарнинг йўқолиб қолганини  
айтганимда, у енгил уҳ тортиб, деди:

– Қўявер, керакмас.

– Хафа бўлма, албатта топилади. Уйга янгам-  
нинг укачалари келганди, улар жуда китмир бо-  
лачалар. Олиб кетган бўлишса, Янгам келтириб  
беради.

– Қўявер, хафа эмасман, деяпман-ку. Бир кун  
келиб оёғинг тагидан чиқади. Ўшанда яхшилаб  
ўкиб чиқсанг, бас.

Орадан икки ой ўтиб, унга мулла йигитдан сов-  
чи келди. Мен эса мактабни битирганимдан уйла-

надиган шарт-шароитда эмасдим. Отаси шу ёғини ўйладими, ўзларининг қариндошини авло кўрди-ми, Шаҳодатнинг норозилигига қарамай қаттиқ туриб олди ва куёвга узатди...

Бир чети кўтарилган тахтани кўпориб олдим. Укам айрон ичгани чиқиб кетган эди. Неча йиллардан бери ёруғлик кўрмаган рангсиз тупроққа нур тушди. На ажабки, тупроқ устида клёнка муқовали дафтар ётарди. Кўлимга олдиму беихтиёр ичимга титроқ югурди. Биринчи саҳифасини очишим билан хотиралар ёпирилиб келаверди, хотиралар билан бирга унут бўлаёзган муҳаббат...

Сўнги саҳифалар бўм-бўш эди, юз марталаб ўйланган дил сўзларини ёзолмаганман. Ишни йиғиштириб, олма тагига бордим ва хонтахтага мук тушиб, дафтарни яна бир марта бошдан-охир ўқиб чиқдим.

– Сени ростдан ҳам севгандим, – деб пичирладим. – Ростдан ҳам сенга уйланмоқчи эдим... Афсус, аввал дафтаринг, сўнгра сен кетдинг. Дафтаринг қайтиб келди, сен эса... ҳеч қачон қайтмайсан.

Илҳомим жўшиб, ручка топдим-да, бўш вараққа катта-катта ҳарфлар билан ҳозиргина тилимга келган калималарни битдим. Тагига бугунги кунни, аслида ёзилиши керак бўлган санадан йигирма йил кечиккан вақтни ёзиб қўйдим. Шу пайт дафтарнинг ўртасидаги икки варақ бир-бирига елимлангани диққатимни тортди. Сурачлару откритка-

лардан семирган варақлар орасидаги икки жипслашган саҳифага мактаб даврида диққат қилмаган эканман. Қайчи учини ишга солиб, саҳифаларни амаллаб ажратдим ва қуйидаги сатрларга кўзим тушди: «Салом. Бу варақнинг елимини бузиб очган бўлсанг, демак, тақдир битиги бор нарса. Бугун кечқурун темирйўлга кел. Кечқурун саккиздан кечиксанг, қайтиб умрбод учрашмаймиз! Шаҳодат. 1990...»

– Менми? – деб беихтиёр кўксимга нукидим. Ё алҳазар, кулоғим тагида Шаҳодатнинг овози жаранглагандек туюлди. Йўқолган дафтар топилади, қанон учрашишимизни билиб оласан, демаганмиди.

Қош қорайгунча ҳардамхаёл бўлиб юрдим. Ёшлигим ўтган уй билан бирга умримнинг ярими йўқлик қаърига қулаб тушган эди. Шаҳодат мулла йигит билан яқин-яқингача бахтли яшади. Кейин миш-мишлар кулоғимга чалина бошлади. Оилавий низолар, Шаҳодатнинг касалликка чалиниши, сўнгра фол очгани, жин ҳайдагани учун эридан еган калтаги... У гўё жодугарга айланиб бораётганга ўхшарди.

Соат миллари саккизга яқинлашганида қандайдир куч мени темирйўл сари шунақа тортдики, чидаёлмадим. Ҳовлидан чиқиб, қўшнилари томоркалари оралаб, темирйўлга етдим. Ўтган-кетганлар менга ажабланиб қарай бошлашди. Кунбо-

тиш томонда мактаб, кунчиқарда эса Шаҳодатнинг кишлоғи. У қайси томонда учраши мумкин?

Рельсга ўтириб, қишлоқ уйларининг сарғиш шуъла таратиб турган деразаларига назар солдим. Самонинг чексизлигидан сўйлағувчи юлдузларга ҳам боқдим. Шаҳодат... У эсдалик дафтари йиллар ўтиб топилишини, биз худди ўша жойда – ишқ ва келажакдан оғиз очган темирўл устида учрашишимизни билганми? Қандай қилиб? Ишонмай де-

тиш ҳақида хотин-халажга гапириб борди. Бекатга тушгач, бир четга чақириб, эсдалик дафтари топи-лганини айтдим. Буюм бозорига шошаётган эмас-ми, тоқатсизланиб, деди:

– Вой, яхши бўпти. Бирортасидан уйга бериворарсан, синфдош.

– Ичидаги гаплар ёлғон экан-да?

– Нима деган эканман? – кўзлари пирпиради. – Кечирасан, ҳеч эслолмаяпман... Айтгандай, қизимнинг тўйига айттираман, синфдошлар йигилиб боринглар, хўйми?

Шаҳодатни ҳам, эсдалик дафтарини ҳам унутишга қарор қилдим. Кўп ўтмай хотиним ғалати миш-миш эшитиб келди. Кимлардир кечқурун рельсда хаёл суриб ўтирганими кўрганмиш. Ёнимга бир қиз келибди. Иккимиз қўл ушлашиб шпаллардан ҳатлаб-ҳатлаб нариги қишлоқ томон кетибмиз, шўх-шодон кулишибмиз. Яна бир гувоҳ – тутзор қоровули семофор чироғи ёруғида Шаҳодатни танибди, аммо мулланинг хотини ҳозиргидек семиз эмас, мактабни битираётган чоғлардагидек кўҳликкина ва озғингина эмиш.

Миш-миш туфайли Шаҳодатнинг қизининг тўйи бузилиб кетишига бир баҳя қолди, чунки куда тараф ўша қизни Шаҳодат эмас, унинг қизи деб гумон қилганмиш. Мен одамларга бор гапни айтдим. Ҳатто эсдалик дафтарни кўрсатмоқчи ҳам

бүлдим. Дафтар эса хеч қаяқда йўқ эди. Укамга айтсам:

– Дафтар-пафтар топмагансиз, – деди қўл силтаб, – йигирма йилда дафтар қоладими? Укалик маслаҳатим, камроқ ичинг.

## ТУНГИ ФОЖИА

*«Отam ўлишини билганимда  
бир қоп похолга алмашардим...»*

(Ким айтгани номаълум)

Ўша кечаси бўрон гувиллади. Сўнги япроғи тўкилган дарахтлар совукдан мўрт бўлиб қолгандек: ҳадемай инжиқ табиат ўзи яратган гўзалликни кунпаякун этади, гўё. Аллақаждан тунука бўлаги учиб келиб, ҳовлидаги бетон саҳнга тарақлаб тушгач, электр лип этиб ўчди. Сотиболдининг хотини кўрпадан бошини чиқарди.

– Дадаси, тулинг, томдан тунука учди, шекилли. Тўк ҳам ўчиб қопти.

– Филойнинг томида тунука йўқ, билмадим, қаердан учиб келди.

Хотин бирдан эрига қаради.

– Сиз ҳам ухламай ётганмидингиз?

Сотиболдининг хаёлига онаси келди. Ҳавонинг авзойи бузук бўлса-да, бугун меҳмонга келиб-кетганди.

– Ҳа, онамни ўйлаётгандим. Уйга етиб олдимикан? Шу кунлари ёқилғи йўқ деб машиналар ҳам камқатнов. Онамга хайронман, шунча узоқдан келиб нима зарур экан?

– Дадаси, бир нарса айтсам хафа бўлмайсизми?

– Ҳисоб варақларини йўқотдингми? – Сотиболди беихтиёр ёстикдан бош кўтарди.

– Йўқотиб ўлибманми?! Онангиз ҳақида гапирмоқчиман.

Сотиболди лабини чўччайтиргач, «Хайрият-э» дегандек ёстиққа оҳиста бош қўйди. Хотини тирсагига суяниб ёнбошлаганди, билагининг эни икки қарич бўлиб ялпайди.

– Келмаганига олти ой бўлдимми? Кўзи яхши кўрмай қолганини бугун билибман. Пиёлани зўрға пайпаслаб топди.

– Онамми? Қўйсанг-чи, мени эллик қадамдан таниди-ку.

– Ғилой момонинг уйи тўлиқ бизники, охириги хужжат қўлда, деб хиргойи қилганингиздан сўнг сизни пайқади-да!

Сотиболди қўл силтамоқчи эди, эринди. Хотин эса жаврашда давом этди:

– Онангизнинг қон босими ҳам сал ошиб турганди. Билдирмайман деди-ю барибир пайқадим. Овқат еёлмади, фақат хўриллатиб чой ичади, фақатгина нон шимган бўлади.

– Э, буларни нега ярим кечаси айтаяпсан? Бор уйкуни ҳам кочирдинг.

– Негадир юрагим ёмон нарсани сезаяпти, дада-си...

– Ўчирасанми, йўкми?

Шу пайт дарвоза такилладими, тақ-тақ этган овоз қулоққа чалинди. Эр-хотин иссиқ кўрпадан чикмай бир-бирига тикилишди.

– Ёндиргичнинг фонарчасини ёқиб қўй.

– Мана, ёқдим.

– Соат неча?

– Икки. Ҳали тонг отишга эрта. Вой, бу бўрон дарахтларни кўпориб кетади-ёв!

Сотиболди ташқарига диққат-ла қулоқ тутди, шамол аллакимнинг заиф ноласини учириб келгандек туюлиб, аста хотинини туртди.

– Гапни айлантирма, онамни бекатгача кузатиб қўйганмидинг?

– Ким?.. Менми?.. – чайналди хотин.

– Сен!

– Изғирин бошланмасдан, кечқуруноқ сув музлаганди. Бу худо қарғаган посёлкангизнинг бекати бийдай очик жойда, шамолнинг кўзида бўлса! Айтинг, сиз боролмаган жойга мен қандай бораман? Бир чақирим нарига... Э, шу Ғилой момонинг уйини қаердан топдингиз ўзи?! Эрта-перта келиб яна қарғайди? Тентак тушунармиди! Ҳужжат-пужжат билан иши йўқ. Бу ерда чолим билан яшаганман, деяверади, гапи ҳеч тугамайди. Шунча ўжар экан, қандай илиб ўша қаллобга бериб қўйган?

– Бас, бу уйни нақд пулга сотиб олдик. Озмунча пулми! Уйни алдаб олиб қўйиб, сизларга сотган, деса индамай бўшатиб бераверамизми? Марҳамат, пулини тўласин... Лекин посёлкада ишимиз кўп. Барибир уйни қайтармайман.

– Ҳамсоялар айтдики, – пичирлади хотин, – Ғилой момонинг ётадиган жойи йўқ эмиш, кишда жой беришимиз керак экан.

Сотиболди ёстиқа суяниб ўтирди.

– Ғилой момонгни иккинчи гапирма, – деди зарда билан. – Сенга ўтган куни ҳам айтгандим-а! Ҳозир, биласанми... Онамни ўйлаяпман. Аксига олиб ҳеч қайси бирида телефон йўқ. Анови курумсоқ қўшниларни айтаман-да.

– Етиб боргандир...

Шунда дарвозанинг тақиллаши Сотиболдининг хотинига ҳам эшитилди. Эр-хотин ноилож эгниларига халат ташлаб, дераза ёнига писиб келишди. Зулмат қўйнида дарахтлар гувиллади, шамол зўридан тунука бетон саҳндан судралиб, ғийқиллаб ўтди, шифт ғичирлади.

– Вой-бў, қиёмат бўлади-ёв, – деди хотин.

Шундай аёзли бўронда ташқарида қолган одамнинг ҳоли не кечишини тасаввур қилган Сотиболдининг эти жимирлаб кетди. Ахир, онаси эски чит кўйлак устидан юпка желак кийганди, холос. Сотиболди эсини танибдики, онаси бечораҳол бўлиб, мунгайиб юради. Қорақозонни зўр-базўр қайнатди. Яккаю ёлғиз ўғлини ҳам қарз-қурз қилиб уйлантирди...

«Машинага ўтирмайди! – деди ичида Сотиболди. – Унча-мунчага ўтирмайди!.. Келишида инсоф бериб автобусга чиққандир. Кечқурун қатнамайди.

Балки йигирма чақиримга пиёда кетаман... Кетоламан деб...»

Сотиболди чидаёлмади: Хотинини ургудай алфозда:

– Машина-пашина тўхтадимми? – деб сўради. – Нега ҳеч нарса демадинг? Ташлаб келавердингми?

– «Совкотиб қолдинг» деб қайтарворди...

Сотиболди бақириб юборди:

– Бекатда қолдимми?!

– Ҳим...

Сотиболди эшикка юрди, аммо даҳлиз изн бермади: суяк-суягигача музлатди. Халатини ечиб, шим, кўйлак, жимфер кийди. Сўнгра калин пахтали янги чопонга ўралиб, остона хатлади. Эрта баҳордан бери тугунда ётган кишки кийимлардан моғор иси анқирди.

Гуп этиб урилган шамол қалқитди. Сотиболди ортига қайтиб, негадир ғаладондан қассоб пичоқни олди. Катталашиб кетган юлдузларга кўрқа-писа нигоҳ ташлади. Назарида, шамол том ва дарахтларга урилиб эмас, фалакдаги илоҳий кучлар таъсирида увиллаётган эди.

– Ким у? – деди турган жойидан.

Овози ўзига ҳам эшитилмади. Дарвоза сари юришга мажбур бўлди, оёғи тагида муз қарс этди.

Дарвоза заифгина тақиллади. Ярим кечаси, бўрон, аччиқ совуқ... Сотиболдининг жаҳли чиқди.

– Ким у?! – деди бу сафар каттиқ товушда.

– М-ме-ен... – аянчли овоз эшитилди.

Сотиболди дарвозани шарақлатиб очиб юборди, даҳшатдан лаҳза тошдай қотди. Унинг қаршисида кундузгидан-да букчайган, ҳориган, хилвираган вужуд турарди.

– Она! – Сотиболди ҳайқириб юборди.

Бир зумда ичкарига киритди.

– Чирокни ёқ! Печкани.. Чой... Иссик чой қўй!..

– пайдар-пай бакирди хотинига.

Сотиболди кўзларига ишонмасди. Олисдан кекса онаси сўроқлаб келса-ю (у аввал келмагани учун манзилни билмасди) кун ботар маҳал мол-қўйни баҳона қилиб жўнаб кетса. Ва ярим тунда эшик қоқса...

– Нима бўлди? Кетолмадингизми, она?

Кампир жавоб бермади. Аёзда қотиб қолгандан кўра хижолат чекаётганга ўхшарди.

– Она!..

Сотиболдининг хотини чирок ёқиб, қайнонасига уйқусираб қаради. Қаради-ю «Вой» деб чирокни ташлаб юборди. Кўрқув Сотиболдига ҳам кўчди. Чунки онасининг серажин юзини қандайдир ваҳшийнинг панжаси қонталаш қилиб тилиб ўтганди. Ияк этини бирмунча чуқурроқ шилган, оқибатда қон қотиб, музлаб қолган эди.

– Онажон! – деди Сотиболди умрида илк бор раҳм инган оҳангда. – Сизга нима бўлди?.. Мени кечиринг... – Кейин барибир таъна қила бошлади:

– Нима керак шундай аезда пиёда кетиб? Ахир, сиз ҳам инсонсиз-ку! Нега қадрингизни билмай яшайсиз? Уриб-қарғаб бўлса ҳам йўл пули сўра-сангиз-чи?! Бутун умр виждон азобида куйсин де-дингизми?..

Сотиболдининг гапи бўғзида қолди. Ё алҳазар, онасининг чап кўли ғажиб ташланган эди. Шалви-рабгина бошмалдоги омон қолган, холос.

– Тезроқ дўхтирга оборишимиз керак! – қичқирди Сотиболди.

Тўсатдан кампирга жон кирди. Симкаравотга чўзилди. Эр-хотин ярим йўлда, хона ўртасида ту-риб қолдилар.

– Мени кўйинглар, – деди у, – куним битган кампирман. Бундай бехосият тунда ўзларингни авайланглар...

– Йўқ, онажон!

– Йиғлама, Сотиболдижон, шунча йил йиғламай энди йиғлайсанми, болам?

Сотиболдининг хотини ёқасини ғижимлаб, дир-дир титрамоқда эди. Ташқарида эса бўрон баттар қутураверди.

– Вой, она... – деди келин. – Дўхтир чақирмасак бўлмайди. Дадаси, бир нима қилинг. Бўрилардан қутулиб минг азобда...

– Бўриларга дуч келганим йўқ, – кампир кели-нига олайиб қаради.

Сотиболди хонадан ниманидир ахтара бошлади. Ҳамон кўлидан қўймаган пичоқ ялтирарди. Ахийри, тутақиб:

– Яраларини боғлашга дока топ! – деб амр этди хотинига. – Дори ҳам! Телефон қаерда эди? Ҳеч нарса жойидамас! Тайини йўқ! Ҳеч ниманинг тайини йўқ!

Кампир жароҳат натижасида бир томонга тортишиб қолган оғзини қимирлатди, лекин гапирмади. Сўнгра кўзларини юмди. Оқ чойшабда қон изларини кўрмаган эр-хотин бир-бирига қарадилар. Она фалокатга шу кеча эмас, бир қанча вақт муқаддам учрагандек, жароҳатлари оғир бўлса-да, хунук тарзда битаётгандек эди.

– Ёнимга кел, болам, – деди кампир хириллоқ овозда. – Соғ кўлим бошингни силасин. Кел. Сени катта қиламан деб нима азобларни кўрмадим. Минг чандон қийналсам ҳам, уйингда, сенгинанинг кўлида жон бериш учун келдим. Дунёда ҳамманинг онаси бор, аммо онаси дўзах азобини тортган фақат сен, жигарпорам! Бугун менга қандай яхши кун...

Сотиболди икки қадам ташлади-ю ялт этиб хотинига ўгирилди. Эрининг кўрқинчли юзини кўрган аёл беихтиёр ортга чекинди. Додлашдан ўзини зўрға тийиб сўради:

– Д-да-даси... нега бундай қарайсиз?

– Менга эмас, онамга қара. Қара деяпман! Бу онам эмас! Нима бало, кўрмисан?! Қара! Қара-а!..

Эр-хотин титраб-қақшаб каравотга яқинлашдилар. ҳозиргина майиб-мажруҳ ҳолда алжираб ётган кампир кўз юмган эди.

– Бу Ғилой момо-ку!

– Ғилой момо?.. – Сотиболдининг оғзи қийшайиб кетди. – Қандай қилиб?.. Йўқ, бу у ҳам эмас...

Иккови секин ортга тисарилишди. Бўрон жонжаҳди билан деразага урилди, ойналар зириллади. Бўрон эшикни ошиқ-мошиқидан юлиб отгудек ҳамла қилди...

Шунда Сотиболди ёнгинасида ўлимтик сояни сезиб қолди. Негадир хотини ўзини каравотга отди. Сотиболдининг ўзи ҳам йиқилди, кейин гандираклаб турди-да, чойшаб ёпинган мурдани кўрди. Гулдор чойшабда қизил доғлар кўзга ташланарди. «Музлаган конлар эрияпти», – ўйлади Сотиболди.

Онасига ваҳшийлар ҳужум қилганини кўз олдига келтирди. Қандай кутулиб келди-я? Кўлини бор бўйича йиртқич бўғзига тиқиб нафас йўлини тўсдимикан? Муштдек кампир қандай уддалади экан бу ишни?

Бир оз ўтиб, каравот ёнига келди. Ички бир куч билан чойшабни тортди. Қараса, у на онаси, на Ғилой момо, ҳозиргина ўлдирилган хотини!..

Сотиболди қолганини эслолмайди. Кўзини очса, шифохонада ётибди. Қўл-оёғи боғлаб ташланган.

Шифокор аллакимга тушунтирмоқда:

– Онасининг ўлигини кўриб, эсдан оғиб, хотинини ўлдириб қўйган.

– Онаси ростдан ҳам шунча йўлдан судралиб келганми?

– Йўқ, – деди шифокор, – йиртқичлардан бири судраб опкеп ташлаган, бир чақирим наридаги бекатдан! Баъзан ҳайвонот оламида ҳам инсофлилари учрайди.

Кейинги овоз олисдан келди:

– Кунларнинг бирида онанг сени соғиниб келмасин, ўғлон, тез-тез ўзинг хабар ол... хабар ол... хабар ол... Ота-онанг бир боғ похол эмас... похол эмас...

### УЗУК

Осмоннинг жумраги бузилди: шаррос қуйган ёмғир ариқларни тўлдириб, тизза бўйи ўтларни пайҳон қилиб ташлади. Яхшиям, подачи жарликлар ортидаги яйловдан молларни ҳайдаб келган, фақат катта йўл четидаги дарахтзорни кесиб ўтишгина қолган эди. Шу ерда Гулбайрам деган жунфурушнинг қизил тусли қисир сигаги ғойиб бўлди.

– Молим топилмаса, тўлайсиз, бола! – ўшқирди Гулбайрам. – Қўлимга битта узук оламан, деб қишлоқма-қишлоқ жун йигиб, сигирли бўлувдим. Амакингизга ялинасизми, холангиздан қарз сўрайсизми, менга фарқи йўқ.

– Жарликдан ўтганда борийди, – деди Эшбек пешонасини тириштириб. – Дарахтзорнинг нариги томонидан чиқиб, экинзорга тушган бўлса керак.

Подачи далага, жунфуруш дарахтзорга жўнади. Гулбайрамдан бутун кишлок кўркарди. Кимдир қарғиши ёмон деса, бошқа бировлар юлғич, қўли эгри хотин, дерди.

Эшбек ортига қараб кўяркан, ўзига ўзи сўйлади:

– Қаттиқ норози бўлди есир хотин. Атайин қилибманми? Қаргаётган бўлса, илойим, ўзига урсин! Мен бечоранинг йўқотадиган нима бор? Севгилим Василани айтмаганда...

Гулбайрамнинг лозими тиззагача жикқа хўл, калишига лой кириб, роса овораси чиқди. Ўт-ўланлар гуркираб ўсган дарахтзорда ёмгирдан кейин юриш осонми?

Бир пайт катта йўлда тормознинг чийиллаши, қасир-қусур, сўнгра кучли гурсиллаш эшитилди. Гулбайрам ҳалокат содир бўлганини фаҳмлаб, шошилди. Адашмаган экан. «Нексия» анча ичкарига кириб, каттакон дарахтга урилиб тўхтаб қолган эди. Гулбайрам машинага яқинлашди-ю қонга беланган эркакка кўзи тушиб, йўл томон шошилди.

Машиналар ҳалқобларни сачратганча, шувиллаб ўтар, «Нексия» абжағи чиқиб ётганини ҳеч бири пайқамасди. Йўл четида ҳалокат сабабчиси – қизил сигир ўлиб ётганини кўрган жунфуруш таққа тўхтади.

– Энди нима қилдим? – деди у аламдан ўртаниб.

– Битгаю битта сигиримдан ҳам айирилдимми? Ким тўлайди пулини?

Балки ҳайдовчи тирикдир, деган хаёл ўтди кўнглидан. Ортига қайтиб, эркакка оёқ учида тикилди. Қора қонига беланган, бир туки қилт этмайди.

– Ҳой-й, тирикмисиз? – овоз чиқарди Гулбайрам. – Телефонингиз бўлса, «Тез ёрдам»га хабар бермоқчиман.

Эркакнинг ёнида аёлнинг боши кўринди ва дарҳол кўздан йўқолди. Гулбайрам амаллаб эшикни очди, яхшигина кийинган жувон экан. Қўлтиғидан кўтариб чиқармоқчи эди, оёқлари темир-терсак исканжасида қолганини кўриб, ноилж, жойига суяб қўйди.

– Рўз... Рўзи... – деб ғўлдиради жувон, сўнгра бармоғидаги фируза кўзли тилла узукка ишора қилган кўйи жон берди.

Назарида, жувон узукни ечиб олмоқчи, кимгадир васият қилмоқчи эди. Жунфуруш умрида бундай қалин тилла узукни илк бор кўриши. Эҳтимол, узук кўзи ҳам қимматбақо жавохирдир?

«Ким билиб ўтирибди? – деди ичида. – Қолаверса, бу бойваччалар сигиримни ўлдириб қўйишди... Ечиб оламан... Ечиб оламану аста кетаман...»

Гулбайрам бир тортган эди, узук «энди сеникиман» дегандай осонгина чангалига тушди. Дарахтзор этагидан чиқиб, йўлни кесиб ўтган дам кимдир чақирди. Қараса, Эшбек мол ҳайдаб келаяпти. Қисир сигир соппа-соғ.

– Янга, – деди подачи, – омонатингизни олинг. Мен кетдим, анави ерда бировнинг молини машина уриб кетганга ўхшайди.

Шу кундан бошлаб Гулбайрам ўзгариб қолди. Юришлар бежо, бир гапириб ўн кулган. Кимнингдир маъракасига узукни тақиб борганди, бой хотинлардан бири қаердан олганини сўради.

– Икки йил пул йикқандим, – деди жунфуруш. – Шаҳарда арзони учраб қолди, бир миллион.

– Қўйсангиз-чи, бу узук камида ўн миллион туради. Ростини айта қолинг, қаердан олдингиз?

– Вой, бу билан нима демоқчисиз? Ўйнашим совға қилибдими? – Иккови жанжаллашиб қолишди.

Шу-шу Гулбайрамнинг кўнглига ғулғула тушди: «Ўн миллион сўм! Сотиб, уй-жойни ўзгартирсаммикан?»

Бир куни қисир сигир яна подадан қайтмади. Жиғибийрон бўлиб кўчага чиққан эди, темир йўлчи кўшнисига дуч келди.

– Келин, сигирингиз темир йўлдан ўтиб, тутзорга кириб кетди. Эшбекка ҳам айтдим, топиб келса керак.

Гулбайрам подачини қарғаб, темир йўл томон жўнади. Аксига олиб, узундан-узун эшелон келиб қолди-ю ярим соатча кутди. Уйида овқати тагига олиб кетмаса эди. Ана, тутзор четида сигири кўринди, охири вагон ҳам ўтди...

Оғзидан карғиш тушмай шошилганча темир йўл устига чиқди. Икки кадам ташлаганди ҳамки, иккинчи йўлдан поезд отилиб чиқди. Гулбайрам биринчи йўлдаги вагонлар ғафлатда колдирганини, бахайбат яшил махлукни кисир сигирни – бирон-тасини ўйламади. Негадир хаёлидан лип этиб фируза кўзли тилла узук ўтди: «Мен ўлсам узук кимга қолади? Ахир, у ўн миллион сўмлик-ку!...»

Сигирни тутзордан хайдаб чиқаётган Эшбек поезд тўсатдан секинлашганини кўриб, атрофга аланглади. Мол эгаси кўздан йўқолиб қолган эди. Чопиб борди-ю ўн кадам нарида чўзилиб ётган жасадга кўзи тушди.

– Янга! – деб қичқирганча мурдага яқинлашди.

Подачи жасаднинг очиқ қолган кўзларига бир зум тикилиб қолди. Икки кадам нарида миш-мишлар сабабчиси – ўн миллионлик бойлик ётарди. Агар сал чаққонлик қилса, машинистлар тушгунча чўнтакка солиб қўйиши мумкин. Василага уйланиш учун тўйга пулни қаёқдан олишни ўйлаб, ўйининг адоғига етолмаётганди.

– Жонига жабр қилиб бунча шошди бу аёл! – деди машинист. – Бир нафас кутмайдими? Ким ўзи бу? Шу қишлоқданми? Нега қотиб қолдинг, жўра? Ўликдан кўрқсанг нари тур!

Эшбек қоғоздай оқариб кетган эди. Ортига тисарила-тисарила тутзорга кириб, боши оққан ёққа қочди. Машинистлар жунфурушнинг жасади-

ни текисроқ жойга ётқизиб, устига рўмол ёпдилар. Торлик қилди шекилли, мурданинг чап қўли очикда қолди. Бармоқларидан бирида яқиндагина узук тақилганини билдирувчи оқиш чизик кўринди.

Қишлоқ аҳли фожиага чалғиб, хосиятсиз узукни эсламади ҳам. Қийин-қийин Эшбекка қийин бўлди. Ўликнинг бармоғидаги узукни ўғирлабди, деб эл-юрт олдида шармандаси чиқиши, қишлоқдан ҳайдалиши, Василадан ҳам айирилиши ҳеч гап эмас эди. Бир ҳафта ич-этини егач, суюклиси билан учрашди.

– Амакимнинг мотоциклини миниб келдим, – деди у. – Яқинда тўйимизни даҳшат қилиб ўтказамиз. Ишон менга, Васида. Эски бўлса-да, машина ҳам оламан.

– Тушунадиган қилиб гапиринг. Шунча пулни қаердан топасиз?

– Мотоциклга ўтир, ҳозирок туманга жўнаймиз. Рўзитош заргар деган бова бор, қимматбаҳо тақинчоқлар билан шуғулланади. Ўтган йили эллик миллионга ҳалқа сотган, унда пул кўп.

– Гапларингизга умуман тушунмаяпман.

Эшбек фируза кўзли тилла узукни кўрсатди.

– Иккимизнинг бахтимиз учун сир тутишга ваъда бер, Васида. Бу қадимги никоҳ узуги, мол боқиб юрганимда топиб олдим. Камида йигирма миллионга сотамиз. Кетдикми?

– Вуй-й, бунча ажойиб! Боргунча тақиб борай, Эшбек ака! Лекин никоҳ узукда кўз бўлмайдик-ку?

– Қадимги деяпман-ку, Васида. Буни бир малика таққан.

Севишганлар мотоциклга ўтириб, туман марказига жўнадилар. Васида панжасини ёзиб, тинмай узукка тикилар, Эшбек ўйлаб борарди: «Қадимги никоҳ узуги эканини, малика таққанини менга ким айтди? Тушимда кўрдимми ё биров қулоғимга шивирладими?..»

Эшбек олдиндаги тракторни қувиб ўтиш учун газни босиб, қарши йўлга чиқди. Эҳ, рўпарадан «Москвич» келаётган экан-ку! Жон ҳолатда рулни бурди. Бурди-ю катта хато қилганини англади, аммо кеч эди.

...Васида эрталабгача бардош берса, яшаб кетишини айтишди. Афсуски, саҳар чоғи реанимация ускунасида юрак уришдан тўхтаганини англатувчи бир маромдаги чийиллаган товуш эшитилди. Эшбек тутга боши билан урилгани учун сўнгги манзилга юзсиз ҳолда кетган эди.

– Дада, – деди шифохона жарроҳи телефонда, – келишга вақт тополасизми? Кеча авария бўлган қизнинг қўлида сиз кутаётган узукка жуда ҳам ўхшашини кўрдим. Айтган одамларингиз бир ойдирки келмаяпти. Йўқотиб қўйишган бўлса, қиз бечора топиб олгандир.

Рўзитош заргар узукни таниди. Мана у! Умр бўйи кидиргани! Водийдан қўнғирок қилганларида,

«Илтимос, тақмасдан олиб келинглари», деганди. Аттанг, кулоқ солишмаган кўринади.

Заргар узукни шартта суғурди-да, болалиги ўтган кишлоққа равона бўлди. Қора илоннинг белига бир амаллаб тақиб қўйгач, жарликка тушди ва бутазорга қўйиб юборди. Биладики, илонга манзил маълум. Шу-шу узукни ҳеч бир инсон тақмайди, ер остида абадул-абад ётади.

Бироқ кеч кузда тоғ йўлида бир мурда топилди. Экспертиза ходимлари унинг бармоғидан қандайдир узук ечиб олинганини аниқладилар. Рўзитош заргарнинг кўнгли сизди ва ўғлидан марҳумнинг кимлигини аниқлаб беришни сўради.

Бир соатдан сўнг жарроҳ кўнғироқ қилди:

– Дада, исм-фамилиясини ҳозирча аниқлашолганича йўқ. Гувохларнинг айтишича, у илонфуруш экан. Оддий илонфурушнинг қандай душмани бўлган, ҳамма ҳайрон.

Рўзитош заргар узук яна кимнингдир бармоғида эканини тушунди.

– Кимлиги тез орада маълум бўлади, – деди у бошини чангаллаб.

## **«ХАЙР, МУШУКЧА»**

Иш юзасидан кўпгина ҳодисаларнинг гувоҳи бўлганман. Баъзан эр-хотинларнинг битта гургурт чўпи дастидан жанжаллашиб, йигирма йил

аразлаб юрганлари, кимдир ўзининг хўкизини билмасдан ўғирлаб сотиб юборгани, аллакимни қабристон ёнида арвоҳ қувгани, бир қари чол отнинг йиғлаётганини кўргани учун тўрт кундан сўнг тўсатдан вафот этгани ва ҳақозо воқеалар.

Қуйида ҳикоя қилиб берадиганим машъум ҳодиса унчалик сирли эмас, аммо мени анчайин ўйлантириб қўйган.

Ўша куни машинамни дўкон ёнида тўхтатдим. Янги қурилган кичик дўкон икки хонали эди. Ўзимга керакли ул-бул сотиб олиб, эшикка юрдим. Шу пайт аллақандай мушукчанинг аянчли миёвлаши эшитилиб, оёғим остига қарадим. Жунлари хурпайган, думи қалтираётган қоп-қора мушук боласи менга илтижо билан тикилди.

– Сизникими? – сўрадим сотувчи қиз Манзурадан.

– Ҳе, ўлсин, – деди Манзура. – Кеча қай гўрдандир келиб қолибди. Сичқон-пичқон овлайди деб ҳайдавормадим.

Қиз мушукчани чақира бошлади. Мен машинамга ўтирдим. Манзура мактабни битирганига беш йил бўлган, турмушга чикмаган. Баъзилар сал кечроқ оила қуришади, аммо Манзурага бирорта совчи келмагани менда нохуш ўйлар уйғотди. «У энгилтак қиз» деганди бир қўшниси.

Машинани юргизаётиб, дўконга яна бир кўз ташладим. Ногоҳ дўконнинг иккинчи хонаси-

нинг деразасидан аллақандай башара тикилиб турганини кўрдим. Афсуски, синчиклаб кузатолмадим, негаки, машинам йўлга чиқиб улгурган, орқадан шитоб билан келаётган «МАЗ»нинг ваҳимали чинкириғи менга рулда анграймасликни уқтираётганди.

Уйга кетар эканман, деразада кўринган башара эркак кишиники эканини фаҳмладим. «Манзуранинг дўконида нега эркак киши яшириниб ўтирибди? – деб ўйладим. – Қиз ростдан ҳам енгилтакми?.. Тўхта, тўхта!»

Хаёлимга келган фикрдан сесканиб тушдим. Кўрқинчли башара мен кўрган қора мушукчага шунчалик ўхшардики...

Кейинги кунларда дўкон жойлашган кўчадан бир неча марта ўтдим. Деразада ҳеч кимни пайқамасам-да, очик эшикдан пештахтага суяниб Манзура билан суҳбатлашаётган йигитни кўриб қолардим. Йигит қоп-қора кийинган ва қалин қора сочли эди.

Бир куни кутилмаганда оёғим тормозни босди. Машинадан шошилиб тушдим-да, нима харид қилишни билмасам ҳам, дўконга кирдим. Ҳеч ким кўринмади.

– Ким бор? – дедим пештахтани тақиллатиб.

Шу заҳоти ичкаридан аллақандай овоз эшитилди ва Манзура пайдо бўлди. У нимадандир безовта эканини сездим. Кутилмаганда ичкаридан

қора мушукча ҳам чиқиб келди. Мушукча оғзида каламуш боласини тишлаб олганди. Манзура уни кўриб ҳайратини яширолмади.

– Пишт! Ҳе, ўл-а, қаердан ушладинг?

Мушукча бир менга, бир Манзурага қаради. Сўнг мени ҳайратга солиб, ичкари хонага нигоҳини бурди. Мен ҳам у томонга кўз ташладиму катта қора ботинкани кўрдим. Бу ботинка антиқа эди: учи тўмтоқ, пошнаси қалин, болдири узун. Ҳарқалай, пойабзал кўзимга антиқа кўринди.

– Нима оласиз?

– Сигарет.

Дўкондан чиқиб машинамга етгунимча, мушукча орқамдан икки марта миёвлади. «Каламуш боласини еб бўлибди-да», деб ўйладим.

Анча вақт дўкон кўчасидан ўтмадим. Фақат бир сафар Тошкентга кетиш олдидан дўкон ёнидан ўтишга тўғри келди. Вақт алламаҳал бўлгани учун дўкон ёпиқ эди.

Орадан уч кун ўтиб, Тошкентдан қайтдим. Машинамни катта йўл бўйидаги дўстимнинг ошхонаси ёнида тўхтатдим. У билан ҳол-аҳвол сўрашар эканман, иттифоқо, кўзим қора мушукчага тушди. Бу жимитдеккина мушукча стол-стул тагида ўралашарди. Бечора жуда очлиги шундоқ кўриниб турарди.

– Анави мушукчани қаердан олдинг? – сўрадим дўстимдан.

– Эрталабдан бери шу ерда сангийди, – деди у. – Сичқон-пичқон овлайди деб хайдавормадим.

– Менимча, бу мушукча Манзуранинг дўконида яшарди.

– Манзуранинг? Йўғ-е!.. Тошкентда юриб эшитмагандирсан, кеча Манзура ўлди.

– Ўлди?! Манзура-я?

– Ҳа. У ўзининг қўл томирини кесиб, дўконининг деворига қон билан «Хайр» деб ёзибди. Ҳозир мелисалар текшираяпти.

Мен уйга йўл олар эканман, кўз ўнгимдан Манзуранинг чехраси лип-лип ўтарди. У нега ўзини ўлдирди экан? Ёки бу қотилликми? Милиция текшираяпти дейишди-ку, ўлим сабаби ойдинлашар.

Орадан бир неча кун ўтса-да, Манзуранинг ўлими юзасидан аниқ маълумотлар эшитмадим. Фақат бир миш-миш эътиборимни жалб этди: Манзура ўзини ўлдирмаган эмиш, қотиллик изи топилибди.

Бу хабарни эшитгач, мендаги шубҳа-гумонлар ўз тасдиғини топди. Дўкончи қиз ёлғиз қолганида унинг ҳузурига ташриф буюрадиган қора либосли кимса қотил эмасмикин? Тиббий экспертиза Манзуранинг икки ойлик ҳомиласи борлигини ҳам тасдиқлади. Қотил Манзуранинг томирини кесиб, жасадни дўконнинг ичкарасига бекитиб, ўз изларини йўқотиб, ғойиб бўлиши мумкин-ку. Манзура нега «Хайр» деб ёзган экан? Бу билан нима демоқчи?

Бир ҳафта ўтгач, ҳамкасбларимдан бири менга катта йўл бўйидаги дўстимнинг ошхонасида зиёфат берадиган бўлди. Биз ошхоначининг дастурхон тузашини кутиб ўтирганимизда, ювиниш хонасидан бир йигит чиқиб келди. Дастлаб унга эътибор бермадим, лекин мушукчанинг аянчли миёвлаши эшитилгач, ялт этиб қарадим. Мушукча йигитнинг орқасидан чопиб, зорланар эди. Йигитнинг сочлари, айниқса, ботинкаси таниш туюлиб, беихтиёр «Ана!» деб юборибман.

Дўстим дастурхонимизга нон, чой, салат келтириб қўйди.

– Анави йигит ким? Танийсанми? – деб сўрадим.

– Тумандан, – деди дўстим эътиборсизлик билан. – Шу атрофга келса юз грамм ичиб ўтади.

– Исмини ҳам биласанми?

– Ҳа, унинг исми Хайри. Менимча, Хайридин ёки Хайрулла бўлса керак.

– Ҳу, кетаётган йигитни айтаяпсизларми? – гапга аралашди ҳамкасбим. – Уни мен жуда яхши танийман. Наркоман йигит! Ўтган йили қамоқдан келган. Акасининг ўғлини уриб ўлдириб қўйган. Исми Хайри-пайри эмас, лақаби Хайр! Чин оти Қосим бўлса керак.

Энди жумбоқ қолмаганди. Манзура ўлим олдидан деворга ёзган сўз қотилнинг номи экани маълум эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бир варақ қоғозга дўконда юз берган қотилликни фош

этувчи маълумотларни битдим-да, ички ишлар идорасига топширдим. Ўзимнинг шахсим сирлигича қолади. Мен изкувар эмасман, касбим умуман бошқа.

Эртаси куни Қосим қўлга олинди. Мен бехосият мушукчани йўқотиш кераклигини дўстимга айтиш учун почтахонадан қўнғироқ килдим.

– Акам касалхонага тушиб қолди, – деди ошхоначи йигит. – Кечаси мастлар муштлашиб, бири акамни пичоқлаб қўйди.

Почтахонадан чиқаётган эдим, мушукчанинг миёвлашини эшитиб таққа тўхтадим. Не кўз билан кўрайинки, ўша қора мушукча йўлимни тўсди.

– Эътибор берманг, – деди почтачи кулиб. – Ўзи қора бўлгани билан яхши мушукча экан. Сичқонпичқон овлайди деб ҳайдавормадим.

Кўп ўтмай почтачи ҳам ўлди. У кимнингдир нафақа пулидан юлиб қолган экан, устидан ёзибди. Шикоятчининг оғзини ёғлаш учун шошиб кетаётганида, автохалокатга учрабди.

Қора мушукчани қайтиб кўрмадим. Балки ўзи ҳам ўлиб кетгандир.

## **ПАХТАЗОР КЎЛАНКАСИ**

Автобус-автобус талабалар олис тумандаги бепоён пахтазорларга йўл олишди. Бу ерлар авваллари тиканлари шамолда тебраниб тургувчи дашт-

лик бўлиб, олтмишинчи йилларда инсон кудрати билан пахтазорга айлантирилганди. Замона обидаси – уфқда қўрғон каби қад ростлаган тупроқ уюми канал борлигидан далолат беради. Тарих обидасини эса ҳали ҳеч ким билмасди. У пахта даласига сингиб кетган, неча йилдирки шудгор қилинар, шудгорга тўймасди.

Шу талабалар орасида гўзалликда тенги йўқ соҳибжамол киз бор эди. Ошиқ йигит ҳам ёнида. Бир неча кундирки улар ишлаётган ҳудудда сураткаш қорасини кўрсатмагач, соҳибжамолнинг дил ойнаси хира тортди. «Суратга тушамизми, йўқми?» – деб йигитига ўпкalandи.

– Нариги қишлоқдаги талабаларда фотоаппарат бор экан, – деди йигит. – Сиз учун бугуноқ муҳайё этаман, кутасизми?

– Тезроқ!

У фотоаппаратга жўнади. Қизнинг тоқати-тоқ бўлаверди. Дугоналари «Ўлгин-е, пахтада расмга тушмагандай бунча торикасан, бир ой юрамизку ҳали», дейишди. Қиз эса шундай жавоб берди: «Уч кундан бери тушимда манавиндай суратга тушаман». Ўнг қўлини белига тираб, чапини кўкка кўтарди. Гўё лўппи пахта ушлагандай очди нафис бармоқларини.

Йигит ҳаяллади. Қуёш ботаётган ажиб палла эди, тилсимли, унутилмас, жозибали онлар омухтаси.

Қиз дам-бадам ортига қарайди. Йигит кетган томонда ҳавога чанг кўтарилган, худди ёздагидай ғуруб қизарган. Буни қарангки, талабалар қишлоққа етганда йигит бир трактордан сакраб тушиб уларнинг олдгинасида пайдо бўлди. Қўлида фотоаппарат.

– Барибир топдим! – ғолибона хитоб қилди у. – Бошқа бир қишлоқдан бўлсаям!..

Қиз тушларида кўрган жойга бориб суратга тушишни хоҳларди. Бироқ яна шунча йўл юриб ортга қайтишни ҳеч ким истамасди.

– Шу ерда тушавер, – дейишди қизлар, – ана, орқада пахтазор, ботаётган куёш, канал дўнгликлари. Яна нима керак сенга!

Йигит севгилисини суратга олди, аммо чап кўлини ҳавога кўтаришига ҳеч ким тушунмади.

– Ўзимам ҳайронман, – деди соҳибжамол, – менимча, лўппи пахта кўтариб тушмоқчиман шекилли. Ё шароб тўла жоммикан?

Қизлар хахолаб юборишди. Муҳаббат маст қилган ойпари ўз ҳолатига изоҳ айтолмасди, атрофдагилар «шу-да ишқнинг кучи» деб қўйдилар. Сўнг ҳаммаси биргаликда суратга тушмоқчи бўлишди, афсуски, плёнка тугаган эди.

Шу билан сурат воқеаси ниҳоясига етиши керак эди. Бироқ қиз кечаси қичқириб уйғониб кетди. Нима бўлганини ҳеч кимга айтолмади. «Туш кўрдим, туш кўрдим», дея ғўлдиради, холос. Эрталаб

ранги синикқан ҳолда далага чиқди. Ҳол сўрганларга, ҳатто севгилисига ҳам дардини очмади. Бахтга қарши уларни кечаги жойга ишга ҳайдадилар. Йигит фотоаппаратни қайтариб беришга кетди. Қайтиб келганида курсдошлар тут соясида дам олар, қиз ҳеч қаерда кўринмасди. Боягина дала ўртасида, терган пахтаси устида ўтирганини кўрганлар бор эди. Йигит айтилган тарафга чопиб кетди, ғўзалар оёқларини тилиб юборсаям югураверди. Ошиқ кўнгил бир фалокатни сезган эди.

Йигит бирдан ўзини орқага отди. Ёввойи ҳайқириғини эшитган йигитлар гурра туриб чопишди. Дала ўртасидаги мудҳиш манзарадан ҳаммаси тошдай қотдилар. Соҳибжамол ярим этак пахта устида узала тушганча аллақачон жон таслим қилган эди, филнинг хартумидай йўғонликда олачипор илон белию кўкраги аралаш чирмаб олган ва ҳамон бўйнидан чиппа тишлаб жонини сўриб ётарди. Бақир-чақир билан илонни ҳуркитдилар. Ғўзапоя тагидаги ковакка бош суқиб, қийналиб, эврилиб, биланглаб ер тагига кириб кетди ул махлуқ.

Йигитнинг исми Билол эди.

\* \* \*

Орадан тўрт йил ўтгач, айти куз маҳал шаҳардаги гавжум бекатдан автобусга бир одам чиқди. У навбатдаги бекатда тушиб қолиши керак эди ва

бошқа йўловчилардан фарқли равишда олачипор костюмда, бошида қора шляпа, қўлида эса матога ўралган бир кулоч тахта.

У рассом эди.

– Гурлан ака, сизмисиз? – кимдир елкасига туртди.

Қараса, кўргазмалар залида ишловчи йигит. Дарров чеҳраси очилди.

– Сурат тайёрми? – сўради зал ходими. – Бу сафар ҳам ғоянгиз ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бўлиб чиқади, ака.

– Худо хоҳласа, – деди Гурлан ака, аммо на ғоя, на сурат тайёрлигидан ичида нимадир чирт узилиб, кўзларини яширди. Йўқ-йўқ, кўзларини яширмади, шундоққина ёнидаги ўриндикда ўтирган профессорнинг қўлидаги очиқ китобга кўзи тушди. Китобда қадимги Миср маликалари қиёфасидаги аёл бир қўлини кўкка чўзиб турар, бармоқлари худди коса тутгандай очилган эди.

– Мана ғоя, – пичирлади рассом ва автобусдан тушибоқ уйига чопди.

Хотини унинг қаршисида ярим соат туриб бериши лозим эди, лекин бармоқлари калта, бесўнақай, худди учлари қирқиб ташланганга ўхшарди.

– Бўлмайсан! – аламидан бўғриқди рассом. – Бармоқларинг бармоқ эмас, панжа! Аёл деған йилна бир марта бўлсаям пианино чалиб туриши керак! Қара, бунингни қандай чизаман?

– Дадаси, кўшни келинни чақирай. Унинг бармоқлари шундай узунки, умр бўйи пахта терган дейсиз.

– Неча кундан бери эри жанжал қилаяпти.

– Биз ҳам ҳозир жанжаллашаяпмиз-ку, – елка қисди хотин.

– Биров билан юрармиш бу ойимчанг. Менинг ҳам бошим балога қолсинми?

Рассом эртасига аёл ахтариб кетди. Биронта танишининг бармоқлари ўша суратдаги маликаникига ўла қолса ўхшамасди. Хотини пичинг қилгандай, бу ойимчалар пианино ҳам чалмас, пахта ҳам термас эди. Кечкурун уйига ҳориб-чарчаб қайтган эди, хотини эшикни хурсанд кийёфада очди.

– Дадаси, топдингизми?

– Дунёни калта бармоқлар босиб кетганини бугун билдим.

– Фотосуратга қараб чизсангиз бўлмайдими?

– Қанақа фотосурат?

– Ўқишининг охирги йили ижарада турган талаба йигит эсингиздами? Исми Билол эди.

– Ёзнинг бошида кетганмиди? Шоиртабиат йигит.

– Ҳа, унинг эски дафтарлари орасидан мана-ви суратни топиб олдим. Кеча мени шу ҳолда турғизиб қўйгандингиз, қаранг.

Гурлан ака хотинининг қўлидаги фотосуратни кўриб севиниб кетди. Ё тавба, бу айнан ўзи кутган

тасвир эди. Фотосуратда соҳибжамол бир қиз профессорнинг китобидаги малика каби бир қўлини белга тираб, бирини кўкка чўзган эди, бармоқлари узун-узун ва коса тутгандай очилган. Орқада пахтазор акс этган, олисда қонталаш ғуруб.

– Раҳмат сенга, хотинжон, – деди Гурлан ака. – Кўргазмадан нима мукофот тушса, бари сеники.

Шу ондан бошлаб рассом ижод уммонига шўнғиди. Унга ғояларнинг ўзи қўйилиб келар, ҳар чизган чизиғи буюк санъат кошонасига тилладан ғишт бўлар эди. Ниҳоят суратнинг сўнгги бўёғи ҳам қуриди. Рассом талаба йигитга ғойибона раҳмат йўллаб, ўз асарига термулиб қолди. Унинг асарига киз ҳам фотосуратдаги каби чап қўлини кўкка чўзиб, ўнгини белига тираб жилмайиб турарди, лекин рассом ботаётган қуёшни эмас, чиқаётганини тасвирлади, пахтазор ўрнига абадиёт даштини акс эттирди. Бунга Миср пирамидаларини кўчириб келтирди, олисда лайлаклар учиб кетмоқда, уфқда чўл сарҳадлари. Барханлар ёнидан карвон ошиб келмоқда.

Гурлан ака хузур-ҳаловат билан уйқуга кетди. Аммо-лекин ярим кечаси увиллаган овоз уйқусини бузиб юборди. Назарида ташқарида бўрон турган эди.

– Қиш яқинлашяпти, – минғиллади уйқу аралаш. – Одамдай увилайди-я...

Хотини ҳам уйқусираб:

– Қўшни келин бунча йиғлади-ей... – деди. –  
Изз-из... изз-из... Худонинг берган куни эри ичиб  
келиб жанжал ясайди... Уф, бунча йиғламаса...

– Бармоқлари узун-узун... – дея рассом яна  
уйкуга кетди.

Эртасига кўргазма залидан Гурлан аканинг су-  
рати ҳам ўрин олди. Ҳам танлов, ҳам савдо ўтка-  
зилиш режалаштирилган эди.

– Қалай? – деди рассом битта-иккитасига янги  
асарини намойиш этиб.

Танишлари бош силкиб қўйишди, негадир  
мақтов айтишмади. Хорижлик меҳмонлар келиш-  
гач, раис Гурлан акани бир четга чақирди.

– Яхши сурат, – деди у, кейин лаблари кимтилди.  
– Лекин нега Миср пирамидалари фониди пахта  
даласини акс эттиргансиз? Бунинг устига кизнинг  
кўзларидан ёш оқиб турибди. Хорижликлар бошқа  
нарсани кутганини айтишди, шедевр асар бузиб  
қўйилибди, дейишяпти.

– Бўлиши мумкинмас! – Гурлан ака зал бўйлаб  
чошиб кетди ва сурат қаршисида ҳайкалдай қотиб  
қолди. Ҳақиқатан, кизнинг кўзларидан ёш оқиб ту-  
рарди. Энг пачаваси – неча минг йиллик пирами-  
далар тасвири устида сезилар-сезилмас пахта да-  
ласи манзараси ҳам бор эди. – Ким бундай қилди? –  
Мен... мен буни чизмагандим...

Гурлан ака ижод онларининг ипидан-игна-  
сигача эшлашга зўр берди, аммо пахта даласи ва

йиғлаётган қиз суратини чизганини эслаёлмади. «Хотинимни чақираман», деди. Чақирешга эса хожат қолмади, мулойим оҳангда тушунтиришди: суратини кўргазмадан олиб кўйишибди.

– Шунча вақтдан буён бошқа янги асарлар ҳам чизгандирсиз? – деди зал ходими.

Гурлан ака суратни кўлтиқлаб уйига шошилди. «Ахир бу қанақаси?! Нима майнавозчилик?» дерди нукул. Подъездда гул-гул очилган кўшни жувон билан хотинини учратди.

– Дадаси, – хотини унга эргашди, – нега рангингизда ранг йўқ? Тинчликми?

Рассом эшикни тарс ёпиб, матони кўтарди. Хотин ҳам ҳайратдан ёқа ушлади. Не кўз билан кўрсинки, жилмайган қиз тасвири ўрнида йиғлаётган қиз турарди, пирамидалар устига ҳам нималардир чапланган.

– Бу, – деди Гурлан ака суратга нуқиб, – пахта даласи! Минг лаънат! У қай гўрдан пайдо бўп қолди?!

Хотин деворга сирғалиб, бурчакка ўтирди.

– Дадаси, – дея ғалати боқди, – кеча кўшни келин эри билан тўйга кетиб, эрталабгача ресторанда ўтирибди, ёзги ресторан экан. Ҳеч қандай шамол тургани йўқ, деди. Шамол майли... Унда ким йиғлаган экан-а? Этажда бошқа ҳеч ким яшамаса...

Эр-хотин бир-бирига ялт этиб қарашди, сўнг нигоҳлар беҳосият суратга бурилди...

Ростдан-да ўша кеча мато ёпиб қўйилган сурат томондан бир қиз яна йиғлаб чиқди. Рассом чирокни ёққанда ёки деворни муштлаганда йиғи эшитилмай қоларди. Дахшатлиси, тонгга яқин эрхотиннинг каравоти тагида илон вишиллагандай бўлди.

Эрталаб Гурлан ака чиқиндихонага бориб суратга ҳам, Билолдан қолган фоторасмга ҳам ўт қўйиб юборди. Бироқ унга бир нарса тинчлик бермасди: бу не синоат?

Кутубхонада узок ўтириб, ахийри профессорнинг қўлида кўрган ўша китобни топди. Суратда икки минг йил аввал Ўрта Осиё худудида яшаган лаънатланган аёл тасвирланган эди. Бармоқлари керилганча кўкка чўзилган қўл лўппи пахта тутиб тургандай туюлса-да, аслида аждар-илон рамзи бўлиб, оғзини катта очганча одамларга ажал сўраб тураркан.

Гурлан ака фотосуратдаги қиз тақдири билан қизиқиб, Билолни сўраб-суриштирди. Билол ўқишни тугатиб, август ойида уйланибди. Бир ҳафта муқаддам автоҳалокат оқибатида келинчак билан бирга ҳаётдан кўз юмибди. Ажабланарлиси, такси пахта ташувчи юк машинаси билан тўқнашиб кетган эди.

## САККИЗИНЧИ УЙ

Ниҳоят, кўнглимга ёқадиган ижара уйга дуч келдим. Бу Дон кўчасидаги, кейинчалик ғаройиб воқеа юз берган, ўша 8-уй эди.

Уйланганимга эндигина икки ой тўлганди. Келинчакнинг чилласи чиққан, шаҳарга кўчиб кетишга рухсат теккан дам эмасми, ўзимни осмонда учиб юргандек ҳис этиб, нукул ҳашаматли ҳовлиларни кидирардим. Кичик-кичик, пастқам уйлар, ўғри кўчалар орқали бориладиган арзон ҳовлиларни ҳам кўрдим. Назаримда, оиламга кимдир таҳдид соладигандек эди. Мени 8-уйга бошлаб келишганида, баланд яшил дарвозасини кўриб мамнун бўлдим. Уйни топишда ёрдамлашган таниш ўқитувчи шундай деди:

– Нархи жуда қиммат-да, сизга тўғри келарми-кан?

– Неча сўм?

– Ойига қирқ минг.

Ўша кезлари шаҳардаги ижара уйлар ўртача йигирма минг сўм эди. Қиммат бўлса-да, ўттиз минглик квартирани ҳам олавераман, деган хаёлда юргандим. Айтилган нарх бир оз ўйлантириб қўйди.

– Эгасини чақиринг, уйни кўрай-чи, кейин бирон тўхтамга келарман, – дедим.

– Юринг, – деди-да, ўқитувчи мени ўша боши берк кўчанинг этагига бошлаб борди. Кичкинаги-

на сарик эшикнинг қўнғироғини босиб, то Вера исмли аёл чиққунча 8-уй ҳақида сўзлаб берди.

Уйда узок йиллар Зиннур деган татар оиласи билан яшаган. Хотини Қозон шаҳридан экан. Улар битта фарзандли бўлишибди. Қиз ўн бешга кирганида, оила Россияга, аниқроғи, Татаристон автоном республикасига кўчиб кетиш тараддудига тушибди. Зиннурнинг хотини аввалдан кўчишни гапирар экану, аммо қари кампирнинг, яъни Зиннурнинг онаси касаллиги туфайли шу ерда яшашаркан. Кампир авлиёсифат экан. Дуо ўқиб, касалларни тузатиб, мушкулотларни осон қиларкан.

Кампир бандаликни бажо келтирибди. Зиннур пишиқ-пухта одам экан. Агар Россияда ишлари юришмаса, қайтиб келишни ҳам ўйлаб, уйни сотмабди. Ҳовли-жойдан кўз-қулоқ бўлиш учун калитни Верага ташлаб, кечаси йўлга чиқиб кетишибди. Уларни кузатиб қўйишга вокзалга фақат Вера борибди. Мана, уч йилдирки, қўнғироқ қилиб, уйининг аҳволини сўрашаркан. Ҳеч ким яшамаган уй харобага айланмасин, деб ижарага одам қўйишни Верага ўзлари илтимос қилишибди.

Кўп кутиб қолдик. Ахийри, занжирлар шиқирлаб, эшик очилди. Эллик ёшлардаги басавлат хотин уйқусираганча чиқди. У ички кийим устидан битта халат ташлаб олган, пастки тугмалари қадалмагани учун яланғоч оёқлари лорсиллаб кўринарди.

У сузилиб, мулойим охангда русча ва тожикча аралаштириб гапирди. Ўқитувчи, нархини салгина пасайтирмайсизми, деб сўраганида «нет, не-е-т» дея шундай рад этдики, ҳам илтижо, ҳам қатъий қарор англашилди.

– Унда бу йигит уйни кўрсин, – деди ўқитувчи.  
– Яхши йигит. Лицейда бирга ишлаймиз. Яқинда уйланган. Пулни ҳам вақтида тўлайди.

– Кичик одам хасми?

Ўқитувчи таржима қилди:

– Чақалок борми, деб сўраяпти.

– Йўқ хали, – дедим мен.

Ўқитувчи оилам икки кишидан иборат эканини тушунтирди. Вера чуқур ух тортди-да, «Ҳа, майли, кўйсам кўйибман-да», дея калит олиб чиқиш учун уйига кирди. Мен аёлнинг иккиланаётганига ҳайрон бўлдим. Ё ёқмадиммикан, деб ўйладим.

Вераникидан қайтаётиб, 8-уйга деворма-девор кўшнининг тош зинасида муштдеккина бир кампир мунғайиб ўтирганини кўрдим.

– Шу кампир ҳам тўқсонга кириб қўйган, – деди ўқитувчи. – Ҳар куни зинага чиқиб, соатлаб ўтиради. Кечаси ҳам ўтирганини кўриб қўрқиб кетманг.

Ҳовлида дастлаб кўзим тушган нарса ўртада уйилиб ётган ашқол-дашқоллар бўлди. Булар кераксиз либослар, пойабзаллар, ёғоч ҳамда шиша синиқлари эди. Ҳовлининг ғишт ётқизилган юқори саҳнида ёғочлари чириб кетган чорпоя турарди,

пастки саҳнида эса, бир вақтлар гул экилган шекилли, жўяклар кўзга ташланарди. Икки туп тоқнинг ёнида қисиниб ўсган ўрик ҳали ёш эди, аммо тоқ шундай тарвақайлаб кетгандики, эски қазноқ ва товукхона устида ҳам шохлар осилиб ётарди.

Ҳамма томони иморат билан ўралган тор ҳовли ёқди. Вера истар-истамай мени хоналар билан таништира бошлади. Дарвозадан кирилганда чап томондаги эшик – ҳожатхона экан. Учта поғонадан юқори саҳнга чиқилгач, чапдаги биринчи эшик ошхона. Иккинчиси уч хонали уй эшиги. Чорпоянинг ортида қолган тўртинчи эшикни уй эгалари кулфлаб кетганмиш. Мебеллари ўша хонада сақланаркан.

Юқори саҳн билан пасткиси майда кўзли симтўр билан ажратилган эди. Товукхона ва қазноқ симтўрнинг нариги томонида, яъни икки жўякдан кейин жойлашганди. Қазноқ ва дарвоза девори ўртасида ҳаммом бор эди.

Қисқаси, уйда анча вақтдан бери ҳеч ким яшамаганди. Чирий бошлаган дераза ромлари, йиртилиб, осилиб қолган гулқоғозлар, полдаги чанглар уйни файзсиз кўрсатарди.

– Калитни беролмайман, – деди Вера кўчага чиққанимизда русчалаб. – Аввал кўчиб келасиз, хотинингизни кўрай, сўнг майли. Биласизми, бу уйдаги газплиталар жуда қиммат. Ҳа айтгандай, паспортингизнинг ксерокопиясини ҳам унутманг.

Веракетгач, ўқитувчи билан кўчада суҳбатлашиб,  
анча қолиб кетдим.

– Кўчиб келаверинг, – деди у. – Пулини ўйлан-  
манг, пул топиладиган нарса-ку. Муҳими, эгасиз  
ҳовлида яшайсиз. Тинч, беҳавотир.

Эртасига кўчиб келишга ваъда бериб, уйга  
қайтдим.

\* \* \*

Бу уйда бир кеча ҳам тунамасимдан куппа-кун-  
дузи мени чўчитиб юборган бир ҳодиса рўй бер-  
ди. Отам, укаларим, хотиним ичкарида эди. Юк  
машинаси ҳайдовчиси машинаси ёнида куйма-  
ланарди. Мен сувга чикдим. Ўрик тагидаги во-  
допроводга энгашиб сув оларканман, икки кадам  
нарида, жўяклар устида бировнинг қакқайиб тур-  
ганини сездим. Вера шу атрофда – ошхонадами,  
кўчадами куймаланиб юрган эди. Мен уни Вера  
деб ўйлаб, бошимни кўтардим, ҳеч кимга кўзим  
тушмади. Баъзан кишига шундай туюлади: сиз би-  
рор юмушга хаёлчанлик билан шўнғиганингизда  
беихтиёр ён-верингизга биров яқинлашгандек чў-  
чиб қарайсиз, аммо ҳеч зоғ йўқ.

Мен ҳам буни хаёлда юз берди деб, челакни  
кўтариб зинага икки кадам босдим. Тўсатдан ми-  
ямга яшиндек урилган фикрдан бир зум тўхтадим.  
Ахир, мен сувга энгашганимда қошимдаги шарпа-  
нинг кампир эканини қаёқдан билдим? Ҳа, у кам-

пир эди. Рўмолни ияги остидан ўраган, узун этакли жигарранг кўйлак кийган. Гарчи юзини аниқ-тиник кўролмаган бўлсам-да (чунки уни кўзимнинг ёни билан ғира-шира пайқашга улгурдим, холос), қари эканлиги, тишсиз оғзини маҳкам юмиб олгани учун ияги олдинга туртиб чиққани кўз олдимда жонланди.

Шу пайт нимадир қирс этди. Эшикка яқинлашиб қолгандим, ортимга ўгирилдим. Товукхона оғзи қорайиб кўринар, одам бўйи тахланган темир-терсак, тахта синиқлари, сал наридаги оҳак бочкаси – барчаси қандайдир сирли туюлди.

Мен кўрқдим, бу ҳовлидан сесканадиган бўлиб қолдим. Ҳаммасини хотинимдан сир тутишга қарор қилдим. У ҳомиладор эди. Бошқача бўлганда ҳам қандай айтай? Мен унга суянчиқман. Мана, шаҳарга кўчиб келганига хурсанд бўлиб, бизга парвона. Гоҳ шкафни кўтаришмоқчи бўлади, гоҳ гиламни у ёқ-бу ёққа тортади. Икки яноғи кизарган, хаяжонда экани кўзларида ҳам акс этаяпти.

Олиб келган нарсаларимиз иккита хонага зўрға етди. Ижарада яшайдиганлар учун бу оз нарса эмасди.

Отам Верага русчалаб нималардир деди. Вера «Майли, майли» деб ўзини хокисор кўрсатди. Шунинг билан англандимки, у ўла қолса ҳам қирқ мингдан қирқ тийин ҳам тушмайди.

Юк машинасининг мотори гуриллади. Отам худди бизни узоқ бир мамлакатга бир неча йил муддат-

га ташлаб кетаётгандек куюк хайрлашди. Ҳаммаси жойида эди, лекин кўнглим юмшаб, ғамгин ҳислар жўш урди. Машина ортидан ҳеч ким сезмайдиган ўкинч билан қараб қолдим.

Хотинимга қайрилиб қараганимда юзим чарақларди. Қўшниларга нималардир дедим, жилмайдим, ичкарига таклиф этдим. Улар – ўқитувчининг хотини, турмушга чиққан қизи, мактабда ўқийдиган болалари – уйларига кетишди. Дарвозани ёпиб, энди вақтинчалик бўлса-да, бизники бўлган ғариб ҳовлига ҳорғин назар ташладим.

– Қўрқма, бу ҳовли менга маъқул бўлган энг қулай жой, – дедим хотинимга. – Биронта деразаси кўчага қарамаган, очиқ жой йўқ, дарвоза ҳам мустаҳкам. Вақтим бўлганида мен кўрган аввалги ҳовлилардан бирига олиб бораман. Нақ дўзах дейсан. Қаланғи-қасанғилар яшайдиган тор кўчадан етти-саккиз бурилиб борасан, бир киши базўр сиғадиган йўлакдан юрасан. Ёғочлари чириган, табақалари бир-бирига тегмай қолган омонатгина эшикни очасан. Тўксон йил аввал қурилган пастак уйга кирасан. Ҳаммаёк нураб ётибди. Ҳовличада водопровод йўқ. Эгаси итини боғлаб кетган. Сассиғига мен чидаёлмадим. Сен-ку... Ҳовлига ҳам яқинлашолмайсан.

– Бўлади, бу ер менга маъқул, – деди хотиним гўё нима бўлса ҳам энди розиман дегандек.

Биз дарвоза эшигига ғишт тираб ичкарига кирдик. Шу пайт мени яна ваҳима босди. Эшик ўз-ўзидан

ғийқиллаб очилиб, остонада кампир намоён бўладигандек туюлаверди. Айниқса, қулфлаб кетилган уйнинг панжарали деразасига (ичкаридан тунука қопқоқ қоқилган эди) бирорта шарпанинг нигоҳига дуч келмаслик учун иложи борича қарамасликка уринардим.

– Уф-ф, кўчиб ҳам келдик, – деди хотиним кўрпачага ўтириб.

– Чарчадинг-а?

– Бир оз.

– Сен ва мен, фақат иккимиз... – дея гапимни тантанавор оҳангда давом эттирмоқчи эдим, овозим ўзимга ҳам сохта эшитилди.

Бир пайт дарвоза тарақлади. Вера келган эди. Мен боргунча эшикни одам сиғадиган даражада очолмай, афтидан мендан норозиликдан бўлса керак, уҳ тортмоқда эди. У уйга кириб, «Яхши, яхши» деб мақтади. Ташқарига чикиб, чорпоянинг чириб тушган тахталарига тикилиб бир зум ўйга толди.

– Ҳаммомнинг печкасини ёқа оласизми? – деди у.

– Ҳа.

– Таёқча учига гугурт чўпини боғлаб ёқиш керак. Плитаси анча ичкарида.

– Тушунарли.

– Электрни ҳам кам ёқинглар. Ана, оҳак. Хоҳласангиз деворларни оқланг. – Вера калит уш-

лаган кўли билан товукхона томонни кўрсатди.  
– Бу нарсаларга тегманг, ҳар жойни қазиб ташламанг. Ҳовли тор. У ёққа ташийсизми, бу ёққами, барибир кўядиган жой йўқ. Бу йил эгаси Россиядан келиб кетмоқчи.

– Калитни берасизми?

– Бераман. Эртага ўзингизга битта ясаиб олинг, меникини қайтарасиз.

У чиқиб кетгач, дарвозани кулфламадим. Ичкаридан ғишт тираб кўйдим. Қишлоқдан кўчиб келган эмасманми, кулфлаш шартми, деб ўйладим.

8-уй тор кўчада жойлашган бўлса-да, катта кўчадан атиги ўн қадам четда эди. Бир томонда нуфузли ўрта мактаб, иккинчи тарафда машхур ресторан, ундан нарида ҳокимият, суд биноси кўзга ташланади.

– Ухлаб қолдингизми? – сўради хотиним.

– Йўқ.

– Жуда тинч жой экан-а?

– Ҳм.

– Лекин кечаси ҳовлидан одам сесканаркан.

Аллақаерда ит вовиллади. Машина сигнали эшитилди. Мен қанчалик илҳақ бўлмайин, кўчкўрон кўтариб чарчаган эдим... ва ҳаммасига уйқу билан нуқта кўйишни истардим.

Ухлаб қолибмиз. Дарвоза гурс-гурс қоқилганида, чўчиб уйгондим. Чироқ ёқилган ҳолда қолган экан. Соатга қарасам, тунги 2:00.

Хотиним уйғонган эди.

– Чирокни ўчирмай ухлаб қолибмиз-ку, – дедим. – Дарвоза ҳам тақиллаяпти.

Минг бир хаёлда ҳовлига чиқдим, хотиним менга эргашди. Бугун кўчиб келган бўлсам, мени бундай вақтда ким сўроқлаб юрибди, дея кўркув аралаш ҳайрон эдим.

Дарвоза яна хиёл очик эди. Кимдир итарар, аммо ғишт ортик силжимамай кўйган эди. Милиция формасидаги киши келган экан. Ғиштларни олиб ташладим. У нега дарвоза кулфланмаганини, бизнинг кимлар эканимизни сўради. Ижарачи эканимизини, бугун кўчиб келганимизни айтдим.

– «Участкавой»ман, – деди у. – Эртага хужжатларингнинг ксерокопиясини топширинглар. Бундан кейин дарвоза кечаси кулфланмасдан қолмасин. Вера Исакова айтгандир бу ерда одам яшамай кўйганлигини?

Мен «Ҳа» дедим. Участка нозири яна бирон нима деса керак, деб тикилгандим, кетишга чоғланди. Кетаётиб бир оз юмшади.

– Қарасам, чирок ёниқ, – деди у. – Ўғри кирмаганмикан, деган хаёлда эшикни итарсам, очик...

Биз кундуз ҳам дарвозани кулфлашни одат қилдик. Қишлоқдан меҳмонлар келганди, тааж-жубга тушишди. Куппа-кундузи ҳам эшик-де-разани кулфлаб ўтириш ғалати туюлганди уларга. Мен кўчада ёмонлар кўпайганини баҳона қилдим. Назаримда, ўзим ҳам шунга ишониб борардим.

Бир куни чорпояни тузатаётгандим, ётоқхонанинг деразаси икки марта, аниқ эшитиладиган тарзда «тик, тик» этди. Хотиним «Нима у?» деб менга каради. Бу уйда биздан ташқари яна кимдир яшашига энди ишондим. Қуёш ботиб бораётган эди. Биз ётоқхонамизнинг деразасига тикилганимизда, қуёш шуъласи ойнада жилоланиб ичкарини кўрсатмади.

– Ҳеч нарса, – дедим ўзимни босиб. – Биласанми, ёргинам, эски деразаларнинг ойналари нафақат қирс-қирс қилади, ўз-ўзидан синиб кетиши ҳам мумкин. Эски уйларда ром йиллар мобайнида секин-аста бир ёнга оғиб, ойнани қисиб қўяди. Бир кун келиб қарс этади-ю иккига бўлинади-қолади.

– Биринчи эшитишим, – деди хотиним.

– Юр, ичкарига қараймиз, – қўлимдаги болғани ташламай, эшикка юрдим.

Шу пайт дарвоза тақиллади. Очсам, эски-туски харид қилувчи илжайганча салом бериб, ишлатилмайдиган газплита, музлатгич, дазмол бор-йўқлигини сўради. Унга қўрс жавоб қилдим-да, уйга кирдим. Иккита хонадан ўтилса, ичкаридаги учинчиси ётоқхонамиз эди. Дераза тақиллагани учун ярим ҳазил, ярим чин ҳолда уйга киришим гўё ўғри ҳам, мушук-пушук ҳам йўқ, ишонмасанг қара, деган одамнинг йўриғидек эди.

– Нима овкат қилай? – деди хотиним у ёқ-бу ёқни қараб бўлганимиздан кейин.

– Фақат шўрва эмас, илтимос.

– Майли.

У ҳам, мен ҳам тушунуксиз зерикишни бошдан кечирмоқда эдик. Кўп газета ўқирдим. Бу ерга кўчиб келдимۇ газета ўқишдек одатим ҳам йўқолди. Аммо тез-тез Куръон тиловат қиладиган бўлдим. Ҳозир ҳам тиловат қилмоқчи эдим, хотиним мен нимадан чўчиётганимни сезиб қолишидан хавотирландим.

Биз ётоқхонамизга яна бир марта синчиклаб кўз югуртирдик. «Аввал яшаган одамлар қанақа бўлишган? Шундай зерикарли жойда қандай яшашган?» деб ўйлаб қолдим. Шарпанинг уларга алоқаси бормикан? Ё барчаси менинг алаҳсирашимми?

Ётоқхонадан чиқиб, ташқари эшикка яқинлашган ҳам эдикки, ногаҳон хотиним қичқириб юборди. Остонада ҳасса суянган кампир биздан кўз узмай турарди.

– Нега қўрқасан, болам? – деди у жуда қариб, тўкилиб қолгудек аҳволда бўлса-да, дадил оҳангда. – Дарвоза очиқ экан, кириб келавердим. Бу ер менинг дугонамнинг уйи. Ҳеч қачон тақиллатмаганман.

Уни танидим. Кўшни уйнинг зинасида ўтирадиган кампир-ку.

– Ие, қўшнимиз... Келинг... – дедим.

Эскифуруш билан гаплашгач, дарвозани куфлашни эсдан чиқарганим учун асабим таранглашди.

– У жуда яхши аёл эди, – деди кампир ортига бурилиб. – Худди ҳалигача тирикдек, шу ерда кезиб юргандек. Ҳаёт шу экан-да. Бечора ўлаётиб, Қиёмат қойимда учрашамиз, деган эди. Мана, ҳеч келмаяпти у айтган кун. Болалари ҳам Россияга кетмагандек. Болалари ҳам шу атрофда...

Кампирнинг мулзам бўлиб сўзлаши раҳмимни келтирди.

– Ўтиринг, момо, – дедим.

Бироқ унинг бу ҳовлида бир дақиқа ҳам қолишини истамасдим. Кўнглимдагидек, кампир тезроқ кета қолди. Дарвозага янада сергакроқ бўла бошладим.

Эртасига ҳаммомнинг чироғи ўз-ўзидан ёниб, сув шилдиради. Шунда ҳам мен шарпалар ҳақида хотинимга оғиз очмадим.

Биз ҳар куни қазноқдан чиқадиган митти калтакесакларни ўлдирардик. Ёз эмасми, лаънатилар хароб маконлардан ўрмалаб чиқаверарди. Майда кўзли симтўр устида ов илинжида пайт пойлаб ётарди. Бирорта тахта бўлагини олардим-да, елкасидан босиб эзғилардим. Калтакесак оғзини катта очиб, паст овозда чийиллар, хотиним унинг устидан қайноқ сув қуйганидан сўнг висиллаганча жон берарди.

Бир куни яна бир калтакесакни ўлдириб (эҳтимол, бу йигирманчисидир), чиқинди кутисига ташлаб юбормоқчи эдим, дарвоза қулфи шақир-шуқир этди-да, эшик очилиб, ҳовлига Вера кириб

келди. У ҳар якшанба Зиннурнинг ҳаммомида чўмилар экан.

– Чирик кўп, чирик кўп, – деди у елкасига ишора қилиб.

Шу куни у ижара ҳақини талаб қилди-да, ўтган куни қўшни кампирни нега уйга киритганимизни сўради.

Биз ўзи келганини айтдик.

– У ёмон кампир, – деди Вера. – Иғвогар, галамис.

Мен чорпояда ётиб, юлдузларга тикилдим. Бу дунёни тарк этгач, ўзи яшаган уйда кезиб юрадиган арвоҳлар бормикан, деб ўйладим.

Ресторандан шўх кўй-кўшиқлар эшитилар, орачора меҳмонлар келин-куёвни янги ҳаёт билан табриклашарди.

\* \* \*

Шаҳарга оилавий кўчиб келганимдан сўнг ишим юришди. Гарчи ижара ҳақи қиммат бўлса-да, пулдан қийинчилик сезмас эдик. Хотиним ҳам кўникди. Ҳатто, шу кўчада яшовчи талаба қизлар, қўшни хотинлар билан танишиб олди.

– Хўжайин, – деди хотиним бир куни, – қўшилларнинг айтишича, бу уй сотувда эмиш. Қачон олувчи чикса, сотиб юбораркан. Мана, бир неча йилдирки, харидор келаркан, аммо нима сабабдандир ёқмай, қайтиб кетишаркан.

– Менга ҳам ёқмаяпти, – дедим. – Хосиятсиз жойга ўхшайди.

– Вой, анави талаб қиз бору, исми Ҳожинисо. Ўшаларнинг ижара уйини кўрдим, бизники уларникининг олдида қаср. Уйининг девори тешилиб қолибди. Ўтган йили уйдан илон ҳам чиққан экан.

«Ҳарқалай арвоҳ чиқмаган-ку», дедим ўз-ўзимга.

Сўрашга қулай фурсат келган эди. Хотинининг кўзларига синовчан боқиб:

– Уйда ёлғиз қолганингда кўркмайсанми? – деб сўрадим.

– Куппа-кундузи нимадан кўрқаман? – ажабланди у.

Мен эса бу уйда кундуз ёлғиз қолишга ҳам кўрқаятгандим. Алам қилгани шу эдики, авваллари қоронғилиқдан, овлоқ жойлардан сесканмаганман. Ҳозир ҳам кечаси қабристон ёнидан ўтавераман.

Қайсидир куни стол чирогини ёқиб, китоб ўқишга берилиб кетибман. Бир хаёл билан деворга қарадим у сапчиб тушдим: девордаги соям меники эмас, кампирники эди. Шу лаҳза ортимдан кимдир пусиб келаётганини сездиму ялт этиб қарадим: ҳеч ким йўқ.

Эшик гийқ этиб очилди. Югуриб ҳовлига чиқдим. Хотиним кўшнилари билан чақчақлашгани

кетган эди. Мен алахсирамадим. Сояни аниқ кўрдим.

Хотиним бир сурат кўтариб кирди.

– Қаранг, биз яшаётган уй қандай ажойиб бўлган экан, – деди у.

Уй эгалари кўчиб кетаётиб кўшниларга қолдирган эсдалик суратга боқдим. Деворига чиройли гулқоғозлар ёпиштирилган ётоқхонани кўрдим. Деворда кимнингдир аскарликда тушган портрети. Бир четда нақшинкор кийим жавони, шифтда тилларанг қандилнинг бир учи кўзга ташланади. Ва мен тилга олишга шошилмаган қиз – кофта-юбка, қора чулки, оқ кепка кийиб жилмайиб ўтирган татар гўзали. У оппоқ ҳарир тўшак тўшалган каттакон ётоқ дивани ўртасида сеҳрли жилмаймоқда.

Ҳақиқатан ҳам биз ётоқхонага айлантирган ичкаридаги хона ҳашаматли бўлган экан. Бироқ менга суратдаги Зиннурнинг қизи нимадир демоқчи бўлаётгандек туюлиб, этим жимирлаб кетди.

Отам келганда маслаҳат солдим:

– Бошқа уй топсам нима дейсиз? Бу уй жуда қимматлик қилапти.

– Бундан қулайини тополмайсан, – деди отам қўл силтаб. – Яхши квартиралар студентлар кетганидан кейин ёзда топилади. Жуда қимматлик қилаётган бўлса, бир ой шошма.

– Калтакесаклар ҳам бор.

– Э, ҳаммаси анави ташландиқ нарсалардан, – деди отам. – Бир ишга киришсам, ҳамма жойни топ-тоза қилиб бераман.

Мен эртадан-кечгача ишда бўлардим. Якшанба кунлари ҳам бўш вақт топиш мен учун мушкул эди. Ҳовлини тозалашни ўзим тугул, албатта, отамга ҳам эп кўрмасдим.

Кечкурун ўқитувчини учратдим. У куюқ ҳолаҳвол сўрашаркан:

– Ҳаммаси жойидами? – деди.

Биз Дон кўчасига бурилган эдик, кўшни кампирга кўзим тушди.

– Жойида, – дедим. – Фақат... Нимасидир менга ёқмаяпти. Тунов куни анави кампир уйга арвоҳдек кириб, кўрқитиб юборди. Ёз келаверсин-чи, кетаман. Уй ҳам сотилар экан.

– Қўйсангиз-чи, – деди ўқитувчи куюнчаклик билан. – Бу уйни аввал-бошдан сотолмаган, энди ҳам сотолмайди. Ахир, эгалари Россияда, ҳужжат чатоқ.

– Бу йил келармиш.

– Ҳар йили шу гап. Эгалари Россияда ишимиз юришмаса, қайтиб келамиз, деб ҳар эҳтимолга қарши уйни сотмай кетишган. Лекин иши юришганга ўхшайди. Сизга бекорга тавсия қилганим йўқ, уй охири ўзингизга қолади. Яна бир гап бор: бу ерлар «снос»га тушганмиш. Йўл қурилар экан. Эгалари қиммат нарх сўрамайди. Бир иложи-

ни қилиб, ҳужжатини тахтласангиз, уйли бўлиб оласиз.

Отам товукхоналарнинг ичигача тозалаб, хотиним супуриб-сидириб, ҳовлини чиннидай қилиб ўтирган экан. Кераксиз буюмларни, синиқ-пиниқларни тор кўчанинг охиридаги чиқинди ариққа ташлаб юборишибди.

Биз ресторандан келаётган муסיқа садолари остида чорпояда кечки овқатни едик. Бироқ қоронғи тушиши билан симтўрда яна калтакесаклар пайдо бўлди.

\* \* \*

Ҳожатхонанинг бир четида газсув сотувчиларникига ўхшаш ингичка темир бочка ётарди. Якшанба куни шуни чиқиндилардан бўшаган товукхона айвончасига чиқариб ташламоқчи бўлдим. Бир четидан кўтардим, унчалик оғир эмас экан. Хотинимдан ёрдам сўрамай, ўзим судрадим. Амаллаб ҳовлига чиқариб, товукхона томон думалатиб бордим. Энди уни айвончага усталик билан жойлаштирмоқ лозим эди.

Олдин чамаладим. Кейин эса товукхона эшигига кўндаланг ҳолда ётқизиб қўйишни мўлжалладим. Бочкани судраб тортишим билан тупроқ кўпорилиб, оқ клёнка кўринди. Клёнкани тортқиладим.

– Уни нима қиласиз? – сўради хотиним. → Отам бу ерни тозалаётганида, устидан тупроқ тортиб, текислаб қўйди. Тагида яна чиқиндилар бормиш.

– Менимча, бу чиқинди эмас, – дедим. → Қара, атрофи қаттиқ ер.

Клёнкани кучлироқ тортдим. Осонликча чиқариб бўлмасди. Афтидан оғир бир нарсанинг ўрамаси эди. Синиқ белкуракни ботирганимда, нимадир кўмилганини сездим. Отам бу ердаги шунча чиқиндини тозалаб, хазинага етганида тўхтаган эди гўё.

Уч литрли банкани авайлаб қазиб олдим. Ичи узук, сирға, билагузук, тилла занжирчаларга тўла эди. Банканинг тагида эски қизил латтага ўралганлар АҚШ долларлари экан. Хотиним иккимиз ёқа ушлаб тақинчоқларни томоша қилдик. Ичида бирорта қалбакиси кўринмас, ҳаммаси қалин, катта-катта тилла буюмлар эди.

Уларни қайтиб банкага солдим-да, уйга киритдим. «Энди нима қиламиз?» дерди хотиним хавотир билан. Ичимда ёқимли энтикиш тўлқинланаётган бўлса-да, негадир мени ҳам хавотир босиб, дедим:

– Билмадим, билмадим... Кўчиб кетамиз...

\* \* \*

Банкадаги хазинага бир неча ой қўл теккизмасликка қарор қилдик. Мабодо хазинани эҳтиёжимизга ишлатиб юборсак, эгаси Россиядан

қайтиб, сиримиз фош бўлиши мумкин, кейин пулни қаердан топиб берамиз?

Бошқа бир жойдан, ишхонага яқин, деган баҳонада кичкинагина ижара уй топдим. Вера «Ой, йой, йой» деб афсусланди. Биламан, агар 8-уйга харидор чиққанида, биз кўчага қувилардик.

Вера ҳамма нарсани текширди, тозаланган товукхона томонга ғазаб билан қаради, аммо бир нарсани унутди: калитни.

Мен пулга ўч бу аёлга ўз пулимга яساتган калитни беришни истамадим. Бошқа аёл бўлганида, «Бу бировнинг уйи, саранжом-сарипшта тутинглар, ойига йигирма беш минг берсанглар бас», дерди. У эса... Индамасак, бир ойдан сўнг қирқ беш минг сўрашдан ҳам тоймасди.

Янги ижара уйнинг ҳақи ўн беш минг сўм эди. Ҳаммом йўқ. Бунинг устига тор ҳовлида тўртта оила истиқомат қиларди.

Хазинани шкафга яшириб қўйдик. Хотинимга хазина тўғрисида оғзидан гуллаб қўймасликни қайта-қайта тайинладим. Ҳеч кимга, отамга ҳам сирни очмадик.

Ҳар эҳтимолга қарши, қуролланишим керак эди. Бозордан этикдўзларнинг бигизини харид қилдимда, ғилоф ясаб, ёнимда олиб юра бошладим.

Хотиним ошхонага чиқиб кетса, ё китоб ўқиётган, ё телевизор кўраётган бўлардим. Гоҳида орқа томонимда кимдир борлигини, у секин пусиб

келаётганини ёки бир бурчакдан менга тикилаётганини ҳис этардим.

Тинчим йўқолиб, ҳар нимадан кўркадиган бўлиб қолдим.

\* \* \*

Ўша кунлари ҳамкасбим уйланди. Ресторандан чиққанимизда шаҳар ёз кечасининг тароватига бурканган эди.

– Озроқ ичибсизми? – сўради мендан уйига ташлаб келишни илтимос қилган ҳамкасб аёл.

– Ҳа, китдай-китдай, – мен таксига қўл кўтардим.

– Йўқ-йўқ, – деди аёл. – Уйим анави маҳаллада, пиёда борамиз.

Биз йўлни кесиб ўтиб, маҳалла кўчасига кирдик.

– Келин ҳам шаҳардами? – сўради аёл.

– Ҳа... Кеча қишлоққа жўнатгандим...

– Сизга раҳмат, – деди аёл дарвозаси олдида.

– Айтгандай, шу кўчадан ўнгга бурилиб, тўғрига юраверсангиз маҳаллангиздан чиқасиз.

Аёл айтган йўналишдан кетавердим.

– Мен Дон кўчасида яшамайман-ку, – дедим ортимга ўтирилиб. Ҳамкасбим кўринмади. Ўзимга ўзим дедим: – Барибир бораман.

Кўп ўтмай аввал яшаганим Дон кўчасига етдим. Ўқитувчи айтгандики, «уй хувиллаб қолди, ижарага ҳам ҳеч ким келмаяпти».

Қўшни кампирнинг эшиги олдида бир нарса қорайиб кўринди. Қарасам, кампир мудраяпти. Ёнидан секин ўтиб, 8-уй дарвозасига яқинлашдим. Ҳовлида ёруғлик кўринди, кимдир кулди. Тақиллатдим: ҳеч нарса ўзгармади, дарвозани ҳам очмадилар.

Ёнимдаги калитни кулф тешигига солишим билан шундай тез очилдики, бир лаҳзада ўзимни ҳовлида кўрдим. Дастлаб таниёлмадим. Ҳовли бутунлай таъмирланган эди. Ҳатто, чорпояга янги тахталар қўйилиб, темир қисми бўялган. Деразалар ҳам янги. Ҳарир пардалар орқасидаги шўх кулгилар эшитилмоқда. Нега келганимни тушунолмамай уй эгасини чақирдим:

– Зиннур ака! Ҳой, Зиннур ака!

Ҳеч ким чиқмади. Очик эшикдан кириб, донг қотдим: ичкарида ҳақиқатан ҳам уй эгалари ўтирарди. Зиннурнинг қизи суратдагидек кийинган, қилча ҳам ўзгармаган эди. Улар баб-баравар ўгирилиб менга қарашди. Зиннурнинг хотини юмшоқ гиламдан юриб келиб, қўлимдан ушлади-да, хонанинг ўртасига етаклади. Уй қанчалик безатилган бўлмасин, димоғимга қаровсиз уйнинг зах иси урилди.

– Ука, – деди Зиннур, – биз келдик.

Нима дейишимни билмай қолдим. Аксига олиб улар сўзлашмас, бизга раҳм қил, дегандек илтижолли боқишарди. Зиннур ўрта бўйли, қизғиш юзли,

жиддий одам экан. Бошига кийиб олган эскирок ўзбекона дўпписи менга ёқди. Хотини озгин ва рангпар эди. Қизига қарадим. Шунда беихтиёр эшиги қия очик ётоқхонага кўзим тушди. Ўша. Худди суратдагидек.

– Қизим, унга ичкарини кўрсат, – деди Зиннурнинг хотини мендан кўз узмай.

Қиз юбкасини ҳилпиратиб ётоқхонага шошилди. Ичкарида негадир оқ кепкасини маъноли ушлаб қўйди. Хотиним ҳавас қилганича бор экан. Ўртада юмшоқ ётоқ дивани, бир четда қимматбаҳо фин жавони, шифтда тилларанг қандил. Дарвоқе, қандил суратда яхши кўринмай қолган экан. Ажойиботлигини кўриб ақлим шошди.

– Дадам. Армияда тушган, – деди киз девордаги портретга изоҳ бериб.

Дунёда фақат шу киз ва мен қолгандек эдик. Атроф шунчалик жим-жит эдики, нимагадир чоҳ тубида тургандек бўлдим. Қизга қўл теккизишдан раҳмон мени асради. Шу аснода дераза ёнидан ҳассасини дўқиллатиб кампир ўтди. У Зиннурнинг онаси эди. Неча кунлар мени тақиб қилган шарпани танидим.

Қарасам, яна катта хонадаман. Кетмоқчиман.

– Ука, – деди Зиннур, – олиб кетган нарсаларни жойига кўмиб қўй. Бировнинг нарсаси бировга буюрмайди. Мен Россиядан келиб, онамнинг

кабрига тош қўймоқчи эдим, тақинчоқлар эса ундан эсдалик.

Бу хонадаги дераза тағидан ҳам кампир ҳассасини дўқиллатиб ўтди.

– Ўзингизга келтириб бераман, – дедим.

Зиннур кескин бош чайқади. Хотини билан қизи кўзлари ёшга тўлиб бош эгишди. Уларни мен туншунмаётган бошқа бир дард қийнаётган эди.

– Ука, айтганимдай қилинг, – деди Зиннур. – Кутамиз.

Ҳовлига чиққанимда кампир чорпоя четида ҳорғин ўтирарди. Юзининг яримига ёруғлик тушган, бу ҳовлига кўчиб келганимда тасаввур қилганимдек, тишсиз оғзини маҳкам юмиб олган, фақат кўзлари йилт-йилт этарди.

Ижара уйим сари шошилдим. Нима иш қиляпман, менга нима бўлаяпти, англаёлмас эдим.

Уйга кирганимданок шкафни очдим: банка жойида. Сумкага солдим-да, изимга қайтдим. Дон кўчасига бурилганимда юзимга тунги салқин шамол урилди. Ҳушимга келгандек бўлдим. Бир хаёл «Орқага қайт, шунча пулни осонликча бериб қўясанми?» деса, иккинчиси «Қайтариб бер, шарпалардан, таҳликалардан қутуласан», дерди.

Қўшни кампир кўринмади. 8-уй ҳовлиси ҳам коп-қоронғи эди. Кулфга калит солиб, зўрға очдим, эшик ёкимсиз ғийқиллади. Ҳовли қоронғи, жим-

жит эди. Мени ўғри деб ўйламасинлар деган ўйда товукхона олдида Зиннурнинг эшик-деразаларига караб бир оз серрайиб турдим. Нима қилишим керак? Шартта синиқ белкурак билан чукурча қазиб, банкани жойига кўмдим.

Ой тобора кўтарилиб келмоқда эди. Кўчадан кимлардир сўзлашиб ўтишди. Юрагим бирдан дукурлаб урди. Ярим кечаси бировнинг ҳовлисида нима қиляяпман? Тиззамдаги тупроқ юкини қоқиб, қаддимни ростлар эканман, ой нури ёритган эшик-деразаларга нигоҳ ташладиму сесканиб тушдим. Улар биз яшаган пайтдагидек эски ва қаровсиз эди. Деразалар гўр оғзидай қорайиб кўринар, оёғим остида неча кундирки супурилмаган чиқиндилар сочилиб ётарди.

Ётоқхонанинг қия очиқ деразасидан дайди мушук чиқди. У мени пайқаб, кўрққанидан ўзини товукхона томон шундай отдики, дераза каттароқ очилиб кетди. Уйга яқинлашдим. Бўм-бўш хона, дераза ёнидаги гулқоғоз ҳамон йиртилиб, ослиб ётибди...

Ҳовлидан қандай чиққанимни эслаёлмайман. Бир неча кун касал ётдим. Хотиним «Қуръон тиловат қиладиган одамнинг ароқ ичгани шундай ҳолга тушунишга олиб келди», деди. Кўп ўтмай номаълум шарпаю олтин васвасасидан қутулдим. Қурилиш бошланиб, чанг-тўзонга айланган Дон кўчасига қадамимни босмай кўйдим.

Хотиним киз туғди. Мен кишлоққа хабар бериш учун кетаётиб, дўкондан газета харид қилдим. «Дамас» ҳар галги йўналишдан эмас, бошқа томондан юрди.

– Янги йўл очилган, – деди ҳайдовчи. – Эскиси таъмирланаяпти, юриб бўлмайди.

8-уй жойлашган маҳалла четидан катта йўл тушган эди. Зиннурнинг, Веранинг, умуман, ўша қатордаги кўшнилари уйлари бузилиб кетибди. Гардсиз тимкора асфальт четидаги баъзи ҳовлилар қоқ иккига бўлинган, баъзиларининг фақат деворлари қолган, бу деворлардаги гулқоғозлар, токча излари зилзилада вайрон бўлгандек кўзга ташланарди. «Хазинани кимдир топганмикан?» деб ўйладим-да, кўлимдаги газетани очдим. Ногаҳон кўйидаги сарлавҳага кўзим тушди: «Зиннур олтинлари».

Мақолани ўқишга тутинганимда, гўё юрагим уришдан тўхтади. «...Вера Исакова ўша кеча, – деб ёзилганди газетада, – поездга чиқиши керак бўлган оила билан хайрлашиш баҳонасида Зиннурни кига келади. У ҳаммага Зиннурнинг оиласини ўзи кузатиб кўйишини айтиб, мудҳиш режаси учун замин тайёрлаб кўйганди. Заҳарни таомга қўшгач, уй эгаси, рафиқаси, қизи воқеа жойида ҳаётдан кўз юмади. Қотил аёл бутун уйни титкилаб, долларларни, тилла тақинчоқларни топа олмайди. Сўн-

гра мурдаларни товукхона олдига кўмиб, устидан жўяк тортиб, гул экиб қўйди... Йўл қурилиши бу жинойтнинг фoш этилишига сабаб бўлди. Мурдалар топилгач, хазина кимга тегишли экани ойдинлашди... Вера Исакова умрбод қамoқ жазосига маҳкум этилди...»

Газетани ёпиб, кўзимни юмдим. Кулоғимга Зиннурнинг «Бировнинг нарсаси бировга буюрмайди» деган овози эшитилгандек бўлди.

## ОТ ДЕВИ

*Бу воқеани қўшимиз Аҳрор  
Шербеков сўзлаб берган.  
У эса бобоси Ҳаққул Тогаевдан  
эшитган экан.*

Муаллиф

Чошгоҳда бошланган тўй кечга яқин охирлади. Молхона олдидаги бедапояга қатор-қатор тизилган темир стол-стулларнинг кўпчилиги бўшади. Умар қассоб чўнтагидан соатини чиқаргач, кетишга чоғланди. Шунча еб-ичди, етар. Қишлоғига боргунча кеч ҳам тушса керак.

Фотиҳага қўл очилди. Умар қассоб кўчага чиққанида, қишлоғи томон на бирор машина, на трактор ўтишини билди. Пиёда жўнади. Ёши қирққа етмасдан кекса отасининг касалликлари бўйнига тушганди. Ҳаяжонланса, кўркса, кўп еса, кўп ичса юраги чимиллайди, гоҳо ўт-олов бўлиб қизийди. Биргал табибга учрашган эди, нима овқат ейишини сўради. Қассоб айтди: ғилминдидан йигирмата, кулчатойдан икки лаган, паловдан бир лаган, қайнатма шўрвадан икки коса, жиздан бир кило. Бундан ташқари ҳар кечкурун бир коса новотнинг устига қайноқ чой қуйиб қўяди-да, эрта-лаб ичади. Озғингина табиб маъюс бош чайқаб: «Сиз овқатларни эмас, овқатлар сизни еяётган

экан-да», деган эди. Умар қассоб бундай гапларга тушунмасди. «Овқат емасанг, қандай юрасан? – дерди. – Иштаҳа тортаяптими, ейиш керак. Хотиним ажрашмаса, устига яна хотин олиш ниятим бор. Бунинг устига қассоб бўлсам, гўшт ичида юрсам...»

У тўй бўлган қишлоқдан чиқиб, бир чақиримча йўл босгач, пишиллаб қолди. Бир қишлоқдан кейин уйига етиб боришини ўйлаб, деди:

– Яна бир хотин олиш ниятидан кечиб, мошин олмасам бўлмас-ов...

Биринчи турмуши бузилгач, бир ой юрди. Турмуш қурмаган қизлар рад жавобини беравергач, бева жувонларни суриштирди. Бир қишлоқдан боши очик жувон топилди. Кичик маросим ўтказиб, иккинчи марта уйланди. Мана шунисида билди у заҳар хотин қанақа бўлишини. Одамлар «Умар хотин кўйиб, хотин танлаб, қоқ пешонасидан тушди», дейишди.

Юраги гурс-гурс уриб, лўқ-лўқ қилаяпти. Ўйлаб кўрса, уни касалга йўлиқтирган овқатлар эмас, уйидаги жодугар. Бу сафар яхши аёл учраса, қассоб зуғум ўтказмай, хиёнат қилмай, тинч-тотув яшамоқчи эди.

Тоғ ён-бағридаги қишлоққа етиб, бирор танишиникида бир соат нафас ростлашга қарор қилди. Қош ҳам қорайиб қолаёзган эди.

Қирдан:

– Умар ака! – деган овоз келди.

Қараса, тепаликдаги сўқмоқдан бир йигит чопиб тушаяпти. Қассоб уни хушламайгина кутиб турди. Бир иш буюрса керакки, ҳаллослаб югураяпти.

– Отим ўлар холатда! – деди йигит. (У кўпқарига от чопадиган Мусо полвон эди.) – Сўёласизми, ака?

– Нега ҳовликасан? Ҳовурингни бос, полвон, – Умар Қассобни хикичок тутди. – Қассоб экан, деб ҳар нимани сўйишга чақираверсанларми?

– Ҳар нима эмас! – бўриқди Мусо полвон. – Кўпқарида чопадиган отим ўлаяпти, ёрдам беринг, қийналмасин бечора!

Умар қассоб шу етмай турувди дегандек ҳафсаласизлик билан тикилган эди, ёш полвон тутақиб кетди:

– Отим жон беролмаяпти, қанақа одамсиз?! Азобдан қутқариш шунча қийинми?

– Э, майли! Кўрсат отингни! Лекин иккита шартим бор. Биринчиси, хизмат ҳақимни дангал бера-сан.

– Бераман, ака.

– Иккинчи шартим, уйимга олиб бориб қўясан. Кеч тушиб қолди, чарчадим.

– Хўп.

– Қишлоғингдан машина тополмасанг, отингда элтиб қўясан.

– Хўп, ака... Э, отим ўлаяпти-ку! Қанақасига отимда олиб бораман? Сиз ҳам бошни гаранг қилдингиз-да!

Отхона ёнида чол кўринди. Умар қассоб унинг ҳассага суяниб, оёғда зўрға турганига кулгиси кистади. Чол нимадир демоқчи бўлди. Қассоб эътибор бермасдан, Мусо ишора қилган томонга қаради-ю кўзларини мўлтиратиб ётган оқ отни кўрди.

– Гап йўқ, сўямиз, – Умар қассоб чолга қараб кўлини кўксига қўйди. – Шу холосми?

Чол гапиришга уринганди, соқоли силкиниб, огзидан сас-садосиз сўзлар учди.

– Мастсан, демоқчимисиз? – Умар қассоб Мусонинг отасига эътироз билдирди. – Тўғри, тўйдан келаяпман... Пичоқ опкелинглар! Тўйдан қайтаётганимни кийимимга қараб билдингиз-а, бова?

Чол «йўқ-йўқ» дегандек кўл силтади.

– Отанг нима деяпти ўзи, Мусо? Ўлай агар, гапига тушунмаяпман.

Пичоқни истар-истамас қассобга тутқазган полвон деди:

– Отамнинг айтишича, сиз отнинг девини кўтаролмаслигингиз мумкин экан.

– У таҳоратсиз... У фақат мол сўйган... От бошқа масала... – зўрға тушунтирди чол. – От деви қассобни... Уни... Уриб қўяди...

– Отнинг деви деган гапларга ишонмайман, – мийиғида кулди Умар қассоб. – От ҳам, мол ҳам ҳайвон. Қассоб эса ҳамма жонлиққа қассоб.

– Отимни қийнамай, тез сўйинг, илтимос, – деди Мусо. – У мен учун одамдек дўст, одамдек сирдош эди. Қийналиб ўлмаслиги учун ҳам сизни чақирдим, Қишлоқда ҳеч кимда милтиқ йўқ экан. Милтиқ бўлганда эди, бир сонияда қутуларди.

– Милтиққа бало борми? Уни ҳалоллаш керак, оғайни, – лабини чўччайтирди қассоб.

Отнинг оёғини боғлашга киришди. Мусо полвон отасини етаклаб, отхонадан узоқлашди. Улар севимли тулпорнинг сўйилишига хотиржам қараб туrolмасдилар.

– Отнинг деви эмиш... – қассоб ўзига-ўзи минғиллади. – Катта қассоблардан қўл олганман. Кетаяпсизларми? Ҳа, кетаверинглар, раҳмдил отаболалар. Ҳақимни ўзим айириб оламан. От сўймаганимга ўн йилдан ошди. Йў-ўқ, нималар деяпман. От сўймаганман, от гўштини емаганимга ўн йил бўлибди. Тўйда дастурхонга нукул қари сигир билан ориқ эчкининг гўштини тортишибди, курумсоқлар.

Мусо полвон харсангтошга ўтириб, кўз ёшларини артди. Отини ўз қўли билан қассобга топширди. Шунга мажбур бўлди у. Мақсад – оти азоб чекмаслиги. Бугун ҳаммаси тугайди. Отининг бўғзига тиғ тортилиб, ҳаёт билан видолашгач, полвон уни иззат-икром билан дафн этади.

Шу он отхонадан ниманингдир гурсиллаши эшитила бошлади. Мусо полвон ялт этиб қаради. У отхонага яқинлашган сайин кўнгли бир ёмон-

ликни сизди. Болта чопаётган ким? Нега болта чопаяпти? Бўгзига тиг тортса бўлди-да!

Мусо отхона эшигида даҳшатдан қотиб қолди. Умар қассоб отнинг терисини яримигача шилган, энди эса орқа оёғини болта билан чопаётган эди. Янги кийим-бошига, бет-қўлларига қон сачраб, кўрқинчли қиёфага қирганди.

– Келдингми? – деди қассоб ҳансираб. – Терисини охиригача шилишга, қорнини тозалашга эриндим, ука. Қоронғи тушаяпти. Мен... шу сонини олсам бўлди, «раччўт». Пул-мулинг керакмас. Ўзларинг бу ёғини саранжомлайсанлар...

Мусо секин ортига чекинди, гўё қаршисида афсонавий қонхўр турарди. Отнинг эмас, одамнинг қонига беланган, мана, оғзидан ҳам қон оқаяпти, ҳозир кутуради.

Шу дамда отнинг оёғи узилди. Умар қассоб болтани ташлади ва улушини кўтариб, ташқарига чиқди. Ранги қув ўчган оила аҳли ҳам қассобни ваҳима билан кузатарди.

Ёш полвон девор тагига чўккалаб қолди.

– Нима қилиб қўйдим сени, тулпорим? Нега қассобнинг қўлига топширдим? Наҳотки, гўштингни есам... Одамларга едирсам?! Мени кечир...

Тўсатдан Мусо сакраб турди-да, болтага ёпишди.

– Сўйишни кўрсатиб кўяман, жаллод! – деб бақирди-да, Умар қассобнинг устига бостириб борди. – Терисини шил, оёғини кесиб ол дедимми? Тўхта, қотил!

Мусо полвоннинг йўлини оиласи тўсиб қолмаганида, яна бир фалокат юз берарди.

...Отнинг оёғи енгил эмасди, қассоб уни елкасига ортмоқлаб сой бўйига келгунча терга пишди. Боз устига қоронғи тушиб, сўқмоқдаги шох-шабба, янтоқларга қоқина бошлади. Юлдузлар ҳам сирли бодради. Пастликка энганида, олисда итларнинг хургани кулоғига чалинди. «Қанийди биров бўлганида, кўтаришарди», – хаёлидан ўтказди у.

Шу пайт орқадан кимдир келаётганини пайқаб ўгирилди ва гўзал бир жувонни кўрди. Жувон тимқора сочларини ёйиб, эгнига оппоқ кўйлак кийиб олганди. Қассоб бугун тўйда биланглаб ўйнаган ўйинчимикан, деган хаёлда тикилиброк қараганди, танимади.

– Ака, қишлоққа кетаяпсизми? – сўради жувон.

– Ҳа, қишлоққа, – деди қассоб. – Сен-чи, синглим?

– Мен ҳам, – сирли жилмайди жувон.

Икковлон сўқмоқдан тушишди. Умар қассоб гўзал жувонни учратган тақдирдан миннатдор эди. Ким бўлди экан? Ким бўлса ҳам, гапга кўнади. Йўқса, овлоқда ёлғиз юрармиди? Аммо у қаердан келиб, кимникига меҳмонга бораяпти? Қишлоғида бундай латофатли жувон йўқлиги аниқ.

– Нима қилиб кеч қолиб юрибсан? – ортига карамай сўради қассоб. – Қўркмайсанми?

– Йўқ. Сиз-чи?

– Мен нега қўрқарканман? Эркак киши бўлсам.

– Қўркмасангиз, жуда яхши-да, – деди жувон.

– Кимникига бораяпсан?

– Сизникига эмас.

– Тушунмадим?

– Бунча тергайсиз, ака?

Сой бўйига тушганларида, олисдаги прожекторларининг шуълалари ҳам тепада қолди. Пастлик хийла қоронғи, сирли ва сокин эди. Ҳар замонда сой ўрамалари қултиллаб кўярди.

Сойликдаги ўтлоқ кенг эди, ёнма-ён кетаверишди. Қассоб ҳамон ҳайратда эди. Ҳайрат ўрнини бошқа туйғу – ҳирс эгаллаб бораверди. Кимсасиз сой бўйи, юмшоқ ўтлоқ, қоронғилик пардаси, гўзал жувон...

– Отинг нима?

– Сўрамадингиз-ку, – деди жувон.

– Мана, сўраяпман-ку.

– Энди муҳим эмас.

– Турмуш қурганмисан?

– Наҳотки, ҳаётимнинг сизга қизиғи бўлса? – жувон ҳамон ердан кўз узмай борарди.

– Қизиғи бор, ўлай агар! Мен яхши одамман. Фақат... фақат яхши ҳамроҳ тополмай, неча йилдан бери қийналаман.

– Тушунишимча, менга бошқа гап айтмоқчисиз.

– Ҳа. Сезаяпман, ёлғизсан...

– Ёлғиз эканимни кўриб турибсиз-ку.

Сойнинг нариғи қиргоғидаги жарликда бойўғли сайради. Яна юрсалар, кўприкка етади. Сойдан ўтиб, тепаликка чиқса, қишлоқ йўли, узумзорлар, далалар. У ёқда деҳқонлар учраб қолиши тайин.

– Бугун узоққа тўйга бордим, қайтишда от сўйдим, гўшти кўтариб ҳам чарчадим, – деди қассоб.

– Кел, манави ерда бир оз дам олиб, баҳонада танишсак. Оёғинг ҳам чарчаб кетгандир?

– Оёғим чарчамайди, қассоб ака, – жувон сирли кулиб қўйди.

Шундагина Умар қассоб бу жувон кўзига тик қарамаётганини, таниш туюлаётганини, уни қаердадир кўрганини тушунди. Ва беихтиёр оёқларига разм солди. Разм солди-ю елкасидаги от гўштини ташлаб юборди. Не кўз билан кўрсинки, оёқлари одам боласиники эмас, отники эди, боягина сўйилган оқ отники.

– Ким... ким... кимсан?.. – Умар қассоб ортига тисланди. – Кишт, жин... арвоҳ...

Жувон туёқларини дупурлатиб, унга яқинлашди. Шундан кейингина кўзларини ердан узди. Бу кўзлар ҳам бугун ўзи сўйган отники эди.

– Гўштимни емоқчимисиз? – деди оғзидан ҳаво уфуриб. – Аввалги хотинингизнинг гўштига тўймадингизми? – Кейин кўзларида ўт ёниб, кишнаб

юборди. – Нега оёғимни кесиб олдинг? Бер! Бер оёғимни!..

Умар қассобнинг кичкириғини ҳеч ким эшитмади.

Воқеадан эртасига хабар топишди. Қассоб тилини тишлаб, кўзларини бақрайтириб, сой бўйидаги ўтлоқда ўлиб ётарди. Сал нарида эса оқ отнинг оёғи...

Мурдани учратган чўпоннинг айтишича, сўкмоқда отнинг туёқ изларини кўрган, лекин излар ақл бовар қилмас даражада бир жуфт бўлган, холос. Афсуски, қўйлар сўкмоқни топтаб ташлаган.

Текширувдан сўнг Умар қассоб юраги ёрилиб ўлгани маълум бўлди. Икки оёқли от борлигига ишонмаган ички ишлар ходимлари изларни ахтармади ҳам.

## ЧАҚАЛОҚ

Кела-келгунча йиглади қиз. Кўча чироғи ёруғида тўхтаб, биллагидан тутди йигит.

– Нима бу?.. – деб дағдаға қилди.

– Нимани айтаяпсиз? – қиз кўзидан оққан бўёқни шошиб артди. – Энди нима бўлади?

– Бу йиғи нимаси деяпман. Бунақа ишлар ҳеч кимга сездирилмайди. Сезиб қолса тан олинмайди. Тушунарлими?

Қиз йигитга ишонар эди, телба бўлиб севганди. Бу кеча не ишга қўл урган бўлсалар, барчасини мухаббатга ағдардилар.

...Холбекнинг уйидагилар Нозгулни танирдилар. Кўча-кўйда Холбекнинг сингиллари бўлажак янга ҳақида эшитган илик гаплардан анча вақтгача сармаст юришарди. Таниган-танимаган борки, Нозгуллар оиласини обрўли, бадавлат, ўқимишли деб биларди.

Аммо тўй чўзилгандан чўзилди. Бир неча марта тўй кунини белгилашга уриниб кўрдилар. Қариндошлардан кимдир қазо қилади, тўй қолади.

Бир куни Холбекнинг сингиллари уйга хафа бўлиб кирдилар. Қизлардан бири «Бўлажак янгаларинг опа-сингилларига қараганда эркатойроқ, тегманозик экан» дебди. Бу ичикораликка, ҳасадгўйликка йўйилди.

Ўша кунларнинг бирида Холбек шаҳарча четидаги ижара уйга Нозгулни эргаштириб келди. Қорни оғриётганидан юзи буришиб кетган қиз каравот четига ўтирди-да, йиглаб юборди.

– Мени ўлдиринг, ортиқ яшолмайман, – деди у.

– Йиғлама! Йиғлама деяпман... Бу нима? Қорнингдагини айтаяпман.

– Рўмол... Рўмоллар...

Холбек ишонқирамай қизнинг белини пайпаслади.

– Темирдан ҳам қаттиқ-ку. Жонингда қасдинг борми?

– Шарманда бўламан, Холбек ака!

– Атайин тўйни кечиктирганим йўқ, кўраяпсан-ку, вазият тақозо қилмаяпти.

Нозгул оғриқдан бошини кўтаролмай қолди. Йигит серрайиб турар, қорнини шу қадар шафқатсизлик ила қисиб боғлаган қизга ачинаяптими, жаҳли чиқаяптими, билиб бўлмасди.

– Менимча, бошқа иложимиз йўқ, – деди Холбек юзини четга буриб.

– Нима?.. – Телбавор нигоҳ ташлади қиз.

– Вақтида олдириб ташлаш керак эди. Энди... тўйдан кейин тугилса ҳам барибир... сиримиз фош бўлади, тушунсанг-чи, Ноз! Сен яширолмайсан, отанг, маҳалла-кўй эшитади. Икки хонадон шаънига ҳам тўғри келмайди.

– Ўлганим маъкул, – деди қиз изиллаб йиғларкан.

– Тўй бўлади! Бўлади! – деди Холбек. – Жанжал қилсам ҳам бир ойнинг ичида ўтказаман ўша никоҳ тўйни! Лекин тушунсанг-чи, тўйдан кейин дарров бола туғилса, барибир одамлар билади-ку, нега кўрқаяпсан? Қутулиб кетишнинг иложи йўқ!

– Қорнимни дугонамга боғлатганман, – деди бир оздан сўнг Нозгул.

– Бу билан нима демоқчисан?

Қиз ҳасрат билан нигоҳ отди.

– Сиримни билади... – Қиз оғир бош чайқади. – Вақти-соати келганда жонимни унинг кўлига топшираман.

Йигит ваъдасини бажаролмади. Тўй ёзга қолди. Нозгул дўзах азобларига гирифтор бўлиб, шармандаликдан ҳамон ўзини сақлаб келарди. Ниҳоят, тўй куни белгиланганини эшитгач, инграб юборди. Ичига тортиб боғланган қориндан қанақа чақалок дунёга келишини иккиси ҳам билмасди. Бу ёғи тўққиз ой бўлиб қўйган. Наҳотки, чақалок туғилиши айнан никоҳ кунига тўғри келса?

Узоқ қариндошлар бир кун олдин ташриф буюришди. Уларнинг гиргиттон бўлиши Нозгулнинг ҳиқилдоғига келиб ўтирганда, ногоҳ қорнида чидаб бўлмас оғриқ тўлгонди. Оёгини судраб босиб, ваннахонага кирди. Юзини совуқ сувга ювди ва... чинқириб юбораёзди. Бу нима кўргилик?! Ваннахонада кўзи ёриётган эди. Оғриқдан кўкаргани, кўзлари қинидан чиқаёзгани кўзгудан шундоқ кўриниб турарди. Нозгул ўзини ўзи танимас, кўзгу шармисорлик оламига бир дераза эди.

Нозгул оғриқ ва қон кетишдан эмас, номусдан ўлишига кўзи етди. Ана, меҳмонлар хурсандлигидан хандон отиб кулишмоқда, тогалари ҳам салобат билан сўрида ўтиришибди, умрларида юзи ерга қарамаган бообрў кишилар. Опасининг қайнонаси-ю қайнсинглисини айтмайсизми! Онанининг овсинлари... Ҳамма-ҳамма бу хонадон шухратини, тўйларининг донғи кетишини, эл-юрт ҳавас билан тилга олишини гапирмоқда. Сўзлардаги ҳар бир бўғин орасидан бол томаяпти.

Воҳ, шу тобда ваннахонадан Нозгулнинг қичқириғи, сўнг чақалоқ йиғиси эшитилса борми!.. «Йўқ-йўқ!..» Бўлажак келин кўзларини чирт юмди. У ҳеч қаёққа қочиб қутулолмаслигини, ҳадемай мудҳиш ҳодиса юз беражагини билди. «Ўзимни ўлдиришим керак эди... Кеча, ундан аввал, бир ой бурун, йўқ, ўша ифлос кунда... Энди нима қиламан?»

Ваннахона эшиги тақиллади. «Онам!» – қизнинг мияси ярк этди. «Зинога йўл қўйган бўлсам... У... Бўлажак эрим... Ҳаммасини онамга аста тушунтирсам, балки...»

– Нозгул, эшикни оч.

Бу – дугонаси-ку! Қиз шоша-пиша уни ичкарига киритди.

Ғалати овоз эшитилгандек туюлганда, холалардан бири ваннахонага яқинлашди.

– Ноз, шу ердамисан?

– Ҳа, бош юваяпти, – ўрнига жавоб берди дугонаси.

Ҳамма тўй билан андармон эди. Онаси Нозгулни сўраб-суриштирди. «Дугонаси анави хонага овқат олиб кираётганди», – деди холаси. «Дугонаси бир нима кўтариб чиқиб кетаётувди, – деди бошқаси, – фата тўғри келмаган эмишми...»

Она ётоқхона эшигини очди. Бурнига спиртникига ўхшаш ўткир ҳид урилди. Нозгул бурчакка тикилиб ухлаб ётарди. Шу ётиши бежо кўринди онага.

– Нозгул, – чақирди оҳиста.

– Ойи, эшикни ёпинг, – деган дағал овоз чикди қизидан, – эрта туришим керак, уйқум келаяпти.

– Йиғладингми? Нима сепгансан?

– Илтимос, ойи... Ҳаммаси яхши бўлаяпти-ку...  
Ухламоқчиман.

Эртасига Нозгул оқ либос кийди. Мурдадек оқариб кетгани у па остида билинмасди. Нима бўлса ҳам сездирмаслигим керак, деб жон-жахди билан ўзини дадил тутишга уринарди. Бир пайт хос дугонаси пайдо бўлди. Кеч қолгани боис қизлар унга таъна қила бошлашди, аммо биров билан сўрашмасдан Нозгулни четга бошлади.

– Ноз, у ўлиб қолди, нима қилай?

Нозгул ҳеч вақога тушунмагандек серрайди. Дугонаси гапини қайтарди, шунда ҳам келинчақдан садо чикмади.

– Нима бўлди сенга? – шохни силкиган каби кескин ҳаракат қилди дугона.

– Бешикка солмадингми? Авайла, демабмидим?

Дугонасининг оғзи очилиб, бир қадам тисарилди.

– Тўйдан кейин опкетаман, – кулимсиради Нозгул, – тагин мазоротга кўмиб қўйма, хўпми?

Тўй охиригача дугоналар қаторида ўша дояси кўринмади. Тўй тантанали ўтди. Чимилдикқа кирганданоқ куёв сўради:

– Қачон... қачон бўлди? Гапирсанг-чи!

– Кеча... кутулдим.

– Ўлдирдингми?

– Жим... – шивирлади Нозгул. – Узоқдан гапирсангиз ҳам у эшитади... Уйғониб кетмасин... Дугонам оппоқкина қилиб ўраб қўйган,... Бирам чиройли...

Холбек ўзини орқага тортди. Ярим кечада Нозгул даҳшатли оғриқдан сапчиб уйгонди. Даставвал қаерда ётганини эслаёлмай ванна жумрагини ахтара бошлади. Чимилдиқда эканини англаб, ёстикни кучоқлади. «Булар эгиз экан-да! – деган ўйдан пешонасида совуқ тер қўпчиди. – Энди шарманда бўлишим аниқ... Вой, туғилаяпти... Ҳозир йиғлайди...»

Ҳаял ўтмай чақалоқ заиф ингради. Йиғлашга кучи етмаяпти. Нозгул уни чойшабга ўраб, келинлик рўмолчаси билан жажжи оғизчасини бекитди. Бечора иссиқкина эди. Негадир ичида сув қайнаётгандек митти вужуд билқилларди.

Нозгул кудуқни эслади. Холбек артезиан таъмирлангани учун кудуқдан фойдаланмай қўйганини гапирган эди. Судралиб бориб деразага бўй чўзди. Хўрозлар қичқираётган эса-да, тонг отишига хийла бор эди.

У минг бир таваккал билан ҳовлига чиқди. «Янги келинчакман, кўрсалар ҳам кўрмаганга олишади, хожатхонага бораяпти, деб ўйлайдилар», – деди ичида. Дарвоқе, кудуқ чамбараги ҳовли этаги-

да қорайиб кўринди. Оғзига қопқоқ бостирилган экан. Четга суриб, чойшабни очиб юборди, пастдан сувнинг шалоплаши эшитилди. Қонли чойшаб ҳам, муз юрак ҳам енгиллашди.

Эрталаб келин саломга чиқди, аммо икки кўзи кудукдан узилмади. Кун бўйи беҳол бўлди. Ҳар сафар кўшни ҳовлида бола йиглаганда бир сапчиб тушарди. Кейинроқ билди, оғзидан бир гала учуқ тошиб кетган эди.

Даҳшатлиси, иккинчи кеча юз берди. Қорни яна оғриб, тўлғоқ бошланди. Адойи тамом бўлган Нозгул эрининг қўлларига ёпишиб:

– Чақалок... чақалок... – деб титраб-қақшаб йиғлади. – Ўлдиринг мени, ўлдиринг, Холбек ака! Бошқа чидолмайман!

Шовқин-сурондан уй ичи уйғонди. Зудлик билан келинчакни шифохонага жўнатишди. Шифокор Нозгулнинг руҳан соғ эмаслигини, асаб касалликлари шифокорига учрашиш кераклигини айтди.

Тушга яқин Нозгулни руҳий касаллар шифохонасига юборишга мажбур бўлишди.

– Унинг болали бўлганидан беҳабарман, – йиғлади қайнона.

– Уч кун аввал келинингизнинг кўзи ёриган, – деди шифокор. – Қаттиқ руҳий зўриқиш оқибатида хаёлида яна чақалок туғилгандек туюлган. Асаблари вақтида даволанилмаса, умрининг охиригача руҳий касал бўлиб қолади.

Кудукни текширишди. Келинчакнинг рўмолчаси топилди, холос.

Кўп ўтмай водапроводдан сув келмай қолди. Холбек кудукдан сув тортиб, газга чойнакни кўйди-да, хаёлга чўмди. Нега гуноҳга қўл урди? Ҳалолу пок юрса бўлмасмиди? Энди иккиси ҳам норасиданинг қотилларими?

Шу пайт сув забтига олиб қайнади. Чойнак чумагидан фишиллаб буғ отила бошлади. Холбек қулоғига чалинган бошқа бир овозга ялт этиб қаради. Чойнақдан чиқаётган буғ овози чақалоқнинг чийиллаб йиғлашига ўхшарди.

– Бўлиши мумкинмас, – лаблари титради Холбекнинг.

Ўша куни куёвни ҳам шифохонага олиб кетишди.

### **«МЕН СЕНИ СЕВАРДИМ...»**

Бу воқеага анча йил бўлган. Ўшанда шаҳарга илк келган куним автоҳалокат устидан чиқдим: светофордан ўн қадамлар ўтгач, бир йигитни машина уриб кетди. Ҳаракатланиш бир зум тўхтаб, тикилинч, ғала-ғовур бошланди. Баъзи ҳайдовчилар тушиб, ўликни бошига тўпланишди. Мен «Раф»нинг энг орқа ўриндиғида ойнани очиб ўтирганим боис бошқаларга қараганда кўп нарсани кўрдим. Йигитнинг шиппаги ойна синиқларидан

сал берида ётар, негадир теграсида арилар айла-  
ниб учарди.

– Йигит маст эди, – деди кимдир, – қўллари  
билан ғалати қилиқлар килиб, йўлнинг ўртасига  
чикди.

– Қаранглар уни арилар чақиб ташлабди, – деди  
бир амаки. – Бечора йигит арилардан қочган экан-  
да.

«ДАН» ходими билан гаплашаётган ҳайдовчи  
«ари» деган сўзни эшитиши биланоқ ортига ўги-  
рилди. Унинг шишиб кетган юзини кўрдим. Не  
тонгки, арилар ҳайдовчини ҳам чақиб ташлаган  
эди.

Одамлар орасини ёриб ўтди-да, бақириб юбор-  
ди:

– Бу ўша йигит-ку!.. Мен уни аввал ҳам ўлдир-  
ганман!..

Сўнгра ортига бурилиб, қочаётгандек одам-  
ларни туртиб-суртиб ўзини асфальтга отди. Бир-  
дан ўзининг машинасига кўзи тушди-ю бақрайиб  
қолди.

– Машинам «Москвич» бўлиб қолибди! –  
кичқирди у. – Мен қайтдим! Энди ҳеч қачон ха-  
тойимни такрорламайман! Яхши одам бўламан!  
Ур-а!..

«ДАН» ходими ҳайдовчининг биллагидан тутди.

– Мени қаманг, қамокқа олинг, – деди ҳайдовчи  
мамнуният билан. – Жон деб рози бўламан, энди  
ҳеч қаяққа қочмайман... Фақат сиздан илтимос,

уйдагиларимга айтинг, мени кўришга келсин...  
Йигирма йил бўлди кўрмаганимга... Йўқ-йўқ,  
улар учун бир соат...

Эси оғиб қолган ҳайдовчини менинг ёнгинамдан  
олиб ўтишди. У бир сония тўхтади.

– Ука, – деди менга, – шаҳарга биринчи кели-  
шингми? Сенга маслаҳатим, ҳеч қачон ёмон ишга  
кўл урма! Худога ишон, албатта, ютиб чиқасан...

«ДАН» ходими уни бир силтаб хизмат маши-  
наси томон судради. Мен лол бўлиб қолгандим.  
Нима, у менга гапирдимми? Шаҳарга илк марта  
келганимни қаёқдан билди?

Одамлар менга эмас, жинни бўлиб қолган «Мо-  
сквич» эгасига қараб бош чайқардилар.

«Раф» жойидан силжиди-ю автобусларнинг би-  
ридан менга тикилиб ўтирган гўзал қизга кўзим  
тушди. У шунчалик чиройли эдики, кўз ололмай  
қолдим: қиз ҳам мендан нигоҳини узмас, наза-  
римда, фақат мени ўйларди.

Қабул имтиҳонларини муваффақиятли топшир-  
дим. Ўша пайтлари Самарқанд шаҳрида Макаренко  
номли педогогика техникуми бўларди. Жисмоний  
тарбия ўқитувчиси бўлишни болалигимдан орзу  
қилардим. Кун бўйи футбол, баскетбол, волейбол  
ўйнайсан, болаларни машқ қилдирасан, югуртира-  
сан. Ўзим орзу қилган техникумга ўқишга ўтган  
эдим.

Омадим чопганидан теримга сиғмай кўча-  
га шошилдим. Ота-онамни тезроқ хабардор

қилишим керак эди-да. Бироқ дарвозага етмасдан ўриндиқлардан бирида ўтирган қизга қарадиму оёқларимдан мадор кетди. Уни танидим. Бу қиз бир неча кун аввал менга автобусдан сирли нигоҳ ҳады этган париваш эди. Кийимлар тахланган сумкалари ёнида турарди.

– Кечирасиз, – дедим, – ёрдам керак эмасми?

Қиз ўзини бағоят ажаблангандек тутди, сўнг сезилар-сезилмас кулимсиради.

– Йўқ, керак эмас, – деди четга қараб.

Уни қайсар ҳолича ташлаб кетгим келмади. Ўриндиққа чўккан заҳотим гапирдим:

– Тўғриси, ўша одам мени қўрқитиб юборди.

Қиз менга ўғри қараш қилди-да, энди бошқа томонга қараб олди, лекин тилга кирди:

– Бечорага раҳмим келди.

– Мен бир юз ўн иккинчи гуруҳга ўтдим, сиз ҳам ўқишга ўтган бўлсангиз керак?

– Бир юз ўн олтинчи гуруҳ.

– Э-э, бошланғич таълим экансиз-да, табриклайман, – дедим ўзимни жиддий тутиб. «Ишқилиб, шилқим деб ўйламасин», деган хаёл ўтди дилдан.

– Бошланғич таълим эмасман, – деди қиз. – Оқиламан.

– Мен эса Аслан.

Қиз жойидан турди, шуни кутиб тургандек сумкаларига ёпишдим. Қизнинг баҳри дили очилиб кетди ва менга таскин бераётгандек:

– Квартирам узоқ эмас, иккинчи ҳаммомнинг орқасида, – деди.

– Нариги дунёга десангиз ҳам кўтариб бораман, – дедим Оқила билан чиқишганим шарафига баландпарвоз жумлаларни қайнатиб.

Аллақаердан тентак шамол отилиб чиқиб, чинорларнинг баргларини хилпиратди-ю яна ғойиб бўлди, иккита япроқ айлана-айлана ариқчага тушди. Оқиланинг нега буларга хайратомуз қараб қолганига ҳайрон бўлдим.

Катта кўча четидаги йўлакдан кетиб борарканмиз, гапиришга оғиз жуфтлагандим, аразлагандек менга қаради:

– Аслан, – деди у салобатли оҳангда, – Худога ишонасизми?

– Ие?! Ахир, мен мусулмонман. Катта отам намоз ўқийди.

– Биласизми, илоҳиётга алоқадор сўзларни ҳазил-ҳузулларда ишлатиш гуноҳ ҳисобланади.

Юкларни ерга қўйиб, Оқилага таъзим қилгим келди. Чиройли, ақлли, қатъиятли қизлар фақат китобларда бўлади деб ўйлагандим. Жимиб қолганимни кўриб Оқила яна менга юзланди, таққа тўхтадик.

– Сумканинг биттасини беринг, сизга оғирлик қилаяпти.

– Бу нимаси, Оқила? Иложи борича...

– Нима, иложи борича?

Унга «иложи борича сизни ҳам кўтариб олсам» демоқчи эдим, зийрак қиз пайқади. Меҳрибон кўзларига бардош беролмадим.

– Бундан кейин жиддий гапираман, – дедим ёнма-ён кетарканман.

Мен учун энг бахтли кун Оқила билан танишганим бўлиб қолишини истардим. Ундан-да бахтли кунлар никоҳ тўйимиздан тортиб, умрбод давом этажагига ишонардим. Оқила қаердан денг, ўзимизнинг тумандан экан. Туғилган йилимиз бир бўлгани билан, у мендан етти ойлик кичик эди. Кўнглимга бир сониялик шубҳа ҳам оралади: «Гўзалларнинг ошиғи кўп бўлади, Оқила ҳозир мен билан қандай муносабатда бўлса, қишлоғида орқасидан илакишган йигитларга ҳам шундай гапиргандир», деб ўйладим. Аммо кўп ўтмай бу болада ҳам омадим чопди. Юқори курсда ўқийдиган бир қиз мени чақириб шундай деди:

– Ука, мен Оқиланинг кўшни қишлоғиданман. Оиласини жуда яхши биламан. Ота-онаси авлиё инсонлар. Бу қиз эсини танигандан бери ўғил бола билан ёлғиз гаплашмаган, ниҳоятда андишали, имонли қиз. Бир-икки кундан буён сизни у билан кўраяпман. Ҳатто гуруҳидаги йигитларга ҳам бегонадек, сизга эса жуда яқинлашиб кетибди. Бу гапларни ўзига ҳам айтдим. Ука, сиз ҳам биз томонлардан экансиз. Ҳеч қандай хусуматим йўғу, бошидан айтиб кўяй, Оқила севги ўйини қилиб

юрадиган қизлардан эмас. Бунга ўзи ҳам, ота-онаси ҳам йўл қўймайди.

– Сизга катта раҳмат, опа, – дедим мен томон келётган раҳбаримиз Облакул домлага қараб олиб. – Оқилага ёмон кўз билан қарашим ҳақида гап бўлиши мумкинмас. Оқила гап-сўз бўлмай тинч юради. Агар унга биронта йигит...

– Хўп, гапларингизга ишондим, шунда ҳам яна битта гапни айтиб қўяй. Оқиланинг опаси бор, ўша бир йигитга фотиҳаланди. Бироқ уни синфдоши яхши кўриб юрар экан. Чидаёлмай қизни олиб қочди. Кейин нима бўлганини эшитсангиз ҳайрон қоласиз...

– Ассалому алайкум, домла, – дедим гапини бўлиб, ўқитувчига юзланарканман. – Пахтага кетамиз деган гаплар юрибди, шу ростми?

– Пахтага эмас, – деди Облакул. – Аввал узумга. Ҳозир ҳаммани менинг кабинетимга йиғ! Ҳеч ким кечикмасин.

Баскетбол майдончаси томон кетарканман, орқамдан Оқиланинг «ғамхўри» яна бир гап айтди:

– Ука, ишқилиб арилардан эҳтиёт бўлинг.

Тўсатдан пайдо бўлган курсдошим Қосим эгасига эргашган итдек ёнимда саланглаб кета бошлади.

– Менга қара, – деди у, – анави сенга нималарни уқтирди?

– Нима ишинг бор?!

– «Ари» деганини эшитиб қолдим. Шу дейман, сенгаям Оқиланинг поччасини арилар чақиб ўлдирганини сўзлади-ёв!

– Оқила ҳақида нима учун сенга гапириб юрибди?

Авзойимни кўриб Қосим ҳаммасини тушунди.

– Сенинг севишингни қаёқдан билай? – деди у бир қошини баланд, бирини паст қилиб. – Ёқимтой қиз экан. Балки гаплашиб берар деган хаёлда анави «землячка»сига оғиз очгандим, нукул тескари гапиради. «Э, бор-э», деб кетвордим. Сенга ҳам осмондан келиб ваъз ўқидими?

Йўлимда давом этдим.

– Аслан, – деди Қосим сохта қайғуриш охангида, – Оқилани тинч қўйганинг маъкул. Унинг ота-онасини норози қилсанг, сени арилар чақиб ўлдириб қўйиши мумкин. Опанинг гапларида жон борга ўхшайди. Ишон, дўстим! Яқинда чорраҳада ҳалокат бўлибди. Биласанми, шофёрни ҳам, пиёдани ҳам бир вақтнинг ўзида арилар талаған эмиш. Оқибатда шофёр рулни бошқаролмай қолибди, пиёда эса арилардан қочаман деб машинанинг йўлига чиқиб қолибди. Йўловчи ўлди, ҳайдовчи эс-хуши кирди-чиқди бўлиб «психболница»га тушди.

– Шу гапларингга ишонаяпсанми?

– Албатта, ишонаман.

– Ким нимага ишонса, ўша нарса юз беради, – дедим ғазабимни зўрға жиловлаб. – Шунинг учун

мени эмас, сени чақиб ўлдиради арилари. Ўша ҳалокатни шахсан ўзим кўрдим. «Москвич» эгасини ари чаққанди, лекин жа сен гапирганчалик мистика эмас. Нима керак Оқиланинг ота-онасини умуман танимаган-билмаган одамларнинг ҳалокатига алоқадор қилиб! Сенга маслаҳатим: Оқила ҳақида ўйлама ҳам, гап суриштирма ҳам. Акс ҳолда хафалашиб қоламиз. У меники.

– Вой-бў!.. – деганича Қосим ортда қолиб кетди.

– Ҳамма Облақул домланинг хонасига! – хитоб қилдим курсдошларимга. – Бизнинг Макаренко техникумимиз пахтадан олдин Булунғурга узумга чиқади!

Талабалар техникумнинг пишиқ ғишдан қурилган эски биносига кирдилар. Шу пайт кимсасиз ҳовлида қаёқдандир йигирма-ўттиз ари пайдо бўлди, ғувиллаганча атрофни бир айланиб, Даҳбед кўчаси томон учиб кетди. Мен бино остонасида ҳайкалдек қотиб, ариларни қузатдим. Ҳаял ўтмай нима сабабдан бунчалик кўрқиб кетганимга ҳайрон бўлиб, иккинчи қаватга шошилдим.

Бизга бир кун дам олиш ва индинига узумга кетиш ҳақида буйруқ берилди. Хурсанд бўлиб кўчага чиқаётганимда Оқилага дуч келдим. Ортидан кўчага чикдим.

– Оқила, сизда гапим бор! – дея уни техникум ёнидаги маҳалланинг тор кўчасига бошладим. – Ўзимни ҳам, сизни ҳам алдаб юролмайман. Эртага онам боради. Совчиликка!

– Нима?! Ундай қилманг, Аслан! Ота-онам мени нима деб ўйлашади?! Ҳали ўқишим...

– Сизни севиб қолдим, совчи юбориб розилик олиб қўйсам, ўқишни тугатгандан сўнг тўй қиламиз.

– Тавба, одам ҳам шунчалик тез... шошқалоқ...

– Хоҳласангиз йигирма йилдан кейин тўй қилмаймизми! Фақат ҳозир ҳўп денг, мен сизсиз...

Оқила гапимни охиригача эшитмади. «Хайр!» деганча кетиб қолди. Мен катта кўчага чиққанимда, икки дугона кулишиб бормоқда эдилар. Оқиланинг хафа эмаслигини кўриб, севинганимдан рўпарамдан чиққан Қосимни кучоқлаб олдим.

– Дўстим, юр, бугун тушлик мендан!

Эртасига онам совчиликка борди. Қайтиб келганданоқ Оқиланинг ота-онасини, оиласини мақтади. Улар рози бўлгандек жуда умидбахш сўзлар айтишибди. Йиғим-терим тугаши билан узил-кесил жавобларини маълум қилишармиш. Аммо менинг бир ойга сабрим чидармиди.

– Эна, эртага узумга кетамиз, – дедим зорланиб, – уч-тўрт кундан кейин яна совчиликка боринг, жавобини узумзорга бориб айтасиз. Шу баҳонада келинингизни ҳам кўриб келасиз. Биз узум терадиган жой узоқ эмас-ку.

Онам менинг ишқ оловида ёниб, бунчалик ўзгариб қолганимдан ёқа ушлади.

...Талабалар ва уларнинг йиғма каравотларию кўрпа-тўшаклари ортилган автобуслар атрофи

узумзорлар билан ўралган қишлоқлардан бирида тўхтади. Чанг кўчага оёқ босганиданок негандир бу заминда қандайдир нохушлик кутаётганини сездим. Қатор тизилган уйлар орқасидаги тераклар, ариқлардан шарқираб оқаётган сув, бизни томоша қилаётган қишлоқ болалари – барчаси менга ёқимсиз туюлди.

Ўғил болаларни дала шийпонига, қизларни қишлоқ уйларига жойлаштиришди. Мени хурсанд қилгани – шийпонимиз Оқилалар яшаётган қишлоқ яқинида эди.

Эртасига Облақул домла ҳаммамизни далага бошлаб келди. Асосан, вино узумларини терсак-да, атрофда ҳусайни, қора кишмиш, тойфилар хоҳлаганча топиларди. Еб-еб кўзимиз тўйиб қолди. Бармоқдек келадиган, сарғиш, тирсиллаб турган ҳусайниларни ҳам танлаб еймиз, фақат ариинига дуч келиб қолмаслик даркор.

Орадан етти кун ўтди. Оқила билан аҳду паймон қилдик. Энди онамнинг йўлига кўзларим нигорон эди. Эрталабданок Оқиланинг ёнига бордим, далага биргаликда чиқдик.

– Оқила, – дедим узумзорга киргач, – бугун онам келса керак, юрагим сезаяпти. Икки томон келишиб фотиҳа тўйимизни ўтказиб қўйишса яхши бўларди.

– Бунча шошиласиз, ҳеч бўлмаса, иккинчи курс бўлайлик.

Унинг қарашлари, жилмайиб қўйишлари мени буткул ёндириб, кулга айлантираётганди. Секин қўлидан ушладим...

У офтоб ва чангдан ҳимоя қилиш учун юзини рўмол билан бекитди, қўлига теримчиларнинг махсус қўлқопини кийди.

– Тайёрмисиз? – деб сўради қувноклик билан.

– Тайёрман, – дедим ва узум узиш ниятида каттакон токнинг тарвақайлаб кетган шохлари орасини очдим ва шу заҳоти ўнтача ари ғинғиллаб юзкўзимга ҳужум қилди, ўзимни жон ҳолатда орқага отдим. Кесакларга қоқилиб Оқиланинг оёқлари остига йиқилганимни, унинг «Ари! Ари!» деб қичқирганини эслайман. Бир қарасам, ариқ бўйида ўтирибман. Оқила юзимни юваяпти. Тобора юмилиб кетаётган кўзимни зўрға очдим. Иршайиб турган Қосимни, бош чайқаб нимадир деяётган Облақул домлани кўрдим. Кейин юзим ловиллаб, қовоқларим дўмбирадек шишиб, бутунлай кўрмай қолдим.

Эртасига кўзим очилди. Шийпондан чиқиб, ошпазларнинг олдига бордим. Кеча узум узаман деб ари инини ушлаб олганим, арилар чақиб ҳушимдан кеткизиб қўйгани ҳамма жойда муҳокама бўлаётган экан. Бу омадсизликдан ўкиниб ўтиргандим, бригадирлардан бирининг «Аслан, шу ердами? Уйдагиларинг келди» деган овози эшитилди. «Эҳ, бугун келмаганда-чи», дедим ичимда.

Албатта, онам аҳволимни кўриб, оҳ-воҳ қилди, отам эса «Кўзингга қарасанг бўлмайдами!» деб койиди.

– Ўғлим, – деди онам маҳзун оҳангда, – хафа бўлмайсан, Оқилани сенга беришмади. Қариндошлари билан маслаҳатлашибди. Бир жиянлари бор эмиш, ўзи намозхон, тижоратчи йигит. Ўшанинг ота-онаси қизни эгаллаб қўйибди. Ўқишинг эндигина бошланган бўлса. Ҳали кўп қизлар билан танишасан, келинликка номзодларни кейинроқ кўриб чиқаверамиз, хўпми?.. Кўнглингни чўктирма, болам...

Бошимга тўқмоқ урилгандек бўлди. Ота-онам билан қандай хайрлашдим, хонамга қандай етиб келдим, билмайман.

«Оқила... Уни бошқага беришадими? Менга абадий беғонами? Наҳотки, бу дунёда Оқиласиз яшаш мумкин бўлса?! Оқила... Оқилажон!..»

Анча вақт карахт ҳолда ётдим. Кўзларимдан ёстикқа ёш қуйилди. Яхшиям, ҳеч ким кирмади, йиғлаганимни кўрмади.

Тушдан сўнг курсдош қизлардан икkitаси пақир кўтариб шийпон ёнидан ўтиб қолди.

– Оқила кечкурун сизни кўришга келаркан, – деди бири.

Бу хабардан унчалик ҳам севинмадим. Бироқ менда ғалаён қилиши истаги пайдо бўлди. Ота-онаси кимга беришларидан қатъи назар Оқилани

Ўзимга оғдириб олсам марра меники эмасми? Қиз йиғлаб-сиқтаб уйидагиларнинг раъйига қарши чиқади ва... мени танлайди.

Кеч тушиши билан бўлажак учрашувга руҳан тайёрландим. Аммо осмонни булут қоплаб, шаррос ёмғир қуйиб берди-ю ивиб кетган Қосим шийпонга югуриб келди. Кийимларини алмаштириб, ювиниб олгач, менга кўрқа-писа назар ташлаб, деди:

– Аслан, мен Оқила билан дугоналарини хоналарига кузатиб қўйдим. Ўзлари шуни илтимос қилишди... Хуллас, жўра, сенга Оқила бир гап айтворди...

Сергак тортиб, Қосимга тикилдим. Назаримда, у қандайдир нохуш хабар айтмоқчи эди.

– Гапир!

Қосим кўзини олиб қочиб:

– Энди у сен билан учрашмайди, – деди. – Ишонмасанг ўзидан сўра. Ҳозиргина тоғасининг «Жигули»сида аяси келиб кетибди. Техникумдаги совчи юборган йигит билан гаплашмайсан дейишибди. Бўлмаса, ўқишдан бўшатиб, шу йилнинг ўзидаёқ эрга бериб юборишармиш. Агар одобли бўлиб юрса, тўйи ўқишни тугатгач бўларкан. Отасининг буйруғи шунақа экан. Қариндошларидан бирига «нон синдириш» қилишибди. Хуллас...

– Нима? – Вужудим музлаб кетди.

– Оқила кеча унаштирилибди... Қариндошининг ўғлига...

Қосимнинг қолган гаплари қулоғимга кирмади, ғазабдан кўкариб кетдим шекилли, бечора хабарчи гапини қисқа қилиб, чойни баҳона қилиб чиқиб кетди. Мен чидаб ўтира олармидим? Оқиланинг хузурига йўл олдим. У эгнига халат кийиб олганди. Сочларининг турмаги ҳам шунчалик ёқиб тушдики, оддий гўзалликнинг улуғ таровати олдида бир зум эсимни йўқотиб қўйдим.

Оқила ёнимга келди. Қўлларини халати чўнтагига солиб, бошини эгиб турдию тўсатдан йиғлаб юборди.

– Мени кечиринг, Аслан, – деди у, – сизни умидвор қилиб қўйдим. Ота-онам қариндошларимиз билан куда бўлишга келишиб қўйганди. Лекин охирги пайтлари қариндошларимиз бошқа қизни кўзлаб юришувди. Бирдан яна мени танлашибди. Ота-онамнинг лафзини ҳаром қилолмайман. Хафа бўлманг, Аслан... Илтимос...

– Шуми? Шу биргина тўсиқми? – дедим юрагим ёниб. – Мен сизни ўйин учун севмаганман. Сиз тўйи бўлмаган қизсиз. Мен сизни бир умр севиб, бир умр фақат сизни деб яшайман. Муҳаббат ўткинчи деганлар, то кўзи тирик эканлар, севгимнинг абадийлигига...

– Қўйинг, ундай деманг!

– Бир умр севиб яшайман! Бунга ишончим комил! Қачонлардир сизни севмай қолишим мумкин эмас... асло мумкин эмас... Эрга тегасиз,

йиллар ўтади, бола-чақали бўласиз, аммо менинг муҳаббатимни булар ўлдиролмайди. Умрбод, ҳар қадамнингизда мен сизни севганимни эслаб юрасиз. Шу айтаётган гапларим барибир юрагингизда яшайди ва сизни тинч қўяди деб ўйлайсизми?

– Аслан... – овози титради Оқиланинг.

У умидсиз эди, у иложсиз эди. Мендек ошиқдан айрилаётганига юраги қон йиғларди. Бироқ у ҳеч қачон ота-онасининг ваъдасига хиёнат қилмасди, қилолмасди.

– Оқила, муҳаббат бир, қисмат бир, – дедим. – Икковимиз бир-биримизсиз яшашимиз дунёнинг хатоси бўлади...

– Мен нима қилай, ахир?! – Оқила ўксиб-ўксиб йиғлай бошлади.

– Севгининг олдига тўсиқ қўйиб бўлмайди. Севги – иккимизнинг юрагимиз! Шундай экан, бошқа жамики мавжудлик не керак бизга?! Юринг, Оқила, кетамиз! Ҳамма-ҳаммасига қўл силтаб кетамиз!

– Кетамиз? – Севгилимнинг кўзлари қоронғиликда ғалати йилтиллади. – Қаёққа ҳам кетардик, Аслан? Бир қадам ташласак қарғиш уради-ку!

Беихтиёр юзимни силадим. Миямга лоп этиб Оқиланинг арилар чақиб ўлдирган поччаси ҳақидаги гап-сўзлар келди. Авлиёсифат ота-онани хафа қилиш сари қадам ташланса, сирли арилар

ажал нишларини санчади шекилли. Мен ҳали гуноҳга қўл урмаганим учун тирик қолгандирман?

– Ўлсак ҳам кетамиз! – дедим Оқиланинг қўлидан тортиб.

У жаҳл билан қўлини тортиб, ортига тисарилди ва куюқ зулмат қўйнига кирди. Мени эмас, ота-онасининг қарорини танлаган эди. Ортидан қайта-қайта чақирдим, аммо Оқила қайрилиб ҳам карамади, жавоб бермади.

Шийпонга бағри хун бўлиб, Мажнун бўлиб қайтдим. Эшик туткичига қўл чўзганимда, негадир осмонга қарадим. Нимадир мени чақиргандек туюлди. Булутли осмонга тикилдим ҳайратландим. Қора булутлар титилиб, ой мўралаб турарди. Не ажабки, олис тоғлар устида яна битта ой ўроғи ярақламоқда эди.

– Қаранг, – дедим менга яқинлашган одамга, – осмонда иккита ой...

– Аслан, нима бало, ичганмисан? – деди Облакул домла. – Ё ари чақиб, ой кўзингга иккита кўрина-яптими? Бор, ётиб ухла! Агар бизга ўхшаб Тинч океанида тўрт йил сузганингда момонгни Магаданда кўрар экансан-да...

Кўзимга уйку илинмади. Мен тақдир зарбасига чап бериб, курашда ғолиб бўлишимга ишонардим. Оқила барибир менга насиб этади, бошқача бўлиши ақлимга сиғмасди.

Афсуски, зарба устига зарбалар келаверди. Оқила бир кундан сўнг касал бўлиб, уйига жўна-

ди. Мен уни узум терими тугаб, барчамизни яна-да олисга, пахтачилик туманига олиб кетишганида кўрдим. Бу вақтда орадан йигирма кун ўтган, Оқилани жуда-жуда соғингандим.

Биз шийпонлардан бирида кечкурун ташкил этилган дискотекада учрашдик. Талаба-ҳашарчилар жойлашган қишлоқ ёшлари ўйин-кулгига анча ўч экан. Қолаверса, ўтган йили ҳам Макаренко техникуми шу ерга келган бўлиб, қишлоқ ёшлари ва юқори курсадагилар таниш бўлиб қолган эмасми, дарров байрам кечаси уюштириб юборишганди.

Оқилага қарадиму қотиб қолдим. У ўзини олдириб қўйгани шундоқ билиниб турарди. Бағримга босгим, сочларидан силаб, буюк қалбга бирон-бир таскин сўз айтгим келди. Биз бир-биримиз учун яралган эдик.

Шу пайт унинг ҳам кўзи менга қадалди. Ғамгин нигоҳлардан чилпарчин бўлишимга бир нафас қолди. Ортиқ чидаёлмай, унга яқинлашдим.

– Кузатиб қўяман, – дедим мунғайиб. – Ҳеч бўлмаса, битта техникумда ўқийдиган ака сифатида... рухсат беринг, Оқила...

Иккимиз ўз хаёлларимиз билан кета бошладик. Мен ҳам гапирмадим, Оқила ҳам. Анча юрганимиздан сўнг орқада келаётган дугоналари нимадир деб кулишгач, тилимга сўз келди:

– Оқила, сиз кўп куйинаверманг...

– Куйиниш-куйинмаслик ҳамиша ҳам одамнинг ихтиёрида эмас, – деди у. – Мен ўзимни ўйлама-

япман, сизни ҳеч нарса эзмаслигини Худодан тилаяпман. Албатта, бахтингизни топасиз. Ҳаётда қанча чиройли қизлар бор, ақлли қизлар бор. Сизга муносиб жуфти ҳалол бўлади...

– Тўйингиз қачон? – овозим титраб чиқди.

– Пахтадан сўнг.

– Оқила, мендан хафа бўлмангу, ота-онангизга бир марта ҳам эътироз билдирмадингизми? Фалончига берамиз дейишса, тегиб кетаверасизми? Нега улар сиздан бир оғиз сўрашмади?

Севгилим менга бир қараб олди. Яна бироз юргач, совуқдан жунжикиб юзимга термулди.

– Хайр, Аслан, – деди расмий оҳангда, – энди биз учрашмайлик, илтимос. Ахир, тўйи бўлаётган қизнинг шундай юриши ўзбекчиликка тўғри келадими? Эшитган кулокқа ҳам яхшимас.

Мен йўлда қозикдай қотиб турардим. Қизлар ёнимдан шошиб ўтиб кетишди. Бўғзимга нимадир тикилди. «Демак, гап ота-онада экан, – дедим ўзимга-ўзим. – Бориб улар билан гаплашаман. Ҳаммасини очик-ойдин айтиб ташлайман. Керак бўлса, ялинаман, тиз чўкаман, Оқилани менга берсалар бас!»

Эртасига умид билан йўлга чиқдим. Уйимга етиб келганимда қишлоғимиздаги ҳаёт бир зайлда кечаётганини кўриб дунё менинг қайноқ муҳаббатимсиз ҳам ўз изида давом этишидан ранжидим. Кимни севасан, кимга уйланасан, дунёнинг иши йўқ эди.

Онам деди:

– Қўй ўшани, бугун фотиҳа тўйи бўлаяпти. Бир ойдан кейин никоҳ тўйи, сен ҳам қутуласан, биз ҳам.

Ҳеч бунақа қўпол гапирмагани онам. Бошимни ҳам қилиб ўша куни яна пахтага қайтдим. Оқила билан битта жойда нафас олишга ташна эдим. То пахта мавсуми тугаб, шаҳарга қайтгунимизча Оқилага бир оғиз гапирмадим. У мени кўриб турса, мен уни – шунинг ўзи ҳам биз учун катта бахт эканини бирдек ҳис этаётганимизни англадим.

Ўқиш бошланди. Оқиланинг тўйи тўсатдан баҳорга қолдирилганини эшитиб бошим кўкка етди. Гўё бир мўъжиза юз бериб, тақдир севгилимини менга қайтариб берадигандек туюлди.

– Биз бахтсиз бўлмаймиз, – дердим ўзимга.

Менинг Оқилага ёки ота-онасига нолаю фиғон қилишимдан умид қолмаган дам эди. Биз кутардик. Унсиз кутардик бир мўъжизани.

Бир куни Облақул домланинг анатомия дарсида деразадан техникум ҳовлисига кўз ташладиму тепа сочим тикка бўлди. Дарсга кирмаган Қосим ва Оқила стадион четида суҳбатлашиб туришар, аниқроғи, Қосим уни кетишга қўймас, алланимани уқтирар эди. Раҳбаримиздан рухсат олиб, ташқарига ўқдек отилдим. Оқила кетиб қолган эди, Қосим эса мен томон келарди.

– Оқилага нималар дединг? – дея устига бостириб бордим.

– Ўзимнинг гапим бор эди.

– Нима ҳақкинг бор, Қосим! Менга дўстсан деса-сам...

– У энди сеники эмас-ку! – деди Қосим ҳам асабийлашиб. – Менга ёқади, унга уйланмоқчиман...

– Нима дединг?! – деб ёқасидан гиппа бўғдим.

– Сен кўлдан чиқардингми, энди аралашма! – деди Қосим. – Унга севги изҳор қилдим. Қараб ўтираманми! Фотиҳасини буздириб, ўзим уйланаман! Сен... сен шунчаки томошабинсин, холос. Қўлингдан ҳеч нарса келмади. Мен эса олиб қочиб кетиб бўлса ҳам...

Сайраб турган оғзига мушт солдим. Оппоқ қор қизилга бўялди.

Ўша куни техникумда йиғилиш бўлди. Қосим иккимиз ўқишдан ҳайдалишимизга сал қолди. Яхшиямки, курс раҳбаримиз Облақул домла шахсан аралашиб, биз талабалар сафида қолдик.

Баҳор келди. Битта жойда ўқисам-да, анча вақтдан бери Оқила билан ёлғиз юзма-юз келмаган эдим. Кунларнинг бирида дарвозадан кираверишда беихтиёр у билан тўқнашиб кетдим. Оқила «Кечирасиз» деб пичирлади-да, йўлида шитоб-ла давом этди. «Оқила, Оқила...» деб кўл чўзганча қолавердим. Шу пайт дугонаси келиб қолди.

– Яқинда Оқиланинг тўйими? – сўрадим Оқиланинг ҳар кунгидан-да ғалати эканини тўйга йўйиб.

- Тўйи шу ҳафта эди... – дугонаси менга ўқрайди.  
– Совуқ хабарни эрта-индин барибир эшитасиз, Аслан, унаштирилган куёв бола ўлибди, кеча...  
– Ўлибди?  
– Дугонам ҳеч қаерга сиғмаяпти... Бугун жанозаси...

Шундай қилиб, Оқиланинг тўйи тўхтади. Бир неча кундан сўнг ўқишга кела бошлагач, кўзларида чуқур ғам-андухни кўрмадим, лекин ўзини кўпчиликдан четга тортадиган бўлиб қолганди.

Бир куни якка ўзини техникум яқинидаги ошхонага чақирдим. У келди, аммо ҳеч нарса еб-ичмади.

– Совчи юбораман, – дедим ниҳоят.

– Фотиҳаси бузилган қизгами? – дея Оқила лабларини тишлади.

– Нега мени унақа деб ўйлайсиз? – қўлларидан ушладим. – Ишонасизми, агар эрга тегиб чиққанингизда ҳам фақат сизни дердим.

Оқила мунғайиб қолди, кўз ёшлари қизил яноғидан думалаб тушди, ғунча лаблари сезилар-сезилмас титради. Мен эса оҳу кўзларидан нигоҳимни узолмасдим.

– Аслан, – деди у, – сиз ҳақиқий йигит кишисиз, мен эса севгисига содиқ қиз бўлолмадим. Сизнинг тенгингиз эмасман.

– Қўйинг шунақа гапларни! Совчи юборсам розилик берасизми?

– Ота-онам нима деса шу.

– Уларни кўндираман.

– Фақат ҳозир эмас... Ўлган йигит қариндошимиз бўлади...

– Гаплашиб турайлик, Оқила.

– Йўқ, Аслан... Ҳамма нарсанинг вақти-соати бор...

Ошхонадаги учрашувдан сўнг таътилга чиқдик. уни ёз бўйи кўрмадим. Ёзги таътилни узоқдаги қариндошлариникида ўтказди. Совчиларимга отаси яна рад жавобини айтди. Кимдир «ўша йигит ичади, чекади, отаси ҳам ароқхўр», деганмиш. Авлиёсифат инсонлар миш-мишга ишонмаса-да, бу ерда бошқа сабаб борлигини сездим. Кутишга қарор қилдим. Шундай пайт келадики, ота-онаси менга ишонади. Оқила меники, фақат меники бўлади.

Сентябрда эса мени даҳшатли хабар кутиб турарди. Қосим Оқилага совчи юборибди. Қосимнинг бобоси Оқиланинг отасини танийдиган бўлиб чиқибди. Нафақат таниш, балки ўтмишда устоз-шогирд бўлган эканлар. Оқиланинг отаси дарров кўнибди ва куда бўлишга розилик берибди. Икки кун аввал, яъни августнинг охирида Қосим ва Оқила унаштирилибди, никоҳ тўй пахта мавсуми бошлангунча ўтказилармиш.

Югуриб учинчи қаватга чиқсам Қосим хуштак чалиб келаётган экан.

– Уришмоқчимисан? – сўради у тўхтаб қолганимни кўриб. – Оқилани сенга бермаган эканлар-ку, яна нима дейсан?

– Сени дўст деб ўйлагандим.

– Хўп, биз энди дўст эмасмиз. Қутулдимми?

Мен унга ташландим. Бир ғазабимга ўн ғазаб қўшилди. Мени ёмонлаган, Оқиланинг ота-онасини ўзига оғдириб олган ва тез орада чимилдикқа кириш ниятида юрган ифлос танани аямасдан тепкиладим...

Бир вақт орқада кимдир кичқирди. Ўзимга келсам, Қосим қора қонига беланиб ётибди. Ўқитувчилардан бири югуриб келиб Қосимнинг бошини кўтарди, бўйин томирини ушлади, юрагига кулоқ солди ва менга кўркув билан бокди-да, деди:

– Нималар қилиб кўйдинг, тентак?! У ўлиб қолибди-ку! Энди умринг қамокда чириydi, галварс!

Оқиланинг дийдорини кўрмасдан қамокқа равона бўлдим. Ўн икки йил уйимдан олисдаги қамокхонада умр ўтказдим.

Мен ҳамон Оқилани севардим. Унинг учун ҳамма нарсага тайёр эдим. Одамлар севадию кейинчалик ишқ оловлари ўчади, ҳатто бир-бирини унутишади. Менинг муҳаббатим эса ана шундай бевафоларга қарши исён эди.

Қишлоғимизга қайтиб келганимнинг биринчи ҳафтасидаёқ Оқилани ахтариб топдим. Оқилад бола-чақали эркакка иккинчи хотин бўлиб турмушга узатилган эди. Дастлаб, уни таниёлмадим. Мактабдан қайтаётган эди. Азадорларнинг оқ рўмолини ўраб олган озғин аёл, ғамгин киёфа наҳотки Оқилад бўлса? Шунчалар ҳам ўзгариб кетадими одам? Аввалги Оқиланинг фақат кўзлари қолибди-ку.

Юрагим потирлаб урди. Тилим шивирлади:

– Оқилад... ўзимнинг Оқилам...

У мени таниди. Бир кулимсираб қўйди-ю, йўлида индамай кетаверди. Рухсорини кўрганимдан маст эдим, шунча йил уни деб яшадим. Мана, кетиб бораяпти. Мана шу вужуд севгилим Оқилад. У бор, бундан кейин ҳам бор бўлади. Вужуди ўлса-да, тупроққа сингиб кетса-да, у бор бўлади. Зеро, у бор эди, ҳеч қачон туғилмаганини, ҳеч қачон мавжуд бўлмаганини ҳеч ким исботлаёлмайди. Инсон абадий. Муҳаббатим ҳам.

– Сени севаман, – пичирлади тилим.

– Унга ҳайрон бўлма, – деди ёнимда пайдо бўлган чол, – ўзи шунақа аёл. Осмонда иккита ой порлаган заминда фақатгина тушлар билан яшаш мумкин... Биласанми, унинг қишлоғимизга келин бўлиб тушганига ўн йил тўлди. Эрининг иккита боласи бор эди, иккинчи хотин бўлиб тегди. Фарзанд кўрмади бечора. Эри яқинда мотоциклдан

йиқилиб ўлди. Худо кечирсин, марҳум эри касал эди, яъни аёл билан яшаш қобилияти йўқ эди. Аввалги хотини шунинг учун кетиб қолган. Болаларини ташлаб, эрини ташлаб, биттаси билан қочиб кетди. Ёмонни кўя турайлик. Ўз эрига шунча йил садоқат билан сингил бўлиб яшаган аёл борми дунёда, деб сўра! Бор, дейман! Ана шу Оқила...

Оқиланинг изидан бормадим. У бировнинг беваси эди. Нима қарорга келишни билмай Мажнун бўлиб яшайвердим. Мўъжиза юз беришига ишонардим. Мўъжиза юз бермагунча умримни танҳоликда ўтказишга аҳд қилдим. Оқилани бевовта қилмайман, яраларини тирнамайман.

Бир куни кўшни туманга йўлим тушди. Машинада атрофни томоша қилиб кетарканман, дафъатан бир вақтлар талабалик чоғида узум терган жойимиздан чиқиб қолдик. Машинани тўхта-тишни илтимос қилдим.

Узумзор оралаб борарканман, юрагим қиса бошлади. Умрим охирлаб қолганини тушундим ва ортиқ юролмай кесакка суришиб узум устига йиқилдим. Не тонгки, узум орасида арининг ини бор экан. Арилар ғувиллаб ҳавога кўтарилганини кўрдим. Кейин гувва ташланишди. «Мени ҳам арилар чақиб ўлдирар экан-да», деган ўй ўтди кўнглимдан. Аввалги қурбонлар сўнгги дамларида нима деганини билмас эдим. Мен эса тақдир ўйинларидан безган, чарчаган овозда, аммо қахрамонларча хитоб қилдим:

– Оқила, сени севаман!

Аъзои баданимга нишлар аёвсиз санчила бошла-са-да, қимирламай ётавердим. Бир пайт қандайдир қиз жимфери билан ариларни қувиб солди. Ким-сасиз узумзорни йигит-қизларнинг қий-чуви ту-тиб кетди. Улар қаердан пайдо бўлиб қолганига хайрон эдим.

Бир пайт қарасам, Оқила юзимни юваяпти. Орқадан Облақул домла гапириб келаяпти:

– Аслан, ҳўв Аслан, уйдагиларинг келди, тўйинг яқинми дейман?

Бир кўзимни зўрға очиб, аввал Оқилага, кей-ин узум тераётган курсдошларимга тикилдим. Кўрганларимнинг ҳаммаси даҳшатли туш эка-нини, шаҳарга келган кунимдаги «Москвич» ҳайдовчисининг қисмати бошимга тушганини, орадан ўн тўрт йил эмас, бир дақиқа ўтганини ан-ладим.

– Ҳушингдан кетдингми шунгаям? – дея Қосим елкамга қўлини ташлади.

Мен унсиз йиғлаб юбордим. Кўз ёшларимни ҳеч ким кўрмасликни, ҳушимдан кетганимда бо-шимдан кечирган ўн тўрт йилни бирор зоғ билмас-лигини истардим.

Ўша куни хушхабар эшитдим: Оқиланинг от-аси рози бўлибди. «Куёвни танийман, ўн тўрт ўтга ташласанг ҳам чидайди» дебди. Тўйни пахта мав-сумидан сўнг ўтказиш ҳақида келишиб олибдилар.

Мен кимнингдир синовидан ўтган эдим. Умрим қора туш каби эмас, ёп-ёруғ ва бахтли кунларга бой бўлишини англадим.

– Ҳаётга хуш келибсан, – дедим ўзимга.

Ўша кундан сўнг кечалари осмонда битта ой ёғду таратадиган бўлди.

– Яшасин муҳаббат!

...Йўқ, ҳикояни тугатмадим. Яна бир гап қолди:

– Яшасин муҳаббатга садоқат!

### АРВОҲ ОВЛАГАН МУЛЛА

Бу воқеа бугдой ўрими фаслида содир бўлган. Бировлар ўтган йили деса, айримлар ўтган асрда, дейишади. Қайси йиллиги номаълум ўша дамларда Тархон мулла чорпояда ўтирадиган одат чиқарган экан. Бир куни олис қишлоқдан Гулмирза деган кенг елкали, бадқовоқ киши ташриф буюрганда ҳам чорпояда оёқларини саланглатиб ўтирарди. Меҳмон «Москвич»идан тушиб, «Мулла бова, ҳўв мулла бова» деб ҳовлига қадам қўйдию мулла деб гумон қилмади. Чунки Тархон мулланинг донғи етти вилоятга кетган бўлиб, чорпояда бундай ўтириши Гулмирзанинг тушига-да кирмаганди.

– Мен Қорасувоқ қишлоғиданман, мулла бова, – деб ўзини таништирди келгувчи. – Ота-бобом деҳқончилик билан кун кечирган. Лалмикор борми, сувликорми, ғалла экамиз. Ўн гектар ер олган-

ман. Шу десангиз, даламнинг ўртасида бир мозор бор, юз йил бурунги, деб эшитганман. Куним тинчгина ўтаётганди, аксига олиб мана шу йил тракторларим даламда юролмай қолди. Ишонасизми, ойдайгина юрган техника даламга кирса, ё бирон жойи синиб кетади, ё ўз-ўзидан тақа-тақ ўчади-қолади. Ўзимники майли, буғдой ўришга ўн беш чақирим наридан комбайн топиб келдим. Ҳар ўн қадамда бирон жойи бузилади. Чаккага тегиб кетди-е!

– Мозорнинг алоқаси бор, демокчимисиз? – сўради мулла қуюқ қошларини чимириб.

– Ҳа-да! Ҳар йили товук-повук сўйиб, қон чиқарардим, бу йил кечикдим, роса бир ойга! Энди қўй сўйсам ҳам фойдаси тегмаяпти. Ишонасизми, бормаган фолчим, азайимхоним қолмади. Сизни бунақа иш билан шуғулланмайди, дейишади, лекин илтимос билан келган одамни қайтариб юбор-массиз? Ҳосилим ёмғирда қолиб кетмасин, ҳали ер ҳайдашга ҳам улгуришим керак, ўтиниб сўрайман.

– Бунинг учун нима қилишим лозим?

– Ўша мозордаги арвоҳ мендан норози. Шунга... дуо ўқиб... жиловлабми... нимадир қилсангизу бизни тинч қўйса...

– Жиловлаш? Тинч қўйиш? Қизиқ даъво!.. Ишларингиз орқага кетганига арвоҳ сабабчи эканлигини ким айтди?

– Буни ҳамма билади, мулла бова! Ахир, авваллари ҳам қон чиқарилмагунча шунақа фалокатлар бўлаверарди. Бу йил негадир қаттиқ олаяпти... – Шу пайт Гулмирзанинг эсига битта далил тушди шекилли, айтсамми-айтмасамми, деб иккиланиб қолди.

– Яна ниманидир гапирмоқчимисиз, бўтам?

– Битта мастни ҳисобга олмаганда, бошқа ҳеч ким кўрмаган ўша арвоҳни. Буғдой пишигига бир ой қолганда, ярим кечаси даламдан ўтиб бораётган экан. Қаршисидан эшак мингган оппоқ соқолли одам чиқибди. Эшагига буғдой ортиб олганмиш. Биласизми, мулла бова, эскиларнинг айтишича, ўша қабрдаги одам бозордан буғдой олиб келаётганда йўлтўсарлар томонидан ўлдирилган экан. Маст одам арвоҳнинг фаркига борармиди! «Э, бова, сизни танимадим, алламаҳалда қаёққа кетаяпсиз?» – деб бамайлихотир сўрабди. Ҳалиги шарпа нурга ўхшаб мастнинг устидан ўтиб кетибди. Бироз юриб, бошини бурибди-да: «Ернинг эгасимисан? Қарғишга қолибсан-ку, палакат!» – дебдию йўлида давом этибди... Бор гап шу.

У маст воқеасини алжирашга йўяди деб, Тархон муллага ҳадиксираб тикилди. Қайси даргоҳга бормасин, аччиқ гаплар эшитганди. Бирок Тархон мулла бу хусусда эътироз билдирмади. Рўпарасидаги одамни синчковлик билан кузағиб чиққач, бошини оҳиста чайқаб, деди:

– Бор гап шу, дейсизми? Ҳм, сизни бир ўқиб кўйишим керак экан, зора дуои насихатларим кор қилса.

Мулла уни уйга таклиф этди-да, ярим соат кироат билан сураю муродбахш дуолардан ўқиди. Панд-насихатларга амал қилса, шу кўйи иши юришиб кетишини айтди.

– Бунинг учун Қорасувокқа бориб, арвоҳ билан олишишим шарт эмас, – деди у маъноли оҳангда.

Рости, Гулмирзанинг кўнгли тўлмади.

– Мулла бова, агар бугун ҳам, эртан ҳам эски ҳол такрорланса, сизни олиб кетаман. Мозор бошида дуои фотиҳа қиласиз, ер-тупроқни ҳам ўқиб ташлайсиз. Бандаси баҳона бўладиган иш экан, демас, сиздан бўлак ким ҳам ёрдам бероларди.

Кейинги кун, туш чоғи Гулмирза ниҳоятда ҳориган, қовоғи баттар солинган, елкалари чўккан ҳолда қайтиб келди. Тархон мулла авзойига қараб, ҳозир йиғлаворса керак, деб ўйлади.

– Оёғингизга йиқиламан, бормасангиз бўлмайди, – дея даҳшатли тушини ҳикоя қилиб берди.

Ўша чол тушига кирганмиш. «Сен Тархондан паноҳ истадингми, галварс? – деб қамчини ўқталибди. – Аҳволингга бок, ўзингдан паноҳ иста, ўзингдан!..» Бу ҳам етмагандай у эшак устидаги копни ағдариб юборган экан, ичидагилар шалоп этиб оқиб чиқибди. Гулмирза караса. буғдой эмас, ичак-чағлар эмас. «Бу сенсан! – дебди арвоҳ.

– Кўрдингми, аслинг қанақа? Шу кетишингда чириб-битасан-ку, сўқир банда!..»

– Комбайн ҳам юрмаяптими? – сўради мулла мудҳиш тушни эшитиб, соқолини ҳузур қилиб силаркан.

– Ҳатто даладан чиқолмаяпти, – йиғламоқдан бери бўлди деҳқон.

Улар «Москвич»да Қорасувоқ қишлоғи ва арвоҳ даласи томонга жўнадилар. Мулла оғир хаёлга толган эди. Йўл-йўлакай Гулмирдан қачон ер олганини, кимга уйланганини, охирги вақтларда кимлар ҳасад қилиб юрганини сўраб олди. Гулмирза дардини дастурхон қиларкан, одамлардан нолиди. Бу дунёда инсонга инсондан бошқа айтарли душман йўқ эмиш.

Гулмирзанинг даласи қишлоқнинг кунгай тарафидаги қирлардан сўнг бошланарди. Хийла кенг, ҳосилдор ер экан. Улар комбайн таъмирлаётган кишилар ёнидан пиёда ўтиб, шохларига латта-путта боғланган ёлғиз қари тут ёнига етдилар. Қовжираган қалин алафлар, тиканаклар тагида мазор борлигини пайқаш осон эмасди. Юмронқозиклар неча йиллардан буён ин қурган, илону чаёнларнинг маконига ҳам айланган. Атрофига қадам босишга кўрқади киши.

– Майли, сиз истаганингизча бўла қолсин, – деди мулла. – Шу атрофга қапа қурасиз, уч кеча-кундуз ёлғиз ўқишим керак, Гулмирзабой. Ош-овқат си-

здан. Лекин илтимос, икки тақсимчада кам-камдан икки кишига бўлсин. Биз кўп емаймиз.

– Биз? Яна ким ётади сиз билан?

– Ёлғиз ўқийман, дедим-ку. Иккинчи овқат ана-ви кишига.

Шундай деб мулла тут тагидаги мазорни кўрсатган эди, Гулмирзанинг эти жимирлаб кетди. У умрида бундай даҳшатли ва мантиқсиз гапни эшитмаган эди. Наҳотки, арвоҳ мазордан чиқиб, қападаги мулла билан овқатланса?..

Тархоннинг айтганлари бажо келтирилди. Ўша кунлари Гулмирза даласига ҳеч ким яқин йўламай қўйгани ҳақида ҳалигача гапиришади. Ҳатто, дайди итлар ҳам ўрилмаган галлазорни ғалати шамол шилдиратганда ғингшиб қочиб қоларкан. Орадан ваҳимали, серғалва, беҳосият уч кун ўтгач, ёрқин тонг отибди. Мулла Гулмирзани ёнига чақириб, бироз насихат қилибди, кимларга худо йўлига ёрдам қилишни тушунтирибди ва жўнаб кетибди. Шу-шу арвоҳ безовта қилмай қўйибди.

Камина Тархон муллани танир эдим. Кунларнинг бирида ёлғиз учратиб, сўрадим:

– Ёвуз арвоҳни қандай енгдингиз, мулла бова? Ё у йўқ нарсамиди?

Мулла чорпояда оёқларини саланглатиб ўтирганча, маккажўхоризорни томоша қиларкан, ҳеч кимга айтмаган воқеани ҳикоя қилиб берди:

здан. Лекин илтимос, икки тақсимчада кам-камдан икки кишига бўлсин. Биз кўп емаймиз.

– Биз? Яна ким ётади сиз билан?

– Ёлғиз ўқийман, дедим-ку. Иккинчи овқат ана-ви кишига.

Шундай деб мулла тут тагидаги мазорни кўрсатган эди, Гулмирзанинг эти жимирлаб кетди. У умрида бундай даҳшатли ва мантиксиз гапни эшитмаган эди. Наҳотки, арвоҳ мазордан чиқиб, қападаги мулла билан овқатланса?..

Тархоннинг айтганлари бажо келтирилди. Ўша кунлари Гулмирза даласига ҳеч ким яқин йўламай кўйгани ҳақида ҳалигача гапиришади. Ҳатто, дайди итлар ҳам ўрилмаган ғаллазорни ғалати шамол шилдиратганда ғингишиб қочиб қоларкан. Орадан ваҳимали, серғалва, бехосият уч кун ўтгач, ёрқин тонг отибди. Мулла Гулмирзани ёнига чақириб, бироз насиҳат қилибди, кимларга худо йўлига ёрдам қилишни тушунтирибди ва жўнаб кетибди. Шу-шу арвоҳ безовта қилмай қўйибди.

Камина Тархон муллани танир эдим. Кунларнинг бирида ёлғиз учратиб, сўрадим:

– Ёвуз арвоҳни қандай енгдингиз, мулла бова? Ё у йўқ нарсамиди?

Мулла чорпояда оёқларини саланглатиб ўтирганча, маккажўҳоризорни томоша қиларкан, ҳеч кимга айтмаган воқеани ҳикоя қилиб берди:

– Ярим кечаси кимдир темир-терсаклар жаранги билан капага секин яқинлашиб кела бошлади. Чиксам, баданига больтлар санчилган, темир-терсакларни бўйнига сим билан осиб олган, қора қонга бўялган одам тишини тишига босиб турибди. «Комбайним укамнинг номида эди, – деди бечора, – у менга билдирмасдан арзон-гаровга сотиб юборди. Комбайнни олган одамга ўша пулидан ошиқча бераман десам ҳам, техникамни қайтармаяпти...» Уч кундан кейин комбайнингизни қайтариб беришади, деб зўрға кутулдим. Иккинчи кеча кимдир чақирди. Бир одам ҳавода муаллақ турибди. Иккала оёғи йўқ эди. У: «Гулмирза кимларгадир пора бериб, ошна-оғайнигарчилик қилиб ерни тортиб олди, мен каттиқ норозиман», деди. Аслида ерунга насиб этиб турган экану ўртага Гулмирза тикилибди. Бу арвоҳдан эрталабгача минг азоб билан халос бўлдим. Учинчи кеча хуштак овозини эшитдим. Қорни ўйилиб, умуртқа суяги кўришиб қолган ғамгин кимсани кўрдим. Ҳар нафас олганида ҳаво ўпканинг тешикларидан чийиллаб чиқиб кетарди. «Ўтган йили тийрамоҳда Гулмирза уруғликқа буғдой сотиб олганди, пулини бермай ҳақимни еб кетди», – деди хириллоқ товушда. Ундан етмиш еттита дуо билан кутулдим.

– Таксимчадаги овқатга таклиф этмадингизми?

– Агар тириклик даъво қилишса, овқат еб исботлаб бериши керак эди, – деди жавобан мулла. –

Улар уч хил қиёфадаги битта рух эканлигини тушунгандирсан? Дунёда рухлар кўп, лекин аслида ҳаммаси битта бўлиб чиқади, мана шу уларнинг тириклардан асосий фарқи...

– Уч кундан кейин комбайн юриб, Гулмирза аканинг ишлари силжигани ростми? Рост бўлса, бунда нима ҳикмат бор? Сизни арвоҳ овлайдиган мулла, дейишади, чин экан-да?

– Маккажўхорилар беш кунлик умрида бўй чўзиб, ўткинчи дунё ҳақида кўп сўзлашадилар, – деди мулла, – биз ҳам шундаймиз. Гулмирзанинг ишлари юришишига ҳаммасини тушуниб етгани, кўнглига яхши ният туккани важ бўлди. Арвоҳлар тирикларнинг ўкинчларидан куч оладиганга ўхшаши ҳам бежиз эмас. Эшитдим, одамлар мен ҳақимда «арвоҳ овлаган мулла», деб гап тарқатибди. Балки буни «арвоҳ авраган» деб ўзгартирарсан?

Кейинчалик менга бир одам айтди, мулла арвоҳларни эмас, арвоҳлар муллани овлаган экан. Негаки, муллани қўлга олиб, у орқали талабларини айтмаганида, сўқир одамлар ҳалигача сўқирликда яшаб юришган бўлишарди.

## МУНДАРИЖА:

### *Мистик ҳикоялар*

Мархум келиннинг хиёнати.....	3
Ботқоқлик шарпаси.....	10
Оқ соя.....	24
Тўйга бир кун қолганда.....	33
Отхонадаги арвоҳ.....	81
Гертруда.....	89
Эбжин алвастиси.....	101
Қора келин.....	110
Тилла тишли эчки.....	119
Афсунгарнинг ўлими.....	127
Ойна ортида.....	140
Бахтсизлик бир қадам.....	152
Туя ови.....	160
Эсдалиқ дафтардаги жумбоқ.....	167
Тунги фожиа.....	176
Узук.....	185
«Хайр, мушукча».....	192
Пахтазор кўланкаси.....	198
Саккизинчи уй.....	208
От деви.....	235
Чакалок.....	244
«Мен сени севардим...».....	252
Арвоҳ овлаган мулла.....	279

Улар уч хил қиёфадаги битта рух эканлигини тушунгандирсан? Дунёда рухлар кўп, лекин аслида ҳаммаси битта бўлиб чиқади, мана шу уларнинг тириклардан асосий фарқи...

– Уч кундан кейин комбайн юриб, Гулмирза аканинг ишлари силжигани ростми? Рост бўлса, бунда нима ҳикмат бор? Сизни арвоҳ овлайдиган мулла, дейишади, чин экан-да?

– Маккажўхорилар беш кунлик умрида бўй чўзиб, ўткинчи дунё ҳақида кўп сўзлашадилар, – деди мулла, – биз ҳам шундаймиз. Гулмирзанинг ишлари юришишига ҳаммасини тушуниб етгани, кўнглига яхши ният туккани важ бўлди. Арвоҳлар тирикларнинг ўкинчларидан куч оладиганга ўхшаши ҳам бежиз эмас. Эшитдим, одамлар мен ҳақимда «арвоҳ овлаган мулла», деб гап тарқатибди. Балки буни «арвоҳ авраган» деб ўзгартирарсан?

Кейинчалик менга бир одам айтди, мулла арвоҳларни эмас, арвоҳлар муллани овлаган экан. Негаки, муллани қўлга олиб, у орқали талабларини айтмаганида, сўқир одамлар ҳалигача сўқирликда яшаб юришган бўлишарди.

## МУНДАРИЖА:

### *Мистик ҳикоялар*

Мархум келиннинг хиёнати.....	3
Ботқоқлик шарпаси.....	10
Оқ соя.....	24
Тўйга бир кун қолганда.....	33
Отхонадаги арвоҳ.....	81
Гертруда.....	89
Эбжин алвастиси.....	101
Қора келин.....	110
Тилла тишли эчки.....	119
Афсунгарнинг ўлими.....	127
Ойна ортида.....	140
Бахтсизлик бир қадам.....	152
Туя ови.....	160
Эсдалиқ дафтардаги жумбоқ.....	167
Тунги фожиа.....	176
Узук.....	185
«Хайр, мушукча».....	192
Пахтазор кўланкаси.....	198
Саккизинчи уй.....	208
От деви.....	235
Чакалок.....	244
«Мен сени севардим...».....	252
Арвоҳ овлаган мулла.....	279

Азамат ҚОРЖОВОВ

# МАРҲУМ КЕЛИННИНГ ХИЁНАТИ

*Мистик ҳикоялар*

**Муҳаррирлар:**

А.Тилавов  
У.Султонов

**Техник муҳарир:**

Ю.Ўринов

**Мусаҳҳиҳа:**

И.Заҳидова

Наш.лиц. № АІ 245, 02.10.2013.

Теришга 22.10.2016 йилда топширилди. Босишга  
25.11.2016 йилда рухсат этилди. Бичими: 60x84 1/16.  
Офсет босма. Таймс гарнитураси. Шартли б.т. 16.75  
Нашр б.т.18 Адади: 5000 Буюртма №84.  
Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,  
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Sano-standart» МЧЖ босмаҳонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.  
Телефон: (371) 228-07-96, факс: (371) 228-07-95